Ғ. АБДУРАҲМОНОВ , А. РУСТАМОВ

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛ

УНИВЕРСИТЕТЛАР ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ СТУДЕНТЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

ЎзССР Олий ва махсус ўрта таълим министрлиги тасдиқлаган

ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ" 1982

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тақризчилар:

филология фанлари доктори
С. МУТАЛЛИБОВ ва
филология фанлари кандидати
Л. ХАЛИЛОВ

Махсус редактор
филология фанлари доктори
А. АЛИЕВ

© „Ўқитувчи“ нашриёти, Т., 1982 й.

А $\frac{70104-358}{353\ (04)-82}$ инф. письмо 82 4602010000

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУҚАДДИМА

Ўзбек тили[1] туркий тилларга[2] мансуб бўлиб, олтой назариясига кўра мўғул, тунгус-манжур, корейс ва япон тиллари билан биргаликда олтой тиллари оиласини ташкил қилади. Олтой тилларини ўрол тиллари (угор, фин ва самодий тиллари) билан қардош деб ҳисобловчилар ҳам бор. Туркий тилларнинг айрим тиллар билан қардошлиги масаласида бошқача тахминлар ҳам мавжуд[3]. Лекин кўпчилик олтой назарияси тарафдоридир.

Олтой назариясига кўра туркий тилларнинг, жумладан ўзбек тилининг тарихи, олтой тилларнинг қадимда бир тил бўлган — олтой[4] давридан бошланади. Тарихий ҳужжатларнинг йўқлиги сабабли бу даврнинг саналари номаълум. Олтой бобо тили дастлаб тунгус-манжур ва турк-мўғул тилларига; турк-мўғул тили эса турк ва мўғул тилларига ажралган. Шундан сўнг туркий тиллар тарихида хун даври (милоддан аввалги учинчи асрдан милоднинг тўртинчи асригача) бошланиб, туркий тиллар икки тармоққа — шарқий хун ва ғарбий хун тилларига бўлинади. Туркий тиллар тарихида хун даврининг алоҳида кўрсатилишига ўша даврда Марказий Осиёдан Шарқий Европагача бўлган территорияни ишғол қилган хун хонлигининг вужудга келиб, кейинчалик унинг иккига ажралиши асос қилиб олинади.

Сўнгра милоднинг бешинчи асридан ўнинчи асригача бўлган узоқ вақтни ўз ичига олган қадимги турк даври келади. Умумхалқ ўзбек тилининг тарихи олтой давридан бошланса, ўзбек адабий тилининг тарихи ёзма ёдгорликлари маълум бўлган қадимги турк давридан бошланади. Лекин бу даврнинг адабий тили ва обидалари барча туркий халқларга тааллуқлидир.

Қадимги туркий ёзма ёдгорликларига туркий рун (урхун-енисей), уйғур ва қисман моний (ёки монавий), браҳмон, суғд ва сурёний ёзувларида ёзилган обидалар киради. Рун ва уйғур ёзувлари туркий халқларга хос ёзувдир. Тошга ўйиб ёзилган рун ёзуви ёдгорликлари дастлаб Енисей ҳавзасида, сўнгра XIX аср охирида Мўғулистоннинг Урхун дарёси бўйида топилиб, бу ёзувни дастлаб даниялик тилшунос В. Томсен ва рус туркологи В. Радлов аниқлади. Ҳозирги пайтгача урхун ёзувида ёзилган кўплаб тош, идиш, асбоб, тангалар, китоб, китоб варақлари ва айрим қоғозлар ҳам маълум[5]. Талас ва Енисей обидаларидаги ёзув Урхун обидаларига нисбатан ҳарфларнинг шаклий вариантларининг кўплиги билан фарқ қилади.

Уйғур ёзувида ёзилган асарларнинг[6] ҳаммаси ҳам қадимги турк даврига оид эмас[7], чунки бу ёзув XVIII асргача қўлланди. Уйғур ёзувини Маҳмуд Кошғарий „турк ёзуви" деб атайди ҳамда бу ёзувда ўн саккизта ҳарф борлигини ва туркий тилларда мавжуд бўлган ет-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тита товуш (п, ж (портловчи), ж (сирғалувчи), ф, ғ, г, нг) учун махсус ҳарфлар йўқлигини, унлиларнинг эса араб тилидагидек ҳаракатлар билан эмас, ҳарфлар билан ифодаланишини айтиб ўтади[8]. Маҳмуд Кошғарий турк (уйғур) ҳарфларининг алоҳида ва қўшиб ёзилгандаги кўринишларини ҳам берган. Туркологлар томонидан қадимги турк ёдномалари тилидаги лаҳжавий фарқлар ҳақида ҳам баъзи фикрлар баён қилинган[9]. Бу тўғрида А. фон Габеннинг[10] н ли ва й ли лаҳжалар ҳақида билдирган фикри муҳимдир.[11] Н ли лаҳжада сўз ўртаси ва охирида н товуши келган сўзларда й ли лаҳжада й товуши келади: *анығ – айығ* (ёвуз); *чыған — чығай* (камбағал) каби[12]. Н ли лаҳжада асосан моний ёзувидаги ёдгорликлар яратилган. Ўзбек тилига й ли лаҳжа н ли лаҳжага нисбатан кўпроқ алоқадордир[13].

Қадимги турк ёдномаларининг йирик намуналари адабий тил нуқтаи назаридан қаралса, уларнинг бир неча туркий лаҳжаларини ўз ичига олган адабий тилда ёзилгани маълум бўлади. Бу ёзма адабий тил кўпгина туркий қабилалар учун умумий бўлган оғзаки адабий тил асосида вужудга келган[14]. Мана шу адабий тил қадимги туркий тил деб аталади. XI асрда бу адабий тил ўрнини шунинг асосида вужудга келган ва унга нисбатан жуда ривожланган эски туркий тил[15] босади. Эски туркий тилнинг энг йирик намунаси баласағунли Юсуфнинг „Қутадғу билиг" асаридир[16].

Қадимги туркий тилнинг рун ёзувида битилган йирик намуналари қуйидагилардир:

1. **Кул тигин** (Шаҳзода Кул) **битигтоши.** (Китобнинг „Текстлар" бўлимига қаранг.)
2. **Билга хоқон битигтоши.** (Ўша бўлимга қаранг.)
3. **Тўнюқуқ битигтоши.** (Ўша бўлимга қаранг.)
4. **Унгин** (Онгин) **битигтоши.** (Ўша бўлимга қаранг.)
5. **Кули чур битигтоши.** Битигтошни 1912 йилда польшалик профессор В. Котвич Мўғулистоннинг Улан-Батор яқинидаги Ихе—Хушоту манзилидан топган ва унинг текстини А. Самойлович билан биргаликда „Рўчник ўриенталични" (Шарқшунослик йилномаси) нинг 4- жилдида (1928) нашр этган. Ундан кейин битигни Ҳ. Н. Орқун „Эски турк язитлари"нинг 1- жилдида (Истанбул, 1936), сўнгра С. Е. Малов ўзининг „Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии" (М. — Л., 1959); қозоқ олими Г. Айдаров „Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века" (Алма-ата, 1971) китобида нашр этганлар. Кули чур 731 йилда ҳалок бўлган деб тахмин қилинади.
6. **Моюн чур битигтоши.** Буни фин олими Г. И. Рамстедт 1909 йилда Шимолий Мўғулистонда Селенга дарёси ва Шинэусу кўлига яқин ерда топган ҳамда битигни ва унинг таржимасини „Фин-угор маданияти журнали"нинг 30- жилд, 3- бўлимида (Хельсинки, 1913), сўнгра рус географияси жамияти асарларининг 15- томида (СПб, 1914) нашр қилган. Кейин Ҳ. Н. Орқун, С. Е. Малов ва Г. Айдаровлар ҳам ўзларининг мазкур китобларида битигни таржимаси билан нашр этганлар. Битигтош 759 йилда қўйилган деб тахмин қилинади.
7. **Ирқ битиг** (фолнома). Қўлёзмасини А. Стейн Хитойдаги Дунхуан яқинидаги „Минг будда ғори" деб аталувчи ибодатхона хизматчисидан олиб Лондонга келтирган. Буни дастлаб В. Томсен „Зе журнал оф Рўял Азиатик систанти" (Қирол Осиё жамиятининг жур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нали) нинг 1912 йил январь сонида нашр этган, сўнгра бу асарни Ҳ. Н. Орқун „Эски турк язитлари“нинг иккинчи жилдида, С. Е. Малов „Памятники древнетюркской письменности“да унинг бир парчасини нашр қилган.

Қадимги туркий тилнинг тахминан V — X асрларда вужудга келган уйғур ёзувидаги йирик ва асосий намуналари қуйидагилардир:

1. **Хуастуанифт.** („Монавийларнинг тавбаномаси“.) Бунинг учта қўлёзма нусхаси бор. Турфан яқинидаги Остона деган жойдан келтирилган Ленинград нусхаси уйғур ёзувида ёзилган. Турфандан топилган Берлин нусхаси ва „Минг будда ғори“дан топилган Лондон нусхаси моний ёзувида ёзилган. Ле Кок бу асарнинг Берлин нусхасининг факсимили, транскрипция ва немисча таржимасини Берлинда, Лондон нусхасининг факсимили, транскрипция ва инглизча таржимасини Лондонда 1910 — 1911 йилларда нашр қилган. Бу асарнинг йиғма текстини лотин алифбоси билан русча таржимасида Л. В. Дмитриева „Тюркологический сборник“ (М. Л., 1963) да ва инглизча таржимасида Асмуссен (1965 йилда) Копенгагенда нашр қилдилар

2. **Шаҳзодалар Қалйанамқара ва Папамқара ҳақида қисса.** Қўлёзма Париж миллий кутубхонасида бўлиб, унинг транслитерация ва французча таржимасини 1914 йилда П. Пелло нашр этган.

3. **Олтун ёруқ.** (Китобнинг „Текстлар“ бўлимига қаранг.)

4. **Секиз юкмак.** Қўлёзмаси Турфандан топилган. Немис олимлари В. Банг, А. фон Габен ва турк олими Г. Р. Раҳматийлар биргаликда 1934 йилда Берлинда „Туркиш Турфантекст“ сериясида[17] нашр этганлар.

5. **Атавака деви ҳақида афсона.** Тўртта қўлёзмасидан парчалар Турфандан топилган ва „Туркиш Турфантекст“нинг ўнинчи китобида нашр этилган.

6. **Будда афсоналаридан парчалар.** Берлинда „Уйгурика“ (Уйғуриёт)[18] сериясининг учинчи ва тўртинчи китобларида нашр этилган.

Қадимги туркий тилнинг моний ёзувидаги намуналари „Туркиш Турфантекст“нинг иккинчи, учинчи ва тўққизинчи китобларида, бирахмон (бирахмий) ёзувидаги намунаси шу сериянинг саккизинчи китобида бор.

ИЗОҲЛАР

1. В. В. Решетов. Узбекский язык, часть I, Введение, фонетика, Ташкент, 1959; А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, Москва—Ленинград, 1960; Ш. Шоабдураҳмонов Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, Тошкент, 1962; Ҳозирги ўзбек адабий тили, F. А. Абдураҳмоновнинг умумий таҳрири остида, 2 жилдлик, Тошкент, 1966.

2. Н. А. Баскаков. Введение в изучение тюркских языков, Москва, 1962. Марҳум тилшунос Фахри Камол ўз вақтида туркий тилларнинг қардошлигини инкор қилган эди. Олим Усмонов, Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир. В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг илмий асарлари, Тошкент, 1957, 191 — 192- бетлар.

3. Н. А. Баскаков. Основные теоретические направления в изучении алтайской семьи языков. Советская тюркология, 1970, № 1, стр. 24 — 41; Н. А. Баскаков. Ареальная консолидация древнейщих наречий и генетического родство алтайских языков. Вопросы языкознания, 1970, № 4, стр. 43 — 53; А. М. Щербак. Сравнительная фонетика тюркских языков, Ленинград, 1970, стр. 9 — 12.

4. Н. А. Баскаков. Введение в изучение тюркских языков, Москва, 1962, стр. 113 — 117.

www.ziyouz.com kutubxonasi

5. Рун ёзуви ва бу ёзувда ёзилган обидаларга оид манбалар рўйхати қуйидаги асарларда берилган: С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, Москва — Ленинград, 1951; Древнетюркский словарь, Ленинград, 1969; И. А. Батманов, З. Б. Арагачи, Г. Ф. Бабушкин. Современная и древняя Енисейка, Фрунзе, 1962; А. М. Щербак. Енисейские рунические надписи. К истории открытия и изучения. Тюркологический сборник, 1970, Москва, 1970; С. Г. Кляшторный. Древнетюркские памятники, Москва, 1964; Д. М. Васильев. Памятники тюркской рунической письменности азиатского ареала, Советская тюркология, 1976, № 1; Д. М. Насилов. Памятники древнетюркской письменности (орхоно-енисейские и древнеуйгурские) в отечественных тюркологических исследованиях последних лет. Советская тюркология, 1976, № 1; А. Габен. Алтуркиш грамматик...; Ҳ. Н. Орқун. Эски турк язитлари...

6. С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, Москва — Ленинград, 1951, стр. 93 — 219; Д. М. Насилов. Изучение памятников древнеуйгурского языка в отечественном востоковедении. Тюркологический сборник, 1970, Москва, 1970, стр. 93 — 110; С. Г. Кляшторный. Об изучении древнеуйгурских памятников в СССР. Исследования по уйгурскому языку, Алма-ата, 1970, стр. 54.

7. С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, 1951, Москва — Ленинград, 96 — 97-бетлар; Н. А. Баскаков, Введение в изучение тюркских языков, Москва, 1962, стр. 126, 277.

8. „Девону луғатит-турк", Аҳмад Рифъат нашри, 1-жилд, 7 — 10-бетлар; Қиёсланг: Ўзбекча нашри, 47 — 50-бетлар.

9. Н. А. Баскаков. Введение в изучение тюркских языков, Москва, 1962, стр. 275 — 278, 295 — 296; А. М. Шчербак. Грамматический очерк языка тюркских текстов X — XV вв. Восточного Туркестана, Москва — Ленинград, 1961, стр. 17—26; А. М. Щербак. Енисейские рунические надписи. К истории открытия и изучения. Тюркологический сборник, 1970. Москва, 1970.

10. А. Габен. Алтуркиш грамматик...

11. А. Габеннинг бу фикри Л. Синор ва А. М. Шчербак томонидан ривожлантирилган: А. М. Шчербак. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана, Москва — Ленинград, 1961, стр. 21—26.

12. Бу фарқ ҳақида Маҳмуд Кошғарий ҳам айтиб ўтган: Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов, 1-том, Тошкент, 1960.

13. А. М. Шчербак. Мазкур грамматик очерк, 25-бет.

14. Э. Р. Тенишев. Отражение диалектов в тюркских рунических и уйгурских памятников. Советская тюркология, 1976, № 1; шу автор. О наддиалектном характере языка тюркских памятников. Туркологика, К семидесятилетию академика А. Н. Кононова, Ленинград, 1976.

15. Г. А. Абдурахманов. Исследование по старотюркскому синтаксису (XI век), Москва, 1967. Эски туркий тилни шарқшунослар „Қадимги турк тили", „Қадимги уйғурча", „қорлуқча" (қорлуқ — уйғурча), „қадимги ўзбекча" деб ҳам атаганлар.

16. А. Н. Кононов. Баласағунли Юсуф ва „Қутадғу билиг" достони ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1970, 5-сон; Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов, Тошкент, 1971.

17. „Туркиш Турфантекст" (Туркий Турфан текстлари) номи билан Берлинда 1929 — 1959 йиллар давомида ўнта китоб нашр этилди. Буларда шарқий Туркистондаги Турфандан топилган ва ҳозир Берлиндаги немис академиясининг Марказий қадимги тарих ва археология институтида ва қисман Ғарбий Берлинда сақланаётган қадимги турк қўл ёзмалари нашр этилган. 1970 йилда бу нашрнинг „Берлинер Турфантекст" (Берлиндаги Турфан текстлари) номи билан янги серияси бошланди.

18. Пруссия Академияси Берлинда „Уйгурика" номи билан 1908 — 1931 йилларда тўртта китоб нашр этган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФОНЕТИКА

УНЛИЛАР

Қадимги туркий тилда саккизта унли фонема бўлиб, улар бир-биридан қатори, тор-кенглиги, лабланиш-лабланмаслигига кўра фарқ қилади. Булардан — **а, ы, о, у** орқа қатор ва **ә, и, ӧ, ү** олд қатор унлиларидир. Кенг унлилар — **а, ә, о, ӧ**; тор унлилар — **ы, и, ү, у.**

Лабланмаган унлилар — **а, ә, ы, и**; лабланган унлилар — **о, ӧ, у, ү.** Қадимги туркий тилнинг унли фонемалари муносабатидаги бундай миқдорий тенглик уларнинг системасини куб шаклида ифодалашга имкон беради:



Кубнинг юқори қисмида тор унлилар, қуйи қисмида кенг унлилар, олд қисмида олд қатор унлилари, орқасида орқа қатор унлилари, ўнг томонида лабланган ва чап томонида лабланмаган унлилар берилди.

Демак, **а** — лабланмаган, кенг ва орқа қатор; **ә** — лабланмаган, кенг, лекин олд қатор унлидир. Бу унлининг талаффузи қозоқ, қирғиз ва бошқа кўпгина туркий тилларда ҳамда ўзбек тилининг сингармонизмли лаҳжа ва шеваларида сақланган. Татар ва бошқирд тилларида бу унли янада орқага силжиш ва кенгайиш натижасида **э** га айланган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида баъзи ўринларда олдинги томон **э** га яқинлашган, айрим ҳолларда орқага томон кенгайиб **ә** га айланган. Қадимги туркий тилдаги **ә** унлиси эса ҳозир торайиб, кўпгина туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида биринчи бўғинда **э** га айланган[1]. Мисоллар:

ат (от)	*әт* (эт, гўшт)	*адағ* (оёғ)
аб (ов)	*әб* (уй)	*қаған* (хоқон)
ар- (алда)	*әр* (эр)	*анда* (унда)
аш- (ош)	*әш* (эш)	*ара* (ора)
сан (сон)	*сән* (сен)	*қара* (қора)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ы унлиси лабланмаган, тор ва орқа қатор; **и** ҳам лабланмаган, тор, лекин олд қатор унлидир. Бу икки унли фонема ҳозирги ўзбек адабий тилида ва сингармонизмсиз лаҳжа ва шеваларда **ы** нинг олдинга силжиши натижасида конвергенцияга учраган, яъни бир фонема (**и**) га айланган. Аммо ўзбек тилининг сингармонизмли лаҳжа ва шеваларида ҳамда бошқа туркий тилларда ўз ҳолича сақланган. Масалан, қозоқ, қирғиз ва татар тилларида ҳамда ўзбек тилининг қурама шеваларида *сыз-* (чиз-) феъли билан *сиз* олмоши бир-биридан **ы** ва **и** фонемалари туфайли фарқланади. Қадимги туркий тилда ҳам орқа қатор **ы** билан олд қатор **и** икки мустақил фонемадир[2]:

йиг (яхши)	*йыг* (йиғ-)
тик- (тик-)	*тыҡ* (тиқ-)
йил (ёл)	*йыл* (йил)

О унлиси лабланган, кенг ва орқа қатор; **ŏ** ҳам лабланган, кенг, лекин олд қатор унлидир. Бу икки фонема ҳам ҳозирги ўзбек адабий тили ва сингармонизмсиз лаҳжа ва шеваларда **о** нинг олдинга силжиши натижасида конвергенцияга учраб, бир фонема (**о**) га айланган. Аммо бошқа туркий тилларда, сингармонизмли ўзбек лаҳжа ва шеваларида **о** билан **ŏ** икки мустақил фонемадир. Масалан, мазкур тил ва лаҳжаларда *от* (олов ёки ўсимлик) дан *ŏт* (организмдаги суюқлик ёки *ўтмак* буйруқ феъли) **о** билан **ŏ** туфайли фарқ қилади. Қадимги туркий тилда ҳам орқа қатор **о** билан олд қатор **ŏ** алоҳида икки фонемадир:

ол (у)	*ŏл* (ўл-)
от (олов)	*ŏт* (ўт-)
оз (ўз)	*ŏз* (ўз, жон)

У унлиси лабланган, тор ва орқа қатор; **v** ҳам лабланган, тор, лекин олд қатор унлидир. Бу унлиларнинг ҳам ҳозирги ҳолати **о** ва **ŏ** унлилариники сингаридир. Қадимги туркий тилда ҳам **у** ва **v** алоҳида фонемадир.

ту- (тўс-)	*тv* (тук)
ур- (ур-)	*vр-* (пуфла-)
уч (тугаш жойи)	*vч* (3)

Ҳозирги **э** унлисини қадимги туркий тилда **а** унлиси ифодалайди. Масалан, ҳозирги *бэш* сўзи *баш, қэр* сўзи *қар* тарзида талаффуз этилади. **Э** унлиси эса ҳозиргидек мустақил фонема бўлмасдан **ә** нинг варианти сифатида талаффуз қилинади. Масалан. *әл — эл*. Лекин ҳозирги тилда **э** мустақил фонемага айланган: *кәл — кэл; бәри — бэри; кәр — кэр; бәр — бэр*[3].

УНДОШЛАР

Қадимги туркий тилда **б, м, п** лаб ундошлари мавжуд. Сирғалувчи лаб ундоши **ф** йўқ. Урхун ёзувида **в** учун махсус ҳарф йўқ. Унинг ўрнида **б** ни билдирувчи ҳарф ишлатилади[4]. Уйғур ёзувида эса **в** учун махсус ҳарф бор. **Б** ундоши лаб-лаб, портловчи, жарангли, шовқинли ундош бўлиб, сўз бошида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам учрайди: *бу, йабғу* (амир), *саб* (шутк).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги **б** ҳозир баъзи сўзларнинг бошида **м** га айланган. Масалан, шу даврдаги *бунг* (ғам) ҳозир туркий тилларнинг кўпида *мунг* дир. Бу жараён қадимги турк давридан илгарироқ бошланган, чунки қадимги турк ёдномаларида **б** билан **м** мослик тарзида учрайди, масалан: *бэн — мэн*. Қадимги **б** кўп сўзлар ўртасида ва охирида **в** га айланган: *суб — сув, аб — ов*. Бу ҳолатдаги **в** уйғур ёдномаларида ҳам бор. Қадимги **б** ҳозирги тилларда сўз ўртасида ҳам **м** га ўтган бўлиши мумкин: *қаба — қама*.

М ундоши **б** дан унинг талаффузида бурун бўшлиғининг иштироки борлиги ва шовқинсизлиги билан фарқланади. Демак, **м** лаб-лаб, назал, портловчи, сонор (шовқинсиз) ундошдир. Қадимги **м** сўз бошида **б** фонемасининг варианти сифатида учрайди, аммо сўз ўртасида ва охирида мустақил фонемадир: *қамуғ* (ҳамма), *қамыш, қум*.

П ундоши **б** дан жарангсизлиги билан фарқ қилади. Демак, **п** лаб-лаб, портловчи, жарангсиз ундошдир. Бу ундош ҳамма позицияларда учрайди: *Пурум* (Рум), *Апа тарқан* (унвон), *тэп* (деб).

В ундоши, юқорида айтилганидек, фақат уйғур ёдномаларида бор. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, туркий халқларда **в** нинг талаффузи икки хил бўлган. Ўғузлар буни лаб-лаб, соф турклар эса лаб-тиш **в** тарзида талаффуз қилганлар[5]. Бу даврда лаб-тиш варианти бўлган дейиш мумкин. **В** фақат сўз ўртаси ва охирида урхун ёдномаларидаги **б** ўрнида учрайди: *сав* (нутқ), *сэвинч* (севинч).

Қадимги туркий тилда **с, з, т, д, н, л, р** тил олди-тиш ундошлари бор.

С тил олди-тиш, сирғалувчи, жарангсиз ундош фонема бўлиб, қалин (веляр) ва ингичка (палатал) вариантларга эга. Бу ундош ҳар учала позицияда (сўз боши, ўртаси ва охирида) ҳам учрайди: *сақын-* (ўйла-), *йаса-, бас-*. Сўз бошидаги қадимги **с** ҳозир **ч** ва **т** га ўтиши мумкин: *сыч ~ чыч ~ тыч (сичқон* сўзининг ўзаги).

З ундоши **с** дан фақат жаранглилиги билан фарқ қилиб, асосан сўз ўртаси ва охирида ва баъзан **с** фонемасининг варианти сифатида учрайди: *аз* (оз), *азуқ* (озиқ).

Т ундоши **с** дан фақат портловчилиги билан фарқ қилиб, ҳамма позицияда учрайди: *таш* (тош), *ата* (ота), *ат* (от).

Сўз бошидаги қадимги **т** ҳозир **д** га ўтган бўлиши мумкин: *тэди → деди*.

Д ундоши **з** дан фақат портловчилиги билан фарқ қилиб, сўз ўртасида ва охирида учрайди; *бодун* (халқ), *öд* (замон). Бу ундош ўрнида қадимги даврлардаёқ тишора **з (з)** ҳам ишлатилган[6]: *бозун*, кейинчалик **з**, сўнгра **й** ишлатила бошлаган: *адақ ~ азақ ~ айақ* (оёқ).

Н ундоши **д** дан сонорлиги ва назаллиги билан фарқланади. Демак, бу товуш тил олди портловчи, сонор, назал ундош бўлиб, сўз бошида камроқ ва бошқа позицияларда кўпроқ учрайди: *нэнг* (нарса), *ана* (она), *бэн* (мен).

Л ундоши **н** дан ён товушлиги ва бурнаки эмаслиги билан фарқ қилади. Ё н ё к и л а т е р а л у н д о ш деб ўпкадан чиққан ҳавонинг тилнинг бир ёки икки ёнидан ўтиши натижасида ҳосил бўлган товушга айтилади. Туркий **л** талаффузида ҳаво тилнинг икки ёнидан ўтади. Ҳаво тилнинг икки ёнидан ўтганида товуш б и л а т е р а л (икки ён) термини билан аталади. Демак, **л** — тил олди-тиш, ён, сонор ундош бўлиб, сўз ўртаси ва охирида учрайди: *алп* (баҳодир), *ал-* (ол-).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Р ундоши **л** дан ёнсизлиги ва қалтироқлиги билан фарқ қилади. Қалтироқ ёки вибрант ундош деб тил учининг титраши натижасида вужудга келган товушга айтилади. Демак, **р** тил олди-тиш, қалтироқ, сонор ундош бўлиб, **л** сингари, сўз ўртаси ва охирида учрайди: *ара* (ора), *әр* (эр).

Қадимги туркий тилда тил олди-танглай жарангсиз ундошлардан **ч** билан **ш** бор, **ж** билан **ж** эса йўқ. **Ч** портловчи, **ш** сирғалувчи ундош. Булар ҳам қалин ва ингичка вариатларга эга, **ч** ундоши ҳамма позицияда учрайди: *чаб ~ чав* (шуҳрат), *әчи* (ака), *ач* (оч). **Ш** ундоши сўз бошида камроқ, сўз ўртаси ва охирида кўпроқ учрайди: *шад* (унвон)[7], *аша* (оша), *әш* (эш). Бу ундош урхун ёдномаларида **с** билан алмашиб келади, *әш ~ әс* (эш) тарзида. Баъзилар буни график хусусият деб тушунадилар[8].

Мазкур ундош фонемаларнинг ҳаммаси палатал (ингичка ёки юмшоқ) ва веляр (қалин ёки юмшоқ) вариантларга эга. Бу ундош фонемаларнинг ҳар бири олд қатор унлилари билан келганда ингичка талаффуз қилинади, орқа қатор унлилари билан бирга келганда қалин айтилади. Ингичкалик ёки палаталлик тилнинг ўрта қисмининг қаттиқ танглай (палатум)га, қалинлик (велярлик) эса тилнинг орқа қисмининг юмшоқ танглай (велум) га кўтарилиши натижасида вужудга келади. Талаффузнинг мана шу хусусияти билан туркий сўзлар қалин ёки ингичка бўлади: *ат — әт; ал — әл; ас — әс; ут — vт; ол — өл; ылық — илик*.

Қадимги туркий тилда **й**, **қ** (к), **г** (ғ), **н** тил ўрта ва тил орқа ундошлари бор.

Й тил ўрта ва тил орқа вариантларга эга бўлган сирғалувчи сонор фонемадир. Тил ўрта варианти ингичка сўзларда, тил орқа варианти қалин сўзларда қўлланиб, ҳамма позицияда учрайди: *йаблақ* (ёмон), *айыт* (айттир-, сўра-), *ай* (ой).

Й нинг назаллашган варианти ҳам бор бўлиб, *Тонйуқуқ* отидаги **нй** шундай **й** хусусиятига эгадир.

К (қ) тил ўрта (к) ва чуқур тил орқа (қ) вариантларига эга бўлган портловчи, жарангсиз ундош фонемадир. **Г** (ғ) фонемаси **к** (қ) дан фақат жаранглилиги билан фарқ қилади. Ҳозирги ўзбек тилида **к** билан **қ** икки мустақил фонема ҳисобланади. Чунки иккаласи бир хил позицияда кела олади ва сўздан сўзни фарқлашга хизмат қилади: *тәқ — тәк; қән — кән*. Лекин қадимги туркий тилда бу товушлар бир хил позицияда кела олмайди. **К** фақат ингичка сўзларда тил олди унлилари билан, **қ** эса фақат қалин ўзакларда тил орқа унлилари билан ёндош келади. Шунинг учун бу товушлар қадимги туркий тилда бир фонеманинг икки вариантидир. **Ғ** билан **г** ҳам ҳозирги ўзбек тилида икки мустақил фонема: *ғўр — гўр*. Лекин қадимги туркий тилда бу фонеманинг икки вариантидир.

Қадимги туркий тилда **к** (қ) ҳар учала позицияда ҳам учрайди: *қан* (қон), *кiши, оқыт-* (чақыр-), *әки* (икки), *оқ* (уқ), *тәқ* (тўқ). Қадимги **қ** ҳозирги тилларда **ғ**, **х**, **в** га ўтиши ёки тушиб қолиши мумкин.

Қадимги туркий тилда **ғ** (г) сўз ўртасида ва охирида учрайди: *қаған* (хоқон), *öгут* (ўгит), *тағ* (тоғ), *иг* (касал). Бу ундош ҳозирги тилларда **й** ва **в** га ўтиши ёки тушиб қолиши мумкин. **Ғ** вариантининг ўзи эса **к** га ўтиши ҳам мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қ товуши ғ (г) дан назаллиги ва сонорлиги (шовқинсизлиги) билан фарқ қилади. Бу фонема ҳам тил ўрта ва чуқур тил орқа вариантларига эга бўлиб, сўз ўртасида ва охирида учрайди: *йанғы* (янги), *анг* (онг).

Қадимги туркий тилда бўғиз ундоши ҳ йўқ.

СИНГАРМОНИЗМ

Сингармонизм деб сўздаги товушларнинг бир-бирига ҳамда ўзакка қўшимчаларнинг талаффуз жиҳатдан уйғунлашишига айтилади. Қадимги туркий тилда сингармонизмнинг икки қонуни мавжудлиги аниқ: 1) танглай уйғунлиги ёки палатал аттракция; 2) лаб уйғунлиги ёки лабиал аттракция.

Танглай уйғунлиги — сўздаги товушларнинг бир-бирига ва қўшимчаларнинг ўзакка қаторда ва қалин-ингичкаликда мослашувидир:

қағанқа (хоқонга) *кимкә* (кимга)
илгәрү (олдинга) *оғузғару* (ўғузга)
барығ (бориш) *билиг* (билим)

Лаб уйғунлиги — биринчи бўғиндаги унлига кейинги бўғиндаги унлининг ёки ўзакдаги унлига қўшимчадаги унлининг лабланиш жиҳатдан мослашувидир.

ишиг (ишни) *күчүг* (кучни)
иним (укам) *кӧзүм* (кўзим)
әлимиз (давлатимиз) *сүмүз.* (лашкаримиз)

Қадимги туркий тилда нутқнинг товушдан бошқа фонетик бўлаклари, урғу ва интонация ҳозирги туркий тилларникидан ўзгача бўлганлигини кўрсатувчи далиллар йўқ.

ИЗОҲЛАР

1. ә унлиси баъзи сўзларда ҳозирги адабий тилда (масалан, *саккиз*, *сакра-* сўзларида) ва айрим шеваларда (масалан, хоразмча *гәлди* деганда) сақланган. Аммо э ҳам қадимги турк давридаёқ баъзи шеваларда ә нинг торайиши натижасида вужудга кела бошлаган. Бу ҳол тор унлиларни билдирувчи ҳарфларнинг ишлатилишида кўринади. Бироқ у даврдаги э мустақил фонема бўлмасдан, ә нинг вариантидир. Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: А. М. Щербак. Сравнительная фонетика тюркских языков, Ленинград, 1970, стр. 28—33.

2. И. Н. Кобешавидзе. Графика и фонемный состав языка орхоно-енисейских надписей, Советская тюркология, 1972, № 2, стр. 43.

3. Кәл, кәр, бәр туркий сўзлар эмас. Ўзбек тилида э нинг пайдо бўлиши ва э нинг мустақил фонемага айланишида қисман тожик сўзларининг ҳам роли бор.

4. Махсус ҳарф бўлмагани учун урхун ёдномалари тилида в товуши бўлмаган деган фикр маълум. Аммо инглиз олими Ж. Клосоннинг фикрига кўра в товуши ҳам б ни билдирувчи ҳарф билан ифодаланган.

5. „Девону луғотит-турк"нинг Аҳмад Рифъат нашри. Биринчи жилд, 33- бет. Асарнинг туркча ва ўзбекча нашрларида буннинг акси берилган.

6. Тишора з д га нисбатан қадимийроқ деган фикр бор; А. М. Щербак. Сравнительная фонетика тюркских языков. Ленинград, 1970, стр. 159 — 161.

7. *Шад* ҳақида китобнинг „Текстлар" бўлимидаги Унгин битигига берилган 46- изоҳга қаранг.

8. Ж. Клосон шундай ўринларда с деб ўқилиб келган урхун ҳарфини ш деб ўқийди (Унгин битигига...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГРАФИКА

Қадимги туркий ёдномалар урхун, уйғур, суғдий, моний ва бироҳмий ёзувларида ёзилган. Суғдий ёзувини ҳозирги тожикларнинг аждодлари — суғдлар, монавий ёзувини бобиллик Моний (217—273 мелод) асос солган моний динига мансуб коҳинлар қўллаган. Бироҳмий эса ҳинд ёзувларига, урхун ва уйғур ёзувлари туркий халқларга мансубдир.

УРХУН ЁЗУВИ

Урхун ёзуви туркшуносликка ва ёзув тарихига оид асарларда „Урхун-Енисей ёзуви", „Енисей-Урхун ёзуви", „Сибирь ёзуви", кўпроқ „туркий рун (а) ёзуви" деб юритилади. Бунга урхун ҳарфларининг қадимги герман халқларига мансуб Run (е) деб аталувчи ёзувга ташқи жиҳатдан бир оз ўхшашлиги сабаб бўлган. Бу ёзувнинг Шарқда „Дулбарчин" номи билан юритилгани ҳақида машҳур филолог ибн Арабшоҳ (1389 — 1450) ўзининг „Ажойибу-л-мақдур фи навойиби Таймур" (Темур фалокатларида қисматнинг қизиқликлари) номли асарида[1] маълумот беради:

„Хитойда уларнинг (туркларнинг — *А. Р.*) „дулбаржин" деб аталадиган ёзуви бор. Кўрдим, ҳарф қирқ битта. Кўплигининг сабаби шундаки, улар [товушларнинг] қалин ва ингичкаларини, шунингдек, айиргичларини ҳарф ҳисоблайдилар, натижада қўшимчалар ва қўшимча ҳарфлар пайдо бўлади" (Қоҳира халқ кутубхонасидаги 3543- қўлёзма, вар. 286[а]). Аммо ибн Арабшоҳ китобида алифбони келтирмаган.

Ҳамма ёзувларда бўлганидек, дулбарчин (урхун-енисей) ёзуви ҳам замони ва макони билан боғлиқ бўлган айрим шаклий фарқлар туфайли урхун, турфан ва енисей вариантларига эга. Буларнинг энг қадимийси урхун вариантидир[2].

— Урхун ёзувида унли товушларни билдирадиган тўртта, енисей битигларида эса бешта ҳарф бор:

1. **А** ҳарфи. Бу ҳарф икки учи илгакли таёқчадан иборат. Илгакнинг бири ўнгга, бири чапга қараган. Қайси бирининг ўнгга қараган бўлишининг аҳамияти йўқ. Шунинг учун бу ҳарф икки кўринишга эга. Бирида устки илгак ўнгга, пастки илгак чапга қараган 𐰀 бўлиб, бу урхун ёдномаларига хос. Иккинчисида аксинча—устки илгак чапга ва пастки илгак ўнгга қараган: 𐰁 Енисей битигларида ҳар иккала кўриниши ҳам бор. Бу ҳарф тил олди ә ва тил орқа **а** товушини билдиради. А ёки ә эканлигини ундош товушларни ифодаловчи ҳарфлардан билиш мумкин. **А** ҳарфи сўз бошида ишлатилмайди. Масалан, *ата* сўзида икки ҳарф бўлиб, биринчи ҳарф т товушини, иккинчиси а товушини билдирувчи ҳарф бўлади. Ат сўзи бир ҳарф—т ҳарфи билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ифодаланади. Кўринадики, дулбарчин ёзувида сўз бошидаги кенг унлилар, яъни **а** ва **ә** унлилари ёзувда акс этмайди. Шунинг учун бу ёзувдаги битигларни ўқиш вақтида баъзан сўз бошидаги ундошларга ўрни билан **а** ёки **ә** товушини қўшиб ўқиш керак бўлади.

Бошқа ёзувдаги ёдномаларни илмий равишда ўқишни таъминлаш мақсадида транслитерация ва транскрипциядан фойдаланилади. Транслитерация (ҳарф ағдариш) да битигдаги ҳарфлар, транскрипцияда эса товуш ёки фонемалар махсус белгилар билан аниқ берилади. Демак, транслитерация ёзувни аниқ акс эттирса, транскрипция талаффузни аниқ акс эттиради. (Қадимги туркий тилда товушлар учун ишлатилган транскрипция белгилари қўлланманинг „Фонетика“ бўлимида кўриб ўтилди. Бу бўлимда эса транслитерация белгилари ва бошқа белгилар ҳақида маълумот берилади.)

А ҳарфининг транслитерацияси учун **Ъ** белгиси қабул қилинди.

2. **И** ҳарфи. Бу ҳарф бир илгакли таёқчадан иборат бўлиб, илгак юқорига ва ўнг томонга қараган: 𐰃. Агар илгак чапга қараган бўлиб юқорида бўлса 𐰯, п ни билдирувчи ҳарф, пастда бўлса, қалин **л** товушини англатувчи ҳарф бўлади. **И** ҳарфи тил олди **и** ҳамда тил орқа **ы** товушини билдиради ва **а** ҳарфидан фарқ қилиб, сўз бошида ҳам ишлатилади. Бу ҳарф транслитерацияда **ь** белгиси билан ифодаланади.

Лабланмаган унлилар учун қўлланадиган бу икки ҳарф товушларнинг қатордаги фарқини акс эттирмайди, фақат тор-кенглигини кўрсатади. Икки илгакли **а** ҳарфи кенг унлиларни ва бир илгакли **и** ҳарфи тор унлиларни англатади. Лабланган унлиларни билдирувчи ҳарфлар эса, буларга нисбатан бошқача принципга асосланган. Улар унлиларнинг қатордаги фарқини ифодалаб, кўтарилишдаги фарқини кўрсатмайди. Шунинг учун уларнинг бири **ўқу**, иккинчиси **ўку** ҳарфи билан кўрсатилади. Бунда **қ** билан **к** қаторни фарқлашга ёрдам беради[3].

3. **Ўқу** ҳарфи. Бу ҳарф учи ўнгга қараган бурчак шаклига > эга бўлиб, 𐰆 𐰆 кўринишларига ҳам эга. **Ўқу** ҳарфи лабланган тил орқа **о** ва **у** унлиларини билдиради. Бу ҳарф транслитерацияда **v** белгиси билан ифодаланади.

4. **Ўку** ҳарфи. Бу ҳарф бир бутун ва икки ярим таёқчадан тузилиб, ярим таёқчалар бурчак ҳосил қилган ҳолда бутун таёқчанинг ўнг томонига, ярмидан юқорисига қуйидаги шаклларда бирлаштирилади. 𐰇 𐰇 𐰇 **Ўку** ҳарфи лабланган тил олди **ө** ва **ү** унлиларини билдиради. Бу транслитерацияда **v̈** белгиси билан ифодаланади[4].

5. **Э** ҳарфи. Бу ҳарф урхун ёдномаларида йўқ. Унинг шакли айқашган ёки ёндашган икки ёй ёки бурчакдан иборат бўлиб, 𐰅 𐰅 𐰅 𐰅 кўринишларга эга. Бу ҳарф **э**[5] товушини билдиради.

— Қуйидаги ҳарфлар лаб ундошларини билдиради: —

1. **Пи** ҳарфи[6]. Бу ҳарф **и** ҳарфидан илгагининг чап томонга қараганлиги билан фарқ қилади 𐰯 ва **п** фонемасини англатади.

Пи ҳарфи транскрипцияда ҳам, транслитерацияда ҳам **п** ҳарфи билан ифодаланади. Ҳарф фақат муайян бир фонемани билдирганда транскрипция билан транслитерация белгиси бир хил бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

П товушининг олдига лабланган унли қўшиб талаффуз қилинади-*ган ҳарф ҳам бор. Бу **ўп** ҳарфи бўлиб,* *шаклларига эга.* Бу транслитерацияда **п** ҳарфи билан берилади.

2. **Аб**[7] ҳарфи. Бу ҳарфнинг асосий кўриниши шаклида бўлиб, енисей ёдномаларида тик ва ётиқ олти рақамига ўхшаш ( ) шаклларига эга. **Аб** ҳарфи **б** фонемасининг қалин вариантини билдиради. Ундошларнинг қалин вариантини билдирувчи ҳарфларнинг транслитерациясини славян ёки лотин ҳарфларининг ўнг тепасига бир рақами, ингичка вариантини билдирувчи ҳарфларга эса икки рақами қўйиб ифодаланади. Шунинг учун *аб* ҳарфи **б**^{1} ҳарфи билан транслитерация қилинади.

3. **Эб**[8] ҳарфи. Бу ҳарф **б** фонемасининг ингичка вариантини англатади ва шаклларга эга. Чап томондаги биринчи шакл енисей ёдномаларида **э** унлисини, урхун ёдномаларида эса фақат мазкур ундошни ифодалайди. Енисей ёдномаларида **эб** ҳарфининг яна кўринишлари бор. **Эб** ҳарфи транслитерацияда **б**^{2} билан берилади.

4. **Ми** ҳарфи. Бу ҳарф **м** фонемасини англатади ва шаклларга эга. Транскрипцияда ҳам, транслитерацияда ҳам **м** ҳарфи билан ифодаланади.

Урхун ёдномаларида қуйидаги ҳарфлар тил олди-тиш ундошларини билдиради:

1. **Ат** ҳарфи. Бу ҳарф **т** фонемасининг қалин вариантини билдиради ва шаклларга эга. *Ат* ҳарфи транслитерацияда **т**^{1} ҳарфи билан кўрсатилади.

2. **эт** ҳарфи. Бу ҳарф **т** фонемасининг ингичка вариантини англатади ва шаклларга эга. Агар бу ҳарфни ён томонга айлантирилса **ақ** ҳарфи, юқориси пастга ағдарилса **ўқу** ҳарфи ҳосил бўлади. **Эт** ҳарфи **т** *фонемасининг ингичка вариантини билдиради.* Транслитерацияда **т**^{2} ҳарфи билан кўрсатилади.

3. **Ад**[9] ҳарфи. Бу ҳарф **д** фонемасининг қалин вариантини билдиради ва шаклига эга. Енисей ёдномаларида шаклига ҳам эга. Транслитерацияда **д**^{1} билан берилади.

4. **Эд** ҳарфи. Бу ҳарф **д** фонемасининг ингичка вариантини англатади ва шаклига эга. Енисей ёдномаларида шакли ҳам бор. Транслитерацияда **д**^{2} *билан кўрсатилади.*

5. **Ас** ҳарфи. Бу ҳарф **с** фонемасининг қалин вариантини, баъзан **ш** ни билдиради ва шаклларга эга. Транслитерацияда **с**^{1} билан берилади.

6. **эс**[10] ҳарфи. Бу ҳарф асосан **с** фонемасининг ингичка вариантини англатади ва шакли тик таёқчадан ( ) иборат. **эс** ҳарфи транслитерацияда **с**^{2} билан берилади.

7. **Зи**[11] ҳарфи. Бу ҳарф **з** фонемасини билдиради ва шаклларга эга. Транскрипцияда ҳам, транслитерацияда ҳам **з** билан берилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

8. **Ан** ҳарфи. Бу ҳарф **н** фонемасининг қалин вариантини англатади ва шаклига эга. Енисей ёдномаларида ўнгга очилган кўриниши ҳам бор. Транслитерацияда **н¹** билан кўрсатилади.

9. **эн** *ҳарфи.* Бу ҳарф **н** фонемасининг ингичка вариантини билдиради ва  шаклларга эга. Транслитерацияда **н²** билан ифодаланади.

10. **Ар** ҳарфи. Бу ҳарф **р** фонемасининг қалин вариантини ифодалайди ва  шаклларга эга.

Ар ҳарфи ён томонга ағдарилса *ўку* ҳарфи, ост-уст ҳолатда *ақ* ҳарфи ҳосил бўлади. **Ар** ҳарфи транслитерацияда **р¹** билан ёзилади.

11. **эр** ҳарфи. Бу ҳарф **р** фонемасининг ингичка вариантини билдиради ва учлари икки томонга қайрилган — шаклга эга. Агар қайрилган томонлари бўлмаса, **эл** ҳарфи ҳосил бўлади. **эр** ҳарфи транслитерацияда **р²** билан берилади.

12. **Ал** ҳарфи. Бу ҳарф **л** фонемасининг қалин вариантини ифодалайди ва шаклига эга. Ост-уст ҳолатда **пи** ҳарфи ҳосил бўлади. **Ал** ҳарфи транскрипцияда **л¹** билан кўрсатилади.

13. **эл** ҳарфи. Бу ҳарф **л** фонемасининг ингичка вариантини ифодалайди ва шаклига эга. Ост-уст ҳолатда **чи** ҳарфи ҳосил бўлади. Транслитерацияда **л²** билан ифодаланади.

— Урхун ёзувида тил олди-танглай ундошларини билдирувчи қуйидаги ҳарфлар бор:

1. **Чи** ҳарфи. Бу ҳарф **ч** фонемасини билдиради ва шаклига эга. Транслитерацияда ҳам, транскрипцияда ҳам **ч** билан берилади.

2. **Ич** ҳарфи. Бу ҳарф шаклига эга ва **ич** деб ўқилади. Транслитерацияда **ч⁴** билан белгиланади.

3. **Ши** ҳарфи. Бу ҳарф **ш** фонемасини ифодалайди ва шаклига эга. Транслитерацияда ҳам, транскрипцияда ҳам **ш** деб ёзилади.

— Урхун ёзувида тил ўрта ва тил орқа ундошларини англатувчи қуйидаги ҳарфлар мавжуд:

1. **Ай** ҳарфи. Бу ҳарф **й** фонемасининг қалин вариантини билдиради ва шаклига эга. Енисей ёдномаларида аксинча кўринишга ҳам эга.

Ай ҳарфи транслитерацияда **й¹** билан берилади.

2. **эй** ҳарфи. Бу ҳарф **й** фонемасининг ингичка вариантини англатади ва  шаклларга эга: **эй** ҳарфи ост-уст ҳолатда *аб* ҳарфини ифодалайди ва транслитерацияда **й²** ҳарфи билан кўрсатилади.

3. **Ақ** ҳарфи. Бу ҳарф **қ** товушини, яъни **қ** (к) фонемасининг чуқур тил орқа вариантини билдиради ва шаклларга эга. Енисей ёдномаларида шаклида ҳам учрайди. *Ақ* ҳарфи транслитерацияда ҳам, транскрипцияда ҳам **қ** билан кўрсатилади.

4. **Ўқ** ҳарфи. Бу ҳарф **ақ, уқ** ва баъзан **қ, қо, қу** деб ўқилади ва шаклига эга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Енисей ёдномаларида юқорига қараган кўриниши ҳам бор. Транслитерацияда бу ҳарф қ° билан кўрсатилади.

5. **Иқ** ҳарфи. Бу ҳарф **ық**, баъзан **қ** деб ҳам ўқилади ва учбурчак шаклига эга. Транслитерацияда бу ҳарф **к** билан кўрсатилади.

6. **әк** ҳарфи. Бу ҳарф **к** товушини, яъни **қ (к)** фонемасининг ингичка вариантини англатади ва шаклига эга. Транслитерацияда ҳам, транскрипцияда ҳам **к** билан ифодаланади.

7. **Ўқ** ҳарфи. Бу ҳарф **ȯк**, **vк** ва баъзан **к**, **кȯ**, **кv** деб ўқилади ва шаклларга эга. Бу ҳарф транслитерацияда **к°** билан ифодаланади.

8. **Ағ** ҳарфи. Бу ҳарф **ғ** ундошини, яъни **ғ (г)** фонемасининг чуқур тил орқа вариантини билдиради ва шаклларга эга. Транслитерацияда ҳам, транскрипцияда ҳам бу ҳарф **ғ** билан ифодаланади.

9. **әг** ҳарфи. Бу ҳарф **г** ундошини, яъни **ғ (г)** фонемасининг тил *ўрта вариантини ифодалайди ва шаклларга эга.*

Бу ҳарф транслитерацияда ҳам, транскрипцияда ҳам **г** билан берилади.

Урхун ёзувида назал ва бирдан ортиқ ундошларни билдирувчи қуйидаги ҳарфлар бор:

1. **Инйи** ҳарфи. Бу ҳарф шаклига эга бўлиб, назал **й** ёки **нй** фонемасини билдиради. *Транслитерацияда* **нй** *билан кўрсатилади.*

2. **Инги** ҳарфи. Бу ҳарф баъзи Енисей ёдномаларида **қ** фонемасининг фақат ингичка вариантини, яъни назал **г** ни, урхун ёдномаларида эса қалин вариантини ҳам, яъни назал **ғ** ни ҳам билдиради. Урхун ёдномаларида шаклида, Енисей ёдномаларида шаклида ҳам учрайди. Транслитерацияда **н͡г** билан кўрсатилади.

3. **Анг** ҳарфи. Бу ҳарф урхун ёдномаларида учрамайди. Қалин **н͡г**, назал **ғ** фонемасини англатади ва шаклларга эга. Транслитерацияда **н͡г**[1] билан ифодаланади.

4. **Инти** ҳарфи Бу ҳарф шаклига эга бўлиб назал **т** ёки **д** ёхуд **нт** ё **нд** фонемасини билдиради. Транслитерацияда **нт** деб кўрсатилади.

5. **Инчи** ҳарфи. Бу ҳарф шаклига эга бўлиб, назал **ч** ёки **нч** фонемасини ифодалайди. Енисей ёдномаларида ўнгга қараган кўринишлари ҳам мавжуд. Транслитерацияда **нч** билан кўрсатилади.

6. **Инти** ҳарфи. Бу ҳарф **лт** ёки **лд** деб ўқилади ва шаклига эга. Транслитерацияда **лт** билан берилади.

7. **Арт**[12] ҳарфи. Бу ҳарф шаклига эга бўлиб, **рт** фонемасини ифодалайди ва транслитерацияда **н͡г** билан кўрсатилади.

Урхун ёзувида ост-уст икки нуқта (:) айирувни ифодалайди ва шартли равишда **а й и р г и ч** деб номланади.

Урхун ҳарфлар... ифодалаш мумкин:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Урхун ҳарфлари	Номлари	Англатган товушлари	Трансли-терацияси	Изоҳлар
	а	а,ә	ъ	
	и	ы,и	ь	
	ўқу	о,у	V	
	ўку	ö,v	V̈	
	э	э	э	урхун ёдномаларида йўқ
	пи	п	п	
	аб	қалин б	$б^1$	чапдан биринчиси урхун ёдномаларида йўқ
	әб	ингичка б	$б^2$	чапдан учтаси урхун ёдномаларида йўқ
	ми	м	м	
	ат	қалин т	$т^1$	
	әт	ингичка т	$т^2$	
	ад	қалин д	$д^1$	чапдан биринчиси урхун ёдномаларида йўқ
	әд	ингичка д	$д^2$	чапдан биринчиси урхун ёдномаларида йўқ
	ас	қалин с	$с^1$	
	әс	ингичка с	$с^2$	ўрни билан ш деб ҳам ўқийдилар сирғалувчи ж товушини ҳам билдиради деган тахмин бор
	зи	з	з	
	ан	қалин н	$н^1$	
	ән	ингичка н	$н^2$	
	ар	қалин р	$р^1$	
	әр	ингичка р	$р^2$	
	ал	қалин л	л	
	әл	ингичка л	$л^2$	
	чи	ч	ч	
	нч	нч	нч	

www.ziyouz.com kutubxonasi

1	2	3	4	5
	ши	ш	ш	
	ай	қалин й	й	чапдаги шакли енисей ёдномаларида учрайди
	әй	ингичка й	$й^{ә}$	
	ақ	қ	қ	чапдан биринчиси енисей ёдномаларида учрайди
	ўқ	оқ, уқ, қ қс, қу	$қ^{о}$	
	ық	ық, қ	$қ^{ы}$	
	әк	к	к	
	үк	өк, үк, к кө, кү	$к^{ү}$	
	аг	ғ	ғ	
	әг	г	г	
	иний	назал й ёки нй	нй͜	
	инги	қалин ва ингичка нг͡	нг͡	чапдан биринчиси енисей ёдномаларида учрайди
	анг	қалин нг͡	$нг͡^{1}$	Енисей ёдномаларида учрайди.
	инти	назал т, д ёки нт, нд	нт͜	
	инчи	назал ч ёки нч	нч	чапдаги иккитаси енисей ёдномаларида учрайди.
	илти	лт, лд	лт͜	
	арт	(а)рт	рт	баш, ча, (чш) деб ҳам ўқиганлар

Урхун ёзуви юқоридан пастга ва ўнгдан чапга қараб ёзилади. Юқоридан пастга қараб ёзилганда, ҳарфлар чап ёнига ётқизилган ҳолатда бўлади ва сатрлар ҳам ўнгдан бошланади (Китобнинг „Текстлар" бўлимидаги ёдномаларнинг фотонусхасига қаранг).

Урхун ёзувининг имло хусусиятлари қуйидагича:

1. Сўзлар, баъзан бирикмалар бир-биридан айиргич (:) билан ажратилади.

2. А ҳарфи сўз бошида ва ўртасида кўпинча ёзилмайди. Масалан *ат* (от) сўзи бир ҳарф билан, яъни ат ҳарфи билан, *қаған* (хоқон) сўзи уч ҳарф билан, яъни ақ, ағ ва ан ҳарфлари билан ифодаланади

www.ziyouz.com kutubxonasi

әл (эл) сўзи әл ҳарфи билан, *әмгәк* (эмгак) сўзи ми, әг ва әк ҳарфлари билан ёзилади. Аммо сўз охирида доим а ҳарфи ёзилади.

3. И ҳарфи сўз бошида, ўртасида, охирида ҳам ёзилади. Масалан, *иди* (эга) сўзи и, эд ва и ҳарфлари билан, *йыл* (йил) сўзи ай, и ва ал ҳарфлари билан ёзилади.

4. Ўку ва ўқу ҳарфлари ҳам сўзнинг ҳамма ўринларида ёзилади, лекин лаб уйғунлиги билан боғлиқ ўринларда биринчи бўғинда ёзилиб, кейинги бўғинларда кўпинча такрорланмайди. Масалан, *улус* сўзида ал ҳарфидан кейин ўқу ҳарфи ёзилмай бирдан ас ҳарфи ёзилади, *бодун* сўзида ҳам ад ҳарфидан кейин, *үчүн* сўзида ҳам чи ҳарфидан сўнг ўқу ҳарфи ёзилмайди.

5. Қўшимчаларнинг бошидаги ва ўртасидаги унлилар кўпинча ёзилмайди. Масалан, *оғланым, атым* сўзларида-ым қўшимчасидаги ы ва сыз (сиз ~ суз ~ сүз) қўшимчасидаги ы унлилари имлода акс этмайди. Бу имло морфологик принципга асосланган бўлиб, қадимги туркий тил табиатига жуда мосдир.

УЙҒУР ЁЗУВИ

Ҳозир уйғур ёзуви номи билан машҳур бўлган ёзувни Маҳмуд Кошғарий турк ёзуви деб атаб, унинг алифбосини қуйидагича тавсиф қилади:

„Турк тилларида ишлатиладиган ҳарфларнинг ҳаммаси ўн саккизта асосий (ўзак) ҳарфдан[13] иборат бўлиб, турк ёзуви шулардан иборатдир . . .



. . . Ундан ташқари еттита тармоқ ҳарф[14] бўлиб, улар ёзувда акс этмаган, бироқ [баъзи] сўзлар улардан ҳоли бўлмайди. Булар: жарангсиз *бо* (п); арабча *жим* (портловчи ж) — буниси турк тилида жуда кам истеъмолдир; махражи (артикуляцияси) з (з) билан *шин* (ш) оралиғидаги *зо* (сирғалувчи ж); арабча *фо* (ф); нуқтали *ғайн* (ғ); махражи *қоф* (қ) ва *коф* (к) оралиғидаги *коф* (г); *ғайн* (ғ) ва *коф* (к), *нун* (н) ва *қоф* (қ) оралиғидаги буруплашган *коф* (нг) . . . Бу тармоқ ҳарфлар ўзак (асосий) ҳарфлар шаклида ёзилади, лекин нуқталар қўйилади ва шу билан билиб олинади . . .[15]



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ёзувнинг имло принципи шундай: ҳар бир *фатҳа* (а, ә), талаффузда бунга асос бўлмаса ҳам[16], ёзувда **алиф** билан ифодаланади. Ҳар бир *заммқ* (у, v, о, ȯ), айтилишида бунга асос бўлмаса ҳам[17], ёзувда *вов* билан берилади. Ҳар бир касра (ы, и, э) бунга асос бўлмаса ҳам[18], ё ҳарфи билан берилади".[19]

Уйғур ёзуви суғд ёзувидан ва суғд ёзуви оромий ёзувидан пайдо бўлганлиги учун, у урхун ёзувига нисбатан туркий тилларнинг фонетик хусусиятини ўзида яхши акс эттирмаган. Уйғур ёзуви ўнгдан чапга ва ҳарфлар бир-бирига икки ёки бир ёндан қўшиб ёзилади. Шунинг учун ҳар бир ҳарф уч элементдан иборат. Биринчиси асосий элемент бўлиб, бу ҳарфнинг ҳамма кўринишларида сақланади ва товушни шу элемент ифодалайди. Иккинчиси улағич чизиқчалардан иборат бўлиб, булар ҳарфни ҳарфга қўшиш пайтида пайдо бўлади. Учинчиси тугалловчи чизиқ бўлиб, бу ҳарфнинг алоҳида ёки охирги кўринишида ўзак, негиз ва қўшимчалар охирида пайдо бўлади.

Уйғур ҳарфларининг шакли ва кўринишлари қуйидагича:

1. **алиф** ҳарфи. Бу ҳарфнинг асосий элементи шаклидан иборат бўлиб, алоҳида ёзилганда ва сўз охирида унга ё горизонтал ёки юқорига қайрилган ёхуд пастга қараган тугалловчи элемент уланади ва **а**, **ә** товушларини билдиради. Сўз бошида **а** ни ифодалаш учун кетма-кет иккита **алиф** ёзилади. Транслитерацияда алиф **а** ҳарфи билан белгиланади.

2. Ё ҳарфи. Бу ҳарфнинг асосий элементи шаклига эга бўлиб, тугаллагичи кўпинча горизонтал ҳолатда бўлади ҳамда **й** ундошини ва **и**, **ы**, **э** унлиларини билдиради. Сўз бошида мазкур унли товушларни ифодалаганда олдин **алиф**, сўнгра **ё** ёзилади. Транслитерацияда ё ҳарфи нуқтали **й** билан ифодаланади.

3. **Вов** ҳарфи. Бу ҳарфнинг асосий элементи шаклидан иборат бўлиб, алоҳида ва охирги кўринишларини бир чизиқ тортиб тугатилади.

Вов ҳарфи лабланган **о**, **ȯ**, **у**, **v** унлиларини билдиради. Сўз бошида унлиларни ифодалаганда эса олдига **алиф**, тил олди унлиларини билдирганда, агар сўзда ка ҳарфи бўлмаса, **вов**дан сўнг **ё** ҳарфи ҳам ёзилади. Масалан, ȯз ёки vз сўзи **алиф**, **вов**, **ё** ва **зо** ҳарфлари билан ёзилади. **Вов** транслитерацияда **v** белгиси билан берилади.

4. **Во** ҳарфи. Бу ҳарф **вов** ҳарфидан чап томондаги учларининг қўшилмаслиги билан фарқ қилади ва шаклига эга. Тугаллагичи горизонтал чизиқдан иборат: ; **в** ундошининг ҳар иккала лаб-лаб ва лаб-тиш вариантларини англатади. Шу билан бирга, айрим ўринларда **ф** товушини ифодалаш учун ҳам ишлатилган ва транслитерацияда **в** билан кўрсатилади.

5. **Ба** ҳарфи. Бу ҳарф шаклига эга бўлиб, ҳалқаси сатр устида, қолган қисми сатр остида бўлади. **Ба** ҳарфи **б** ва **п** ундошларини англатиб, алоҳида ва охирги кўринишида ҳарфнинг охири юқори кўтариб тугатилади: . Бу транслитерацияда **б** билан ифодаланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Та ҳарфи. Бу ҳарф шаклига эга. Тугаллагичи ё ёнига ёки пастга тортилади ва т ундошини англатади. Транслитерацияда т билан кўрсатилади.

7. **Ҳа** ҳарфи. Бу ҳарф шаклига эга бўлиб, тугалловчи элементи пастга тортилади:

Бу ҳарф **х** ва **ғ** товушларини билдириб, транслитерацияда **х** ҳарфи билан ифодаланади.

8. **Қа** ҳарфи. Бу ҳарф **ҳа** ҳарфидан устида иккита нуқтаси борлиги ва тугалловчи чизиғининг ёнга тортилиши билан фарқ қилади:

Транслитерацияда **қ** ҳарфи билан белгиланади. Баъзан бунинг нуқталари тушиб қолиши ҳам мумкин.

9. **Са** ҳарфи. Бу ҳарфнинг маркази, яъни асосий элементи учи пастга қараган ўткир бурчакдан \/ иборат бўлиб, **с** товушини билдиради ва тугаллагичи ёнига ёки пастга тортилиши мумкин: Транслитерацияда ҳам, транскрипцияда ҳам **с** ҳарфи билан белгиланади.

10. **Ша** ҳарфи. Бу ҳарф **са** ҳарфидан марказ остида иккита нуқта борлиги билан фарқ қилади ва шаклига эга бўлиб, **ш** товушини билдиради. Баъзан нуқталар тушиб қолиши ҳам мумкин. Транслитерацияда ҳам, транскрипцияда ҳам **ш** ҳарфи билан ифодаланади.

11. **Ка** ҳарфи. Бу ҳарф шаклига эга бўлиб, тугалланганда охири бир оз ёнга тортилади ёки юқорига қайрилади ва **к** ва **г** товушларини билдиради, олдида **на** ҳарфи келганда иккиси биргаликда **нг** товушини англатади. Транслитерацияда **к** ҳарфи билан кўрсатилади.

12. **Ча** ҳарфи. Бу ҳарф шаклига эга бўлиб, тугаллагичи охирини бир оз ёнга тортиш билан пайдо қилинади: **ча** ҳарфи асосан **ч** ва қисман портловчи **ж** товушини англатади. Транслитерацияда **ч** ҳарфи билан белгиланади.

13. **Ма** ҳарфи. Бу ҳарф **м** товушини билдиради ва у шаклига эга. Тугалланган кўринишда юқоридаги чап учи ё ёнига, ё пастга узайтирилади: Бу транслитерацияда ҳам, транскрипцияда ҳам **м** ҳарфи билан кўрсатилади.

14. **Ла** ҳарфи. Бу ҳарф **л** товушини англатади ва шакли **ма** ҳарфининг акси, яъни шаклига эга. Бу транслитерацияда ҳам, транскрипцияда ҳам **л** ҳарфи билан ифодаланади.

15. **Ра** ҳарфи. Бу ҳарф **р** товушини билдиради ва шаклига эга. Тугалланган кўринишда чап учи ёнга тортилади. Бу транслитерацияда ҳам, транскрипцияда ҳам **р** ҳарфи билан кўрсатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

16. За ҳарфи. Бу ҳарф шаклига эга бўлиб, з товушини ва баъзан остига икки нуқта қўйилиб, баъзан нуқтасиз ҳам, сирғалувчи ж товушини билдиради. Бу транслитерацияда з ҳарфи билан белгиланади.

17. Жа ҳарфи[20]. Бу ҳарф за ҳарфининг остига икки нуқта қўйиб ҳосил қилинади, яъни шаклига эга. Сирғалувчи ж товушини англатади ва транслитерацияда ж ҳарфи билан ифодаланади.

18. Зол ҳарфи. Бу ҳарф д ва тиш ора з (з) товушини билдириб, шаклига эга. Бунинг бош қисми ҳамма ҳарфлардан анча юқори кўтарилиб туради ва транслитерацияда д ҳарфи билан кўрсатилади.

19. На ҳарфи. Бу ҳарф алиф ҳарфидан устида бир нуқта борлиги билан фарқланади, н товушини билдиради. Лекин бу нуқта кўпинча тушиб қолади ва транслитерацияда ҳам, транскрипцияда ҳам н билан кўрсатилади.

Маҳмуд Кошғарий кўрсатган уйғур ҳарфларининг барча кўринишлари ва номланиши, ифодалаган товуш ва транслитерацияси қуйидаги жадвалда кўрсатилган.



Уйғур ҳарфлари: тугалланган кўриниши	сўз ўртасида кўриниши	сўз бошида кўриниши	Номи	Англатган товуши	Транслитерацияси	Изоҳлар
			алиф	а,э	а	Шарқшуносларнинг кўпчилиги э ни бермайдилар
			ē	й,и, ы, э	й	
			вов	о, ӧ, у, ү	у	
			во	в,ф	в	
			ба	б,п	б	
			та	т	т	
			ха	х,г	х	
			қа	қ	қ	
			са	с	с	
			ша	ш	ш	
			ка	к,г	к	

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уйғур ҳарфлари			Номи	Англатган товуши	Транслитерацияси	Изоҳлар
туталланган кўриниши	сўз ўртасида кўриниши	сўз бошида кўриниши				
			ча	ч,җ	ч	
			ма	м	м	
			ла	л	л	
			ра	р	р	
			за	з,ж	з	
			жа		ж	Маҳмуд Кошғарийда йўқ
			зол	д,з	д	
			на	н	н	

ИЗОҲЛАР

1. *Ибн Арабшоҳ ва унинг мазкур асари ҳақида қаранг:* У. Уватов. Ибн Арабшах и его сочинение „Аджаиб ал-макдур фи навоиб Тимур", АКД, Ташкент, 1974.
2. Буни яқинда палеографик жиҳатдан И. В. Кормушин асослаб берди. Бу ҳақда қаранг: К основным понятиям тюркской рунической палеографии, Советская тюркология, 1975, № 2.
3. Унлилар қатори ёзувда фарқ қилувчи тилларда қ, к ҳарфлари ифодаланмайди. Масалан, қирғизлар бу ҳарфларни **оу** ва **бv** деб атайдилар.
4. Ўқу ҳарфини транслитерацияда белгиси билан, ўку ни эса шу белги устига икки нуқта қўйиб ифодалаш таклиф этилган. Аммо техник сабабларга кўра китобда буни жорий қила олмадик.
5. Баъзи тадқиқотчилар бу ҳарфни ә ёки и деб ҳам ўқийдилар.
6. Дулбарчин ёзувида ундош товушларни ифодаловчи ҳарфларнинг аксари ундош фонемаларнинг фақат ё ингичка, ё қалин вариантини англатади. Лекин бу фарқни кўрсатмайдиган ҳарфлар ҳам бор. Иккинчи хилдаги ҳарфларнинг номини шу ҳарф англатган товушдан сўнг и орттириб ҳосил қилинади. Аммо биринчи турдаги ҳарфлар туркий тиллар хусусиятига мувофиқ ундош олдига а ёки э (ә нинг ўрнига) товуши орттириб ҳосил қилинади.
7. Бу ҳарф в товушининг қалин вариантини ҳам англатган бўлиши керак деган тахмин бор. Ж. Клосон урхун битигларини ўқиганда ўрни билан аб ҳарфини $в^1$ деб ўқиган. Лекин буни кўпчилик тан олгани йўқ.
8. Бу ҳарф ўрни билан в ундошининг ингичка вариантини ҳам ифодалаган бўлиши керак деган тахмин бор. Ж. Клосон ўрни билан әб ҳарфини $в^2$ деб ҳам ўқиган.
9. Ад ҳарфи ва қуйидаги әд ҳарфи тиш ора з (ʒ) товушини ҳам ифодалаган бўлиши керак деган тахмин бор. Ж. Клосон бу фикрга амал қилган ва урхун битигларида ад ва әд ҳарфларини ўрни билан тиш ора з товуши сифатида ўқиган.
10. әс ҳарфининг баъзи битигларда ш товуши ўрнида келишини ҳисобга олиб у ш товушини ҳам билдирган бўлиши керак дейилади.
11. Сирғалувчи ж ҳам әз ҳарфи билан ифодаланиши мумкин деган тахмин бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

12. Бу ҳарфнинг ўқилиши ҳақида турли фикрлар бор. В. Банг *баш* деб ўқиган. Кейинчалик Р. Жиро **ча (чә)** деб, Ж. Клосон **лық** ёки **нық** тарзида ўқишни таклиф қилган.

13. Маҳмуд Кошғарий алоҳида шаклга эга бўлган ҳарфларни **ўзак ҳарфлар**, ёзувда алоҳида шаклга эга бўлмаган товушларни **тармоқ ҳарфлар** деб атайди.

14. Тармоқ ҳарф — ёзувда махсус ҳарф билан кўрсатилмайдиган товуш.

15. Бу ерда алифбо тартибини бузмасдан *авах вазақ йакза манас бачра шатал* маъносиз сўзлари билан уйғур алифбосидаги ҳамма ҳарфларнинг қўшилиб ёзилиши кўрсатиб берилган.

16. Араб тилида **алиф** чўзиқ **а** унлисини билдиради, қисқа **а** *фатҳа* билан ифодаланади. Маҳмуд Кошғарий турк ёзувидаги **алиф** араб тилидагидек чўзиқ эмас, балки **фатҳа** сингари қисқа талаффузга эгалигини таъкидлаган.

17. Араб тилида **вов** ҳарфи чўзиқ **у** унлисини билдиради, қисқа **у** **замма** билан ифодаланади.

18. Араб тилида **ё** ҳарфи чўзиқ **и** унлисини англатади, қисқа **и** **касра** билан ифодаланади.

19. „Девону луғотит-турк" нинг Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 7—8-бетлар.

20. **Жа** ҳарфини Маҳмуд Кошғарий кўрсатмаган. Бунга сабаб **за** ҳарфининг нуқтасиз **жа** ҳарфи ўрнида ишлатилишидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОРФОЛОГИЯ

Қадимги туркий тил морфологик тип жиҳатидан ҳозирги туркий тиллар сингари агглютинативдир. Сўз формалари сўзнинг негизига махсус қўшимчаларни муайян тартибда қўшиш йўли билан ясаладиган тиллар **агглютинатив тиллар** деб аталади. Аммо қадимги туркий тилдаги морфемалар ҳозирги ўзбек адабий тили ва сингармонизмни йўқотган шевалардан сингармонистик вариантларнинг борлиги билан фарқланади. Лекин бу соф морфологик фарқ бўлмай, фонетик фарқдир.

Ҳозирги ўзбек адабий тили морфологиясидан қадимги туркий тил морфологиясининг умумий фарқи қуйидагилардан иборат:

1. Ҳозирги замон морфемалари қадимги туркий тилдагига нисбатан миқдоран кўп ва мазмунан бой.
2. Ҳозирги ўзбек тилида йўқ бўлган ёки алоҳида элемент сифатида ўқилмайдиган морфемалар ҳам бор.
3. Сўз ва·форма ясовчи чет тил морфемалари йўқ.
4. Мураккаб морфемалар жуда кам.

Аммо ёдномаларда ҳам ҳозирги ҳамма сўз туркумлари ҳамда уларнинг асосий формалари мавжуд бўлган ва у ҳар қандай фикрни ифода қилишга қодир тил бўлган.

Туркий тилларнинг маъноли элементлари мустақил сўз, ёрдамчи сўз ва қўшимчалардан иборат. Бундай тилларнинг морфологик хусусиятларини ўзлаштириш учун қўшимча ва ёрдамчи сўзларнинг қўлланиши ва маъносини билиб олишнинг ўзи етарлидир. Қуйида қадимги туркий тилдаги ҳар бир сўз туркуми ва унинг ўзига хос қўшимчалари алоҳида кўриб чиқилади.

ОТ

Қадимги туркий тилда от, отлашган сўз ёки сифатдан от ясовчи қуйидаги қўшимчалар бор:

1. -чы, -чи қўшимчаси. Қалин негизга **-чы,** ингичкасига **-чи** варианти қўшилади. Бу қўшимча касб ва бирор юмуш эгасини билдирувчи от ясайди:

> *бәдиз* (нақш) — *бәдизчи* (наққош)
> *йоғ* (аза) — *йоғчы* (азани бошқарувчи)[1]
> *ан* (ов) — *анчы* (овчи)

2. -лық, -лик, -луқ, -лүк *қўшимчаси.* Бу қўшимча мавҳумлик, макон ва тановар англатади[2]. Лабланмаган унлили қалин негизга **-лық,** ингичкасига **-лик** варианти қўшилади. Лабланган унлили қалин негизга **-луқ,** ингичкасига **-лүк** варианти қўшилади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

ач (оч) — *ачлық* (очлик)
йэмиш (мева) — *йэмишлик* (мевазор)
чаруқ (чориқ) — *чаруқлуқ* (чориқнинг тановари)
күн (кун) — *күнлүк* (кунлик)

3. -ан, -эн қўшимчаси. Бу қўшимча етуклик билдиради[3] ва **-ан** варианти қалин негизга, **-эн** эса ингичкасига қўшилади:

эр (эр) — *эрэн* (мард, жангчи)
оғул (бола) — *оғлан* (ўғил бола, йигит)

4. -қан (-хан), -кэн қўшимчаси. Бу қўшимча лақаб, унвон, географик ва астрономик номлар таркибида учрайди. Қалин негизга **-қан (хан)**, ингичкасига **-кэн** варианти қўшилади:

тэнгри (тангри) — *тэнгрикэн* (художўй)
йэти (етти) — *йэтикэн* (Етти қароқчи)
қадыр (қийин, қаттиқ) — *Қадырқан* (жой номи)

5. -қақ, -кэк, -ғақ, -гэк қўшимчаси. Бу қўшимча отга қўшилганда маҳдудлик, чегараланганлик ва феълга қўшилганда қурол, восита ёки муболаға билдиради. Жарангсиз ундош билан тугаган қалин негизга **-қақ**, ингичкасига **-кэк** варианти қўшилади. Жарангли ундош ёки унли билан тугаган қалин негизга **-ғақ**, ингичкасига **-гэк** қўшилади:

эр (эр) — *эркэк* (нар)
тоз (чанг) — *тозғақ* (гул чанги)
ор- (ўр-) — *орғақ* (ўроқ)
қач- (қоч) — *қачқақ* (қочоқ, қочқоқ)

Аммо *эркэк* сўзида бу қоида бузилган.

6. -қу, -кү, -ғу, -гү қўшимчаси. Бу қўшимчанинг ҳам негизга қўшилиш тартиби бундан олдинги қўшимчаники сингари бўлиб, мавҳумлик маъносини билдиради:

оғлан (ёш киши) — *оғланғу* (ёшлик, болалик)
эсэн (эсон) — *эсэнгү* (осонлик)
инч (тинч) — *инчкү* (тинчлик)

7. -там, -тэм, -дам, -дэм қўшимчаси. Бу қўшимчанинг ҳам негизга қўшилиш тартиби бундан олдинги икки қўшимчаникига ўхшашдир. Отдан от ёки сифат ясайди:

эр (эр) — *эрдэм* (одоб, етуклик)
тэнгри (тангри) — *тэнгридэм* (илоҳий, осмоний)[4]
күн (куёш)[5] — *күндэм* (куёшли)

8. -таш, -тэш, -даш, -дэш қўшимчаси. Бу қўшимча ҳозирги ўзбек тилидаги **-дош** нинг ўзидир. Негизга қўшилиш тартиби бундан олдинги қўшимчаники сингаридир:

қа (идиш) — *қадаш* (туғишган)

9. -ш қўшимчаси. Бу қўшимча ундош билан тугаган сўзларга бириккандa, олдига тор унли қўшилади:

бағ (боғ, боғлам) — *бағыш* (бўғин)
тэрк (тез) — *тэркиш* (тезлик)

10. -суқ, -сүк қўшимчаси. Биринчи варианти қалин негизга, иккинчиси ингичка негизга қўшилади. Отдан от ёки сифат ясайди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

бағыр (жигар) — *бағырсуқ* (ичак)
тан (ҳайрат) — *тансуқ* (ажойиб)[7]

11. **-суш, -сvш** қўшимчаси. Бу қўшимча **-суқ, -сvк** қўшимчаси билан бир манбага эга. Чунки туркий тилларда **қ** (к) ∼ **ш** мослиги бор[8]. Бу қўшимчага битта мисол бор:

сув (сув) — *сувсуш* (айрон; гўжа сингари овқатларнинг суви)

Қадимги туркий тилда феълдан от ясовчи тубандаги қўшимчалар бор:

1. **-м** қўшимчаси. Бу қўшимча ундош билан тугаган негизларга қўшилганда, олдида бир тор унли пайдо бўлади. Бу унлининг сифати негизнинг қалин-ингичкалигига ва таркибидаги унлининг лабланган-лабланмаганлигига боғлиқ. Феълдан англашилган ҳаракат билан боғлиқ предметни билдиради:

ал- (ол-) — *алым* (қарз — қарз берганга нисбатан)
бәр (бер-) — *бәрим* (қарз — қарздорга нисбатан)
кәд- (кий-) — *кәдим* (кийим)
соқ- (ур-, сўй-) — *соқум* (сўқим)
өл- (ўл-) — *өлvм* (ўлим)
оқта- (ўқ от-) — *оқтам* (отим)

2. **-н** қўшимчаси. Негизга қўшилиш тартиби **-м** ники сингари бўлиб, феъл билдирган ҳаракат натижасида пайдо бўлган предметни англатади:

ақ- (оқ) — *ақын* (сел)
тәр- (тер-) — *тәрин* (жамоа)
бул- (топ-) — *булун* (асир)
тvг- (туг) — *тvгvн* (тугун)
киша- (тушовла-) — *кишән* (тушов, кишан)

3. **-ма, -мә** қўшимчаси. Қалин негизга **-ма**, ингичка негизга **-мә** варианти қўшилади. Феъл англатган ҳаракат натижасида пайдо бўлган ва шу ҳаракатни бажарадиган предметни ифодалайди:

йәл (ел-) — *йәлмә* (тез отлиқ отряд)
тиз (тиз-) — *тизмә* (боғич)
кәс (кес-) — *кәсмә* (кокил)
тут (тут, сақла-) — *тутма* (сандиқ)

4. **-ғ, -г** қўшимчаси. Бу қўшимчанинг ҳам негизга қўшилиш тартиби **-м, -н** қўшимчаларининки сингари бўлиб, феъл билдирган ҳаракатни бажарувчи ва шу ҳаракат билан боғлиқ предметни англатади:

қап- (ёп-) — *қапығ* (дарвоза)
бил- (бил-) — *билиг* (илм)
тут- (тут-) — *тутуғ* (гаров)
көр- (кўр-) — *көрvг* (жосус, разведкачи)

5. **-қ, -к** қўшимчаси. Бу қўшимчанинг олдида пайдо бўладиган унлида уйғунлик йўқ. Феъл англатган ҳаракат натижасида пайдо бўлган предметни ифодалайди:

йаз- (ёмонлик қил) — *йазуқ* (гуноҳ)
тилә- (тила) — *тиләк* (тилак, орзу)
қыл- (қил-) — *қылыҡ* (хулқ)

www.ziyouz.com kutubxonasi

6. -ч қўшимчаси. Бу қўшимча **-н** ли мажҳул феълдан кайфият англатувчи от ясайди:

ӧкүн- (ўкин-) — *ӧкүнч* (пушаймонлик)
сақын- (ўйламоқ, эсламоқ) — *сақынч* (эслаш)

7. -чу, -чү қўшимчаси. Қалин негизга **-чу**, ингичкасига **-чү** варианти қўшилади. Бу қўшимча ҳам юқоридагидек **н** ли мажҳул феълдан от ясайди. Ҳаракат натижасини билдиради:

абын- (овин-) — *абынчу* (овинчоқ)
эрин- (эрин-) — *эринчү* (айб)

8. -т қўшимчаси. Феълдан англашилган ҳаракатни предметлаштиради:

ӧл- (ўл-) — *ӧлүт* (қатл)
адыр- (айир-) — *адырт* (фарқ)

9. -ы, -и, -у, -ү қўшимчаси. Бу қўшимча вариантларининг қўшилиши негизнинг қалин-ингичкалигига ва таркибидаги унлининг лабланган-лабланмаганлигига боғлиқ. Ҳаракат натижасини англатади:

ӧтүн- (ўтин-) — *ӧтнү* (қарз)
йаз- (ёз-) — *йазы* (чўл, дала)

10. -а, -э қўшимчаси. Қалин негизга **-а**, ингичкасига **-э** варианти қўшилади. Феълдан англашилган ҳаракат натижасида вужудга келган предметни билдиради:

ув- (майдала-) — *ува* (умоч)

11. -ға, -гә қўшимчаси. Негизга қўшилиш тартиби юқоридаги қўшимчаники сингаридир. Феъл билдирган ҳаракатга эга шахсни англатади:

бил- (бил-) — *билгә* (олим)
ӧ- (англа-) — *ӧгә* (онгли, фаросатли киши)

12. -қыч, -ғыч, -кич, -гич, -қуч, -ғуч, -куч, -гүч қўшимчаси. Қайси вариантининг ишлатилиши негизнинг қалин-ингичкалиги, охирги товушнинг жарангли-жарангсизлиги ва охирги унлининг лабланган-лабланмаганлигига боғлиқ. Бу қўшимча қурол номи ясайди:

ач- (оч-) — *ачқыч* (очқич, калид)
йул- (юл-) — *йулғуч* (омбир)

13. -қу, -ғу, -кү, -гү қўшимчаси. Қайси вариантининг ишлатилиши негизнинг қалин-ингичкалигига боғлиқ. Бу ҳам қурол номи ясайди:

быч- (кес-) — *бычғу* (кесадиган асбоб)
қана- (қон чиқ-) — *қанағу* (қон оладиган асбоб)

14. -қын, -ғын, -кин, -гин, -қун, -ғун, -күн, -гүн қўшимчаси. Қайси вариантининг қўшилиши негизнинг ингичка-қалинлиги ва охирги бўғиндаги унлининг лабланган-лабланмаганлигига боғлиқ. Жаранглилик-жарангсизлик уйғунлиги бузилиши мумкин. Феълдан англашилган ҳаракатни бажарувчи ёки шу ҳаракатга маҳкум шахс маъносини билдиради.:

қач- (қоч-) — *қачғын* (қочқин)
бар- (бор-) — *барқын* (йўловчи)

www.ziyouz.com kutubxonasi

тут- (тут-) — *тутқун* (асир)
тәр- (тер-) — *тәргин* (жамоа)

15. -ғук, -гүк, -қуқ, -күк қўшимчаси. Қайси вариантининг қўлланиши негизнинг қалин-ингичкалигига боғлиқ. Ҳаракат натижасида вужудга келган предметни англатади:

қаз- (қази-) — *қазғуқ* (қозиқ)
тапуз- (топтир-) — *тапузғуқ* (топишмоқ)

16. -йақ, -йәк қўшимчаси. Қалин негизга **-йақ**, ингичкасига **-йәк** варианти қўшилади. Маъноси бундан олдинги қўшимчага яқин:

тут- (тут-) — *тутйақ* (тутуниш)
йөргә (ўра-) — *йөргәйәк* (гажак)

Булардан ташқари **-мақ, -иди, -(а) ған** ва бошқа қўшимчалар билан ясалган феъл формалари отлашиши мумкин.

Кичрайтув. Қадимги туркий тилда **-ақ, -әк, -қы, -ки, -чық, -чик** ва **-ч** каби кичрайтув ва эркалаш аффикслари учрайди:

йол (йўл) — *йўлақ* (сўқмоқ)
оғлан (йигит) — *оғланчық* (йигитча)
ата (ота) — *ата қы* (отажон)
ата (ота) — *атач* (отагина)

Кўплик[9]. Бу даврда кўпликнинг асосий ва кўп қўлланадиган кўрсаткичи **-лар** қўшимчаси бўлиб, у қалин ва ингичка вариантларга эга. Қалин негизга **-лар**, ингичка негизга **-лəр** варианти қўшилади:

қунчуй (хоним) — *қунчуйлар* (хонимлар)
бәг (бек) — *бәгләр* (беклар)

Бу аффикснинг ҳозирги туркий тил ва лаҳжаларидаги **-нар, -тар** сингари биринчи ундоши фарқли бўлган вариантлари қадимги туркий тилда йўқ.

Бу даврда **н** билан тугаган баъзи сўзларнинг кўплиги шу **н** ни **т** га айлантириб ясалганини кўриш мумкин:

тарқан (тархон) — *тарқат* (тархонлар)
тәгин (шаҳзода) — *тәгит* (шаҳзодалар)
әрән (жангчи) — *әрәт* (жангчилар)

Кўпликнинг **т** ли формаси ҳозирги мўғул тилларида бор ва ёқут тилида айрим ўринларда сақланган.

Туркий тиллар тарихида **-ғун, -гүн, -қун, -күн, -ғын, -қын, -кин, -гин, -ған, -қан, -гән, -кән, -ғ, -қ, -г, -к, -з, -с** каби қўшимчалар жамлик ва кўплик ясаган, деган фикрлар бор[10].

Аммо қадимги туркий тилда бундай қўшимчаларнинг отларда кўплик ифодалашига далил йўқ. Лекин **-з** қўшимчаси олмош, олмошдан пайдо бўлган қўшимча ва кўмакчиларда кўплик англатади[11].

Эгалик. Қадимги туркий тилда **-м** биринчи шахс бирликдаги эгалик қўшимчаси бўлиб, ундош билан тугаган негизга қўшилганда унинг олдида бир тор унли[12] орттирилади. Бу унлининг сифати негизнинг қалин-ингичкалигига, охирги бўғиндаги унлининг лабланган-лабланмаганлигига боғлиқ:

апа (бобо) — *апам* (бобом)
ат (от) — *атым* (отим)

www.ziyouz.com kutubxonasi

бодун (халқ) — *бодунум* (халқим)
әл (давлат) — *әлим* (давлатим)
öг (она) — *öгvм* (онам)

Иккинчи шахс бирликдаги эгалик қўшимчаси **-н** бўлиб, бунинг негизга қўшилиш тарзи **-м** ники кабидир:

бöгдә (ханжар) — *бöгдәнг* (ханжаринг)
қан (хон) — *қанынг* (хонинг)
оғул (оғул) — *оглунг* (ўғлинг)
бәг (бек) - *бәгинг* (бегинг)
әт-öз (тану жон) — *әт-öзvнг* (тану жонинг)

Буларнинг кўплиги **-ыз, -из, -уз, -vз** қўшимчалари билан ясалади:

апа (бобо) — *апамыз* (бобомиз)
йарлық (фармон) — *йарлықынгыз* (фармонингиз)
әл (давлат) — *әлимиз* (давлатимиз)
сv (лашкар) — *сvмvз* (лашкаримиз)
vн (овоз) — *vнvмvз* (овозимиз)

-ы, -и учинчи шахс бирликдаги эгалик қўшимчаси бўлиб, унли билан тугаган негизга қўшилганда олдида **с** товуши орттирилади:

билиг (илм) — *билиги* (илми)
ат (от) — *аты* (оти)
сv (лашкар) — *сvси* (лашкари)
йағы (душман) — *йағысы* (душмани)

-лары, -ләри учинчи шахс кўпликдаги эгалик қўшимчасидир:

бәг (бек) — *бәгләри* (беклари)
қунчуй (хоним) — *қунчуйлары* (хонимлари)

Келишик. Қаратқич қўшимчаси **-нынг, -нинг, -нунг, -нvнг** шаклида бўлиб, **н** ундоши билан тугаган сўз ва сўз формаларига қўшилганда бир **н** тушиб қолади. Қайси вариантининг ишлатилиши негизнинг қалин-ингичкалигига боғлиқ.

тәнгри (фалак) — *тәнгрининг* (фалакнинг)
Мағаствы (киши оти) — *Мағаствынынг*
оғлан (йигит) — *оғланынг* (йигитнинг)
бодун (халқ) — *бодунунг* (халқнинг)

Қаратқич қўшимчасидаги унли **н** ли лаҳжада тор бўлмай, кенг бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *бәгнәнг* (бекнинг), *кишинәнг* (кишининг).

Тушум қўшимчаси **-ғ, -г, -н, -ны, -ни** шаклларига эга. **-ғ, -г** шакли ундош билан тугаган сўз ва сўз формаларига қўшилганда олдида бир тор унли пайдо бўлиб, унинг сифати негизнинг қалин-ингичкалиги ва охирги бўғиндаги унлининг лабланган-лабланмаганлигига боғлиқ:

сv (лашкар) — *сvг* (лашкарни)
таш (тош) — *ташығ* (тошни)
иш (иш) — *ишиг* (ишни)
кvч (куч) — *кvчvг* (кучни)
бодун (халқ) — *бодунуг* (халқни)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўшимчадаги унли **н** ли лаҳжада кенг бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *тәмирәг* (темирни), *ығачағ* (ёғочни, дарахтни).

Тушум қўшимчасининг **н** шакли асосан эгалик қўшимчаларидан сўнг орттирилади:

саб (нутқ) — *сабым* (нутқим) — *сабымын* — (нутқимни)
қан (хон) — *қаныңг* (хонинг) — *қаныңгын* — (хонингни)
сv (лашкар) — *сvси* (лашкари) — *сvсин* (лашкарини)

Тушум қўшимчасининг **-ны, -ни** кўриниши кейинги даврларга оид уйғур ёдномаларида учраб туради. Урхун ёдномаларида олмошларга ҳам қўшилади: *бәни, бизни, аны.*

Жўналиш қўшимчалари қуйидаги кўринишларга эга:

1. -қару, -ғару, -кәрv, -гәрv:

йоқ (юқори) — *йоқ (қ) ару* (юқори томонга)
оғуз (ўғуз) — *оғузғару* (ўғуз томонга)
әб (уй) — *әбгәрv* (уй томонга)

Бу қўшимчалар олдидаги ундош эгалик қўшимчаларидан сўнг қўшилганда тушиб қолади ва қайси вариантининг ишлатилиши негизнинг қалин-ингичкалигига, унлининг сифатига боғлиқ.

йәр (ер) — *йәриңг* (еринг) — *йәриңгәрv* (еринг томонга)
суб (сув) — *субыңг* (сувинг) — *субыңгару* (сувинг томонга).

2. -қа, -кә:

тағ (тоғ) — *тағқа* (тоққа)
қаған (хоқон) — *қағанқа* (хоқонга)
әб (уй) — *әбкә* (уйга)
йәр (ер) — *йәркә* (ерга)

Бунинг ҳам олдидаги ундош биринчи ва иккинчи шахс эгалик қўшимчаларидан сўнг тушиб қолади, учинчи шахс эгалик қўшимчасидан сўнг нг га айланади:

әб (уй) — *әбим* (уйим) — *әбимә* (уйимга)
бодун (халқ) — *бодунум* (халқим) — *бодунума* (халқимга)
иш (иш) — *ишиңг* (ишинг) — *ишиңгә* (ишингга)
қан (хон) — *қаныңг* (хонинг) — *қаныңга* (хонингга)
әл (давлат) — *әли* (давлати) — *әлиңгә* (давлатига)

Жўналиш қўшимчаси қадимги туркий тилда ҳам, ҳозирги баъзи ўзбек шеваларидагидек, адабий тилдаги **-да** ўрнида ишлатилиши мумкин: . . . *бән озум Табғач әлинә қылынтым* — мен ўзим Табғач элида (элига) тарбияландим (Тўн, 1); *бир йылқа бәш йолы сvңгvшдимиз* — бир йилда (йилга) беш марта урушдик (Кту, 44). Қадимги туркий тилда ҳозирги чиқиш ва ўрин-пайт қўшимчалари асосан бир кўринишга эга. Чиқиш қўшимчаси **-дын, -дин, -тын, -тин, -дан, -дән, -тан, -тән** қадимги туркий тилнинг охирги даврларига хос ёдномаларда учрайди. Урхун ёдномаларида ўрин-чиқиш қўшимчаси **-да, -дә, -та, -тә** шаклида ишлатилади[13].

www.ziyouz.com kutubxonasi

әл (давлат) — *әлтә* (давлатда)
қаған (хоқон) — *қағанта* (хоқонда)
таш (тош) — *ташта* (тошда)
йәр (ер) — *йәрдә* (ерда)
Табғач (Хитой) — *Табғачда* (Хитойда)

Бу ҳозирги чиқиш қўшимчаси маъносида ҳам ишлатилади:

Түрүк бодун . . . Табғачда адрылты — Турк халқи Хитойдан айрилди (Тўн, 2) . . . *тәңгрида болмыш түрүк билгә қаған* — тангридан бўлган турк Билга хоқон (Ктк, 1).

Бу даврда восита қўшимчаси ҳам бор бўлиб, у **-н** ундошидан иборат. Бу қўшимча ундош билан тугаган отларга қўшилганда олдида бир тор унли пайдо бўлади ва бу унлининг сифати негизнинг қалин-ингичкалиги ҳамда охирги бўғиндаги унлининг лабланган-лабланмаганлигига боғлиқ:

йулдуз (юлдуз) — *йулдузун* (юлдуз билан)
сүңүг (найза) — *сүңүгүн* (найза билан)
қыш (қиш) — *қышын* (қишин, қишда)
тил (тил) — *тилин* (тил билан)

Бу қўшимча ҳозирги ўзбек тилида *қишин, ёзин, кунин* каби равишлар таркибида сақланган.

СИФАТ

Сифат ясовчилар. Қадимги туркий тилда қуйидаги сифат ясовчи қўшимчалар бор:

1. **-лығ, -лиг, -луғ, -лүг** қўшимчаси. Бу қўшимча отдан сифат ясайди ва эгалик ҳамда нисбат билдиради. Лабланмаган унлили қалин негизга **-лығ**, ингичка негизга **-лиг** варианти қўшилади. Лабланган унлили қалин негизга **-луғ**, ингичкасига **-лүг** варианти орттирилади:

қаған (хоқон) — *қағанлығ* (хоқонли)
экин (экин) — *экинлиг* (экинли)
бодун (халқ) — *бодунлуғ* (халқли)
күч (куч) — *күчлүг* (кучли)

Бу қўшимчанинг охиридаги ундош ҳозирги туркий тил ва лаҳжаларнинг баъзиларида йўқолган. Аммо қадимги **-лығ** ва унинг вариантларини мавҳум от ясовчи **-лық** ва унинг вариантлари ҳамда ҳозирги *ва* маъносида қўлланадиган **-лы, ...-ли** қўшимчаси билан қориштирмаслик керак[14]. Аммо **-лығ** ва унинг вариантларидаги **л** товуши **нч** дан сўнг тушиб қолиши мумкин: *қорқынчығ* (қўрқинчли), *күсәнчиг* (кусалган).

2. **-сыз, -сиз, -суз, -сүз** қўшимчаси. Бу қўшимча отдан эгасизлик ва йўқлик билдирувчи сифат ясайди. Негизга қўшилиш тартиби бундан олдинги қўшимчаники кабидир:

йағы (душман) — *йағысыз* (душмансиз)
билиг (илм) — *билигсиз* (илмсиз)
йол йўл — *йолсуз* (йўлсиз)
өг (она) — *өгсүз* (онасиз)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Н ли лаҳжада бу қўшимчанинг унлиси кенг бўлиши мумкин. Масалан, *игсэз* (касалсиз).

3. **-сақ -сэк** қўшимчаси. Бу истак билдирувчи феъл ясовчи **-са, -сэ** ҳамда феълдан сифат ва от ясовчи **-қ, -к** қўшимчасининг бирлашувидан ҳосил бўлган. Қалин негизга **-сақ**, ингичкасига **-сэк** варианти қўшилади:

бағыр (жигар) — *бағырсақ* (кўнгилчан)
кэк (кек) — *кэксэк* (кекчи)

4. **-сығ, -сиг** қўшимчаси. Бу қўшимча отдан сифат ясайди ва ўхшашлик маъносини билдиради. Негизга қўшилиш тартиби бундан олдинги қўшимчаники сингаридир:

қул (қул) — *қулсығ* (қулсимон)
бэг (бек) — *бэгсиг* (бексимон)

5. **-қы, -ки (—ғы, -ги)** қўшимчаси. Бу қўшимча от, равиш ва олмошдан нисбий сифат ясайди. Жарангсиз ундош билан тугаган қалин негизга **-қы**, ингичкасига **-ки**; жарангли ундош билан тугаган қалин негизга **-ғы**, ингичкасига **-ги** қўшилади.

ай (ой) — *айқы* (ойга оид)
йай (ёз) — *йайғы* (ёзги)
ичрэ (ичда) — *ичрэки* (ичидаги)

6. **-з** қўшимчаси. Бу қўшимча феълдан сифат ясайди:

у- (қила бил-) — *уз* (моҳир)

7. **-л** қўшимчаси. Бу қўшимча *йашыл* (яшил), *қызыл* (қизил), *тукэл* (тугал) сингари сўзлар таркибида учрайди.

-рақ формаси. Бу давр ёдномаларида ҳозирги ўзбек адабий тилидаги **-роқ** қалин **(-рақ)** ва ингичка **(-рэк)** вариантларга эга ва у сифатнинг орттирма даражасини билдиради:

йиг (яхши) — *йигрэк* (энг яхши)
артуқ (ортиқ) — *артуқрақ* (энг ортиқ)

СОН

Ёдномаларда саноққа оид бир хусусият бор бўлиб, у ўндан юқори бирлиги бор икки хонали сонларга тааллуқлидир. Бунда бирлик олдин айтилиб, ундан сўнг шу сонга оид ўнлик эмас, ундан кейинги ўнлик айтилади: *бэс йигирми* (ўн беш), *алты йигирми* (ўн олти), *йэти йигирми* (ўн етти), *бир отуз* (йигирма бир), *уч отуз* (йигирма уч), *алты отуз* (йигирма олти).

Ўнлик олдин айтилганда эса ундан сўнг бирликдан олдин *артуқы* сўзи орттирилади: *отуз артуқы тўрт йашыма* (ўттиз тўрт ёшимда).

Ҳозирги иккиланган ундошли сонларда қадимги туркий тилда бир ундош бўлган: *ики* (икки), *йэти* (етти), *сэкиз* (саккиз), *тоқуз* (тўққиз), *отуз* (ўттиз), *элиг* (эллик). *Йигирма* сони *йигирми, саксон сэкиз он, тўқсон тоқуз он, минг бинг* шаклига ҳам эга. *Ўн минг туман* сони орқали ҳам ифодаланади.

Тартиб сон қўшимчаси фонетик вариантларга эга ва ҳозирги охиридаги **и** унлиси йўқ: *учунч* (учинчи), *тортунч* (тўртинчи), *бэсинч* ёки *бэшинч* (бешинчи). *Биринчи* ўрнида *баштынқы* ёки *илки* ва *иккинчи* ўрнида *икинти* шакли ишлатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жамлов қўшимчаси **-ағу, -әгv** шаклига эга:

алты (олти) — *алтағу* (олтов)
ики (икки) — *икәгv* (иков)
vч (уч) — *vчәгv* (учов)

Тақсим формаси -(р) ар, -(р) әр қўшимчаси билан ясалади:

бир (бир) — *бирәр* (биттадан)
vч (уч) — *vчәр* (учтадан)
алты (олти) — *алтырар* (олтитадан)
ики (икки) — *икирәр* (иккитадан)

ОЛМОШ

Қадимги туркий тилдаги олмошлар қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Ўзлик олмоши, *öз* дан ташқари, *кәнтv (кәндv)* сўзи билан ҳам ифодаланади. *Öз* аслида от бўлиб, у „нафс“ ва „жон“ маъноларида ишлатилган.

2. Учинчи шахс кишилик олмоши бош формада *ол* шаклига эга бўлиб, бошқа формаларда **а (н)** шаклини олади: *аныңг* (унинг), *аны* (уни), *аңгар* (унга), *анда* ёки *анта* (унда), *анын* (у билан).

3. Кишилик олмошларининг биринчи шахс бирлиги *мән* ва *бән* шаклларига, иккинчи шахс бирлиги *сән* шаклига эга бўлиб, жўналиш формасида қалинлашади: *баңга, маңга* (менга), *саңга* (сенга).

4. *Биз* ва *сиз* олмошларининг қаратқич формаси **-н**, жўналиш формаси **-нә** қўшимчаси билан ясалади: *бизиңг*(бизнинг), *сизиңг* (сизнинг), *бизиңгә* (бизга), *сизиңгә* (сизга).

5. *Бу* олмошининг қаратқич формаси *бунуңг* ва *мунуңг* шаклларига ва жўналиш формаси *буңга (р); муңга (р)* кўринишларига эга.

6. Сўроқ олмоши *нима* ўрнида *нә, қайси* ўрнида *қан(ӣ)у* ва *қайу, қандай* ўрнида *нәлvк* ишлатилади.

7. Биргалик олмоши *ҳамма* ўрнида *қамуғ* ва *алқу* истеъмол қилинади.

8. Белгилаш олмоши *ҳар* ўрнида *сайу* (постпозитив ҳолатда) ишлатилади.

9. Инкор олмоши *ҳеч* ўрнида *нәңг* истеъмол қилинади.

ФЕЪЛ

Феъл ясовчилар. Қадимги туркий тилда қуйидаги **феъл ясовчи қўшимчалар** бор:

1. **-а, -ә** қўшимчаси. От ва сифатдан феъл ясайди:

ат (от) — *ата* (ата)
тvз (тўғри) — *тvзә* (тўғриламоқ)

2. **-ла, -лә** қўшимчаси. Отдан феъл ясайди:

йай (ёз) — *йайла-* (ёзни ўтказ)
сv (лашкар) — *сvлә* (лашкар торт-).

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. **-лан, -лән** қўшимчаси. От ва сифатдан феъл ясайди:

қан (хон) — *қанлан* (хонлик бўл-)
қатығ (қаттиқ) — *қатығлан* (чиниқ-)

4. **-ад, -әд** қўшимчаси. Бу қўшимчадаги **д** ўрнида тиш ора з бўлиши ҳам мумкин. Отдан феъл ясайди:

қул (қул) — *қулад-* (қулга айлан-)
кӳнг (чўри) — *кӳнгәд* (чўрига айлан-)

5. **-(ы)қ, -(и)к** қўшимчаси. Отдан феъл ясайди:

таш (ташқари) — *ташық-* (ташқари чиқ-)
тағ (тоғ) — *тағық-* (тоққа чиқ-)
ич (ичкари) — *ичик* (ичкари кир-)

6. **-сыра, -сирә** қўшимчаси. Отдан феъл ясайди ва „-сизлан" маъносида ишлатилади:

қаған (хоқон) — *қағансыра* (хоқонсиз бўл-)
әл (давлат) — *әлсирә* (давлатсизлан-)

7. **-са, -сә** қўшимчаси. От ва феълдан феъл ясаб, истак билдиради.

әт (гўшт) — *әтсә* (гўштсиради)
ач- (оч-) — *ачса* (очмоқчи бўлди)

Бу қўшимча баъзи феълларга қўшилганда унинг олдида от ясовчи **-ғ, -г** қўшимчаси ҳам пайдо бўлиши мумкин:

кӧр (кўр-) — *кӧрүг* (кўриш) — *кӧругсә* (кўрмак истади)
бар- (бор-) — *барығ* (бориш) — *барығса* (бормоқ истади)

Юқоридаги барча феъл ясовчи қўшимчаларнинг таркибида **а, ы** унлилари бўлган варианти қалин негизга; таркибида **ә, и** унлилари бўлган варианти ингичка негизга қўшилади.

Даража формалари. Қадимги туркий тилда қуйидаги орттирма даража қўшимчалари бор:

1. **-з** қўшимчаси. Негиз ундош билан тугаганда, олдида бир тор унли пайдо бўлади:

тут- (тут-) — *тутуз-* (тутқиз-)
туй- (сез-) — *туйуз-* (сездир-)

2. **-р** қўшимчаси. Негиз ундош билан тугаганда, олдида асосан тор, баъзан кенг унли пайдо бўлади:

йаш- (яширин-) — *йашур-* (яшир-)
ӧл- (ўл-) — *ӧлүр-* (ўлдир-)
кәт- (кет-) — *кәтәр* (кеткиз-)

3. **-т** қўшимчаси. Негиз ундош билан тугаганда, олдида бир тор унли пайдо бўлади:

оқы- (ўқи-) — *оқыт-* (ўқит-)
күчә- (зўрла-) — *күчәт-* (зўрлат-)
сәв- (сев-) — *сәвит* (севдир-)

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. -тvр, -тур, -дур, -дvр қўшимчаси:

ақ- (оқ-) — *ақтур-* (оқиз-)
бин- (мин-) — *бинтvр-* (миндир)
йә- (е-) — *йәдvр-* (едир-)

5. -қур, -кvр, -ғур, -гvр қўшимчаси:

аз- (адаш-) — *азғур-* (адаштир-)
тир- (яша-) — *тиргvр-* (яшат-)

6.-л, -н, -қ(-к) ўзлик ва мажҳул даража формалари ясайди. Ундош билан тугаган негизларга қўшилганда олдида бир тор унли пайдо бўлади ва унинг сифати ўзакнинг қалин-ингичкалиги ва охирги бўғиндаги унлининг лабланган-лабланмаганлигига боғлиқ:

адыр- (айир-) — *адрыл-* (айрил-)
тәр- (тер-) — *тәрил-* (терил-)
кәр- (кўр-) — *кöрvл-* (намоён бўл-)
ал- (ол-) — *алын-* (олин-)
öт- (тила-) — *öтvн-* (тилак билдир-)
бас- (бос-) — *басық-* (босил-)
бол- (бўл-) — *болуқ-* (бўлин-)

-н қўшимчаси субъект ҳаракатни ҳақиқатда бажармасдан, бажараётгандек қилиб кўрсатганда ҳам ишлатилади.

7. -ш (-с) қўшимчаси биргалик ва рақобат англатади. Ундош билан тугаган негизга қўшилганда олдида тор унли, **и** ли лаҳжада кенг унли пайдо бўлади:

бақ- (қара-) — *бақыш-* (бир-бирига қараш-)
оқу- (чақир-) — *оқуш-* (чақириш-)

Бўлишсиз форма. Феълнинг бўлишсиз формаси **-ма, -мә** қўшимчаси билан ясалади. Бунинг **-ма** варианти қалин негизга, ингичка негизга -мә орттирилади:

бар- (бор-) — *барма* - (борма-)
кәл- (кел-) — *кәлмә* - (келма)

Буйруқ ва истак формалари. Буйруқ формасининг иккинчи шахс бирлиги феълнинг бўлишли ва бўлишсиз негизи билан бир хилдир, кўплиги эса бирлик шаклига **-н** қўшимчасини қўшиш билан ясалади: *ай* (айт), *әсид* (эшит), *барын* (боринг (из), *олуруң* (ўтиринг (из), *әмгәтмәң* (қийнаманг (из).

Буйруқнинг **-қыл, -кил; -ғыл, -гил** формаси ҳам бор: *билгил* (билгин), *кәлгил* (келгин), *баққыл* (қарагин), *қачғыл* (қочгин).

Буйруқ формасининг учинчи шахси **-зун, -зvн** қўшимчаси[15] билан ясалади: *барзун* (борсин), *бармазун* (бормасин), *йитмәзvн* (йўқолмасин).

Истак формасининг биринчи шахс бирлиги **-(а) йын, -(ә) йин,** кўплиги **-алым, -әлим** қўшимчаси билан ясалади.

бол- (бўл-) — *болайын* (бўлай)
тилә- (тила-) — *тиләйин* (тилай)
болма- (бўлма-) — *болмалым* (бўлмайлик)
öтvн- (ўтин) — *öтvнәлим* (ўтинайлик)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Н лик лаҳжада бу қўшимчалардаги **ы** ва **и** ўрнида **а** ва **ә** келиши мумкин.

Сифатдош формалари. Қадимги туркий тилда қуйидаги сифатдош формалари мавжуд:

1. -мыш (мыс), -миш (мис), -муш, -мvш формаси. **Н** ли лаҳжада **-мыш, -мәш** шаклига ҳам эга. Ҳозирги ўзбек тилидаги **-ган** сифатдоши маъносида ишлатилади. Қайси вариантининг ишлатилиши негизнинг қалин-ингичкалигига ва охирги унлининг лабланган-лабланмаганлигига боғлиқ:

қал- (қол-) — *қалмыш* (қолган)
әр- (э-) — *әрмиш* (экан)
тут- (тут-) — *тутмус* (тутган)
кӧр- (кўр-) — *кӧрмvш* (кўрган)

Бу сифатдош ҳам сифатловчи, ҳам кесим вазифасида келади: *ычғынмыш бодунуғ*—қулдан чиққан халқни (Кту, 13), *тәңгрида болмыш тvрvк Билгә қаған*—тангридан бўлган турк Билга ҳоқон (Ктк, 1); *киши оғлы қылынмыс*—инсон боласи яратилган (Кту, 1); *тӧрт булуң қоп йағы әрмиш*—тўрт жиҳат душман экан (Кту, 2).

2. дуқ, -дvк, -туқ, -тvк формаси. Бу ҳам содир бўлган ҳаракатни сифатлаштиради. Қайси вариантининг қўлланиши негизнинг қалин-ингичкалигига боғлиқ:

бар- (бор-) — *бардуқ* (борган)
бол- (бўл-) — *болтуқ* (бўлган)
тәг- (тег-) — *тәгдvк* (теккан)

Бу сифатдош ҳам сифатловчи, кесим ва ҳол вазифасида келади: *бардуқ йәрдә*—борган ерда (Кту, 24); *ичикдvк vчvн*—таслим бўлгани учун (Тўн, 3); *мән игләдvктә*—мен касал бўлганда (ДТС, 665); *қағанта адрылмадуқ*—ҳоқондан айрилмаган (Унг, 3).

3. -ғу, -гv формаси. Бу форма содир бўлиб турган ёки содир бўлиши лозим бўлган ҳаракатни сифатлаштиради. Қайси вариантининг қўлланиши юқоридаги қўшимчаники сингаридир:

бар- (бор-) — *барғу* (бориш керак бўлган, бориладиган)
кир- (кир-) — *киргv* (кириш керак бўлган, кириладиган)

Ҳозирги *боргим йўқ, кўргиси келмади* сингари иборалардаги **-ги** ўша **-ғу, -гу** нинг янги шаклидир. Ундан сўнг **-луқ, -лvк** ҳам қўлланиши мумкин; *топулғулуқ* (тор-мор қиладиган), *узгулук* (узадиган). Бу қўшимча ҳозирги ўзбек тилида ҳам бор: *кўргилиги бор экан, боргилик қилмасин.*

4. -тачы, -тәчи, -дачы, -дәчи[16] формаси. Бу форма содир бўлиши муқаррар бўлган ҳаракатга боғлиқ сифатни билдиради:

бол- (бўл-) — *болдачы* (бўлажак)
ӧл- (ўл-) — *ӧлтәчи* (ўлажак)
кӧр- (кўр-) — *кӧртәчи* (кўражак)

Бу форма кесим ва сифатловчи бўлиб келади; ... *тvрvк бодун, ӧлтәчи-сән* [эй] турк халқи, ўлажаксан (Ктк, 8); *ӧлтәчи бодунуғ*—ўлажак халқни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

5. **-сық (-сығ), -сик (сиг), -сұқ (-сұғ), -сvк (-сvг)** формаси. Бу форма доимийлик ёки муносиблик, лойиқлик билдиради. Қайси вариантининг қўшилиши негизнинг қалин-ингичкалиги ва охирги унлининг лабланган-лабланмаганлигига боғлиқ:

алқан- (олқишлан-) — *алқансық* (олқишланишга лойиқ)
тут- (тут-) — *тутсуқ* (тутишлик, тутишга лойиқ).

6. **-р** формаси[17]. Ундош билан тугаган негизга қўшилганда олдида бир унли товуш пайдо бўлади. Бўлишсиз феъл негизига қўшилганда **р з** га айланади:

тә- (де-) — *тәр* (дер)
кәлvр (келар) — *кәлмәз* (келмас)
кöрvр (кўрар) — *кöрмәз* (кўрмас)
барыр (борар) — *бармаз* (бормас)

7. **-ғлы, -гли** формаси. Ундош билан тугаган негизга қўшилганда олдида бир тор унли пайдо бўлади ва қайси вариантининг қўлланиши негизнинг қалин-ингичкалигига боғлиқ. Содир бўлиши керак бўлган ҳаракатдан иборат сифатни билдиради:

бар- (бор-) — *барығлы* (борадиган, бориши керак бўлган)
кәл- (кел-) — *кәлигли* (келадиган, келиши керак бўлган)

8. **-ғма, -гмә** формаси[18]. Ундош билан тугаган негизга қўшилганда бунинг олдида ҳам бир тор унли пайдо бўлади ва қайси вариантининг қўлланиши негизнинг қалин-ингичкалигига боғлиқ. Бу форма содир бўлган ҳаракатни сифатга айлантиради:

йарат- (ярат-, яса-) — *йаратығма* (ясалган)
удыз- (уюштир-) — *удызығма* (уюштирган, уюштирадиган)
кәл- (кел-) — *кәлигмә* (келган, келадиган)
кöр- (кўр-, қара-) — *кöрvгмә* (қараган)

9. **-ғучы, -гvчи, -қучы, -кvчи** формаси. Қайси вариантининг қўлланиши негиздаги унлининг сифатига ва қалин-ингичкалигига боғлиқ. Бу қўшимча ҳаракат номи қўшимчаси билан от ясовчи **-чы, -чи** қўшимчасининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Шунинг учун бунда сифатдошликдан кўра отлик хусусияти кўпроқ:

кvл- (кул-) — *кvлгvчи* (кулувчи)
ай- (айт-) — *айғучы* (мушовар, маслаҳатчи)

Келтирилган сифатдош формаларининг ҳаммаси ҳам отлашиши мумкин.

Равишдош формалари. Равишдошнинг қуйидаги формалари мавжуд:

1. **-а, -ә, -у, -v, -ы, -и** формаси. Бу ҳозирги **-а** равишдошининг турли вариантларидир:

аш- (ош-) — *аша* (оша, ошиб)
кәч- (кеч-) — *кәчә* (кеча, кечиб)
тутун- (ушла-) — *тутуну* (ушлай, ушлаб)
әсид- (эшит-) — *әсидv* (эшита, эшитиб)
ал- (ол-) — *алы* (ола, олиб)
әт- (эт-) — *әти* (эта, этиб)

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. -п, -уп, -vп, -ып, -ип формаси. Бу ҳозирги **-иб** равишдошининг турли вариантларидир:

тә- (де-) — *тәп* (деб)
ал- (ол-) — *олып* (олиб)
әсид- (эшит-) — *әсидип* (эшитиб)
олур- (ўлтир-) — *олуруп* (ўлтириб)
сунгуш- (уруш-) — *сунгушуп* (урушиб)

Бунга яна **-ан, -ән** қўшилиши ҳам мумкин:

кәл- (кел-) — *кәлип* (келиб) — *кәлипән* (келибон)
тут- (тут) — *тутуп* (тутиб) — *тутупан* (тутибон)

3. -ғалы, -гәли, -қалы, -кәли формаси. Бу ҳозирги **-гани (-гали)** формасининг турли вариантидир:

ал- (ол-) — *алғалы* (олгани)
vз- (уз-) — *vзгәли* (узгани)

Равишдош қўшимчаларининг қайси варианти қўлланиши негизнинг қалин-ингичкалиги ва унлининг лабланган-лабланмаганлигига боғлиқ.

Бу равишдош формасининг мақсад маъносидан ташқари бу даврда ўзига хос бир маъноси ҳам бор. Бу маъно ҳозирги туркий тилларнинг баъзиларида[19] сақланган, ҳозирги ўзбек адабий тилида эса сақланмаган. Унинг бу маъноси **-гача** га зид бўлиб, **-гандан бери, -ганига** қўшимчалари маъноларига тўғри келади: *тиши барс әнукләгәли йәти кун болмыш* — урғочи барс болалагандан бери (яъни болалаганига) етти кун бўлибди. (Оё, 610, 2—3-сатрлар); *Тvрvк бодун олурғалы, тvрvк қаған олурғалы шантунг балық(қ) а, тәлуй öгузкә тәгмис йоқ әрмис* — турк хоқони [тахтга] ўрнашгандан бери Шантунг шаҳрига, денгиз, дарёга етган (яъни етиб борган киши) йўқ экан (Тўн, 18).

Замон формалари. Қадимги туркий тилда қуйидаги замон формалари мавжуд:

1. -ди, -ти формаси. Бу форма маъно жиҳатдан ҳозирги шу шакли билан бир хил бўлиб, фонетик жиҳатдан фарқ қилади. Қўшимчанинг қалин варианти қалин негизга, ингичка варианти ингичка негизга қўшилади. Унли билан тугаган негизга асосан жарангли **-ды** варианти қўшилади: *қалмады* — қолмади (Тўн, 4); *тәди*— деди (Тўн, 5). Лекин негиз ундош билан тугаганда кўпинча жаранглисига жарангсизи, жарангсизига жаранглиси орттирилади: *Тvрvк бодун öлти, алқынты, йоқ болты*[20] — турк халқи ўлди, тугаб кетди, йўқ бўлди (Тўн, 3); *бир vлvги йадағ әрти* — бир қисми яёв эди (Тўн, 4); *Табғачқа йана ичикди* — Хитойга яна таслим бўлди (Тўн, 2); *öгvзкә тvсди* — дарёга тушди (Тўн, 16)[21].

Бу ўтган замон формасининг биринчи шахс кўплиги ҳозирги ўзбек адабий тилидагидек **-дик** қўшимчаси билан эмас, Тошкент шевасидагидек **-миз** қўшимчаси билан ясалади ҳамда қалин ва ингичка вариантларга эгалиги билангина фарқ қилади: *астымыз* — ошдик, *интимиз* — индик (Тўн, 26); *сунгусдимиз*— урушдик, *йайдымыз* — пароканда қилдик (Тўн, 16).

Биринчи шахс бирлиги ҳозирги ўзбек адабий тилидан қалин ва ингичка вариантларининг борлиги билан фарқланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчи шахс бирлигининг **-дығ, -диг, -тығ, -тиг** формаси бор:

адрыл- (айрил) — *адрылтығ* (айрилдинг)
бл- (ўл) — *блтиг* (ўлдинг)

Кўплигида бунга **-ыз, -из** қўшилади: *блтәчи әртигиз* — ўлажак эдингиз (Кту, 50).

Бошқа замон формалари юқорида кўриб ўтганимиздек сифатдош ва равишдош қўшимчалари билан ифодаланади.

Шарт формаси. Феълнинг шарт формаси қадимги туркий тилда **-сар, -сәр** қўшимчаси билан ясалади:

бар- (бор-) — *барсар* (борса)
әр- (э-) — *әрсәр* (эса, бўлса)

Ҳозир **-са + м, -са + нг, -са + к, -са + нгиз** қўшимчалари ишлатиладиган ўринларда ҳам қадимги туркий тилда ҳамма шахслар учун **-сар, -сәр** формаси ишлатилади. Чунки у даврда бу форма шахссиз форма сифатида ўқилган. Масалан, қуйидаги гапда **-сар** ҳозирги **-са + нг** ўрнида ишлатилган ва у қадимги туркий тилда **-илса** ўрнида ўқилган. *Тvрvк бодун тоқ арықақ-сән ачсақ тбсақ омәз-сән бир тодсар ачсақ бмәз-сән* — [Эй] турк халқи, тўкис ишонувчансан, самимий, носамимийни ажратмайсан, бир қаттиқ гапирилса, самимийни [ҳам] танимайсан (Ктк, 8).

РАВИШ

Қадимги туркий тилда ҳозирги ўзбек адабий тилида йўқ бўлган равишлар бор. Масалан *отру* (сўнгра), *кисрә* (кейин), *кәрv* (орқага), *бнгрә* (олдинга, олдинда) каби равишлар шулар жумласидандир. Баъзи равишлар шаклан ва мазмунан ўзгарган. Масалан, қадимий *қоп* (бутунлай) ҳозир *хўп* шаклида ва маъноси ҳам бир оз торайган. *Энди әмти* шаклига, *қуйи қуды* шаклига эга.

Равиш ясовчи қўшимчалар қуйидагилар:

1. **-ды, -ди, -ты, -ти** қўшимчаси:

қатығ (қаттиқ) — *қатығды* (қаттиқ қилиб)
әдгv (яхши) — *әдгvти* (яхшилаб)

2. **-ла, -лә** қўшимчаси:

тvн (тун) — *тунлә* (тунда)
чын (чин) — *чынла* (чиндан)

3. **-ча, -чә** қўшимчаси:

азрақ (жуда оз) — *азрақча* (жуда оз ҳолда)
тvрк (турк) — *тvркчә* (туркчасига)

4. **-ра, -рә** қўшимчаси:

ас (ост) — *асра* (остда)
ич (нч) — *ичрә* (ичда)

Бу қўшимчаларнинг ҳам юқоридагилардек қайси вариантларда қўлланиши негизнинг қалин-ингичкалиги ва лабланган-лабланмаганлигига боғлиқ.

Бу келишик қўшимчаси **-қару, -кәрv** дан вужудга келган. Бундан ташқари қадимги туркий тилда, худди ҳозирги туркий тилларда бўлгани сингари, замон ва макон ҳамда восита келишиги қўшимчалари равиш ясаши мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР

Қадимги туркий тилда ёрдамчи сўзларга оид хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳозирги *у, ва* боғловчилари ўрнида . . . **лы (ли)** . . . **лы (ли)** қўшимчаси ишлатилади[22]:

адығлы тоңгузлы (айиқ ва тўнғиз) *тунли кунли* (туну кун)

2. Ҳозирги *ё* ўрнида *азу* боғловчиси ишлатилади.

3. Ҳозирги **-гача** ўрнида *тәчи, томонга* ўрнида *тапа* кўмакчиси қўлланади.

4. Ҳозирги *ҳам* ўрнида *йәмә* ишлатилади, **-оқ** юкламаси **-оқ, -ӧк** шаклига эга.

ИЗОҲЛАР

1. *Йўғчига* яқин тушунчалар ҳозир ҳам бор: Музайяна Алавия. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. „Фан", Тошкент, 1974, 140-бет.

2. **-лик** аффикси ҳозир ҳам шу маъноларга эга: *болалик, қассоблик, кўйлаклик.*

3. Бу қўшимчани Маҳмуд Кошғарий кўплик қўшимчаси деган ва бу фикрни ҳозиргача маъқулловчилар бор. Фарқ шундаки, Маҳмуд Кошғарий форсча **-он** дан деса, ҳозирги туркологлар қадимги туркий қўшимча дейдилар.

4. *Илдам* ва *бирдамлик* сўзларидаги **дам** ҳам шу қўшимчадир.

5. Қадимги туркий тилда ва ҳозирги туркман тилида *қуёш* сўзи офтобнинг ўзига эмас, нурига нисбатан қўлланилади. *Кун*нинг эса биринчи маъноси „қуёш", иккинчи маъноси „кундуз" ва ундан кейинги маъноси „кун" дир.

6. Маҳмуд Кошғарий: „бу сўзнинг луғавий маъноси идишдош ... дир, идишдан мурод эса она раҳми", дейди.

7. Ҳозирги *тансиқ* шу сўзнинг ўзгарганидир.

8. Бу мосликни биринчи бўлиб Маҳмуд Кошғарий қайд этган.

9. Кўплик қўшимчалари тарихига оид фикрлар ҳақида қаранг: А. Н. Кононов. Показатели собирательности-множественности в тюркских языках. Сравнительно-исторический этюд, изд-во „Наука", Ленинградское отделение, Ленинград, 1969, стр. 32.

10. А. Н. Кононовнинг мазкур асарига қаранг.

11. **-з** ҳақидаги бошқа фикрлар ҳақида қаранг: А. Н. Кононов, мазкур асар 5—7-бетлар.

12. Лаҳжа хусусияти сифатида кенг унли ҳам учраб туради.

13. Грамматикаларда урхун ёдномаларида ҳам чиқиш келишигига икки-учта мисол келтирилган (масалан, А. Габеннинг „Алтуркиш грамматик" нинг 183-параграфига, Г. Айдаровнинг „Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века" китобининг 155-бетига қаранг). Бироқ у ерда текстнинг ўқилишида ноаниқлик бор.

14. Г. Айдаров буларни бир-бири билан қориштириб юборган (Язык орхонских памятников . . . , 158—159, 168—169-бетларга қаранг).

15. Бу қўшимча **-чун, -чүн** шаклига ҳам эга деган фикр бор. Бунга мисол қилиб Култегин улуғ битигининг 11-сатридаги б[1] у л ч у н[1] келтирилади.

16. Урхун битигларида бу қўшимчанинг негизга қўшилишида жаранглилик-жарангсизлик уйғунлиги йўқ. Масалан, *кӧрдәчи* эмас, *кӧртәчи* деб берилади.

17. Баъзилар *йур* ни ҳам (масалан, *йашайур* даги) сифатдошнинг шу формасига киритадилар (Айдаров Г. Язык орхонских памятников . . . , 210-бет; ДТС, 667). Ҳақиқатда эса бу элемент **-дур** нинг фонетик вариантидир.

18. Ҳозир бу қўшимча **-ма** шаклини олган: *ясама, қовурма.*

19. Бу ҳақда қаранг: Грамматика хакасского языка, под редакцией профессора Н. А. Баскакова, изд—во „Наука", М., 1975, стр. 242—243.

20. Урхун ёзувида *бәти* ва *болты* даги **лт** бир ҳарф — **илти** билан, *алқынты* даги **нт** ҳам бир **нити** ҳарфи билан ифодаланади. Ж. Клосон *илтини* **лд** ва *интини* **нд** деб ҳам ўқиган (китобнинг „Графика" бўлимига қаранг). Бундан, жаранглилик уйғунлиги бузилмаган, деган хулосага келиш мумкин эди. Аммо т алоҳида ҳарф билан ифодаланган бошқа мисоллар бундай хулоса чиқаришга йўл қўймайди.

21. Аммо *йайдымыз* (Тўн, 16), *бардымыз* (Тўн, 26), *тәгдимиз* (Тўн, 39) да жаранглилик уйғунлигига риоя қилинган.

22. Г. Айдаров буни нотўғри тушунган: Язык орхонских памятников . . . . стр. 163—164.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СИНТАКСИС

Ҳар бир тилнинг, шу жумладан ўзбек тилининг гап қурилиши, сўз бирикмалари, гап бўлаклари, улар орасидаги мазмун ва грамматик алоқалар узоқ тарихий тараққиёт маҳсулидир. Бу тараққиёт шу тилнинг ички тараққиёт қонунлари асосида ва бошқа тилларнинг таъсири туфайли рўй беради.

Қадимги туркий тил ўзбек ва бошқа кўп туркий тилларнинг шаклланишида асос бўлган. Аммо бу туркий тилнинг ўзи ҳам маълум тараққиёт босқичларини бошидан кечирган, шаклланган, маълум бир қолипга тушган ёзма тил эди.

Ҳар қандай тилнинг қурилиши аста-секинлик билан тараққий этади, ўзгаради. Қадимги туркий тилнинг тузилиши, синтактик структураси билан ҳозирги замон ўзбек ва бошқа туркий тилларнинг тузилиши ўртасида кўп ўхшашлик ва фарқли томонлар бор. Бу тилнинг бир-бир ярим минг йиллик тараққиёти натижасидир.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИ

Қадимги туркий тилдаги сўзлар ўзаро бирикиб, маълум бир сўз бирикмасини ташкил этган ва маълум фикрни ёки унинг айрим элементларини ифодалаган. Бу сўз бирикмаларининг бири ҳоким — бошқарувчи сўз бўлиб, иккинчиси унга тобе сўз бўлган ва ҳоким сўз томонидан бошқарилган.

Бошқарувчи сўзнинг характерига кўра, сўз бирикмаларини икки группага бўлиш мумкин:

1. Отли бирикмалар.
2. Феълли бирикмалар.

1. Отли бирикмаларда бошқарувчи сўз от бўлиб, у бошқариб келаётган сўз от, сифат, сон, олмош, сифатдош бўлиши мумкин:

Түрүк бодун (Тўн, 1) — турк халқи. *Сәмиз буқа, туруқ буқа* (Тўн, 5) — семиз буқа, ориқ буқа. *Эки уч кисилигин тәзип барды* (Кт, 41) — икки-уч киши билан қочди. *Ол эки киси бар әрсәр* (Тўн, 10) — *у икки киши бор экан . . . удызығма улуғи* (Тўн, 5) — уюштирадиган улуғи.

2. Феълли бирикмада бошқарувчи сўз феъл ёки унинг функционал шакллари — сифатдош, равишдош, шарт феъли, ҳаракат номи бўлиб, унга тобе бўлиб бошқарилиб келаётган сўз маълум келишик ёки кўмакчи билан бирикиб келган от ёки отлашган сўз, олмош, равиш ёки равишдош, шарт феъли [illegible] *қысдым* (Тўн, 5) —

www.ziyouz.com kutubxonasi

хоқонни қўлга олдим. *Он тvнкэ ... бардымыз* (Тўн, 26) — Ўн кечада етиб бордик. *Тоқуз оғуз бодун vзэ қаған олурты* (Тўн, 9) — Тўққиз ўғиз халқи устида хоқон бўлиб ўтирди. *Аны vзэ эмгэн тамырын санчып* (Ўе, 614 (21) — у билан ўлган томирини санчиб. *Анча сақынтым* (Тўн, 5) — кўп ўйладим. *Тvрvк бодун қанын болмайын Табғачда адрылты* (Тўн, 2) — Турк халқи хони билан бўлмайин, Табғачдан айрилди. *Туруқ буқалы сэмиз буқалы арқда билсэр ... тэйин билмэз* (Тўн, 5—6) — ориқ буқа ва семиз буқани орқадан билса ҳам ... деб билмайди.

Қадимги туркий тилда сўз бирикмаларини ташкил этган бўлакларни ўзаро алоқага кириш усулига кўра уч турга бўлиш мумкин.

1. Битишув. 2. Бошқарув. 3. Мослашув.

1. Битишув. Сўзлар ҳеч қандай грамматик воситалар (келишик қўшимчаси ва кўмакчи) ёрдамисиз ўзаро алоқага кириб, сўз бирикмасини ташкил этади. Бундай сўз бирикмалари мазмун ва интонация ёрдами билан ўзаро бирикади. Қуйидаги сўз туркумлари битишув йўли билан сўз бирикмасини ташкил этган:

1) От билан от: *тvрvк бодун* (Тўн, 1) — турк халқи. *Öгvм қатун* (Кт, 49 (9) — онам Хатун. *Тvрк сир бодун йэринтэ* (Тўн, 3) — Турк сир халқи ерида.

2) От билан феъл: *Табғач ... бэс тумэн сv кэлти* (Кт, 25) — Табғач беш туман (50 000) қўшин билан келди. *Мағы Қорған қышлап* (Кт, 48 (8) — Мағи қўрғонда қишни ўтказиб. *Ол суб қоды бардымыз* (Тўн, 27) — у сувнинг қуйи томони билан бордик. *Қағани сv тасықды* (Тўн, 33) — хоқони лашкар билан йўлга чиқди. *Қарағу эдгvти урғыл* (Тўн, 34) — Қоровулни яхшилаб қўй. *Саб анча ыдмыс* (Тўн, 9) — Сўзни шундай юборибди. *Йэрчи тилэдим чолги Аз эри бултым* (Тўн, 23) — Ерчи (йўл бошловчи) тиладим, чўллик Аз (деган) йигитни топдим. *Киши оғлан* (Ирқ битиг, 80) — Ўғил бола. *Торт адақ йылқым* (Кич. Ен, 26) — тўрт оёқли йилқим. *Бэгилик уры оғлынг* (Кт, 31) — бек уруғли ўғлинг.

Бу хил бирикмаларнинг кўпи ҳозирги замон ўзбек тилида маълум грамматик восита билан боғланади.

3) Сифат, сон, олмош ёки сифатдош билан от: *Йағыз йэр* (Кт, 28) — қора ер, *Алтунлы кишиг* (Енис., 26) — олтин камар. *Ичрэки бодун* (Кт, 27) — ичдаги халқ. *Йэти бинг оғлан* (Кич. Ен., 49) — етти минг ўғлон. *Эки айлығ киши оғлан* (Ирқ битиг, 80) — икки ойлик ўғил бола. *Ол бэг* (Оё, 154) — у бек. *Йағыға тэгмиш сv* (Енис., 49) — душманга ҳужум қилган лашкар.

Сифатдош аниқловчили бирикмалар кўпинча состав жиҳатидан кенг бўлади: *Тэнгри тэг тэнгридэ болмыш тvрvк билгэ қаған* (Кт, 1) — Фалакдай худодан бўлган турк доно хоқони.

4) равиш, равишдош, шарт феъли билан феъл:

Сабымын тукэти эсидкил (Кт, 27) — сўзимни тўлиқ эшитгил. *Киши балық (ди ма) на уқғалы кэлти* (Бб, 28) — Киши шаҳарга, менга тушунгач, келди. *Бизингэ нэчvкин эрсэр эмгэк болмазун* (Оё, 609 (2—3).

2. Бошқарув. Тобе сўз маълум грамматик восита (келишик формалари ёки кўмакчилар) орқали бош сўзга бирикади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1) Қадимги туркий тилда бош келишикдан ташқари тушум, жўналиш, ўрин-чиқиш, восита келишиклари бўлиб, тобе сўз маълум бир келишик аффикслари ёрдами билан бош сўзга боғланади:

а) тушум келишиги **-ғ (-г, -ығ), -иг, -уғ (-vг, -ын) -ин, -н** воситасида: *бодунығ қоп алмыс* (Кт, 29) — кўп халқларни олди. *Аны субуғ баралым* (Тўн, 27) — Ани суви бўйлаб борайлик. *Сабығ йана кәлти* (Тўн, 33—34) — Сўзи яна келди. *Чығай қузын қара қумуғ олурур әртимиз* (Тўн, 7) — Чуғай қўзида ва қора қумда ўтирар эдик. *Сабларын айудалым* (Оё, 156) — сўзларини эшитайлик. *Қаны͡нгын қодуп* (Тўн, 3) — Хонингни қўйиб;

б) жўналиш келишиги **-қа (кә, -ғару), -гәрv, -а, -ә** воситасида: *Он тvнкә... бардымыз* (Тўн, 26) — ўн тунда бордик. *Бә͡нгv ташқа уртым* (Кт, 28) — Мангу тошга ёздим. *Табғач әлинә қылынтым* (Тўн., 2) — Табғач элида тарбияландим. *Илгәрv қурығару сvләп тәрмиш* (Кт, 12) — шарққа, ғарбга лашкар тортиб (одам) йиғибди;

в) ўрин-чиқиш келишиги **-да //-дә //-та //-тә** воситасида: *Табғачда адрылты* (Тўн, 2) — Табғачдан айрилди. *Оғланы бирлә таштын тағта арықта илингvкә барды* (Оё, 608 (7—8) — Ўғли билан четга, тоғда, дарёда сайр этишга борди. *Оғузда кӧрvг кәлти* (Тўн, 8) — Ўғиздан кузатувчи келди. *Қара кӧлтә су͡нгушдимиз* (Кт, 1) — Қора кўлда жанг қилдик. „Олтин ёруқ“ да бу келишикнинг **-тын** шакли ҳам учрайди: *Оғланы бирлә таштын илингvкә барды* (Оё, 608 (7—8) — ўғли билан четга... сайр этишга борди;

г) восита келишиги **-н, -ын (-ин, -ун), -vн** воситасида: *Йуз артық оқун урты* (Кт, 33) — юздан ортиқ ўқ билан урди. *Кvл тәгин йадағын тәгди* (Кт, 32) — Кул тигин яёв ҳужум қилди.

2) От ёки от маъносидаги сўзлар кўмакчилар билан бирикиб, ҳоким сўзга боғланади. Қадимги туркий тилда қуйидаги кўмакчилар қўлланади: *бирлә, аша, тапа, vзә, vчvн, тәги, отру, қоды, сайу, ара, кисрә*: *сәкиз тvмән (бир)ла со͡нгушдим* (Ен., 16) — саккиз туман (80 000) билан урушдим. *Оғланы бирлә . . . барды* (Оё, 608 (7—8). *Ачмақ сувсамақ vзә сықылып турмыш* (Оё, 609 (19—20) — очиқиш, сувсаш устида сиқилиб турган... *улағы уза тутушмыш* (Оё, 614 (12) — бўғини орқали туташган. *Аны vзә әмгән тамырын санчып* (Оё, 614 (21) — у билан ўлган томирини санчиб. *Оғуз бодун тапа* (Кт, 28) — Ўғуз халқи томон. *Кvл тәгин бирлә* (Кт, 27) — Кул тигин билан. *Тvрvк бодун vчvн* (Кт, 27) — Турк халқи учун. *Қадырқан йышығ аша бодунығ анча қонтуртымыз* (Кт) — Қадирқан ялангi оша, халқни у ерга жойладик. *Анты әтрv оғуз қопып кәлти* (Тўн) — шундан кейин ўғуз туриб келди. *Экин ара киши оғлы қылынмыш* (Кт, 1) — иккиси орасида инсон пайдо бўлган.

Баъзи ўринларда маълум келишик формасини олган от ёки олмош кўмакчига боғланиб, у билан бирга ҳоким сўзга бирикади: *Тәмир қапығқа тәги* (Тўн, 45) — темир дарвозагача. *Киси оғлынта vзә* (Кт, 1) — киши ўғли уза. *Тӧрvдә vзә әчим қаған олурты* (Кт, 16) — ҳукумат бошига амаким ҳоқон бўлиб ўтирди. *Илгәрv Қадырқан йышқа тәги* (Кт, 29) — олдинга, Қадирқан ялангигача. *Анта кисрә* (Тўн, 6) — ундан кейин. *Бодунын сайу ыттымыз* (Тўн, 42) — халқни сари юбордик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисоллардан кўринадики, бошқарилувчи — тобе сўз от ёки отлашган сўз бўлиб, у маълум келишик формасини олади ёки кўмакчи билан бирикади. Бошқарувчи сўз эса феъл ёки ҳаракат биллирувчи сўзлар бўлади. Аммо баъзан бошқарувчи сўз сифат, равиш, кўмакчи ёки шу вазифадаги сўз бўлиши ҳам мумкин: *Күчинә түгәллиг* (Оё, 607 (13 — 14) — қудратига тугаллик (бўлсин). *Тортин сыңгар йәр орунуг ийтмиш* (Оё, 607 (14 — 15) — тўрт тарафдаги ер-жойни олган. *Бизиңгә йаңглуқын үчүн* (Кт, 29) — бизга (нисбатан) янглишгани учун. *Бизнитә адын* (Оё, 610 (1 — 2) — биздан бошқа. *Чәчәк үзә толу болты* (Оё, 617 (11 — 12) — гул билан тўлди.

3. Мослашув. Қадимги туркий тилда эга билан кесим, ҳозирги замон ўзбек тилидаги каби, шахс ва сонда ўзаро мослашган[1]. Аммо бунда қуйидагича ўзига хослик бўлган:

1) Учинчи шахс от кесим кўпинча *ол* боғламаси билан келиб, у кесимлик белгиси бўлиб, эга билан кесим муносабатини ифодалайди. *Ашы нәгү ол* (Оё, 610 (11) — овқати нимадир? *Бу әрсәр арзылар турғулуқ орун ол* (Оё, 609 (7) — бу (ерлар) улуғлар турадиган жойдир. *Билгә Тонйуқуқ анйығ ол, оз ол — аңглар* (Тўн, 34) — Билга Тўнюқуқ зўр, уста — англар.

2) Кесими шарт феъли **(-сар) (-сәр)**, сифатдош **(-дуқ) -дүк, -мыш (-мис)** орқали ифодаланган кесим билан эга орасида ҳам шахс ва сонда мослик бўлмайди, кесим ҳар учала шахс учун бир хил шаклда қўлланади: *Әлтәрис қаған қазғанмасар, йоқ әрти әрсәр, бән озум, билгә Тонйуқуқ, қазғанмасар, бән йоқ әртим әрсәр... иди йоқ әртәчи әрти* (Тўн, 59 — 60) — Элтарис ҳоқон ғалаба қозонмаса, у бўлмаса, мен, ўзим доно Тўнюқуқ, ғалаба қозонмасам, мен йўқ бўлсам эди, (ерга) эга ҳам йўқ эди. *Әлтәрис қағанта адырылмадуқ йаңгылмадуқ* (Оё, За) — Элтарис ҳоқондан ажралмадик, адашмадик. *Табғач бодун... инили әчили киксүртүкин үчүн* (Кт, 6). — Табғач халқи оға ва инини (бир-бирига) қайрагани учун . . . *Ол йәркә бән, билгә Тонйуқуқ тәгүртүк үчүн . . . кәлүрти* (Тўн, 47 — 48) — У ерга мен, доно Тўнюқуқ етказиб берганим учун . . . келтирди. *Әлиг йыл исиг күчүг бәрмис* (Кт, 8) — эллик йил ишини, кучини берди.

Қадимги туркий тилда, ҳозирги ўзбек тилидагидек, сондаги мослашиш шарт бўлган эмас.

Кўрсатиб ўтилганлардан ташқари, кесими феълнинг аниқлик ва буйруқ майли формаси билан ифодаланган ҳамма ўринларда эга билан кесим шахсда мослашади. Ҳатто баъзи ўринларда эгани таъкидлаш учун от кесимлар ҳам шахсда мослашади: *Йабыз бат биз* (Унгин, 7) — ёмон, ярамасмиз. *Биз аз биз* (Унгин, 7) — биз озмиз.

ТУРКИЙ ИЗОФА

Туркий изофа[2] икки отнинг аниқловчи ва аниқланмишлик алоқасига киришувидир. Одатда биринчи от аниқловчи, кейинги от эса

[1] Аниқловчи билан аниқланмиш (от билан от) орасидаги мослашув ҳақида изофа бўлимига қаранг.

[2] Туркий изофа тожикча изофадан фарқланади: *оинаи жаҳон — жаҳоннинг оинаси.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

аниқланмиш бўлади. Бундай аниқловчи ва аниқланмиш ҳозирги замон ўзбек тилида бир-бирига маълум формал белгилар орқали боғланади: аниқловчи қаратқич келишиги қўшимчасини, аниқланмиш эгалик қўшимчасини олади (*Наманганнинг олмаси*) ёки бу қўшимчаларнинг бири ифодаланмайди (*Наманган олмаси, бизнинг қишлоқ*), ёхуд ҳар икки от қўшимчасиз келади (*Наманган олма, Қўқон арава, Чуст дўппи* ва б.).

Қадимги туркий тилда туркий изофанинг кўпроқ учинчи тури (белгисиз шакли) қўлланган: *Түрүк бодун* (Кт, 25) — турк халқи. *Кул тәгин қой йылқа йәти йәгирмикә учды* (Кт, 53) — Кул тегин қўй йилининг ўн еттисида ўлди. *Экин ара* (Кт, 28) — иккисининг орасида. *Баз қағанығ балбал тикмис* (Кт, 16) — Баз ҳоқоннинг балбалини тикди. *Кӧгмән йәр* (Кт, 20) — Кўгман ери.

Туркий изофанинг иккинчи тури (аниқловчининг белгисиз келиши) камроқ учрайди: *Түрүк оғуз бәгләри* (Кт, 30). *Әл тӧрүсү* — элнинг қонун-қоидалари. *Бодун боғзы* (Тўн, 61) — халқнинг бўғзи (қорни). *Озым қутым* (Кт, 28) — ўзимнинг бахтим. *Алп Шалчы ақ атын бинип* (Кт, 40) — Алп Шалчининг оқ отини миниб. Аниқловчининг белгили бўлиб, аниқланмишнинг белгисиз келиши кам учрайди: *Мәнинг бугунки кун* (Оё, 179). Менинг бугунги куним. *Үчүнч йәгин Силиг бәгин кәдимлиг торығ ат бинип тәгди* (Кт, 33) — Учинчи марта Эгин Силиг бекнинг зирҳли тўриқ отини миниб, ҳужум қилди. *Бизинг сү* (Кт) — бизнинг қўшин. *Мәнинг әр* (Моюн чур, 24) — Менинг баҳодирим.

Туркий изофанинг биринчи тури (аниқловчи ва аниқланмишнинг белгили келиши) қадимги туркий тилда кам қўлланади: *Түрүк бодунын әлин тӧрүсүн* (Кт, 28) — турк халқининг элини ва қонун-қоидаларини. *Күлтәгининг алтунын, күмүшин, ағышын, барымын* (Кт.) — Кул тегиннинг олтини, кумуши, совғалари, молини . . .

Қадимги туркий тилда тожикча ва арабча изофалар учрамайди. Фақат тожикча изофага ўхшаш бирикмалар (аниқловчи аниқланмишдан сўнг келади) бор-ки, улар кейинги даврларда ишлатилмайди; *улуғы хатун* — хотинлар улуғи; *қалмышы бодун* — халқнинг қолгани; *сынгары бодун* — халқнинг ярми.

ПРЕДИКАТИВ БИРИКМАЛАР

Тилда шундай сўз бирикмалари қўлланадики, улар мазмунан сўз бирикмаси билан гап орасида туради. Бундай сўз бирикмаларига равишдош, сифатдош ёки шарт феъли бошқарган сўз бирикмалари киради. Бу хил бирикмалар тузилишига кўра ва маълум мақсад, фикр, хатти-ҳаракатларни ифодалагани учун ҳам гапга яқин туради. Бошқарувчи сўз ўзига тобе сўзлар билан кенгайиб келади. Аммо бундай бирикмалар таркибида грамматик эга-кесим бўлмайди, шунинг учун ҳам улар гап бўла олмайди. Мисол: *Илгәрү Қадырқан йышығ аша, бодунығ анча қонтуртымыз* (Кт, 21) — Шарққа Қадирқан яйловини ошиб, халқни шу хилда қўндирдик.

Бу хил бирикмалардаги бошқарувчи сўзнинг характерига кўра, предикатив бирикмалар уч хил бўлади: 1. Равишдошли бирикмалар. 2. Сифатдошли бирикмалар. 3. Шарт феълли бирикмалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Равишдошли бирикмалар. Қадимги туркий тилда равишдошнинг **-у/ -ү; -йу/ -йү; -а/ -ә; -н/ -и; -ып/ -ип; -маты/ -мәти; -мады/ -мәди; -йын/ -йин; -ғалы/ -гәли; -пан/ -пән** формалари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири тўлдирувчи, ҳол ва уларга боғланган аниқловчилар билан кенгайиб, алоҳида предикатив сўз бирикмасини ташкил этган: *Кәйик йәйү табысған йәйү олурур әртимиз* (Тўн) — кийик еб, қуён еб ўтирар эдик. *Ақ тәрмән кәчә оғрақлатдым* (Тўн, 25) — Оқ тармалин кечиб, мақсад сари йўлладим. *Қаным қодуп ичикдинг* (Тўн, 3) — Хонингни қўйиб, таслим бўлдинг. *Билгә Тонйуқуқ Бойла баға тарқан бирлә Әлтәрис қаған болайын,, оғузуғ әкүс, әк олурти* (Тўн, 6 — 7) — Доно Тонюқуқ, Бўйла баға тарқан билан, Элтарис ҳоқон билан бўлиб, ўғузларни кўплаб ўлдирди. *Тун удыматы, кунтуз олурматы, қызыл қаным тоқти, қара тәрим йүгүрти, исиг күчиг бартим* (Тўн, 51 — 52) — Тунда ухламай, кундуз ўтирмай, қизил қоним тўкиб, қора терим тўкиб, иш ва куч бердим. *Кәм кәчә Қырқыз тапа сүләдим* (Бб, 26) — Кама дарёсини ўтиб қирғизларга қарши лашкар тортдим. *Сабын алматын йәр сайу бардығ* (Кт, 3) — сўзини олмай, ҳар ерда саргардон бўлиб юрдинг. *Түрүк бодун қаның болмайын Табғачда адрылты* (Тўн, 2) — турк халқи хонини тополмай, Табғачдан ажралди. *Отуз артықы бир йашыма қарлуқ бодун бунгсыз әрүр әркәли йағы болды* (Бб, 28 — 29) — ўттиз бир ёшимда қарлуқ халқи бениҳоя даражада бегоналашиб кетгач душман бўлди.

2. Сифатдошли бирикмалар. Қадимги туркий тилда сифатдошнинг **-дуқ/ -дүк, -туқ/ -түк; -мыш/ -миш; -ур/ -үр, йур/ -йүр, -ыр/ -ир, -ар/ -әр; -тачы/ -тәчи, -дачы/ -дәчи, -ғма/ -гмә** формалари бўлиб, булар предикатив бирикмаларни ташкил эта олган: *Сунгус сүнгүсдүқдә* (Кули чур, 17) — уруш бўлаётганда. *Йағыға тәгмиш сү* (Енис., 49) — душманга ҳужум қилган лашкар. *Йаңы әнукләмиш барсығ* (Оё, 609 (16 — 17) — янги болалаган барсни. *Тынғалы олурмышта* (Оё, 608 (15) — ўлишга ҳозирланганда. *Йәти йүз кишиг удызығма улуғы шад әрти* (Тўн, 4) — етти юз кишини уюштирувчи улуғи шад эди. *Исиг күчүг бәрур бунча торуг қазғанып* (Кт, 30) — меҳнатини, кучини берувчи шундай ҳокимиятни қозониб.

3. Шарт феълли бирикмалар. Қадимги туркий тилда шарт феъли **-сар/ -сәр** шаклида бўлиб, предикатив бирикмани ташкил қилиши мумкин: *Усанып ичитдим әрсәр йәмә* (Оё, 611 (10) — қониб тарбиялсам ҳам. *Ол йиргәрү барсар түрүк бодун öлтәчисән* (Кт).

Таркибида грамматик эгаси бўлган предикатив бирикмалар эргаш гапни ташкил этади.

СОДДА ГАП ТУРЛАРИ

Қадимги туркий тилда, ҳозирги замон туркий тилларидагидек, содда гаплар феъл кесимли ёки от кесимли бўлади.

Феъл кесимли гапларнинг кесими аниқлик феъли ёки феълнинг турли функционал шакллари билан ифодаланади: *Түрүк бодун öлти, алқынты, йоқ болты* (Тўн, 3) — турк халқи ўлди, сарсон бўлди, йўқ бўлди. *Күтә турурлар* (Уё, 187) — кутиб турадилар. *Қоп билирсиз* (Кт, 31) — кўп биласиз. *Билмәз әрти* (Кт, 30) — билмас эди. *Йаңғыл-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

тығ (Кт, 28) — янглишдинг. *Ӧкvш кишиг ӧлтиг* (Кт, 28) — Кўп кишини ўлдирди. *Игидинг, әмгәтмәнг, толғатманг* (Бб, Ха, 13) — тарбия қилинг, қийнаманг, ҳаяжонлантирманг.

От кесимли гапларнинг кесими от, сифат, сон, олмош, равиш билан ифодаланади. Кесимлик кўрсаткичи вазифасида боғламалар (**-ман, -сан, -ди, ол, бол, тур, әр** кабилар) қўлланади. Аммо бу белгилар бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунда кесим гапнинг мазмунидан, интонациясидан, ўрнидан билиниб туради: *Тvрvк бодун йәмә булғанч (ол, тәмиш), оғыз йәмә тарқанч ол, — тәмиш* (Тўн, 62) — Турк халқи ҳам тинч эмас, ўғиз ҳам тарқоқ, — дебди. *Озум тардуш vзә шад әртим* (Кт, 30) — Ўзим тардуш эли устидан шод эдим. *Мәнилиг бәг әрмиш* (Ирқ битиг, 80) — бахтли эр экан. *Қарлуқ бодун... йағы болты* (Кт. 32) — Қарлуқ халқи душман бўлди.

Қадимги туркий тилда гапнинг мазмун ва интонациясига кўра тури — дарак, сўроқ, буйруқ гаплар мавжуд бўлган.

Сўроқ гаплар сўроқ олмоши ёки юклама орқали ифодаланган: *Қағаным қаны* (Кт) — хоқоним қани? *Бар му нә* (Тўн) — шундай бўлиши мумкинми?

Гапнинг тузилишига кўра тури — тўлиқ гапларга нисбатан, тўлиқсиз гаплар кўпроқ қўлланган: *Сабығ йана кәлти* (Тўн, 33 — 34) — (унинг) сўзини (олиб) — (у) қайтиб келди. *Сv йорылым, унаманг* (Тўн, 35) — лашкар билан йўлга чиқайлик (деса), (сиз) унаманг. *Тылығ кәлvрти, сабы* (Тўн, 36) — (у) тил (тутиб) келтирди, (унинг) сўзи (шундай).

Бир составли гаплардан шахссиз гаплар қадимги туркий тилда қўлланади. Бу хил гапларнинг кесими мажҳул феъл билан ифодаланади ёки аниқлик феъли мажҳул феъл маъносида қўлланади: *Узә кӧк тәнгри асра йағыз йәр қылынтуқда* (Тўн, 1) — юқорида кўк осмон, пастда қўнғир ер яратилганда. *Қырқ йашыма Мағы қорған қышладуқда, йvт болды* (Бб, 31) — қирқ ёшимда, Мағи қўрғонда қишлаганда, ют бўлди.

Кесими мавҳум тушунчаларни ифодаловчи баъзи шахссиз гаплар ҳам қадимги туркий тилда қўлланган: *Тун удысықым кәлмәди, кунтуз олурсықым кәлмәди.* (Тўн, 12) — тунда уйқум келмади, кундуз ўтиргим келмади.

Қадимги туркий тилда кўчирма гаплар кенг қўлланади. Кўчирма гап автор гапи билан *тә-* феъли орқали боғланади: *бодун анча тәмис: „Әллиг бодун әртим, әлим амты қаны? Кимкә әлиг қазғанурмән?“ — тәр әрмис. — „Қағанлығ бодун әртим, қағаным қаны, нә қағанқа исиг кvчvг бәрур мән? тәр әрмис* (Кт, 9) — Халқ шундай дейди: „Давлатли халқ эдим, давлатим энди қани? — дер эмиш. — Хоқонли халқ эдим, хоқоним қани? Қайси хоқонга меҳнатимни, кучимни сарф қиламан?“ — дер экан. *Тартын бнтvрәйин тәп сақынты* (Оё, 613 (22 — 23) — тортиб чиқарай деб ўйлади.

Баъзи кўчирма ва ўзлаштирма гаплар *тә-* феъли воситасида эмас, мазмунга кўра бирикади: *Ол сабығ ыт (т) ым: қантайын* (Тўн, 33) шу гапни юбордим: нима қилайин. *Сv йорылым унаманг* (Тўн, 35) — лашкар билан йўлга чиқайлик (деса), — унаманг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГАП БЎЛАКЛАРИ

Қадимги туркий тилда ҳам, ҳозирги туркий тиллардаги каби, бош бўлаклар (эга ва кесим), иккинчи даражали бўлаклар (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол) бўлади. Аммо бу бўлаклар шаклланиши ва ўрнига кўра ҳозиргидан фарқланади.

Эга. Эга — иш-ҳаракат, белги-хусусиятнинг эгаси, гапда фикр юритилаётган ҳоким бўлакдир. Шунинг учун ҳам эга бош келишик формасида бўлади. Аммо қадимги туркий тилда ҳар қандай бош келишикдаги сўз ҳам эга бўла олмайди: *Қағаны сv тасықды* (Тўн, 33) — Хоқони лашкар билан йўлга чиқди.

Эга I ёки II шахсга тааллуқли бўлганда кўпинча ифодаланмайди. Аммо қадимги туркий тилда III шахсга оид эгалар ҳам баъзан ифодаланмаган. Бундай эганинг мазмуни умумий контекстдан аён бўлиб турган: *Тәгдимиз, йайдымыз. Экинди кун кәлди* (Тўн) — (душманга) ташландик, (уни) ёйиб ташладик. Иккинчи кун (душман) яна қайтиб келди.

I ва II шахсдаги эга таъкидлаш зарур бўлган ўринларда қўлланади: *Эки бинг эртимиз, биз эки сv болты* (Тўн, 18) — биз икки минг эдик, икки қўшинга бўлинди. *Қаған ат бунта биз бәртимиз* (Кт) — хоқон унвонини бу ерда биз бердик. ***Биз аз биз*** (Унгин, 7) — биз озмиз.

Қадимги туркий тилда отлашган сифатдошлар билан ифодаланган эгалар қўлланади. Бу хил эгалар состав жиҳатдан кенг бўлади: *Уда ташда қалмышы қабраниб йәти йvз болты* (Тўн) — Дарахт, тошда қолгани тўпланиб, етти юз бўлди.

Бош келишикдан ташқари жўналиш келишигидаги от ҳам эга вазифасида қўлланган: *Ичрә ашсыз, ташра тонсыз* (Кт, 26) — ичи ошсиз, таши тўнсиз.

Кесим. Кесим гапни шакллантирувчи асосий бўлакдир. Қадимги туркий тилда кесим вазифасида феълнинг турли замон ва майл формалари, функционал шакллари қўлланиб, феъл кесимли гапларни ташкил этган. От кесимли гапларнинг кесими от, сифат, сон, олмош, равиш орқали ифодаланган. Бу хил кесимлар орқали турли замон, майл ва модал муносабатларни ифодалаш учун боғламалар ва шу вазифадаги ёрдамчи сўзлар қўлланган:

1. әр (ва унинг турли формалари): *Бир турук̣ы әрмис* (Тўн, 24) — бир манзил экан. *Исиг кvчиг барсигим бар әрмис әринч* (Унгин, 2а) — Меҳнатимни, кучимни бергим бор эди. *Йоқ әрти әрсәр* (Тўн, 59) — Йўқ бўлса эди. *Талуй бгvзкә тәгмис йоқ әрмис* (Тўн, 18) — денгиз, дарёга етмаган эди. *Тvрvк бодун йоқ болу бармыс әрти* (Унгин, 3) — турк халқи йўқ бўлиб борар эди. *Азығ бкvсvг көртиг әрти* (Унгин, 7) — Ўзни кўп кўрган эдик.

әр- мустақил равишда кесим вазифасини ҳам бажаради: *Қаның... уч оғланы әрти* (Оё, 607—608) хоннинг уч ўғли (бор) эди. *Нәнг нәнг сабым әрсәр бангу ташқа уртым* (Кт) — Нимаики сўзим бўлса, мангу тошга ёздим.

2) *турур* (ва унинг турли формалари): *барс өлгәли... турур* (Оё, 610 (23) — барс ўлишга (яқин) турибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3) *ол.* Бу ёрдамчи фақат III шахсни таъкидлаб кўрсатиш учун қўлланади: *Тонйуқуқ анйығ ол, оз ол—англар* (Тўн, 34)— Тўнюқуқ зўрдир, устадир, (ўзи) тушунар. *Бу эрсэр арзылар турғулуқ орун ол* (Оё, 609 (7) — Бу (ерлар) эса — улуғлар турадиган жойдир, *Ашы нэгу ол* (Оё, 610 (11) — Овқати нимадир?

4) *бол-* (ва унинг турли формалари): *кӧрvр кӧзvм кӧрмэз тэг, билир билигим билмэз тэг болты* (Кт, 50 (10) — кўрадиган кўзим кўрмайдигандек, билар ақлим билмайдигандек бўлди. *Қалмысы ... йэти йvз болты* (Тўн, 4) — қолгани етти юз бўлди. *эл йэмэ эл болты* (Тўн, 56) — Эл ҳам эл бўлди.

Тўлдирувчи. Қадимги туркий тилда тўлдирувчилар, ҳозиргидек, воситасиз ёки воситали бўлиб, от ёки от маъносидаги сўзлар билан ифодаланади. Бу даврдаги тўлдирувчига хос характерли хусусият қуйидагичадир:

1. Тўлдирувчи вазифасида айрим келишик формаси билан шаклланган сўзлар қўлланган, бу формалар ҳозир ишлатилмайди: *Уры оғлын қул болты, силиг қыз оғлын кvнг болты* (Кт,7) — зарбдор ўғиллари билан қул бўлди, гўзал қизлари билан чўри бўлди.

2. Бош келишикдаги сўзлар билан ифодаланган тўлдирувчилар кўпроқ қўлланган:

Ӧд тэнгры йасар (Кт) — Вақтни тангри яратади. *Қызыл қаным тӧкти, қара тэрим йугурти* (Тўн) — Қизил қонимни тўкди, қора теримни тўкди. *Чолги Аз эри бўлтым* (Тўн, 23) — Чўллик Аз деган йигитни топдим.

3. Маълум келишик ва кўмакчилар ўзига хос маъно ва вазифани ўтаган: *Чуғай қузын Қара қумуғ олурур эртимиз* (Тўн,7) — Чуғай қўзида, Қора қумда ўтирар эдик... *Тавар vзэ толу* (Оё, 607 (13)— Тавар билан тўла. *Сv баринг* (Тўн) — лашкар билан боринг.

Айрим ўринларда тўлдирувчи ифодаланмайди, у кесимнинг маъносидан англашилиб туради: *Тардуш, тӧлис бодунқа бэртим* (Моюн чур, 19) — тардуш ва тулис халқига ҳоким бердим. *Қапаған Элтэрис қаған элинэ қылынтым* (Онгин, 4) — (мен) қапаған Элтарис хоқон элига (содиқ киши сифатида) тарбияландим (вужудга келдим).

Аниқловчи. Қадимги туркий тилда, ҳозиргидек, аниқловчилар сифат, сон, олмош билан ифодаланади: *Силиг қыз* (Кт) — чиройли қиз. *Кун батсықдақы соғд* (Кт) — кун ботишдаги суғд. *Андағ ӧдкэ* (Кт) — ундай пайтда. *Йэти йигирми эрин* (Кт) — Ўн етти баҳодир билан. Состави кенг сифатдош бирикмали аниқловчилар кўпроқ қўлланиб, улар қўшма гап вазифасини бажарган: *Сунгуг батымы қарығ сӧкипэн* (Бб, 26—27) — Найза ботими қорни ёриб. *Кӧзин кӧрмэдvк қулқақын эсидмэдvк бодунум* (Бб, Х а II) — Кўз билан кўрмаган, қулоқ билан эшитмаган халқим. *Тӧрvчэ бошлатачы имэригмэ қамағ бодунын* (Оё, 607(17-18) — қонун-қоида бўйича бошқарадиган, тобе бўлган, барча халқни.

Шуниси характерлики, бу даврда сифатловчи аниқловчи ҳам эгалик қўшимчасини олган: *Қанынг улуғы хатунынта тоғмыш... уч оғланы* (Оё, 607 (21—22)—хоннинг улуғ хотинидан туғилган уч ўғли. *Энг илки улуғы оғланынынг* (Оё, 608(2) — Энг олдинги улуғ ўғлининг. *экинтиси ордун оғлынынг ады* (Оё, 608 (3—4) —иккинчи ўртанча

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўғлининг оти. *Учинчи анг кичиги оғылнынг ады* — (Оё, 608(4—5) — учинчи энг кичик ўғлининг оти. *Улуғы тэгин* (Оё, 611 (6) — Улуғ тигин. *Сынгары бодун* (Моюн чур, 18) — халқнинг ярми.

Қаратқичли аниқловчи қаратқич келишигида бўлиб, туркий изофани ташкил этади[1].

Изоҳловчи. От билан отни аниқлаш ёдномаларда кенг қўлланади. Бундай изоҳловчилар қариндош, унвон, миллат, белги-хусусият ва бошқа муносабатларни ифодалайди: *Өгvм қатун* (Кт, 49(9) — онам Хотун. *Билгэ Тонйуқуқ бойла бағa тарқан* (Тўн, 6) *Қырқыз кvчлvг қаған йағымыз болты* (Тўн, 19) — Қирғиз кучлик хоқон душманимиз бўлди. *Айағмасы бэн эртим — Билгэ Тонйуқуқ* (Тўн, 5)— Унвонбопи мен эдим — доно Тўнюқуқ. *Мағарады атлығ элиг қан* ((Оё, 607(9) — Мағаради номли давлатманд хон. *Қаным қағанығ огvм қатунығ* (Кт)—Отам хоқонни, онам хатунни

Ҳол. Қадимги туркий тилда ҳол от, сон, равишдош, олмошлар орқали ифодаланади: *Турк қаған Отукэн йыш олурсар* (Кт) — Турк хоқони Ўтикан яйловида бўлса. *Ол суб қоды бардымыз* (Тўн) — у сувни қуйилаб бордик. *Анча тэмис* (Кт) — шундай дебди. *Кvлтэгин бзинчэ кэргэк болты* (Кт) — Кул тигин ўз ажали билан ўлди. *Тирv блv йорыйур эртыг* (Кт) — Тирилиб, ўлиб юрар эдик. *Болчуқа тан vнтvрv тэгдимиз* (Тўн) — Бўлчуққа тонг отганда етдик. *Турк қаған олурғалы бгvзкэ тэгмис йоқ эрмис* (Тўн, 18).

Кvлтэгин қой йылқа йэти йигирмикэ учди (Кт) — Кул тигин қўй йили(нинг) ўн еттинчи куни ўлди.

Жўналиш, ўрин, восита келишиклари билан келган отлар ҳам ўрин, пайт, сабаб, мақсад ёки равиш ҳоли вазифасида қўлланган: *Йазынга оғузғару сv ташықдымыз* (Кт) — Ёзда ўғузларга қарши қўшин тортдик. *Табғач қағанта бэдизчи кэлтуртим* (Кт) — Табғач хоқонлигидан ўймакор келтирдим. *Йадағын йалангын йана кэлти* (Кт) — (Халқ) пиёда ва яланғоч яна келди.

Маълум кўмакчилар билан келиб, ўрин, ҳолат, восита ифодаловчи отлар ҳам ҳол вазифасида қўлланади. *Иниси эчисин тэг қылынмадуқ эринч* (Кт) — Укалари акаларидек иш тутмаган шекилли. *экин ара қылынмыс* (Кт) — Иккисининг орасида яратилди. *Йэр сайу бардыг* (Кт)—Ер (дунё) бўйлаб кетдинг. *Коргунгын vчvн ичидмис* (Кт) — содиқлигинг учун улуғлаган.

Уюшиқ бўлаклар. Қадимги туркий тилда гапнинг бош бўлаклари ҳам, иккинчи даражали бўлаклари ҳам уюшиб келиши мумкин: *Билгэси, чабысы бэн бк эртим* (Тўн, 7) — Алломаси, човуши мен ўзим эдим. *Тvрvк бодун блти, алқынты, йоқ болты* (Тўн, 3)— Турк халқи ўлди, сарсон бўлди, йўқ бўлди.

Уюшиқ бўлаклар ўзларига тобе бўлган сўзлар билан кенгайиб ҳам келган: *Бэрийэ Табғачыг онгрэ Қытанйыг, йырайа Оғузуғ бкvс бк блvрти* (Тўн, 7) — жанубда Табғачни, шарқда Хитойни, шимолда ўғизни кўплаб ўлдирди. *Илгэрv Қадырқан йышқа тэги кэру Тэмир қапығқа тэги қонтурмыс* (Кт, 2) — Шарққа — Қа-

[1] Туркий изофа бўлимига қаранг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дирқан яйловигача, ғарбга Темир дарвозагача манзил қилдирган. *Бэрийэки бодун, қурыйақы йырақы онграки бодун кэлти* (Тўн, 17) — Жанубдаги халқ, ғарбдаги, шимолдаги, шарқдаги халқ келди.

Уюшиқ бўлаклар ўзаро интонация воситасида боғланади. Боғловчилар кам бўлгани учун **(-ли, -ли; йэмэ)**, уюшиқ бўлакларнинг боғловчи билан боғланиши кам учрайди: *Туруқ буқалы сэмиз буқалы арқда билсэр* (Тўн, 5) — Ориқ буқа ёки семиз буқани орқада билса ҳам. *Кvн йэмэ тvн йэмэ бардымиз* (Тўн) — Кун ҳам, тун ҳам елиб бордик.

Ҳатто уюшиқ бўлакларни умумлаштирувчи бўлак ҳам қўлланган: *Табғач оғуз қытанй — бу vчэгv қабасар* (Тўн, 12) — Табғач, ўғиз, қытанй — бу учови бирлашса. *Табғач, тупут, апар, пурум, қырқыз, уч қурықан, отуз татар, қытанй, татабы — бунча бодун кэлипэн* (Кт, 4).

Ажратилган бўлаклар. Қадимги туркий тилда ажратилган гап бўлаклари ҳам учрайди. Ажратилган гап бўлаклари ифодаланган маънони ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш учун стилистик восита бўлган. Бу усул қуйидагича рўёбга чиққан:

а) гап бўлаги тартибини ўзгартиш. Маълумки, ҳар бир гап бўлаги гапда маълум ўринни эгаллайди, маълум тартиб билан жойлашади. Масалан, аниқловчи ва изоҳловчи отдан олдин келади, тартибнинг ўзгариши шу гап бўлагининг ажралишига олиб келади:
Тvрvк Қара қамуғ бодун анча тэмис (Кт, 8—9) — Турк (фуқароси), қора (халқ), ҳамма халқ шундай дебди;

б) маълум гап бўлагидан сўнг уни изоҳловчи, таърифловчи, мазмунан унга тенг бўлган бошқа бўлак — сўз ёки бирикма келтирилади: *бэн бзvм — билгэ Тонйуқуқ...* (Тўн, 16) — мен ўзим — доно Тўнюқуқ... *Сэни Табғачығ блvртэчи* (Тўн, 10) — сени — Табғачни ўлдиради. *Тvркvмэ, бодунума* (Бб, Ха, 12) — туркимга — халқимга. *Турк бодун Тэмир қапығқа, Тинси оғлы йатығма тағқа тэгмис* (Тўн, 46—47) — Темир дарвозага, Тинси ўғли етган тоққа етди;

в) гап бўлагини ажратиш учун махсус восита қўлланади. Масалан, „Олтин ёруқ"да бу вазифада *эрсэр* боғламаси ишлатилган: *Дағы йэмэ бу этvз эрсэр* (Оё, 614 (6) — яна бу жасадга келсак. *Боринине тилкунинг ашы эрсэр исиг эт қан эрvр* (Оё, 610(14—15) — бўрининг, тулкининг овқати эса гўшт ва қондир.

Гап бўлакларининг тартиби. Қадимги туркий ёдномаларнинг тил хусусиятини ўрганиш бу тилнинг анча ишланган адабий тил эканини кўрсатади. Бу тилда ҳар бир гап бўлаги маълум тартибга эга. Бу тартиб ҳозирги замон туркий тиллардан деярли фарқ қилмайди.

Эга одатда кесимдан олдин, кесим гап охирида келади. Гапни уюштиради, якунлайди. Бу тартибнинг ўзгариши кўчирма гапларда ва айрим стилистик мақсадларда рўй беради: *Бизнита адын ким болғай, умунга йарағлығ аш ичкv бэлгvртэчи* (Оё, 611(1—3) — биздан бошқа ким борки, бунга яроқли овқат, ичкилик топиб берадиган.

Аниқловчи аниқланмишдан, ҳол ва тўлдирувчи кесимдан, равиш ҳоли феъл кесимдан олдин қўлланади. Бу тартибнинг бузилиши ҳам юқоридагидек, стилистик мақсадда — шу гап бўлагига диққатни жалб қилиш, уни бошқа гап бўлакларидан ажратиб кўрсатиш учун қўлланади: *Тvрvк қара қамуғ бодун анча тэмис* (Кт, 8—9) — Турк фуқа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

роси (қора халқ), бутун халқ шундай дебди. *Булғай эрки биз йиг адруқ буйанын тэп тэди* (Оё, 609 (11—12) — Топгаймиз шекилли яхши, алоҳида неъматни деб айтди. *Мэнгу эл тута олуртачы сан* (Кт) — Элни абадий бошқариб борасан. *Öкvс тvрvк бодун öлтиг* (Кт) — турк халқи, кўп ўлдинг. *Олурупан Тvрvк бодунын элин тöрvсин тута бэрмис* (Кт, 1) — Ўрнашиб, турк халқининг давлатини, тартиб-қоидаларини тутиб турганлар. *Усаныл игитдим эрсэр йэмэ калты йавлақ йағы тöрvсинчэ* (Оё, 611 (10—11) — қониб тарбияласам ҳам, қолди ёвуз душман расмини тутиб.

Ундалмалар, кириш сўз ва кириш гаплар ҳам қўлланган: *Табғач, бэрдэнэйин тэг, қытанй, öндэнэйин тэг* (Тўн, 11) — Табғач ўнгдан ҳужум қил, китаний олддан ҳужум қил... *Тэгдvкин тvрvк бэглэр коп билирсиз* (Кт, 34) — ҳужум қилганини, турк беклари, яхши биласиз. *Анант, а öнгрэ эртмис öтдэ* (Оё, 607(7—8) — Анант, эй, олдин ўтган замонда... *кисрэ тэнгри йарлақазу, қутум бар vчvн... бодунуғ тиргуру игитим* (Кт, 29) — кейин, худо ёрлақасин, бахти бор учун, халқни тирилтириб, тарбият қилдим. *Ынчын* (Оё, 610(13) — Шундай қилиб.

Ёдномаларда *экинти, vчvнч, тöртинч, энг илик* (иккинчи, учинчи, тўртинчи, энг аввал) сўзлари кириш сўз вазифасида ҳам қўлланган.

ҚЎШМА ГАПЛАР

Қадимги туркий ёдномалар тилида қўлланган гапларнинг чегараси кесимларнинг ўрнига (улар асосан гап охирида келади) ва гапларнинг мазмунига кўра белгиланади, гапларни бириктирувчи боғловчилар деярли қўлланмайди, боғловчи вазифасидаги воситалар кам қўлланади, гаплар орасида тиниш белгилари ишлатилмайди.

Ёдномалар тилида содда гаплар ўзаро зич логик муносабатда бўлиб, бири иккинчисига боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Шунинг учун ҳам бу хил гапларни бир-биридан мустақил содда гап тарзида ажратиш қийин: *Барс бэк эрти, қаған ат бунта биз бэртимиз* (Кт, 20) — Барс [номли] бек [бор] эди, [унга] хоқон унвонини бу ерда биз бердик. *Сv йорылым унамангг* (Тўн, 35) — лашкар билан йўлга чиқайлик [деса] унамангг.

Аммо қадимги туркий тилда юқоридаги каби конструкциялардан ташқари, қисмлари орасида логик муносабати маълум даражада дифференциаллашган конструкциялар бор. Улар маълум даражада ҳозирги замон ўзбек тилида қўлланувчи қўшма гапларга яқин туради. Бу мураккаб гап конструкциялари, қисмларининг ўзаро логик ва грамматик алоқасига кўра, икки катта гуруҳни ташкил этади:

1. Паратаксис конструкциялар[1].
2. Гипотаксис конструкциялар.

Паратаксис конструкциялар ҳозирги туркий тиллардаги айрим боғловчисиз ва боғланган қўшма гапларнинг шаклланишига асос бўлади. Бундай конструкцияларни ташкил этган қисмлар (гаплар) логик

---

[1] Бу ўринда конструкция термини остида икки ва ундан ортиқ содда гаплардан ташкил топган қўшма ва мураккаб гаплар тушунилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жиҳатдан бир-бирига боғланган бўлса-да, мазмунан мустақил бўлади. Уларнинг таркибий қисмлари ўзаро, грамматик воситасиз боғланади, ҳозиргидек тенг боғловчилар қўлланмайди.

Гипотаксис конструкциялар эса ҳозирги замон тилидаги боғловчиларсиз ва эргаш гапли қўшма гапларнинг шаклланишига асос бўлади. Бу хил конструкцияларни ташкил этган қисмлар мазмунан бир-бирига зич боғланади, бирининг мазмунидан иккинчиси келиб чиқади.

ПАРАТАКСИС КОНСТРУКЦИЯЛАР

Паратаксис конструкциялар қадимги ёдномалар тилининг асосини ташкил этади. Бу хил конструкцияларни ташкил этган содда гаплар тузилишига кўра оддий (кўпинча йиғиқ гап) бўлиб, улар умумий бир фикрни ифодалаш учун хизмат қилади, мазмунан ва шаклан бир-бирига тобе бўлмайди, аммо умумий бир фикрни ифодалаш учун хизмат қилади. Бу хил содда гаплар асосан санаш оҳанги билан талаффуз этилади.

Паратаксис конструкциялар пайт ва қиёслаш мазмун муносабатларини ифодалаш учун хизмат қилади:

1. **Пайт муносабати.** Паратаксис конструкциялар бир пайтда ёки кетма-кет рўй берган ёки мавжуд бўлган воқеа-ҳодиса, белги-хусусиятларни ифода этади:

а) бир пайтда рўй берган воқеа-ҳодиса, белги-хусусиятни ифодаловчи конструкцияларни ташкил этган содда гапларнинг кесимлари от кесим ёки феъл кесим бўлиб, одатда, улар бир хил замонни ифодалайди: *Удәр сәңүн кәлти; Табғач қағанта Исйи Ликәң кәлти, бир түмән ағы, алтун, күмүш кәргәксиз кәлүрти* (Кт, 52) — Удар сангун келди; Табғач хоқондан Исйи Ликанг келди, бир туман ипак, олтин, кумушни ҳаддан ортиқ келтирди.

Содда гапнинг от кесимлари ўтган замонни ифодалаганда, кесим составида ўтган замон шаклидаги *әрмис (экан), әрти, болты (эди, бўлди), болмыс* боғламалари қўлланади: *Бирийә Табғач бодун йағы әрмиз, йырайа Баз қаған тоқуз оғуз бодун йағы әрмис, қырқыз, қурықан, отуз татар, қытаний, татабы қоп йағы әрмис* (Кт, 14) — Жанубда Табғач халқи душман экан, шимолда Баз хоқон, тўққиз ўғуз халқи душман экан, қирғиз, қуриқан, ўттиз татар, китаний, татаби кўп (бутун) душман экан, *әки үлүги атлуғ әрти, бир улуғи йадағ әрти* (Тўн, 14) — бир қисми отлиғ эди, бир қисми яёв эди. *Көрүр көзүм көрмәз тәг, билир билигим билмәз тәг болты* (Кт, 50) — кўрар кўзим кўрмайдигандек, билар ақлим билмайдигандек бўлди. *Бизинг сү аты турук, азуқы йоқ әрти* (Кт, 39) — Бизнинг лашкар оти ориқ, озиғи йўқ эди. *Табғач қаған йағымыз әрти, ўн ўқ қағани йағымыз әрти* (Тўн, 19) — Табғач хоқони душманимиз эди, ўн ўқ хоқони душманимиз эди.

Паратаксис конструкцияларни ташкил этган содда гаплар ўзаро интонация воситасида бирикиб, баъзан *анта кисрә (ундан кейин), әмти (энди)* каби лексик элементлар мазмунан бириктириш учун ҳам қўлланади: *Анча сақынтым, анта кисрә тәңри билик бәртүк үчүн өзүм оқ қаған қысдым* (Тўн, 6) — анча ўйладим, ундан кейин

www.ziyouz.com kutubxonasi

тангри (менга) билим бергани учун (унинг хон бўлишини) ўзим ҳам истадим. *эллиг бодун эртим, элим э м т и қаны* (Кт, 9) — Давлатли халқ эдим, энди давлатим қани?

Бундан ташқари, гапларнинг мазмунан бирикиши — боғламаларни умумлаштириб, бир (одатда сўнгги) кесим таркибида ифодалаш ёки умумий иккинчи даражали бўлакларни келтириш йўли билан ҳам рўй бериши мумкин: *Ол ӧдкә қул қуллуғ болмыс эрти..., анча қазғанмыс, этмис элимиз тӧрүмүз э р т и* (Кт, 21 — 22) — У замонда қул қуллик бўлган эди..., шундай қозонилган, барпо этилган элимиз, тартиб-қоидаларимиз (бор) эди;

б) кетма-кет рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, белги-хусусиятларни ифодаловчи конструкцияларни ташкил этган содда гапларнинг кесимлари шаклан бир хил замонга оид бўлса ҳам, мазмунан ҳодиса ёки хусусият кетма-кет рўй беради: *экинти Ышбара Йамтар боз атығ бинип тэгди, ол ат анта ӧлти; үчүнч Йэгин Силиг бэгин кэдимлиг торығ ат бинип тэгди, ол ат анта ӧлти* (Кт, 33) —Иккинчи [бор] Ишбара Ямтар |нинг[бўз отини миниб ҳужум қилди, у от ўшанда ўлди; учинчи [бор] Егин Силиг бекнинг кийимли [зирҳли] тўриқ от [ини] миниб, ҳужум қилди, у от шунда ўлди. *Ол сабуғ эсидип, түн удысықым кэлмэди, күнтүз олурсықым кэлмэди* (Тўн, 10) — Бу сўзни эшитиб, кечаси уйқум келмади, кундузи ўтиргим келмади (тинчимадим).

Паратаксис конструкцияларнинг таркибидаги содда гапларда воқеа-ҳодиса, белги-хусусиятларнинг бир-бирига зидлиги, номувофиқлиги ифодаланади ёки улар қиёсланади.

а) зидлик, номувофиқлик: *Тоқуз оғуз бодун кэнтү бодуным эрти, тэңри йэр булғақын үчүн йағы болты* (Кт, 44/4) — Тўққиз ўғиз халқи ўз халқим эди, кўк, ер фитнага тўлгани учун, душман бўлди. *эллиг бодун эртим, элим эмти қани?* (Кт, 9) — Давлатли халқ эдим, давлатим энди қани?

б) қиёслаш: *Тэңри күч бэртүк үчүн қаңым қаған сүси бӧри тэг эрмис, йағысы қонй тэг эрмис* (Кт, 12) — тангри куч бергани учун отам хоқоннинг лашкари бўридай экан, душмани қўйдек экан. *Йағымыз тэгрэ уч оқ тэгирти, биз шаг эртимиз* (Тўн, 8) — Душманларимиз атрофимизда ёввойи қушлардек эди, биз (улар учун) ўлимтик эдик. *Сүси уч быңг эрмис, биз эки быңг эртимиз* (Тўн, 16) — Қўшинлари олти минг эди, биз икки минг эдик. *Қан бартым, [қаныңгны] қодун, ичикдинг* (Тўн, 2 — 3) — Хон бердим, хонингни қўйиб, бошқасига бўйсундинг. Кўринадики, қиёслаш мазмунини ифодалаган паратаксис конструкцияларнинг кесимлари от кесим ҳам, феъл кесим ҳам бўлиши мумкин. Қадимги туркий тилда айрим сўзлар маълум даражада ўз лексик маъносини йўқотиб, гапларни бириктирувчи грамматик восита функциясига — боғловчига ўта бошлаган. Бундай хусусият *йэмэ* ва *та* лексик элементларида кўринади. *Билгэ қаған эрмис, алп қаған эрмис, буйруқи й э м э билгэ эрмис эринч* (Кт, 3) — [Улар] доно хоқон экан, баҳодир хоқон экан, вазир[лари[ҳам доно бўлган бўлиши керак. *эл йэмэ эл болты, бодун й э м э бодун болты* (Тўн, 56) — Эл ҳам эл бўлди, халқ ҳам халқ бўлди. *Анта кисрэ иниси қаған болмыс эринч, оғлы т а қаған болмыс эринч* (Кт. 4—5) — шундан кейин иниси хоқон бўлган экан, ўғли ҳам хоқон бўлган экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГИПОТАКСИС КОНСТРУКЦИЯЛАР

Қадимги туркий ёдномаларда шундай мураккаб гап конструкциялари ҳам учрайдики, *бундай конструкцияларни ташкил этган содда* гаплар мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлади, бири иккинчисини мазмунан тўлдиради ёки изоҳлайди. Шунинг учун ҳам бундай конструкцияларни ташкил этган гаплар ўзаро махсус интонация билан боғланади ёки бу хил гапларни бириктириш учун махсус боғловчилар ёки боғловчи вазифасидаги воситалар (феъл формалари, келишик ва б.) қўлланади. Шунга кўра гипотаксис конструкциялар икки турга бўлинади:

1. Боғловчисиз гипотаксис конструкциялар.
2. Боғловчили гипотаксис конструкциялар.

1. Боғловчисиз гипотаксис конструкциялар

Гипотаксис конструкцияларни ташкил этган қисмлар (гаплар) ўзаро грамматик боғловчиларсиз — интонация воситасида бирикади. Аммо қисмларни бир-бирига боғлаш учун баъзи лексик элементлар ҳам хизмат қилади. Бундай конструкциялар орқали қуйидаги мазмун муносабатлари ифодаланади:

1. Сабаб-натижа. Гипотаксис конструкцияни ташкил этган қисмларнинг биринчиси сабабни, иккинчиси эса ундан келиб чиқадиган натижани ифодалайди.

Сабаб-натижа ифодаланган конструкцияларни ташкил этган қисмларнинг кесимлари феъл-кесим ёки от-кесим бўлиши мумкин:

Турғи Йарғун көлтә буздымыз, Улуғ әркин азқына әрин тәзип барды (Кт, 34) — Турги Яргун кўлда тор-мор қилдик. Улуғ Эркин озгина йигити билан қочиб кетди. *Сүңүшдимиз, тәңри йарлықады, йанйдуқ йолта йәмә өлти күк* (Тўн, 16) — Урушдик, тангри ёрлақади, (уларни) тарқатиб юрдик, (душманлар) ҳалок бўлди. *Өзи йаңылти, қағаны олти, бодуны күнг қул болты* (Кт, 20) — Ўзи адашди — хоқони ўлди, халқи чўри, қул бўлди. *Қатун йоқ болмыс әрти, аны йоғлатайын тәди* (Тўн, 31) — Хотини йўқолди, уни ахтарайин, деди.

2. Пайт. Гипотаксис конструкциянинг таркибидаги биринчи қисм иккинчи қисмдан англашилган мазмуннинг рўй бериш пайтини ифодалайди:

Қара көлтә сүңүшдимиз, Кул тәгин бир қирқ йашайур әрти. (Кт, 42/2) — Қора кўлда жанг қилдик, (бунда) Култегин ўттиз бир яшар эди. *Барс бәг әрти, қаған ат бунта биз бәртимиз* (Кт, 20) — Барс бек эди, ўшанда хоқон деб биз ном бердик.

3. Сабаб. Гипотаксис конструкциянинг иккинчи қисми биринчи қисмидан англашилган мазмуннинг рўй бериш сабабини ифодалайди:

...аңар көрү билиңг, түрк амты бодун бәгләр, ...бәгләр... йаңылтачысыз (Тўн, 11) — унга (ёдномага) қараб билинглар, турк халқи беклари, беклар (сизлар) енгилишга мойилсизлар-ку.

4. Изоҳлаш. Гипотаксис конструкциянинг иккинчи қисми биринчи қисм таркибидаги бирор бўлакнинг мазмунини изоҳлайди, аниқлайди ёки тўлдиради: **Сақынтым:** *турук буқалы сәмиз буқалы арқда билсәр, сәмиз буқа турук буқа тәйин билмәз әрмис* (Тўн,5-6) — Ўйладим: (у)орқадан ... ҳам (аммо қайси) буқа

www.ziyouz.com kutubxonasi

семиз, (қайси)буқа ориқ(эканини яқиндан, аниқ) билмайди. *Сабуғ йана кәлти—олурунг тәйин тәмис* (Тўн, 33—34)—(хон) сўзини яна (хабарчи) келтирди—ўтиринглар дебди. *Бардуқ йәрдә әдгуг ол әринч: қанынг субча йугурти, сўнгүкүнг тағча йатды* (Кт,24) — Борган ерда яхшилик шу бўлди, шекилли: қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдек (уюлиб) ётди. *Кўрүг сабы антағ: Тоқуз оғуз үзә қаған олурти* (Тўн ,9)— Айғоқнинг сўзи шундай: тўққиз ўғиз устига хоқон ўтирди. *Түргәс қаған анча тәмис: бәнинг бодунум анта әрүр* (Тўн, 21) — Тургаш хоқони шундай дебди: менинг халқим у ердадир. *Уч кўрүг киси кәлти, сабы бир, қағани сү тасықды, он оқ сүси қалысыз тасықды* (Тўн. 33) — Уч айғоқ келди, сўзлари бир: хоқон қўшин тортди, ўн ўқ (халқи) қўшини тамом юришга чиқди.

Боғловчисиз гипотаксис конструкцияларни ташкил этган қисмларни бириктириш учун айрим гап бўлакларининг мазмуни катта роль ўйнайди. Масалан, изоҳлаш муносабатини ифодалаган конструкциялар таркибидаги айрим гап бўлаклари мазмунан изоҳ талаб этади, шу талаб билан иккинчи қисм ифодаланади: *Тәнгри анча тәмис әринч, қан бәртим, қанынгын қодун ичикдинг* (Тўн, 2—3) — Тангри шундай деган — хон бердим, хонингни қўйиб (бошқасига) бўйсундинг.

Бу конструкциянинг биринчи қисми таркибидаги *анча* олмоши мазмунан изоҳ талаб этади, ана шу талаб билан унинг иккинчи қисми ифодаланади, натижада мураккаб гап — гипотаксис вужудга келади.

2. Боғловчили гипотаксис конструкциялар (эргаш гапли конструкциялар)

Гипотаксис конструкцияларнинг биринчи қисми иккинчисига боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги воситалар — сифатдош, равишдош, шарт феъли, келишик формалари, нисбий олмошлар орқали боғланиши мумкин. Шунинг учун бу хил конструкциялар ҳозирги эргаш гапли конструкцияларга ўхшаса ҳам, мазмуни боғловчи ва боғловчи вазифасидаги воситаларнинг ўзига хослигига кўра, бундай конструкциялардан фарқ қилади.

Гипотаксис конструкцияларни ташкил этган гапларни, мазмуни ва айрим грамматик белгиларига кўра, эргаш ва бош гапларга бўлиш мумкин.

Эргаш ва бош гаплар ўзаро қуйидаги воситалар ёрдамида боғланади:

1. Сифатдош орқали. Сифатдош ўзи ёлғиз ёки бирор восита билан (кўмакчи ёки келишик формаси) эргаш ва бош гапларни бириктиради:

а) ёлғиз сифатдош шакли орқали: *әчүмиз апамыз тутмыс йәр суб идисиз болмазун тәйин* (Кт, 19) — Бобомиз, аждодларимиз тутган (қўл остида бўлган) ер-сув эгасиз бўлмасин деб *...әтинү йаратуну умадуқ йана ичикмис* (Кт, 10) — Ўзини эплаб ва тиклаб ололмай, яна таслим бўлибди. *Табғач, оғуз, қытаны бу үчәгү қабасур қалтачы биз ӧз ичи тасын тутмыс тәг биз* (Тўн, 12—13) — Табғач, ўғиз, қытаний — бу учови бирлашса, биз ёлғиз қоламиз. *Тинси оғлу йатығма бәнглигәк тағиғ ...әртимиз* (Тўн, 44—45) — Тинсининг ўғли яшайдиган Банглигак тоғигача кўчлаб бордик;

www.ziyouz.com kutubxonasi

б) сифатдош + үчүн қўмакчиси орқали: *Тәңри күч бәртүк үчүн қаным қаған сүси бөри тәг әрмис* (Кт, 12) — Тангри куч бергани учун, отам хоқоннинг лашкари бўридек экан. *Қазғантуқун учун удуғ өзүм қазғантуқым үчүн әл йәмә әл болты, бодун йәмә бодун болты* (Тўн, 55—56) — Ғалаба қозонгани учун доно ўзим (ғалаба) қозонганим учун, давлат давлат бўлди, халқ халқ бўлди;

в) сифатдош + ўрин-пайт-чиқиш келишиги орқали: *әчим қаған олуртуқда, өзүм Тардуш бодун үзә шад әртим* (Кт, 17) — Амаким хоқон бўлиб турганда, ўзим тардуш халқи уза шад эдим. *Ол қан йоқ болдуқда кәсрә әл йитмис ычғынмыс качышмыс* (Онгин, 1). — У хон йўқ бўлгандан кейин, эл йўқолиб қочиб кетган. *Қирқ йашыма Мағы қорған қышладуқда йут болды* (Бб, 31) — Қирқ ёшимда Мағи қўрғонда қишлаганимизда, ют бўлди. *Тынғалы олурмышта* (Оё, 608/15) — Ўлаётганда. *Үзә көк тәңри асра йағыз йәр қилынтуқда әкин ара киси оғлы қылынмыс* (Кт, 1) — Юқорида кўк осмон, пастда қора ер яратилганда, иккисининг орасида киши ўғли яратилди. *Сүңүс сүңүсдуқта* (Кули чур, 17) — Уруш бўлганда.

г) *әринч, әрүр, әрикли, әркәли* тўлиқсиз феъл-боғламалар эргаш гап кесими билан бирикиб, уни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади: *Күл тәгин йәти отуз йашына Қарлуқ бодун әрүр барур әркәли йағы болты* (Кт, 41/1) — Кул тегин 27 ёшида қарлуқ халқи бегоналашиб кетгач душман бўлди. *Туғ ташықыр әрикли йәлмә әри кәлти* (Моюн чур, 17/18) — Туғ йўлга тушганда, қўшиндан одам келди. *Кәчә йаруқ батур әриқди сүнүсдим* (Моюн чур, 13) — Кечқурун қуёш ботганда, мен жангга кирдим. *Қаған қуты тапламады әринч, тоқуз оғуз бодун Табғачғару барды* (Бб, 35) — Хоқон қути рози бўлмади шекилли, тўққиз ўғиз халқи Табғачга кетди. *Анта кисрә иниси әчисин тәг қылынмадуқ әринч... билигсиз қаған олурмыс әринч* (Кт, 5) — ундан сўнг иниси оғасидай иш тутмаган шекилли, жоҳил хоқон ўрнашган экан.

2. Шарт феъли орқали. Шарт феъли шарт, тўсиқсизлик, пайт муносабатини ифодалаган гипотаксис конструкцияларнинг қисмларини бириктириш учун қўлланади: *Күл тәгин йоқ әрсәр, қоп өлтәчи әртигиз* (Кт, 50/10) — Кул тегин бўлмаса, бутунлай ўлар эдингиз. *Көздә йаш кәлсәр өтидә көңүлтә сығыт кәлсәр йантуру сақынтым* (Кт, 51/11) — Кўзга ёш келганда, азоб бериб кўнгилдан йиғи келганда қайта қайғурдим. *...туруқ буқалы сәмиз буқалы арқда билсәр сәмиз буқа туруқ тәйин билмәз әрмис* (Тўн, 5—6).

„Олтин ёруқ"да тўсиқсизлик оттенкасини ифодалаш учун шарт феълидан сўнг *йәмә* ёрдамчиси ҳам келади: *Усаныи игитдим әрсәр йәмә* (Оё, 611/10) — қониб тарбияласам ҳам.

3. Нисбий олмошлар ёрдами билан. Нисбий олмошлар *(нәң нәң, қачан)* эргаш гапни бош гапга боғлаш билан бирга тўсиқсиз, пайт, тўлдирувчи эргаш гап ҳосил қилади: *Қачан анта тәгип, илинчү мәңги ишин әртүрдүктә өтрү* (Оё, 608 (8—9) — Қачонким у ерга етиб, сайр ишини бажо келтиргандан сўнг... *Қачан йәркә тәгдүктә* (Оё, 614 (15) — Қачонки у ерга етганда. *Қачан барс үскинтә тәгдүктә өтрү... йәр алты түрлүкин тәбрәди* (Оё, 614 (1—2) — Қачонки барс олдига етгандан сўнг, ер олти марта турлича тебранди. *Нәң нәң се-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

бим эрсэр бэнггv ташқа уртым (Кт, 11)—Нима сўзим бўлса, мангу тошга ёздим.

4. Равишдош орқали. Қадимги туркий тилда равишдошнинг турли формалари қўлланиб, шулардан **-ип** ва унинг турли вариантлари формаси эргаш гапнинг кесими бўлиб келади ҳамда боғловчи вазифасида ишлатилади: *Оза кэлмис cvсин Кvл тэгин агытып, ат онгара бир оғуш алпағу он эриг, Тонга тэгин йоғынта, эгирип ôлvртимиз* (Кт, 47 (7) — Илгари келиб олган лашкарини Кул тегин турғизиб отлантириб, бир қавм қаҳрамон ўн эрни Тўнга тегин азасида куршаб олиб ўлдирдик. *Ол ач барз йэмэ энvклэп йэти кvн ардмыш эрти* (Оё, 609 (17—18) — У оч барс болалаб (болалаганига), етти кун ўтган эди.

Равишдошнинг бу формаси бошқа хил эргаш гапларни ҳам (сабаб, равиш ва б.) бош гапга боғлайди: *Йэвчи йэр йангылып боғузланты* (Тўн, 26) — Ерча (йўл кўрсатувчи) янглишиб, бўғизланди. *этvзлэри алангурур кvчи кvсvни vзvлvп онақайа бłгэли йатур эрти* (Оё, 609 (21 — 22) — Жасадлари бўшашиб, кучи, қуввати кетиб, ана-мана ўладиган бўлиб ётар эди.

Равишдош паратаксис ва гипотаксис конструкциялар мазмунини ифодалаган гапларни ҳам ташкил этади: *Бу арық сэмэк ичиндэ қатыр йавлақ кэйиклэр бар болуп биз йоқатқулуқ эмгэкгvлvк болмалым тэп* (Оё, 608 (20—22) — бу ариқ, чалак ичида ашаддий ёвуз ҳайвонлар бор бўлиб, биз маҳрум бўладиган, ташвишга қоладиган бўлмайлик, — деб...

5. Боғловчилар орқали. Қадимги туркий тилда қуйидаги боғловчи вазифасидаги ва ёрдамчи сўзлар эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади.

а) боғловчи вазифасидаги *анынг vчvн* ‖ *антағанын vчvн* сўзлари орқали. *Буйруқы йэмэ билгэ эрмис эринч, бэглэри йэмэ тvз эрмис, аны vчvн элиг анча тутмыс эринч* (Кт, 3) — Вазирлари ҳам доно бўлган бўлиши керак, беклари ҳам тўғри бўлган бўлиши керак, шунинг учун давлатни шу хил тутган бўлиши керак... *бир тодсар арсық ôмэзсэн, антығынынг vчvн... алқынтыг, арылтыг* (Кт, 8—9) — бир тўйиб олсанг, очларни тушунмайсан, шунинг учун сарсон бўлдинг, хароб бўлдинг. ...*аны vчvн мэн бvкvнки кунта...* (Оё, 608 —18) — шунинг учун мен бугунги кунда;

б) боғловчи вазифасидаги *тэйин* ва унинг вариантлари орқали. Бундай ҳолда эргаш гапнинг кесими буйруқ феъли орқали ифодаланади: *Согдақ бодун этэйин тэйин, Йинчу ôгvзvг кэчэ Тэмир қапығқа тэги сvлэдимиз* (Кт. 39) — Суғдақ халқини тузатайин деб, Йинчи (Сир) дарёни кечиб, Темир қапиққача лашкар тортдик. *Болмазун эрти тэп қорқарман* (Оё, 609 (3—4)—бўлмасин деб қўрқаман.

Эргаш гап кесими от кесим ёки аниқлик феъли орқали ҳам ифодаланиши мумкин: *Сабы кэлмэз тэйин* (Бб, 39) — Элчиси келмас деб... *Кôгмэн йолы бир эрмис, тумыс тэйин эсидип* (Тўн, 23) — Кўгман йўли бир (у ҳам бўлса), бекилган (қор босган) деб эшитиб. *Эмти бэглэрим тэр эрмис биз аз биз тэйин* (Онгин, 7) — Энди бегларга биз озмиз деб айтибди. Боғловчи вазифасидаги *тэйин* (ва унинг вариантлари) тўлдирувчи, сабаб эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун хизмат қилган: *Нэкэ тэзэрбиз ôкvш тэйин, нэкэ қорқурбиз, аз тэ-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

йин (Тўн, 38—39) — (Улар) кўп деб, нега қочамиз, (биз) оз (миз) деб нега қўрқамиз. *...бәкләрим бодунум көзи қашы йаблақ болтачы тәп сақынтым* (Кт, 51 (11) — бегларим, халқим (нинг) кўзи-қоши ёмон бўлади деб ўйладим.

в) *қалты, абам,* кейинроқ *ким* ёрдамчи сўзлар орқали. Бу ёрдамчилар Кул тегин ва Тўнюқуқда қўлланмайди:

Ынча болмазун қалты (Оё, 608 (19) — Шундай бўлмасин агар... *абам бир өк бу әтvзvмин тидсәр, мән, өтрv...* (Оё, 614 (1—2) — агар биргина бу жасадимни қурбон қилсам, кейин... *мунта да адын тақы оңи аш ичкv йоқ ким, ач барзығ тиргvргvлvк* (Оё, 610 (16—18) — Бундан бошқа яна ўзгача овқату ичимлик йўқки, оч барсни тўйдиргудек. *Эшидv йарлықасун әчим-а, ким...* (Оё, 608—609/23—1) — эшитиб марҳамат қилсин акам-ей ки,... *Тиләймән ким қамағ билгәләргә* (Оё, 614 (4—5)—Тилайманки, ҳамма билимдонларга...

г) *тәк* ва *-ча* ёрдамчилари орқали: *Кун тәңри Рағуқа сәкиртмиш тәк йаруқсуз... болды* (Оё, 617 (6—7) — Кун тангри от солгандек, нурсиз бўлди. *Улуғ оғлум ағрып йоқ болу (ча) Қуғ сәңvнvг балбал тикә бәртим* (Бб, ха, 9) — Бош болам касал бўлиб, нобуд бўлишга Қуғ сангунни балбал қилиб тикиб қўйдим.

6. *vчvн* кўмакчиси орқали. Бунда эргаш гап кесимлари от кесим бўлади: *...Қутым бар vчvн, vлvгvм бар vчvн өлтәчи бодунуғ тиргvрv игитим* (Кт, 29) — бахтим бор учун, насибам бор учун ўлаётган халқни тирилтириб тарбият қилдим. *Бәгләри бодуны тузсиз vчvн табғач бодун тәблигин кvрлvг vчvн..., түрк бодун әлләдvк әлин ычғыну ыдмыс* (Кт, 6) — беклари тўғри бўлмагани учун, табғач халқи ҳийлакор бўлгани учун..., турк халқи ушлаб турган давлатни қўлдан чиқариб юборган. *Ичvкдvк vчvн тәңри ол тәмис әринч* (Тўн, 3) — Таслим бўлгани учун тангри ўл деган шекилли. *Тәңри йәр булғақын vчvн йағы болты* (Кт, 44 (4) — Кўк, ер фитналик бўлгани учун, душман бўлди.

ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ ТИПЛАРИ

1. Мақсад эргаш гапли конструкция

Мақсад эргаш гап гипотаксис конструкцияларни ташкил этган қисмларнинг бири иккинчисидан англашилган мазмун нима мақсадда рўй беришини ифодалайди ва *тәйин* ва унинг вариантлари воситасида бош гапга боғланади. Бу боғловчи эргаш гапнинг биринчи ёки учинчи шахс формасидаги буйруқ феъли орқали ифодаланган. От кесим бўлганда эса *бўлмоқ* боғламасини олади. *Бодунуғ игидәйин тәйин, йырғару...* [сvләдим] (Кт, 28] — Халқни тарбият қилайин деб, шимолга... қўшин тортдим. *Тvрvк бодунуғ аты кvси йоқ болмазун тәйин... қаған олуртды әринч* (Кт, 26—26) — Турк халқининг номи донги йўқ бўлмасин деб, ...хоқон қилиб ўрнатди, шекилли.

Мақсад эргаш гап бош гапдан олдин келади (кўчирма гапларда кейин келиши ҳам мумкин).

2. Пайт эргаш гапли конструкция

Пайт эргаш гап бош гапдан англашилган мазмуннинг рўй бериш вақтини ифодалайди ва бош гапга ўрин-пайт-чиқиш келишиги форма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

си орқали боғланади. Бунда эргаш гап кесими сифатдош орқали ифодаланиб, от кесим *бўлмоқ* боғламасини олади: *әчим қаған әли қамшағ болтуқынта, бодун әлвг иклиг болтуқынта, Изгил бодун бирлә свнгвшдимиз* (Кт, 43—3) —Амаким хоқон (нинг) давлати заиф бўлганда, халқ ўлиб, касал бўлиб турганда, Изгил халқи билан жанг қилдик. *әчим қаған олуртуқда, öзvм Тардуш бодун vзә шад әртим* (Кт, 17) — Амаким хоқон бўлиб турганда ўзим Тардуш халқи уза шад эдим.

Эргаш гапнинг кесими шарт феъли орқали ифодаланганда, бу гап мазмунида, пайтдан ташқари, шарт мазмуни ҳам бўлади. Аммо бу хил конструкцияларнинг айримларида пайт оттенкаси устундир: *Кöздә йаш кәлсәр әтидә кöнгvлтә сығыт кәлсәр йантуру сақынтым* (Кт, 51—11) — кўзга ёш келганда, азоб бериб, кўнгилдан йиғи келганда, қайта қайғурдим.

Эргаш гап кесими равишдош орқали ифодаланганда, ҳаракат-хусусиятнинг рўй бериш тарзини, ҳолатини ҳам ифодалайди, аммо гаплар орасида пайт мазмуни ифодаланаверади: *Бән öзvм билгә Тонйуқуқ Öтvкән йәриг қонмыс тәйин әсидип, бәрийәки бодун, қурыйақы, йырайақы, öнгрәки бодун кәлти* (Тўн, 17)—Мен ўзим билимдон Тўнюқуқ Ўтикан ерига қўнди деб эшитгач, жанубий халқлар, ғарбий, шимолий [ва] шарқий халқлар келдилар. *Кöгмән йолы бир әрмис, тутмыс тәйин әсидип бу йолун йорысар йарамачы тәдим* (Тўн, 23)—Кўгман йўли бор экан (у ҳам) музлаган деб эшитгач, бу йўлдан юрилса бўлмайди, дедим. *Сабын алматын йәр сайу бардығ* (Кт, 3) — Сўзини олмай, (турли) ер бўйлаб (сарсон бўлиб) юрдинг. *Кvн тоғуру свнгvсдим* (Моюн чур, 13)—Кун чиқиши билан жангга кирдим.

3. Сабаб эргаш гапли конструкция

Сабаб эргаш гапни ташкил этган гап бош гапдан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг рўй бериш сабабини ифодалайди, эргаш гапни бош гапга боғлашда *vчvн* кўмакчиси хизмат қилади. Бу ҳолатда эргаш гап кесими сифатдош ёки от, сифат ва *бор* сўзи орқали ифодаланади: *Тәнгри йарлықадуқын,* vчvн *...қаған олуртым* (Кт, 9)—Тангри ёрлақагани учун хоқон ўтирдим. *Тәнгри йарлықадуқ vчvн öкvс тәйин биз қорқмадымыз, свнгvсдvмvз* (Тўн, 40—41) — Тангри ёрлақагани учун (душманни) кўп деб қўрқмадик, урушдик. *Тәнгри кvч бәртvк vчvн қангым қаған свси бöри тәг әрмис* (Кт, 12) — Тангри куч бергани учун отам хоқоннинг лашкари бўридай экан. *Ичvкдvк vчvн тәнгри öл тәмис әринч* (Тўн, 3) — Таслим бўлгани учун тангри ўл деган шекилли. *Бәгләри бодуны тузсыз vчvн, ...тvрvк бодун әлләдvк әлин ычғыну ыдмыс* (Кт, 6) — Беклари, халқи тўғри бўлмагани учун, турк халқи ушлаб турган давлатни қўлдан чиқарган. *Тәнгри йәр булғақын vчvн йағы болты* (Кт, 44/4) — Осмон (ва) ер ғазабга келгани учун, душман бўлди. *Қутым бар vчvн vлvгим бар vчvн öлтәчи бодуныг тиргvрv игитим* (Кт, 29) — Бахтим бор учун, насибам бор учун, ўлаётган халқни тирилтириб тарбия қилдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундан ташқари, эргаш гапни бош гапга боғлашда *аны үчүн, антығыныи үчүн* боғловчиси ҳам қўлланади. Бунда эргаш гапнинг кесими мустақил формада бўлиб, боғловчи бош гап таркибида бўлади: *Билгә қаған әрмис..., аны үчүн әлиг анча тутмыс әринч* (Кт 3) — Билимдон хоқон экан, шунинг учун давлатни шу хилда тутган экан.

Сабаб эргаш гапнинг кесими сифатдош орқали ифодаланганда, бош гапга *әринч* модал сўзи орқали боғланади: *Анта кисрә иниси әчисин тәг қылынмадуқ әринч, оғлы қаңын тәг қылынмадуқ әринч, билигсиз қаған олурмыс әринч...* (Кт, 5) — Ундан сўнг иниси оғасидай иш тутмаган шекилли, ўғли отасидай иш тутмаган шекилли, жоҳил хоқон ўтирибди.

4. Шарт эргаш гапли конструкция

Шарт эргаш гап бош гапдан англашилган мазмун қандай шарт-шароитда рўй беришини кўрсатади ва кесими шарт феъли ёки от билан ифодаланади. Ёзма ёдгорликларда бу феъл ҳар учала шахс учун бир хил шаклда қўлланади[1].

а) кесими шарт феъли орқали ифодаланган шарт эргаш гап: *Үзә тәңри басмасар, асра йәр тәлинмәсәр, түрүк будун, әлиңгин төрүңгин ким артаты?* (Кт, 22)— Тепадан осмон босмаса, пастда ер ёрилмаган бўлса, (эй) турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди? *Әлтәрис қаған қазғанмасар, үду мән өзүм қазғанмасар, әл йәмә, будун йәмә йоқ әртәчи әрти* (Тўн, 54—55) — Элтарис хоқон (ғалаба) қозонмаса, (унинг) изидан мен ўзим (ғалаба) қозонмасам, давлат ҳам, халқ ҳам йўқ эди;

б) кесими от орқали ифодаланган шарт эргаш гап: *Күл тәгин йоқ әрсәр, қоп өлтәчи әртигиз* (Кт, 50 (10) — Кул тегин бўлмаса, бутунлай ўлар эдингиз.

Ўтган замонни ифодалаш учун кесим составида *әрсәр, болсар* боғламалари қўлланади.

5. Аниқловчи эргаш гапли конструкция

Ёдномаларда аниқловчи эргаш гапнинг махсус тури учрайди ва бевосита ўзи аниқлаб келаётган отнинг олдида қўлланади. Бу хил эргаш гаплар бош гап таркибига киради, ташқи интонацион томондан бир гап сифатида ўқилади:

Қаңымыз әчимиз қаз [ғанмыш будун аты, күси йоқ болмазун] тәйин түрүк будун үчүн түн удымадым, күнтүз олурмадым (Кт' 26—27) — отамиз, инимиз қозонган халқнинг исми, шуҳрати йўқ бўлмасин деб турк халқи учун тун ухламадим, кундуз ўтирмадим. *Тинси оғлу йатығма Бәңлигәк тағыр...* (Тўн, 44)—Тинси ўғли яшайдиган Банглигак тоғини... *әчүмиз апамыз тутмыс йәр сүб идисиз болмазун тәйин...* (Кт, 19) — Бобомиз, аждодларимиз бошқарган ер-сув эгасиз бўлмасин деб.

---

[1] Феълнинг **-сар/ -сәр** формаси баъзи адабиётларда сифатдош деб ҳам талқин қилинади. Қаранг: Н. А. Баскаков. К вопросу о происхождении условной формы на **-са/ -сә** в тюркских языках, сб. ак. Гордлевскому В. А., 1956, 46- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу хил эргаш гапларнинг кесими *йоқ* сўзи орқали ҳам ифодаланади: *Ол амты анығ йоқ түрк қаған Өтүкән йыш олурсар...* (Кт, 3) — У энди ёмонлиги йўқ турк хоқони Отукан ерида ўтирса...

6. Тўлдирувчи эргаш гапли конструкция

Тўлдирувчи эргаш гап бош гап таркибидаги олмош-тўлдирувчи ёки феъл-кесимнинг маъносини изоҳлайди ва бош гап мазмунини тўлдиради:

а) *...нәңнәң сабым эрсәр, баңгү ташқа уртым* (Кт, 11) — Нимаики сўзим бўлса, мангу тошга (тош ёдгорликка) урдим (ёздим). Бу қўшма гап таркибидаги эргаш гап кесими шарт феъли билан ифодаланиб, таркибида *нәңнәң* нисбий олмоши бор. Эргаш гап бош гап таркибидаги олмош-тўлдирувчининг (бу олмош (*уни*) — ифодаланмаган, аммо гап мазмунидан англашилиб туради) маъносини изоҳлайди;

б) *тәп, тәйин* ёрдамчилари билан боғланган эргаш гаплар бош гапнинг кесимини изоҳлайди: *...бодунум көзи қашы йаблақ болтачы тәп сақынтым* (Кт, 51—11) — халқим (нинг) кўзи, қоши ёмон бўлади, деб ўйладим.

БИР НЕЧА ЭРГАШ ГАПЛИ КОНСТРУКЦИЯЛАР

Қадимги ёдномалар тили маълум даражада шаклланган ёзма адабий тил эди. Шунинг учун ҳам бу ёдномаларда қўшма гапнинг турли формалари — бир неча эргаш гапли қўшма гаплар, эргаш ва боғловчисиз гапларни ўз ичига олган мураккаб составли қўшма гаплар қўлланади.

Ёдномаларда бир неча эргаш гапли қўшма гапнинг ҳар икки тури (бир типли ва турли типли) қўлланади:

а) *Үзә тәңри басмасар асра йәр тәлинмәсәр түрүк бодун элиниң төрүниң ким артаты* (Кт, 22) — Тепадан осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрилмаган бўлса, (эй) турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди? *элтәрис қаған қазғанмасар, йоқ эрти эрсәр, бән өзүм, билгә Тонйуқуқ қазғанмасар, бән йоқ эртим эрсәр Қапаған қаған түрк сир бодун йәринтә бөдүн йәмә киши йәмә, иди йәмә йўқ эртәчи эрти* (Тўн, 60) — Элтарис хоқон (ғалаба) қозонмаса, [у] йўқ бўлган бўлса, мен ўзим, доно Тўнюқуқ (ғалаба) қозонмасам, мен йўқ бўлган бўлсам Қапаған хоқон, турк сир халқи ери ҳам, халқ ҳам, кишилар ҳам, ҳукмдорлар ҳам йўқ бўлган бўларди. *Тәңри йарлықадуқын үчүн, өзим қутым бар үчүн қаған олуртым* (Кт, 19) — Тангри ёрлақагани учун, ўзимнинг бахтим бор учун, хоқон бўлиб ўтирдим.

б) *Тәңри йарлықадуқ үчүн, өкүш тәйүн биз қорқмадымыз, сүңүшдүмиз* (Тўн, 40—41) — Тангри ёрлақагани учун, (улар) кўп деб биз қўрқмадик, урушдик.

МУРАККАБ СОСТАВЛИ КОНСТРУКЦИЯЛАР

Таркиби ҳам гипотаксис, ҳам паратаксис типли конструкциялардан тузилган мураккаб составли қўшма гаплар учрайди: *Тәңри күч бәртүк үчүн қаңым қаған сүси бөри тәг эрмис, йағысы қой тәг эр-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

мис (Кт, 12) — Тангри куч бергани учун, отам хоқоннинг лашкари бўридай экан, душмани қўйдай экан. *Йуйқа қалын болсар топлағулуқ алп эрмис, йинчкэ йоған болсар vзгvлvк алп эрмис* (Тўн, 13) — Юпқа қалин бўлса, тўпловчи алп бўлади, ингичка йўғон бўлса, узувчи алп бўлади.

Умумий хулосалар

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар кўп бўлмай, топилган ёдномалар ҳам маълум бир соҳага оиддир. Уларнинг стили чегараланган бўлса ҳам, қадимги туркий тил синтаксиси бўйича баъзи хулосаларга келиш мумкин.

Қадимги туркий тил анча шаклланган, маълум қолипга туширилган тилдир. Бу тил структурасида мураккаб, кенг составли гаплар, паратаксис ва гипотаксис конструкциялар ҳам, алоҳида содда гаплар ҳам мавжуд.

1. Паратаксис конструкциялар содда гапларнинг боғловчисиз бирикувидан ҳосил бўлиб, ҳозиргача ҳам қўлланиб келади ва ўзига хос мазмун муносабатларини ифодалаш учун хизмат қилади.

2. Гипотаксис конструкцияларни асосан эрғаш гапли қўшма гаплар ташкил этади. Эрғаш ва бош гапни бириктирувчи боғловчилар кам учрайди.

3. Паратаксис ва гипотаксис конструкцияларни ташкил этган содда гапларни бириктиришда боғловчилар кам ишлатилгани учун бу вазифада интонация, гап мазмуни, айрим лексик элементлар, феъл формалари, гап бўлаклари семантикаси катта роль ўйнаган, яъни шу воситалар боғловчи вазифасини бажарган.

4. Паратаксис ва гипотаксис конструкцияларни ташкил этган содда гапларнинг мазмун муносабати мураккаб ва ўзига хос бўлган (масалан, сабаб-пайт, шарт-пайт, сабаб-тўлдириш, пайт-қиёс, пайт-сабаб-натижа ва б.).

5. Қадимги туркий тилда кўп учрайдиган мураккаб ва содда гап орасида турган конструкцияларни асосан сифатдош, равишдош, шарт феъли, ҳаракат номи бошқарган конструкциялар ташкил этади.

6. Кесим сифатдош, равишдош, шарт феъли орқали ифодаланганда, эга-кесим шаклан мослашмайди. (Баъзан сифатдош-кесим эгалик қўшимчаси орқали эга билан мослашади.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЕКСТЛАР

Тўнюқуқ битигтоши

Бу ёзув ёдгорлиги иккинчи турк хоқонлигига асос солган Элтариш хоқоннинг (асл оти Қутлуғ, Хитой манбаларида Гудулу) маслаҳатчиси ва саркарда Тўнюқуққа бағишланиб 712—716- йиллар орасида тошга ўйиб ёзилган. Тўнюқуқ битигни ўзи тириклигида ёздирган. Бу шахс Хитой йилномаларида Юанчжен деб берилган. Йилномалардаги шарқ туркларига оид материалларни икки том қилиб „Дие чинишен Нахриштензур Гешихт дер ост-Туркен" (Шарқий турклар тарихига оид хитой манбалари, Висбаден, 1958) номи билан нашр қилган Лиу Маутсай Тўнюқуқ бошқа шахс деган фикрни билдирган эди. Бироқ ленинградлик олим С. Г. Кляшторний Юанчжен билан Тўнюқуқнинг бир шахс эканлигини тарихий ва тил нуқтаи назаридан исботлаб берди[1].

Битигтош Улан-Батордан 66 км жануби шарқдаги Баин Цокто манзилида топилган ва ҳозир ҳам ўша ерда сақланади. Битиг 62 сатрдан иборат бўлиб, жануб ва шимол томонларига бир-бирига қаратиб қўйилган иккита тўрт қиррали тош устунга юқоридан пастга қараб ёзилган. Жанубдаги устуннинг баландлиги 170 см, шимолдагисиники 160 см. Битигнинг 1—7- сатрлари тошлардан бирининг ғарбга, 8—17- сатрлари жанубга, 18 — 24- сатрлари шарққа, 25—35- сатрлари шимолга қараган тарафига ёзилган. Битигнинг 36—44- сатрлари иккинчи тошнинг ғарбга, 45—50- сатрлари жанубга, 51—58- сатрлари шарққа ва 59-62- сатрлари шимол тарафига битилган.

Битигтошни Елизавета Клеменц 1897 йилда Шимолий Мўғулистон экспедициясига эри Дмитрий Клеменц билан бирга борганда топган. Дастлаб битигтошнинг фотосуратини, ретушсиз ва ретушланган эстампажларини, транскрипция ва немисча таржимасини В. В. Радлов 1899 йилда нашр этди[2]. Вилгельм Томсен „Фин-угор маданияти ёдгорликлари" (Хелсингфорс, 1916, 77- сон) да босилган асарида[3] В. В. Радловнинг транскрипция ва таржимасига тузатишлар киритган ва сўнгра битигни дан тилига таржима қилиб, тадқиқоти билан 1922 йилда Копенгагенда нашр қилган[4]. Буни дан тилидан немис тилига Х. Шедер таржима қилиб, „Немис шарқшунослари жамияти тўплами" (Лейпциг, 1924—25, 78- жилд)[5] да ва Д. Росс инглиз тилига таржима қилиб, „Шарқ билимлари мактаби бюллетени" (Лондон, 1930—32, 6- жилд) да нашр қилдилар[6]. Кейинчалик бу битигни туркча таржимасида Ҳ. Н. Орқун, русча таржимасида С. Е. Малов[8], немисча таржимасида фин олимлари Г. Рамстедт, И. Грано ва П. Аалто[9], инглизча таржимасида Т. Текин[10] нашр этдилар. Битигнинг охирги илмий нашрини французча таржимаси билан 1961 йилда Р. Жиро амалга оширди[11]. Қозоқ олими Г. Айдаров ҳам урхун ёдгорликлари тилига бағишланган китобига[12] бу битигни русча таржимаси билан киритган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу асар текстининг шунча нашри ва таржимаси бўлишига қарамай, ҳануз унинг ўқилиши ва мазмунига оид ноаниқликлар бор. Қуйида Тўнюқуқ битигининг эстампажи, босма тексти[13], транскрипцияси ҳамда унинг мазмунини берамиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

[illegible]

www.ziyouz.com kutubxonasi

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi



Транскрипцияси ва мазмуни:

(1) Билгә Тонйуқуқ бән бзvм Табғач әлингә қылынтым. Тvрvк[14] бодун Табғачқа кöрvр әрти.
Яъни:
Билга Тўнюқуқ[15] мен ўзим Табғач давлатида тарбияландим[16]. Турк халқи Табғачга қарар эди.
(2) Турк бодун қанын болмайын[17] Табғачда адрылты[18], қанланты. қанын қодуп Табғачқа йана ичикди. Тәңгри анча тәмиш әринч: қан бәртим.
Яъни:
Турк халқи хони билан бўлмайин[19], Табғачдан айрилди. Хонлик бўлди. Хонини қўйиб, яна Табғачга қўшилди (таслим бўлди). Тангри шундай деган шекилли: Хон бердим.
(3) Қаныңгын қодуп ичикдиң, ичикдvк, vчvн тәңгри „öл!" тәмиш[20]. әринч. Турк бодун öлти, алқынты, йоқ бöлти. Турк сир[21] бодун йәринтә
Яъни:
Хонингни қўйиб таслим бўлдинг. Таслим бўлгани учун тангри „ўл!" деган[22] шекилли. Турк халқи ўлди, тугади, йўқ бўлди. Турк сир[23] халқи ерида
(4) бод қалмады, ыда ташда қалмышы қобраныб[24], йәти йvз болты, әки улуғи атлығ әрти, бир vлvги йадағ әрти, йәти йvз кишиг
Яъни:
[бирор бут] уруғ қолмади[25]. Чакалак, тош орасида қолгани[26] тўпланиб, етти юз нафар бўлди. Икки қисми[27] отлиқ, бир қисми яёв эди. Етти юз кишини
(5) удузуғма улуғы шад әрти* айағ ал[28] тәди, айағмасы[29] бән әртим — Билга Тонйуқуқ, қаған-му қисайын тәдим, сақынтым турук буқалы сәмиз буқалы арқда[30]
Яъни:
уюштирадиган улуғи шад эди. „Унвон ол!"[31] деди. Унвон оладигани (унвонбопи)[32] мен эдим. — Билга Тўнюқуқ. Хоқонни ҳам қўлга олайин дедим[33]. Ўйладим: ориқ буқа ва семиз буқани [биров] тезагидан
(6) билсәр[34], сәмиз буқа турук буқа тәйин билмәз әрмиш, тәйин, анча сақынтым, анта кисрә тәңгри билиг бәртvк vчvн öзvмöк қаған қысдым, билга Тонйуқуқ, бойла баға тарқан

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яъни:
билса, [биров] семиз буқа [бу], ориқ буқа [бу] дея билмас экан деб, шундай фикр қилдим[35]. Ўшандан сўнг тангри илм бергани учун ўзим-оқ хоқонни қўлга олдим[36]. Билга Тўнюқуқ бўйла баға тархан[37]
(7) бирлә Элтәриш қаған болайын[38], бәрийә Табғачығ онрә Қытанйығ, йырайа Оғузуғ ӧкүшәк олурти. Билгәси[39] чабысы[40] бәнәк әртим[41], Чуғай қузын Қара қумуғ олурур әртимиз.
Яъни:
билан бўла[42] Элтариш хоқон жанубда Табғачни, шарқда Хитойни[43], шимолда Ўғузни кўпгина ўлдирди. Алломаси, човуши мен ўзим эдим[44]. Чуғай қузни ва Қорақумни[45] манзил қилиб олган эдик.
(8) кәйик йәйү табышған йәйү олурур әртимиз, бодун боғзы тоқ әрти, йағымыз тәгрә* үчоқ тәгирти[46]. Биз шәг[47] әртимиз анча олурур *әрик әли. Оғузд (а) антан[48] кӧрүг кәлти.
Яъни:
кийик еб, товушқан еб турар эдик. Халқнинг томоғи тўқ эди. Душманимиз атрофга қанотини етказди. Биз шай эдик[49], шундай турар (яшагучи) эрк аҳли[50]. Ўғуздан ўшанда кузатувчи (разведкачи) келди.
(9) кӧрүг сабы антағ: тоқуз оғуз бодун үзә қаған олурты тәр, Табғачғару Қоны[51] Сәңүнүг ыдмыш Қытанйғару Тонгра сәмиг ыдмыш саб анча ыдмыш: азқынйа турк бодун
Яъни:
Кузатувчининг гаплари шундай: Тўқуз ўғуз халқи устига бир хоқон ҳукмрон бўлди, дейди. Табғачга Куни Сангунни юборибди, Хитойга Тўнгра Семни юборибди. (Уларга) шундай гап юборибди: озгина Турк халқи
(10) *йорыйур әрмиш, қағаны алп әрмиш, айғучысы билгә әрмиш, ол* әки киши бар әрсәр сәни Табғачығ олуртәчи тәрмән онгрә Қытанйығ олуртәчи тәрмән, бәни оғузуғ
Яъни:
юрган эмиш. Хоқони баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан. Ўша икки киши бор бўлса, сени Табғачни ўлдиражак, дейман, шимолда Хитойни ўлдиражак дейман, мени Ўғузни
(11) ӧлүртәчи [ә] к[52] тәрмән. Табғач, бәрдәнәйин[53] тәг! Қытанй, бидәнәйин[54] тәг! бән йырдантайын[55] тәгәйин. Турк сир бодун йәринтә иди йорымазун! усар, иди йоқ қысалым![56]
Яъни:
у ҳам ўлдиражак, дейман. Табғач, (сен) ўнгдан ҳужум қил! Хитой, олдидан ҳужум қил! Мен чапдан ҳужум қилай! Турк Сир ерида эга (хўжа) юрмасин! Эпланса, хўжани йўқ қилайлик.
(12) тәрмән. Ол сабығ әшидип тун удысықым кәлмәди, күнтүз олурсықым кәлмәди. Анта ӧтрү қағаныма ӧтүнтүм. анча ӧтүнтүм: Табғач, Оғуз, Қытанй, бу үчәгү қабасар[57],
Яъни:
дейман. Ўша гапни эшитиб, тун ухлагим келмади, кундуз ўтиргим келмади. Ундан сўнг хоқонимга арз қилдим[58]. Шундай арз қилдим[59]. Табғач, Ўғуз, Хитой — бу учови қамал қилса[60],

www.ziyouz.com kutubxonasi

(13) қалтачы-биз,* бз ичи[61] ташын[62] тутмыш- тәг-биз. Йўйқа иркилиг[63] топулғалы[64] учуз әрмиш, йинчгә иркилиг vзгәли учуз, йўйқа қалын болсар, топулғулуқ алп әрмиш, йинчгә
Яъни:
[Қамалда] қолажакмиз. [Унда] вужудининг[65] ичи тошини [жони ва молини] топширган[66] [киши] дай бўламиз[67]. Юпқа йиғин тор-мор қилишга осон эмиш, ингичка йиғин узишга осон[68]. Юпқа қалин бўлса, тор-мор қиладиган баҳодир эмиш[69], ингичка

(14) йоған[70] болсар, vзгvлvк алп әрмиш, бңгрә Қытанйда, бәрийә Табғачда, қурыйа Қурданта[71], йырайа Оғузда әки vч бинг сvмvз, кәлтәчимиз бар-му-нә?! анча бтvнтvм.
Яъни:
йўғон бўлса, узадиган баҳодир эмиш. Шарқда Хитойдан, жанубда Табғачдан, ғарбда Қурдандан, шимолда Ўғуздан [ҳимояланиш учун] икки-уч минг аскаримиз [бор]. [Бошқа] келадиганимиз[72] бормиди?![73] Шундай деб арз қилдим[74].

(15) қағаным бән vзvм билгә Тонйуқуқ бтvнтvк бтvнчvмин әшидv бәрти, кбңглvнг-ча удуз!—тәди. Кбк vңvг йоғуру[75] Отvкән йышғару удузтум. Инигәк кблкә[76] Тоғлада Оғуз кәлти.
Яъни:
Хоқоним мен ўзим билга Тўнюқуқ арз эттигим эрзимни эшитиб олди. Кўнглингга қараб йўл тут! — деди. Кўк ўнгни[77] юқорилаб Ўтукан йишга[78] солдирдим (лашкарни). Инигак кўлга Тўғладан[79] ўғуз келди.

(16) Сvси vч[80] бын әрмиш биз әки бынг әртимиз, сvңvшдvмиз, тәңри йарлықады, йанйдымыз, бгvзкә тушди. Йанйдуқ йолта бләи кvк[81]. Анти әтрv оғуз қопын[82] кәлти.
Яъни:
Лашкари уч минг экан, биз икки минг эдик. Урушдик, тангри ёрлиқади, қочирдик, дарёга тушди. Қочган йўлида яна ўлди, шекилли. Ундан сўнг ўғуз кўплаб (таслим бўлиб) келди.

(17)* кәлvртvмбқ (?)[83] Турк бодунуғ Отvкән йәркә; бән бзvм билгә Тонйуқуқ Отvкән йәриг қонмыш, тәйин әшидип бәрийәки, бодун, қурыйақы, йырйақы бңгрәки бодун кәлти.
Яъни:
Келтирдим ҳам Турк халқини Ўтукан ерига. Мен ўзим билга Тўнюқуқ Ўтукан ерига қўнибди, деб эшитиб жанубдаги халқ, ғарбдаги, шимолдаги, шарқдаги халқ келди.

(18) әки бың әртимиз биз әки су болты[84]. Турк бодун олурғали, Турк қаған олурғали, шантунг балық (қ) а, талуй бгvзкә тәгмиш йоқ әрмиш қағаныма бтvнуп, сv әлтдим[85].
Яъни:
Икки минг эдик биз, икки лашкардан иборат. Турк халқи [ер юзига] ўрнашгандан бери, Турк хоқони [тахтга] ўрнашгандан бери Шантунг шаҳрига[86], денгиз, дарёга[87] етмаган эди[88]. Хоқонимга арз қилиб, лашкар тортдим.

(19) Шантунг балық (қ) а, талуй бгvзкә тәгvртvм, vч бтvз балық сыды

www.ziyouz.com kutubxonasi

усын бунтату[89] йуртда йату қалур эрти. Табғач қаған йағымыз эрти. Он оқ қағаны йағымыз эрти.
Яъни:
Шантунг шаҳрига, денгиз дарёга етказиб бордим. Йигирма уч шаҳар мағлуб бўлди. Уйқусини харом қилиб[90] вайронада[91] ётиб қолган[92]. Табғач хоқони душманимиз эди. Ўн ўқ хоқони душманимиз эди.

(20) артуқ[93] Қырқыз[94] күчлүг қаған йағымыз болты, ол уч қаған[95] ӧглашип алтун йыш үзэ қабсалым[96] тэмиш, анча ӧглэшмиш, ӧнгрэ Турк қағанғару сүлэлим, тэмиш, ангару сүлэмэсэр, қачан ангирсэр[97], ол бизни.
Яъни:
[Ундан] ортиқ Қирғизнинг қудратли хоқони душманимиз бўлди, ўша уч хоқон фикрлашиб, Олтин йиш устига талон солайлик депти, шундай фикрлашибди. Шарққа Турк хоқонига лашкар тортайлик депти, унга лашкар тортмаса, қачон ғазабланса, у бизни йўқ [қилади].

(21) қағаны алп эрмиш, айғучысы билгэ эрмиш, қачан[98] энгирсэр, ӧлүртачи күк, үчэгүн қабсап[99] сүлэлим, аны йоқ қысалым, тэмиш.
Түргэш қаған анча тэмиш: бэнинг бодунум анта эрир, тэмиш.
Яъни:
Хоқони қаҳрамон экан, маслаҳатчиси аллома экан, қачон ғазабланса, ўлдирадиган кўринади. Учовлаб ёпирилиб лашкар солайлик, уни йўқотайлик, депти. Тургаш хоқон шундай депти: менинг халқим ўша ерда бўлади, депти.

(22) Турк бодун йэмэ булғанч[100] ол, тэмиш. Оғузы йэмэ тарқанч ол, тэмиш. Ол сабын[101] эшидип, түн йэмэ удусықым кэлмэз эрти, олурсықым кэлмэз эрти, анча сақынтым...
Яъни:
Турк халқи яна саросимада, депти. Ўғузи яна, пароканда, депти. Ўша гапини эшитиб, тун яна ухлагим келмас эди, [кун] ўтиргим келмас эди. Шундай ўйладим...

(23) ...сүлэлим[103] тэдим. Кӧгмэн йолы бир эрмиш, тумыш тэйин. эшидип[104], бу йолун йорысар йарамачы тэдим, йэрчи тилэдим,* чолги Аз[105] эри бултум
Яъни:
...лашкар тортайлик... дедим. Кўгман[106] йўли битта экан, бекилган (қор босиб) деб эшитиб, бу йўл билан юрса ярамайди, дедим. Ерчи (ер биладиган киши) суриштирдим, Чўллик Аз йигитини топдим.

(24)* ӧзүм Аз йэрим, аны бил[107] ...эрмиш, бир туруқы[108] эрмиш Анын бармыш ангар йатып [109], бир атлығ бармыш, тэйин. Ол йолун йорысар, унч тэдим, сақынтым, қағаныма
Яъни:
Ўзим, Аз — масканим, уни бил... экан, бир манзили бор экан, Ани (дарёси) билан[110] борган ўша ерда ётиб, бир отлиғ (йўл) юриб боради, деди. Ўша йўл билан юрса бўлади дедим, ўйлаб олдим, хоқонимга

(25) ӧтүнтүм, сү йорытдым* атлат, тэдим[111]. Ақ тэрм-л кэчэ, оғрақ

www.ziyouz.com kutubxonasi

латдым[112], ат vзә бинтvрә[113], қарығ сӧкдvм, йоқару ат йәтә, йадағын, ығач тутуну ағтуртум ӧнгрәки әр.
Яъни:
арз қилдим[114]. Лашкарни йўлга солдим. От сол, дедим[115]. Оқ тармални[116] кечиб, мақсад сари йўлладим[117]. От устига миндириб[118], қорни ёрдим. Юқорига отни етаклаб, яёв ёғоч тутуниб[119], чиқардим олдиндаги йигитлар

(26)* йоғару тәгvрvп, ы бар арт[120] ашдымыз. Йобалу интимис он тvнкә йантақы[121] туғ әбирv[122] бардымыз. Йәрчи йәр йаңылып, боғузланты, буңадып қаған йәлv кӧр, тәмиш.
Яъни:
юқорилаб етиб, ўсимлик бор довонга ошдик[123]. Қийналиб индик (пастга тушдик). Ўн тунта ёндаги тўсиқни айланиб бордик. Ерчи *янглишиб, бўғизланди. Хафа бўлиб, хоқон ела кўр* (отни чоптира қолинглар), деди.

(27) Аны* субуғ баралым[124]! Ол суб қоды бардымыз, санағалы[125] тv*шvртvмvз*, атығ ықа байур әртимиз... кvн йәмә, тvн йәмә йәлv бардымыз. Қырқызығ уқа басдымыз.
Яъни:
Ани сувидан борайлик! Ўша сувнинг қуйи томонига юрдик. Санагали (лашкарни) туширдик, отни ўтга бойлар эдик*... Кун ҳам, тун ҳам елиб бордик. Қирғизни уйқуда босдик.

(28) сv әңәгин[126] ачдымыз, қаны сvси тәрилмиш, сvңvшдvмиз, санчдымыз, қанын олvртимиз, қағанқа Қырқыз бодуны ичикди, йvкvнти, йантымыз. Кӧгмән йышығ әбиру кәлтимиз.
Яъни:
Лашкарнинг энгаг (жағ) ини очдик (хаёхуй солдик)[127]. Хони, *лашкари йиғилди*. Жанг қилдик, санчдик. Хоқонга Қирғиз халқи[128] таслим бўлди, таъзим қилди. Қайтдик. Кўгман йишни айланиб келдик.

(29) Қырқызда йантымыз. Тvргәш қағанта кӧрvг кәлти, сабы әнтәг: *ӧңдән қағанғару* сv *йорылым*, тәмиш, *йорымасар бизни*, қағаны алп әрмиш, айғучысы билгә әрмиш, қачан әнгирсәр.
Яъни:
Қирғиздан қайтдик. Тургаш хоқондан кузатувчи келди. Гапи шундай: Шарқдан хоқонга қарши лашкар тортайлик, тортилмаса бизни [йўқотади]. Хоқони қаҳрамон экан, маслаҳатчиси аллома экан, ҳар қандай қилиб

(30) Бизни ӧлvртәчи кvк, тәмиш. Тvргәш қағаны ташықмыш, тәди. Он оқ бодуны қалысыз ташықмыш тәр. Табғач сvси бар әрмиш. Ол сабығ әшидип, қағаным бән әбгәрv тvшәйин, тәди.
Яъни:
Бизни ўлдирадиган кўринади, депти. Тургаш хоқони (йўлга) чиқибди, деди. Ўн ўқ халқи бекаму-кўст чиқибди, деди. Табғач *лашкари (ҳам) бор экан. Ўша гапни эшитиб, хоқоним мен уйга* тушайин, деди.

(31) Қатун йоқ болмыш әрти, аны йоғлатайын тәди, сv барың, тәди. Алтун йышда олуруң, тәди, сv башы Инәл қаған, Тардуш шад барзун тәди. Билгә Тонйуқуққа баңа айды:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яъни:
Хотун йўқ бўлган эди, унинг маросимини ўтказай, деди. Лашкар, беринг, деди. Олтун[129] йишда ўрнашинг, деди. Лашкарбоши [бўлиб] Инал хоқон, Тардуш шади борсин, деди. Менга, Билга Тўнюқуққа айтди:

(32) бу сvг әлт, тәди, ақы йаӈгығ[130] кӧӈглvӈг-ча ай, бән саӈга нә айайын, тәди, кәлир әрсәр*кv әр[131] vк олур[132], кәлмәз әрсәр, тылығ сабығ алы олур, тәди. Алтун йышда олуртумыз.

Яъни:
бу лашкарни элт, деди. Караму ғазабни[133] кўнглингдагидай қил, мен сенга нима дейин, деди. (Душман) Келар бўлса, донгдор йигитларни йиғ ва (уни) ўлдир! Келмас бўлса, тил (тутиб), маълумот олиб тур, деди. Олтун йишда ўрнашдик.

(33) vч кӧрvг киши кәлти, сабы бир; қағаны сv ташықды. Он оқ сvси қалысыз ташықды, тәр. Йарыс йазыда тәриләлим, тәмиш. Ол сабығ әшидип, қағанғару[134] ол сабығ ыт (т) ым: қантайын[135] сабығ йана

Яъни:
Уч кузатувчи киши келди, гапи бир: хоқони лашкар билан йўлга чиққан. Ўн ўқ лашкари бекаму-кўст чиққан, деди. Йарис даштида йиғиламиз, деган. Ўша гапни эшитиб, хоқонга ул гапни жўнатдим, „Нима қилайин?" [деб] Гапни [олиб] қайтиб

(34) кәлти: олуруӈг! — тәйин тәмиш. Йәлмә, қарғу[136] әдгvти урғыл, баситма! — тәмиш. Бӧг (у?)[137] қаған баӈгару анча айыдмыш, апа тарқанғару ичрә саб ыдмыш: билгә Тонйуқуқ аныйығ ол, ӧз олаӈглар.

Яъни:
келди: (шу ерда) туринг! — деб айтибди. Елма, яхшилаб қоровул қўй, (душманга) бостириб қўйма! — депти. Бўғу хоқон менга шундай деб айттирибди. Апатархан (бош қўмондон) га махфий гап юборибди: билга Тўнюқуқ ҳушёр, ўзи билади.

(35) сv йорылым тәдәчи, унамаӈг! Ол сабығ әшидип сv йорытдым. Алтун йышығ йолсузун ашдым. Әртиш ӧгvзvг кәчигсизин кәчдимиз, тvн ақытдымыз. Болучуқа[138] таӈг ӧнтvрv тәгдимиз.

Яъни:
Лашкар билан йўлга чиқайлик, дейди, унаманг. Ўша гапни эшитиб лашкарни йўлга солдим. Олтин йишни йўлсиз ошдим. Эртиш дарёсини кечигсиз кечдик, тун тўхтамадик, Бўлучуга тонг оттириб етдик.

(36) тылығ кәлvрти сабы: йарыс йазыда он тvмән сv тәрилти, тәр. Ол сабығ әшидип, бәгләр копун[139]:

Яъни:
Тил (тутиб) келтирди. Гапи: йарис даштида ўн туман (юз минг) лашкар йиғилди, деди. Бу гапни эшитиб, беглар ҳаммаси

(37) йаналым, арығ обуты[140] йиг, тәди. Бән анча тәрмән, бән билгә Тонйуқуқ Алтун йышығ аша кәлтимиз, Әртиш ӧгvзvг

Яъни:
қайтайлик, покнинг уяти яхши, деди (лар). Мен шундай деганман, мен билга Тўнюқуқ: Олтин йишни ошиб келдик. Эртиш дарёсини

www.ziyouz.com kutubxonasi

(38) кәчә кәлтимиз, кәлмиши алп тәди. Туймады. Тәнгри Умай ыдуқ йәр суб баса бәрти әринч. Нәкә тәзәрбиз
Яъни:
кечиб келдик. (Жангчиларнинг) келгани қаҳрамон, деган (лар). (Душман) сезмади. Тангри, умай[141], муқаддас ер-сув (ватан)[142] (душманни) босиб берган кўринади. Нега чекинамиз
(39) ӧкvш тәйин, нәкә қорқурбиз аз тәйин, нә басыналым, тәгәлим, тәдим. Тәгдимиз, йайыдымыз[143], әкинти кvн[144] кәлти.
Яъни:
кўп деб нега қўрқамиз [ўзимизни] оз деб. Қани, устун келайлик[145], ҳужум қилайлик, дедим. Ҳужум қилдик, тор-мор қилдик. Иккинчи кун келди.
(40) Ӧрт-чә қысып кәлти. Сvнгvшдvмиз. Бизинтә әки учы[146] сынгарча артуқ әрти. Тәнгри йарлықадуқ vчvн, ӧкvш тәйин, биз
Яъни:
ёнғиндай қизиб келди. Урушдик. Бизникидан икки қаноти ярмича ортиқ эди. Тангри ёрлиқагани учун, кўп деб, биз
(41) қорқмадымыз, сvнгvшдvмиз. Тардуш шад ара бады. Йайдымыз, қағаныи тутдумыз, йабғусын шадын
Яъни:
қўрқмадик, жанг қилдик. Тардуш шади аралашди (иштирок қилди). Тор-мор қилдик, хоқонини, йабғусини, шадини
(42) анта ӧлvрти, әлиг-чә әр тутдумыз, олоқ тvн бодунын сайу ыт (т) ымыз, ол сабығ әшидип, Он оқ бәгләри бодуны қоп
Яъни:
ўша ерда ўлдирилди. Элликтача йигитни тутдик ва ўша кечасиёқ ҳар бирини ўз халқига жўнатдик. У гапни эшитиб, Ўн ўқ беглари, халқи, ҳаммаси
(43) кәлти, йvкvнти, кәлигмә бәгләрин бодунын әтип йығып аз (ч) а бодун тәзмиш әрти. Он оқ сvсин сvләтдим.
Яъни:
келди, бош эгди. Келадиган бегларини, халқини суриб, қайтариб озгина халқ қочган эди. Ўн ўқ лашкарини йўлладим.
(44) Биз йәмә сvләдимиз, аны иртимиз. Йәнчу ӧгvзvг кәчә, Тинси[147] оғли йатығма[148] Бәнглигәк[149] тағығ...[150]
Яъни:
Биз ҳам[151] лашкар тортдик, уни қувдик. Инжу ўгузни[152] кечиб Тинси ўғли[153] ётадиган Банглигак[154] тоғини...
(45) Тәмир қапығқа тәги иртимиз, анти йантуртумиз. Инәл қағанқа...[155] тәзик, тоқарысын...[156].
Яъни:
Темир қапиққача[157] қувиб бордик. Ўша ердан қайтардик[158]. Инал хоқонга...[159] араб[160], тухорини...[161].
(46) анта йәрvк и[162] асуқ[163] башлығ Соғдақ бодун қоп кәлти ол кvнтә тәгти. Тvрvк бодун Тәмир қапығқа...[164].
Яъни:
Ўшанда ажраладиган чоки[165] [бор] дубулға бошлиқ (бошига кийган) Суғдоқ халқи ҳаммаси келди. Ўша куни ҳужум қилди[166].
Турк халқи Т[illegible]

www.ziyouz.com kutubxonasi

(47) Тинси оғлы йатыҕма[167] тағқа тәгмиш. Иди йоқ әрмиш. Ол йәркә бән, билгә Тонйуқуқ, тәгvрvтvк vчvн
Яъни:
Тинси ўғли етадиган тоққа етди. Эгаси йўқ экан. У ерга мен, билга Тўнюқуқ етказиб борганим учун
(48) сарығ алтун, vрvн кvмvш, қыз қудуз, әгри тәби[168], ағы буңгсуз кәлvрти, Элтәриш қаған билгәсин[169] vчvн[170].
Яъни:
сариғ олтин, оқ кумуш, қиз-жувон, эгри туя, ипак ҳадсиз келтирди [лар]. Элтариш хоқон билгаси[171] билан бўлгани учун
(49) алпын vчvн Табғачқа йәти йәгирми сvңгvшди, Қытанйқа йәти сvңгvшди. Оғузқа бәш сvңгvшди. Анта айғучы[172]
Яъни:
қаҳрамон бўлгани учун Табғачга қарши ўн етти марта уруш қилди. Китанйга қарши етти марта уруш қилди, Ўғузга қарши беш марта уруш қилди. Ўшанда маслаҳатчиси
(50) йәмә бәнӧк әртим, йағычысы йәмә бән әртим. Элтәриш қағанқа... Тvрvк Бӧгv қағанқа Тvрvк Билгә қ...[173]
Яъни:
ҳам менинг ўзим эдим, урушувчиси ҳам мен эдим. Элтариш хоқонга Турк Бўгу хоқонга Турк Билга...
(51) Қапған қаған... тvн[174] удуматы
Яъни:
Қапаған хоқон... тун ухламади.
(52) кvнтvз олурматы, қызыл қаным тvкәти[175]. Қара тәрим йvгvрти[176], ишиг кvчvг бәртим ӧк[177]. бән ӧзvм узун йәлмәг йәмә ыт (т) ым оқ.
Яъни:
кундуз ўтирмай[178] қизил қонимни тугатиб, қора терим югуртиб, меҳнатни, кучни бердим, ахир, мен ўзим узоқларга босқин уюштириб турдим, ахир.
(53) ар қой ақ арғуғ[179] улғартдим, басыныҕма йағыҕ әклvрир[180] әртим, қағанымын сv әлтдимиз, тәңгри йарлықазу!
Яъни:
қўнғир қўй, оқ отни катта қилдим. Босиб олишга уринадиган душманни поймол қилғучи эдим[181]. Хоқоним билан лашкарлар тортдик, тангри ёрлақасин!
(54) бу Тvрvк бодунқа йарақлығ[182] йағыҕ кәлтvрмәдим, тӧгvнлvг[183] атығ йvгvртмәдим. Элтәриш қаған қазғанмасар,
Яъни:
Бу турк халқига қуролли душманни келтирмадим, яловли отни югуртирмадим. Элтариш хоқон муваффақият қозонмаса,
(55) уду бән ӧзvм қазғанмасар, әл йәмә, бодун йәмә йоқ әртәчи әрти, қазғантуқын[184] vчvн ӧзvм қазғантуқум vчvн
Яъни:
(унга) эргашиб менинг ўзим (вужудим) муваффақият қозонмаса, давлат ҳам, халқ ҳам йўқ бўладиган эди. Муваффақият қозонгани учун, зийрак ўзим муваффақият қозонганим учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

(56) әл йәмә әл болты, бодун йәмә бодун болты. Өзvм қары болтым, улуғ болтым. Нәнг йәрдәки қағанлығ бодунқа
Яъни:
давлат ҳам давлат бўлди, халқ ҳам халқ бўлди. Ўзим чол бўлдим, улғайдим. Ҳар ердаги ҳоқонлик халққа
(57) әбун тvги[185] бар әрсәр, нә бунгы бар әртәчи әрмиш?!
Яъни:
дон сўк бўлса, нима ғами бўлар эди?![186]
(58) Тvрvк Билгә қаған әлингә битигдим бән билгә Тонйуқуқ
Яъни:
Турк Билга хоқон давлатида[187] [бу битигни] бититдим мен билга Тўнюқуқ.
(59) Элтәриш қаған қазғанмасар, йоқ әрти әрсәр, бән өзvм, билгә Тонйуқуқ, қазғанмасар, бән йоқ әртим әрсәр.
Яъни:
Элтариш хоқон муваффақият қозонмаса эди, у бўлмаса эди, мен ўзим билга Тўнюқуқ, муваффақият қозонмаса эди, мен бўлмасам эдим,
(60) Қапған қаған Турук сир бодун йәринтә бод йәмә, бодун йәмә киши йәмә иди йоқ әртәчи әрти
Яъни:
Қапған хоқон Турк сир[188] халқи ерида уруғ ҳам, халқ ҳам, киши ҳам [ерга] эга ҳам бўлмас эди.
(61) Элтәриш қаған, билгә Тонйуқуқ қазғантуқ vчvн Қапған қаған Тvрvк сир бодун йорыдуқы бу...
Яъни:
Элтариш хоқон ва билга Тўнюқуқ муваффақият қозонгани учун Қапған хоқон Турк сир халқи юрган бу...
(62) Тvрvк Билгә қаған Тvрvк сир бодунуғ Огуз бодунуғ игидv олурур
Яъни:
Турк Билга хоқон Турк сир халқини, Ўғуз халқини тарбият қилиб турибди.

ИЗОҲЛАР

1. С. Г. Кляшторный, Тоньюкук — Ашида Юаньчжен, Тюркологический сборник. К шестидесятилетию А. Н. Кононова, изд- во „Наука", М., 1966.
2. В. В. Радлов. Атлас древней Монголии. Труды орхонской экспедиции, вып. 4, СПБ, 1899, CVI — CXVI лавҳалар; W. Radloff, Die alttürkische Inschriften der Mongolei, Zweite Folge, St. Petersburg, 1899, Tr. 1 — 27.
3. V. Thomsen, *Turcica. Etudes concernant l'interpretation de inscriptions turques de la Mongolie et de la Siberie.* Mémoires de la Société Finno — ougrienne, Helsinki, 37, Helsingfors, 1916.
4. V. Thomsen, Samlede Afhandlinger, III, Kopenhagen, 1922.
5. V. Thomsen, Alttürkische Inschriften aus der Mongolei. Zeitschrift der Deutschen Morgenlandischen Gesellschaft, 78, Leipzig, 1924 — 1925.
6. K. E. Denisson, The Tonyukuk inscriptions. Bulleten of the School of oriental Studies, London, vol. 6, 1930—1932.
7. H. N. Orkun, Ecki türk jazitlare, Istanbul, I, 1936, I, 1936, c. 97—124; III, S. 218—234.
8. С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М., — Л., 1959, стр. 56—70.

www.ziyouz.com kutubxonasi

9. G. J. Ramstedt, J. G. Granö und P. Aalto, Materialien zu den alttürkischen Inschriften der Mongolei.
Journal de la Société Finno — ougrienne, 60, Helsinki, 1958, Pp. 13—49.
10. T. Tekin, A grammar of Orkhon turkic, Bloomington, 1968.
11. R. Giraund, L'inscription de Bain Tsokto, Paris, 1961.
12. Г. Айдаров. Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века, Алма-Ата, 1971.
13. Текстнинг босма нусхаси С. Е. Малов нашридан олиб берилди.
14. Бу сўзни ... тvрк, тvрvк (Р. Жиро) ва тvркv ... (Ж. Клосон) деб ўқийдилар. Биз охирги ҳарф *ак* бўлса, „тvрк" деб, *ўқ* бўлса, „тvрvк" деб ўқидик.
15. Тўнюқуқ сўзининг луғавий маъноси ҳақида турлича фикрлар бор. Р. Жиро бу исм *түни юқуқ* (кийимни юклик) деган сўздан олинган дейди. В. М. Наделяев ўзининг шу масалага бағишланган мақоласида бу ном *туюқ-ўқ* (туёқ-ўқ) сўзларидан иборат деб кўрсатади. Турк олими Али Улви Элове „Турк дили араштирмалари йиллиги" (Анкара, 1958) да нашр қилинган „Бир язи меселеси узирине" деган мақоласида мазкур от *тўн* (бирламчи, тўнғич), *йўқ-* (юксал-) ва *уқ* (от ясовчи қўшимча) дан иборат дейди. Ленинградлик олим С. Г. Кляшторний бу фикрга иккинчи элемент *оқ* сақламоқ, қадрламоқ маъносидаги феълнинг ўзаги деб тузатиш киритади ва Тўнюқуқнинг асл луғавий маъноси „тўнғич жавҳар" деган хулосага келади (С. Г. Кляшторный, 1- изоҳда зикр этилган асар).
16. Тўнюқуқ турк зодагонларининг Табғач (Хитой) императори саройида гаров сифатида ушлаб турилган ўғилларидан бири эди. Бундай кишиларга улар хитойча ном бериб, хитойча ўқитар ва хитойпарастлик руҳида тарбия беришар эди. Тўнюқуқнинг хитойча оти Юанчжен бўлиб, бу С. Г. Кляшторнийнинг фикрига кўра *тўнюқуқ* сўзининг хитойчага айнан таржимасидир. Тўнюқуқ нуфузи жиҳатидан Ашин уруғидан кейин иккинчи ўринда турувчи Ашида уруғидан эди. Тўнюқуқ Хитой зиндонларида ҳам ётади, лекин кейинчалик саройда ишонч қозониб, босиб олинган ерларга маъмурий хизматга юборилади. Шундан кейин у империяга қарши бош кўтарган Гудулу (Кутлуғ) томонга ўтиб, унинг маслаҳатчи ва саркардасига айланади.
17. Бу сўзни Р. Жиро сингари *булмайын* деб ўқиш ҳам мумкин. Унда „хонини топмасдан" деган маънода бўлади.
18. Р. Жиродан ўзгаларда: *адырылты;* буни *адралты* деб ҳам ўқиш мумкин.
19. Маҳмуд Кошғарийда *азрылылды;* Қиёсланг: Орқун, 100, Жиро, Текин, 283.
20. *Өл тамис* Р. Жиронинг ўқиши бўлиб, унгача кўпчилик буни *өлитмис*, Г. Рамстедт эса vлvтмис шаклида ўқиган.
21. Г. Айдаров *әсир* деб ўқиган. Бу сўз араб сўзи бўлгани, араб сўзлари эса урхун ёдномаларида йўқлиги учун бу фикр нотўғри деб топилди.
22. С. Е. Маловда ва Г. Айдаровда: ўлдирган.
23. *Сир* сўзи ҳозирча шартли равишда *турк* ёки *бодун* сўзи билан бирга қўлланади. Биринчи ҳолда қабила ёки уруғ номи деб, иккинчи ҳолда „халқ", „омма" маъносига яқин бир маънода деб тахмин қилинади. Аммо бу сўзнинг аниқ маъноси махсус мақола ёзилганлигига қарамай (П. И. Балтин. К. Семантике древнетюркского „сир". Сборник трудов Карачаево — Черкесского госпединститута, вып. 3, 1960), ҳали ҳал этилган эмас. Орқун *сир* ни *мутгаҳит* (?) (бирлашган) деб таржима қилган. С. Е. Малов *турк сир бодун* бирикмасини „народ тюрков — сиров" деб таржима қилган ва савол аломати қўйган. Г. Айдаров *сир* сўзини *әсир* деб ўқигани учун мазкур бирикмани „пленные тюрки" деб таржима қилган.
24. Р. Жиродан бошқаларда: *қубранып.*
25. С. Е. Малов ва Г. Айдаровда: не осталось (государственного) организма. Бундай таржима *бод* (уруғ) сўзини „бўй", яъни „қомат" деб тушуниш натижасидир.
26. Яъни тўқайзор ва тоғ ораларида ажралиб қолиб кетганлари.
27. Бу ерда бўлак, қисм маъносида ишлатилган vлvк сўзини Маҳмуд Кошғарий *улуш* сўзининг бирламчи варианти, яъни к товуши ш га айланган деб изоҳлаган: Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 60- бет.
28. Жирода: *айғыл;* ўзгаларда: *йағыл.*
29. Р. Жирода. айығмасы; ўзгаларда: йағмысы. Йғл ни *йағыл* ва йғмсы ни *йағмысы* деб ўқилишига буларни *йақин* сўзининг таркибидаги *йақ* дан ясалган феъл деб тушунилиши сабаб бўлган. Лекин бу ҳолда грамматик зиддият вужудга келишига аҳамият берилмаган. *Яқинлаш*-маъносидаги бир ўзак *(„яқинлаш!" деди, яқинлаш+гани мен эдим)* ўрнида икки хил ўзак бўлиб қолган *(йағыл-* ва *йағ-)*. Гап мазмуни бир ўзакни талаб қилишининг ўзи йғл даги л нинг бошқа сўз эканлигини билдиради. Унда л ҳарфини ал деб ўқишга тўғри келади. Шундай бўлгач йғ сўзи, биринчидан, от бўлиши, иккинчидан, кейинги йғмсь сўзи билан ўзакдош бўлиши керак. Маҳмуд Кошғарийда унвон бермак маъносидаги *айа-* феъли ва шу феълдан -ғ қўшимчаси билан [illegible] ва *хан анар айағ айады*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 228- бет) гапи ҳам бор. Кенг унлилар сўз бошида ва ўртасида кўпинча ифода қилинмагани учун й ғ ни *айағ* деб, й ғ м с ь ни эса *айа+ғма+си* деб ўқиш керак бўлади. -ғма қўшимчаси шу сатр бошидаги *удызығма* сўзида ҳам бор бўли , лаёқат маъносини билдиради. *айа-* унвон бериб тақдирлаш маъносида бўлса, *айағма* унвон беришга лойиқ деган маънони англатади. Контекстнинг умумий мазмунига ҳам *йағ-(ыл)-* га нисбатан *айа-* кўпроқ мос келади.

30. Текинда *ырақда*; ўзгаларда: *арқада*. Бизнинг ъ р қ д ъ сўзни . . . *арқда* . . . деб ўқишимизга қуйидагилар сабаб бўлди: 1) *арқада* маъно жиҳатдан ўринсизроқ; 2) Маҳмуд Кошғарийда *арқ* сўзи бўлиб (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 45- бет), уни арабчага „алъазира" (инсон, ҳайвон ва нарсалардан ажраладиган чиқинди) деб таржима қилган; 3) „Бўладиган бузоқнинг тезагидан маълум" деган халқ мақоли бор.

31. Мазкур олимларники билан қиёсланг.

32. Мазкур олимларники билан қиёсланг.

33. Мазкур олимларда: хоқонликка раво кўрсаммикин? Бизнингча, *му* элементи бу ерда сўроқ юкламаси бўлмай, *ҳам* маъносидаги юкламадир. Бу юклама ҳозир уйғур тилида бор. Мазкур олимлар *қысмақ* феълига ҳам одатдан ташқари маъно беришган. Қиёсланг: Унгин битиги, 1- сатр.

34. Текинда: *бунгсәр.*

35. С. Е. Маловда: „Я думал: если (будущий хан) вообще (букв. єздлн, вдали) знает, (что у него есть) и тощие быки, и жирные быки, но он не может (не способен, не знает) назвать (в отдельности, который жирный бык (и который тощий бык)" Г. Айдаровда: „Я размышлял: [о том] что у него есть тощие быки [и] жирные быки если он издали и знает, [то] жирный [это] бык [или] тощий бык, сказать не может" Ўзгаларда ҳам шу мазмун.

36. С. Е. Малов ва Г. Айдаровда: „хоқонликка раво кўрдим".

37. *Буйла, бага, тархан* — буларнинг ҳаммаси Тўнюқуқнинг унвони дейилади.

38. Жирода: *булайын*; Текинда: *болуйын.*

39. Ўзгаларда: *билиг эса* (эши).

40. Ўзгаларда: *чаб эси* (эши).

41. Ўзгаларда: *бән көртүм.* Бу вариант маъно жиҳатдан тўғри эмас.

42. С. Е. Малов бошқа олимлар каби булайын сўзини биринчи шахс истак формаси деб тушуниб, гапни шу ерда тўхтатган ва уни қуйидагича таржима қилган: (А хан:) „С мудрым Тоньюкуком, в качестве бойла бага таркана, я Ильтерес, да буду каганом!" Биз *булайын*ни худди *тәйин* (дея) сингари равишдош деб тушундик.

43. *Қытаній* — манжур қабилаларидан иборат халқ. Ҳозирги русча номи *кидане.* Маҳмуд Кошғарий буни *хытай* шаклида бериб, уни *син* (чин, яъни ҳозирги — Хитой)дир, дейди. Табғачни *тавғач* шаклида бериб, уни *мосин* (мочин, яъни ҳозирги манжур) дейди. (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 28- бет.) Урхун ёдномаларида бунинг акси *қытаній — мочин, табғач — Чин*дир.

44. „С. Е. Маловда: „Его товарищем по знанию и его товарищем по славе был я сам": Г. Айдаровда: „Я подчинился [ему как] сородичу по мудрости и сородичу по славе". Булар *билга + си* (алломаси)ни *билиг эс+и* (илм эши) деб ва *чабыс + ы* (човуши)ни *чаб эс+и* (донг эши) деб тушунганлар. *Човуш*ни Маҳмуд Кошғарий жангда сафларни тартибга солувчи ва лашкарни зулмдан қайтарувчи деб изоҳлаган (Аҳмад Рифъат нашри, I том, 307- бет).

45. *Чуғай* — ҳозирги Иншан: Қорақум — Иншан шимолидаги чўл воҳаларидан бири. Қуз — тоғнинг қуёш тушмайдиган томони.

* 46. Ўзгаларда: *учуқ тәг әрти,*

47. Жирода: *ан-тәг*; Текинда: *эшиг* (?)

*48. Р. Жирода: *әркәли оғуздыптын;* ўзгаларда: *әрикли оғуздантан (оғуздунтан* — Текин).

49. С. Е. Маловда: „Враги наши были кругом как хищные птицы, мы были (для них) падалью (В. Томсен: таков был наш лагерь). Бошқаларда ҳам шундай. Биз у ч қ ни қуш маъносида, *учуқ* сўзи бошқа манбаларда ва шарқ луғатларида учрамагани учун, уч сўзи эса тўданинг боши-кети, лашкарнинг қаноти маъносида ишлатилганини назарга олиб, *уч оқ* деб ўқидик. *оқ* бу ерда юклама. *Шәг* сўзи ҳам тахминан ўлакса деб тушунилган. Биз сўз охиридаги г нинг й га ўтишини ҳисобга олиб, *шәг* ни ҳозирги *шай* сўзининг қадимий варианти деб тушундик.

50. Ўзгаларда бу ибора кейинги гапнинг бошланиши қилиб олинган ва С. Е. Маловда „Так проживая" деб, Г. Айдаровда „Вот так мы жили, когда . . ." деб таржима қилинган.

51. Текин ва Жиродан бошқаларда: *Куны.*

52. Жиро ва Текин

www.ziyouz.com kutubxonasi

53. Текинда: *баридан йән*· Жирода: *бәридинйин* ўзгаларда: *бәридәнйән.*

54. Текинда: *öнгдән йән;* Жирода: *әндинйин;* ўзгаларда: *әндәнйән.*
55. Текинда: *йырдынта йон;* Жирода: *йырдынтайын* ўзгаларда: *йырдантайан.* Мазкур уч сўзни бундай ўқиш тил нуқтаи назаридан тўғри эмас. Биз буларни қуйидагича тушундик: *бәри* (ўнг) + *да (-ла)* + *н* + *әйин (-иб)* *öнг* (олд)+ *да* + *әйин*; *йәрә* (чап) + *да* + *н* + *та (-ла)* + *йын.*
56. Ўзгаларда: *йоққысалым.* Р. Жирода дефис билан ажратилган.
57. Оркунда: *қабсар* Текинда: *қабыс (с)ар;* ўзгаларда: *қабысыр.* Бу вариант текст мазмунига унча зид бўлмаса ҳам, сўзнинг аниқ маъноси ва формаси жиҳатдан тўғри келмайди. Қамал қилмоқ маъносида кўп ишлатиладиган *қаба* феъли бор. Шунинг учун биз буни *қабасар* деб ўқидик. -сар шарт аффикси -са нинг қадимги вариантидир. Бундай ўқишга имлода ҳам монелик йўқ.
58. Г. Айдаровда: маслаҳат қилдим.
59. Г. Айдаровда: фикр қилдим.
60. Ўзгаларда: бирлашса.
61. Жирода: *үзчи.*
62. *Эчи атасын* деб ҳам ўқиш мумкин. Жирода *ози ичи* ўрнида *үзчи.*
63. Ўзгаларда: *әр(и)клиг* (икки ўринда ҳам). Бу вариант маъно жиҳатдан шу ерда ўринсиз. Маҳмуд Кошғарийда *иркилмәк* (йиғилмоқ) феъли ва *сү тәлим иркилди* (лашкар кўп йиғилди) гапи бор (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 211- бет). Бу ерда шу феълдан -г қўшимчаси билан от ясалган. Бу сўз эса *юпқа, қалин* каби аниқловчилар билан ишлатилиши мумкин. „Бобирнома"да ҳам *қалин черик* деган ибора бор.
64. Ўзгаларда: *топлағалы*; иккинчиси: *топлағулуқ. Топла* феъли қадимий феъллардан эмас.
65. *Ўз* сўзи аслан от бўлиб, киши вужуди ва унинг ҳаётий асосларини билдиргани учун „жону тан" маъносида ҳам ишлатилган. Бу текстда „ўз ичи"дан мурод жон, „ўз тоши" дан мақсад мол-мулкдир.
66. *Тутмоқ* феълининг „узатмоқ", „бермоқ" маъноси ҳам бор. Қиёсланг: *қадаҳ тутди.*
67. С. Е. Маловда: „Мы (пожалуй) останемся как бы представленные самим себе (или: мы останемся как бы держа свою внутренность внешностью своего существа)"; Г. Айдаровда: „Мы останемся, словно в вывернувшись нутром наружу". Яна Оркун, Жиро ва Текинларники билан қиёсланг.
68. Мазкур олимларники билан қиёсланг.
69. Мазкур олимларники билан қиёсланг.
70. Жирода ва Текинда: *йоғун.*
71. Жирода: *қурыданта.*
72. Ўзгалар буни „боришимиз керак" деб таржима қилганлар. Бу таржима, агар *кәлтәчимиз* ўрнида *кәлтәчи-биз* бўлганда, тўғри бўлар эди. Чунки -миз эгалик қўшимчаси ва биз боғламадир. Ҳозир айрим туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида ҳам, боғламадаги б ҳам м га айланган.
73. Ўзгалар *барм—мү—нә* ни алоҳида гап тарзида олганлар.
74. С. Е. Маловда: „Так я просил (хана)"; Г. Айдаровда: „Вот так я размышлял".
75. Баъзилар *йуғуру* деб ўқиб, „ўтиб" деб таржима қилганлар.
76. Русча нашрларда, жумладан, ушбу мақоладаги урхун текстида ҳам: *Кәликин* (охирги ҳарф а эмас, ә н).
77. *Кўк ўнг* — дарё номи.
78. *Йыш* — серўсимлик манзилбоп тоғ ёнбағри. *Ўтукан* — (Хитой манбаларида *Ю-Ту-кин)* Шимолий Мўғулистондаги Хангай тоғ тизмасининг шарқий қисмидаги ўрмонли ўлка. Маҳмуд Кошғарий Ўтуканни Уйғур яқинидаги татар чўлларидаги бир жойнинг номи деса (А. Рифъат нашри, I жилд, 123- бет), Л. П. Потапов Туванинг жанубий қисмида бўлган дейди. („Советское востоковедение", 1957, № 1). Ўтукан ҳақида яна Оркуннинг мазкур асарининг IV жилд, IV — V саҳифаларига қаранг.
79. *Тўғла* — дарё номи бўлиб, ҳозир у „Тўла" деб юритилади.
80. Радлов — Жирода: *алты.*
81. Бу сўзнинг ўқилиши ҳам, маъноси ҳам шубҳасиз эмас.
82. Баъзиларда: *оқын.*
83. Жирода: *үзим.*
* 83. Текинда: *Түрүк қағаныг.*
84. Жирода бундан олдинги уч сўз тушиб қолган; Текинда: *((әкі) сүм* (1г)
85. Баъзиларда: *сүләтдим.*
86. Шантунг (Шаньдун) текислиги, яъни Хуанхе дарёси водийсидаги бирор шаҳарга, демоқчи.
87. Сариғ денгиз билан Хуанхе дарёсининг мансаби кўзда тутилмоқда.
88. С. Е. Маловда: „Тюркский народ и тюркский каган для (дальнейшего) обита-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ния (завоевывая) не дошёл до город (ов) Шантунга и до морской реки"; Г. Айдаровда: „Чтобы (там) обитал тюркский народ, чтобы (там) обитал тюркский каган, города Шандунга и морская река (нами) достигнуть не были". -ғали кўшимчаси қадимги турк тилида ва ҳозирги туркий тилларнинг баъзисида **-гандан бери, -ганига** маъноларида ҳам ишлатилади.

89. Г. Айдаровда: *Усун бунта аты*. Бу ўқишда ҳарфлар сабабсиз ўзгартирилган ва имло ҳам ҳисобга олинмаган.

90. С. Е. Маловда: „В земле Усын — бунтаду"; Г. Айдаровда: „В земле, называемой Усын". „Ушын" деган жой номи бўлган. Лекин бу ердаги „усын", бизнингча, *у* (уйқу) *+сы* (эгалик кўшимчасы) *+ н* (тушум кўшимчаси) дан иборатдир. Бундай ўқишга бир фонетик ва бир график асосимиз бор: 1) эгалик кўшимчасидаги ь ~ и лаб уйғунлигига бўйсунмайди. Агар бу сўз эгалик кўшимчасисиз от бўлса, *Усун* бўлар эди; 2) асл текстда **с** товуши кўшимчалар имлосига хос **эс** ҳарфи билан ёзилган. *Бунтату* эса *Бун (мун* — айб, касал: Маҳмуд Кошғарий, Девон, А. Рифъат нашри, III жилд 102- бет) *+ та (-ла) + т + у (-иб)* дан иборат.

91. *йурт* сўзи „хароба", „вайрона" маъносида ҳам қўлланилган: Маҳмуд Кошғарий, Девон, А. Рифъат нашри, III жилд, 5- бет.

92. Бу ердаги *эрти* сифатдошдир. Ўзгалар буни феълнинг ўтган замон формаси деб гапни шу ерда тугатганлар ва „турк халқи" бирикмасини, гап таркибида бўлмаса ҳам, шу гапга эга қилиб берганлар.

93. С. Е. Маловда: *артуқы;* Г. Айдаровда: *артқы*.

94. Г. Айдаровда: *қырқ аз*.

95. С. Е. Малов нашр қилган урхун текстида *ақ* ҳарфи ўрнида **эт** ҳарфи босилган. 21- сатр бошида ҳам шундай бўлган.

96. Ўзгаларда: *қабысалым* ва *қабышалым*. Бу феъл маъно жиҳатдан шу контекстга тўғри келмайди. Бизнингча, бу феъл *қад- (тала-) + са* (истак кўшимчаси) дан иборатдир. Қиёсланг: *бутди — бутсади, тепти — тепсади*.

97. Жиродан ўзгаларда: *қачон нэнг эрсэр* ва *қачынын эрсэр*. 20 — 29- сатрларда ҳам шундай.

98. С. Е. Малов нашридаги урхун текстида **нч** ҳарфи ўрнида **эл** босилган.

99. Ўзгаларда: *қабысып* ва *қабышып*.

100. Баъзиларда: *булғақ*.

101. Жирода: *сабығ*.

102. Бу сўздан олдин *кун* сўзи бўлиши керак эди.

103. Жирода: *(анта этру қағаным) а сv йорылайын*.

104. С. Е. Малов нашрининг урхун текстида **ни** ҳарфи ўрнида **и** босилган.

*105. Жирода: *Чоллиг из*.

106. *Кӧгмэн* — ҳозирги Саян.

107. Текинда: *эси(т) тим Аз йир йолы аны бирлэ?*

108. Текинда: *оруқы*.

109. Текинда: *айтып*.

110. *Анын ним унинг билан*, яъни ўша манзил билан деб тушуниш ҳам мумкин. **Аны** дарёси ҳозир ҳам шундай деб аталади.

111. Жирода: *ат алтуртым;* Текинда: *тал атын*.

112. Жирода: *оғуз қалатдым;* Орқунда: *оғуз ақлатдым;* Текинда: *оғурқалатдым*.

113. Жирода: *бэн тэрэ*

114. Г. Айдаровда: маслаҳатлашдим.

115. Жироники билан қиёсланг.

116. *Ақ тармал* — ҳозирги Хуа кэм дарёси.

117. Ўзгалариники билан қиёсланг. Маҳмуд Кошғарий *оғраг* сўзини „алқасд ва—л—ъазм:ма" (мўлжаллаш ва йўлланиш) деб изоҳлаган (А. Рифъат нашри. I жилд, 107- бет).

118. Жироники билан қиёсланг.

119. Яъни ёғочдан ҳасса қилиб. Г. Айдаровда: ўсимликларга тирмашиб.

120. *Арт* битигда бир ҳарф билан ифодаланган бўлиб, буни *баш* (қулла) деб ўқиганлар.

121. С. Е. Маловда: *йантықы;* Г. Айдаровда: *йантуқы*.

122. Баъзиларда: *бирv*.

123. Ўзгалариники билан қиёсланг.

* 124. Текинда: *субқа бардымыз (басалым* — Жиро).

125. Текинда: асанғалы. Буни асынғалы деб ҳам ўқиш мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

126. Ўзгаларда: сvнгvгин. Жирода яна бу сўздан олдин у бор, Текинда [ysin?] бор.

127. Ўзгаларда: Найза билан йўл очдик. Найза *сvнгvг* эмас, *сvнгv* бўлгани учун бунга қўшилиб бўлмайди.

128. Г. Айдаров *қырқы*лин ҳамма ерда *қирқ аз* деб транскрипция қилган ва таржимада *қырқаз* деб берган.

129. *Олтун* — Олтой.

130. Ўзгаларда: *қыйыныг*.

131. Орқунда: кöг; Жирода ва Текинда: кöр.

132. Ўзгаларда: vкvлvр. Биз имло жиҳатдан нотўғри бўлса ҳам, мазмунга қараб *уқ олув* деб ўқидик.

133. Ўзгаларда: жазони.

134. С. Е. Малов нашридаги урхун текстида биринчи ҳарф **ақ** эмас, **эт** бўлиб қолган.

135. Текинда: *қанта йан*.

136. Баъзиларда: *қарағу;* лекин Маҳмуд Кошғарийда: *қарғу* ва *қарғуй*.

137. Бу сўз ҳақида Орқуннинг II жилд, 212- бетдаги изоҳига қаранг.

138. *Болчу* деб ҳам ўқиш мумкин, шундай ўқилган ҳам.

139. Ўзгаларда; *қопан* ва *қопын*. Бу сўздаги н биргалик қўшимчаси бўлгани учун унинг олдида у унлиси бўлади.

140. Жирода: *убаты;* Текинда: *арығу баты*.

141. *Умай* — қадимги туркларнинг оналик сифатларига эга бўлган худоси. Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Л. П. Потапов. Умай — божество древних тюрков в свете этнографических данных. Тюркологический сборник. 1972, изд-во „Наука", Москва, 1973; Маҳмуд Кошғарий *умай* сўзига шундай изоҳ беради:' хотин кишининг, ичидан тушиб бўлганда чиқадиган қопчиққа ўхшаш нарса. У боланинг қориндаги эгаси дейилади. „Умайқа топинса, ўғул бўлур" деган масал бор, маъноси: ўшанга хизмат қилган ўғил кўради. Хотинлар шунга эътиқод қилишади (А. Рифъат нашри, I жилд, 111- бет.

142. Қадимги турклар ҳам ер ва сувни муқаддас деб билишган ҳамда „ер — сув" деганда ватанни тушунишган. Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: М. А. Сеидов. К вопросу о трактовке понятий „йер суб" в древнетюркских памятниках. Советская тюркология, Баку, 1973, 3- сон.

143. Жирода: *йолыдымыз*.

144. Баъзиларда: vкvш.

145. С. Е. Маловда: „Зачем нам быть побежденными?! (или: подчинит себе)! Г. Айдаровда ҳам шундай, лекин қавс ичидагисини олмаган. Буларга *басынмақ* феълининг маъноси ноаниқ бўлган. Бу феълнинг аниқ маъносини Маҳмуд Кошғарий берган. У *ол эриг басынды* гапини арабчага „ул эрни кучсиз деб топди ва уни босиб олди" деб таржима қилган. Демак, басынмақ феълининг аниқ маъноси енгиб босиб олишга ҳаракат қилишдир.

146. С. Е. Малов нашридаги урхун текстида **чи** ўрнига **эл** ҳарфи босилган.

147. Ўзгаларда: *Тинэси*. Бу ҳақда қаранг: С. Г. Кляшторный. Древнетюркские рунические памятники как источники по истории Средней Азии, М., 1964, стр. 148.

148. Текинда: *айтығма*.

149. Жиро ва Текинда: *бэнглиг эк*.

150. Жиро *эртvрдим* деб тиклаган.

151. Ўзгалар *йаман*и яна маъносида тушунишган. Шунинг учун бундан олдинги жумладаги ўн ўқ лашкарини Тўнюқуқнинг ўзи бошлаб кетгандай қилиб таржима қилишган. Ваҳоланки, у ўн ўқ лашкарини тезда жўнатган ва кейин ўзи ҳам ўз лашкари билан жўнаган.

152. *йэнчv* (йинчу) *öгvз* — Сирдарёнинг ўрта оқими (сир — қуйи оқими). Луғавий маъноси: инжу (марварид) дарё. Хитойча номи „Чжен чжу хе" шу *йэнчv öгvз*нинг айнан таржимасидир. Суғдчаси — *яхшарт, яксарт* > *йахша арта* (аса марварид)дир: С. Г. Кляшторний, *мазкур асар, 75- бет*.

153. „Бангиигак тогидаги *Тинси ўғлини* фин олими Г. И. Рамстедт Ўрта Осиёда Александр Македонский истилосидан сўнг Прометей афсонаси таъсирида яратилган бирор афсонага тааллуқли бўлса керак, деб тахмин қилади. С. Г. Кляшторний „Тинси" (Осмон ўғли) Хитой императорининг унвони эканлиги ва Хитой императори ўша вақтларда, асоссиз бўлса ҳам, Суғд подшолигининг ўзига тобе ёки тобе бўлиши керак деган фикрда бўлганлигига асосланиб, Тўнюқуқ Суғд подшосини „Тинси ўғли" деб атаган дейди: С. Г. Кляшторний, мазкур асар, 148 — 149- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

154. Бу тоғнинг қаердалиги аниқ эмас. С. Г. Кляшторний Зарафшон водийсида бўлса керак деб тахмин қилган.
155. Жирода: *Қарачуқ тағқа;* Текинда: *(анып . . . сақа?).*
156. Жирода: *тоқар ашл эн (тимиз).*
157. *Темир қапиғ* — Самарқанд — Балх йўлида Шаҳрисабздан 90 км жанубда Бойсун тоғидаги Бўзғола гузари. ал-Яъқубийнинг „Китобу — л—булдон"ида „Дари оҳанин" (темир дарвоза) дейилган ва буни В. Томсен аниқлаган; С. Г. Кляшторний, мазкур асар, 76- бет.
158. Г. И. Рамстедт билан А. Аалто ва Р. Жирода: ўшанда қайтдик. Бу йил жиҳатдан ҳам, текст мазмуни томонидан ҳам, тарихий жиҳатдан ҳам тўғри эмас. (С. Г. Кляшторний, мазкур, асар, 141—142- бетлар.)
159. Р. Жиро Инал хоқон бу ўринда тоғ тизмасининг номи бўлса керак деб тахмин қилган. А. Аалто битиктошда шу сўздан кейин емирилиш натижасида ўқиб бўлмайдиган ҳолга келган ёзувни „мана, сак ҳинду ва Ашок бошчилигидаги кўчманчи суғдлар Инал хоқонга бош эгиб келди" деган маъно чиқадиган қилиб тахминан тиклашга ҳаракат қилган. Лекин бу фикрлар номаъқул топилди: С. Г. Кляшторний, мазкур асар, 144—145- бетлар.
160. Г. Айдаровда: тожик. Лекин бу ердаги *тэзик араб*дир. „Ручник ўриенталистичин"нинг (Варшава) 1928 йил 4- сонидаги В. Котвич ва А. Самойловичнинг мақоласига қаранг.
161. С. Г. Кляшторний жўналиш формасидан *(қағанқа)* кейин тушум формаси (токрысын) келмаслигига асосланиб, битигнинг шу ерини ретушланмаган эстампаждан текшириб кўрган ва **эн** ҳарфи ўрнида айириш белгиси (:) ва **эт** ҳарфи борлигини аниқлаган. Натижада, шу ерда *тэгди* ёки *тэгмис* деган сўз бўлиб, гап „*инал хоқонга . . . эраб ва унинг тухори (араб иттифоқдоши тухор) хужум қилди*" деган мазмунга эга деган хулосага келган: мазкур асар, 144—146- бетлар.
162. Жирода: *йэрӧки;* Текинда: *бэрvки.*
163. Аалтода: *асуқ*: ўзгаларда *суқ* ва *соқ*. Бу сўздан кейин „бошлиқ" ва „Суғдақ халқи" сўз ва бирикмалари бор учун *(а) суқ* ни киши номи деб тушунганлар. Лекин „фалончи бошлиқ . . ." ибораси ҳозирги тилларга хос. Маҳмуд Кошғарийда *ашуқ* деган сўз бўлиб, у „темир дубулға" деб тушунтирилган (А. Рифъат нашри, I жилд, 64- бет).
164. Жирода: *Тынсы оғлы.*
165. Ўзгаларда *йэрvк* ва и қўшиб бир сўз қилиб берилган, таржимада тушириб қолдирилган. Г. Айдаров ундан кейинги икки сўзни ҳам таржимада тушириб қолдирган. Бунинг и сўзини *чок* деб тушунишимизга Маҳмуд Кошғарийда шу маънода йи сўзининг мавжудлиги (А. Рифъат, III жилд, 162- бет) ва сўз бошида **й** нинг тушиб қолиши қадимдан борлиги асос бўлди.
166. Ўзгалар бу гапни кейинги гапнинг боши деб тушунганлар.
167. Текинда: *айтыгма.*
168. Ўзгаларда: *эгритэби.*
169. Ўзгаларда: *билиг эсин.*
170. С. Е. Малов нашридаги урхун текстида **чи** ҳарфи ўрнида **эл** босилган.
171. *Билга*дан мурод Тўнюқуқнинг ўзи.
172. Жирода -сы қўшилган.
173. Жирода: *қағанқа.*
174. Ўзгаларда: *йэти отуз йашқа . . . анта . . . эрти қапаған қаған тvн.*
175. Баъзиларда: *тэкти.*
176. Жирода: *йэгирти.*
177. Радловники билан қиёсланг.
178. Бу ердаги *удуматы* ва *олурматы* равишдошдир.
179. Ўзгаларда: *Арқуй қарағуғ (арқуғ қарғуғ).*
180. Ўзгаларда: кэлvрир. Буни *эклvр эр* деб ҳам ўқиш мумкин. Лекин *кэлурир, басыныгма* ни тўғри тушунилса, маъно жиҳатдан бу ерда ўринсиз. Текинда *басыныгма* ўрнида *йаныгма.*
181. Ўзгаларники билан қиёсланг.
182. Ўзгаларда: *йарықлығ.*
183. Буни *мvгvнлvг* деб ҳам ўқиганлар.
184. Жирода охирги ҳарф йўқ.
185. Ўзгаларда: *бэнтэгу* ва *бvнтvгu.* Бундай сўзнинг борлигининг ўзи шубҳали. Маҳмуд Кошғарийда „дон" маъносида *эвин* ва „сўк" маъносида *тvгu* сўзлари бор.
186. Ўзгаларники билан қиёсланг. С. Е. Маловда: „Если бы в какой либо земле у народа, имеющего кагана, оказался бы какой либо бездельник, то что за горе имел бы (этот народ)" Г. Айдаровда: „*Если бы в какой нибудь земля* у народа, *имею-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

щего кагана, оказался (в советниках) защитник, какие несчастья имел бы (этот) народ".

187. Баъзиларда: халқига. Агар *бодунқа* бўлганда бу таржима тўғри бўлар эди. *Эл* — давлат, жўналиш қўшимчаси эса Урхун ёдномаларида ҳозирги -да қўшимчаси ўрнида қўлланиб туради. Ёднома, албатта, ҳамма учун ва ҳамма давр учун битилган. Бу ерда унинг Билга хоқон даврида битилганлиги айтилган.

188. Г. Айдаров *сирни* ҳамма ерда *асир* деб ўқиган ва „тутқун" деб таржима қилган.

КУЛ ТИГИН БИТИГТОШИ

Бу битигтош Элтариш ўғли Билга хоқоннинг иниси Кул тигин шарафига қўйилган. Кул тигин 731 йил 27 февралда 47 ёшида вафот қилади. Битигтошни Билга хоқон битигтоши билан бирга 1889 йилда рус зиёлиси Н. М. Ядринцев (1842 — 1894) Мўғулистоннинг Кошо Цайдам водийсида Кўкшин урхун дарёси қирғоғида топган. Бу жой Улан Батордан 400 км жанубда Қорабалғасун шаҳрининг харобаларидан 40 км шимолда жойлашган. Кул тигин битигтоши Билга хоқонникидан 1 км шимоли-шарқда ўрнатилган. Битигтошларни 1890 йилда А. Хейкел раҳбарлигидаги Фин-угор жамияти экспедицияси текширади ва 1892 йилда битигтошларнинг фотосуратини ва эстампажларини нашр этади. Битигтошларни 1891 йилда В. В. Радлов бошчилигидаги рус экспедицияси ҳам шу йили топилган Унгин битигтоши билан бирга текширади ва натижада Петербургда ҳам Урхун битиглари нашр этилади. В. Томсен урхун ҳарфларини ўқиб аниқлагандан сўнг В. В. Радлов мазкур битигларнинг транскрипцияси билан немисча таржималарини нашр қилади. 1896 йилда В. Томсен ўз илмий тадқиқотларини битигларнинг французча таржимаси билан нашр қилади. 1897 йилда шу таржима ва В. В. Радловнинг тўртинчи таржимаси асосида П. М. Мелиоранский битигларни русчага ҳам таржима қилиб (В. В. Радловнинг илтимоси билан) унинг битигтошларга берган тавсифи, битигнинг босма нашри ва транскрипцияси билан биргаликда нашр этади. 1922 йилда В. Томсен битигларнинг данча нашрини амалга оширади. Буни немисчага таржима қилиб 1924 йилда Ҳ. Шедер ҳам чоп қилади. 1923 йилда Нажиб Осим „Урхун обидалари" (Истанбул, 1341 ҳ.) номли китобида битигни араб ҳарфлари билан, 1936 йилда Ҳ. Н. Урқун туркча таржимаси билан, 1951 йилда С. Е. Малов, 1971 йилда Г. Айдаров русча таржимаси билан нашр этди. Т. Текин ўзининг „Эграмер оф ўрхўн туркик" (Блумингтўн, 1968) деб аталган асарига мазкур битигларни инглизча таржимаси билан киритган.

Кул тигин битигтоши мармардан тарошланган, қалинлиги 41 см, баландлиги 3 м 15 см, кенглиги туб қисмида 1 м 24 см бўлиб, юқорига торайиб борган. Мармар тахта устуни ўртасига беш бурчакли қалқон шаклида, баландлиги 64 см, кенглиги 40 см лавҳа ўрнатилган. Лавҳанинг юз томонига архар сурати тасвирланган хоқонлик тамғаси нақш қилинган, орқа томонига хитойча қилиб, битигтошнинг ўрнатилиш тарихи (Улуғ Тан сулоласи, Кай-Юаннинг йигирманчи йили еттинчи ойнинг еттинчи куни" — 732 йил августининг 14- куни) ва яна ўн тўрт сатр хитойча ёзув битилган. Бу битигдаги олти белги лавҳадаги мазкур тарихнинг такроридан иборат. Хитойча битигнинг французча, немисча, инглизча, русча ва туркча таржималари бор. Хитойча битигдан ўнгроқда икки сатр туркча битиг бор. Буни, хунукроқ ёзилганини ҳисобга олиб, В. В. Радлов наққошдан олдин Билга хоқоннинг ўзи (яъни Кул тигиннинг оғаси) сиёҳ билан ёзиб берган бўлса керак

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб тахмин қилган. Битигтошнинг юз томонига 40 сатр, ўнг томонида 13 сатр ва чап томонига яна 13 сатр, тарошланган тўртта ён қиррасига тўртта туркий ёзув битилган. Қирраларнинг биттасидаги битиг бутунлай ўчиб кетган, олдинги қирқ сатрнинг бешинчисидан бошлаб, сатр охирлари битигтошнинг пастки қисмининг нураши натижасида ўчиб кетган (сатрлар юқоридан пастга ва ўнгдан чапга қараб ёзилган). Бирининг бошқа ерларида ҳам ўчиб кетган ерлари бор. В. В. Радлов дастлабки 40 сатрни „К" деб, унинг давоми деб ҳисобланган 13 сатрни Кб (лотинча) деб белгилаган. Бу иккови „улуғ битиг" (большая надпись) деб аталади. Чап ёндаги 13 сатрдан иборат алоҳида кичик битиг (малая надпись) ни эса „Ка" деб белгилаган. Ҳозирги пайтда Иттифоқ олимлари Улуғ Битигни „Ктб" ва кичик битигни „Ктм" деб кўрсатмоқдалар (чет эл олимлари Хейкел сиглларини ишлатадилар). Қирра битигларига В. В. Радлов К I, КII ва КIII деб сигл қўйган.

Биз қуйида Кул тигин битигининг юз томонининг фотонусхасини, битигнинг С. Е. Малов нашридаги босма нусхасини, битигнинг транскрипцияси ва мазмунини тегишли изоҳлар билан берамиз.

Кичик битиг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

Транскрипцияси ва мазмуни:

(1) Тәңгри — тәг, тәңгрида болмыш түрүк билгә қаған бу өдкә олуртум, сабымын түкәти әшидгил: улайу ини йигүнүм[1], оғланым, бирики оғушум бодунум, бирйә шадапыт[2] бәгләр, йырйа[3] тарқат буйруқ бәгләр, отуз . . .
Яъни:
Тангридай[4], тангридан бўлмиш турк билга хоқон бу дунёга келдим[5]. Сўзимни тугал эшитгил кейинимдаги ини, жияним, ўғил[лар]им, иттифоқ, уруғим, халқим, ўнгдаги шадапит[6] беклар, чапдаги тархонлар, буйруқ[7] беклар, ўтуз. . .

[2] Тоқуз оғуз бәгләри бодуны бу сабымын әдгүти әшид қатығды тыңгла илгәрү күн тоғсық (қ)а, биргәрү[8] күн ортусыңгару, қурығару күн батсықыңга, йырғару[9] түн ортусыңгару, анта ичрәки бодун қоп м(аңга көрүр, анч)а[10] бодун
Яъни:
Тўққиз ўғуз беклари, халқи бу сўзларимни яхшилаб эшит, диққат қилиб тингла! Олдинга — кунчиқарга, ўнгга — жанубга, орқага — кунботарга, чапга — шимолгача бўлган ер ичидаги халқ[лар] ҳаммаси менга қарайди. Шунча халқни

(3) қоп әтдим. Ол амты аңйығ йоқ Түрүк қаған Өтүкән йыш олурсар, әлтә бунг йоқ, илгәру Шантуңг йазықа тәги сүләдим, талуйқа кичиг тәгмәдим, биргәрү Тоқуз әрсәнкә[11] тәги сүләдим, Тупуткә кичик тәгмәдим, қурығару Йинчу өг[үз]
Яъни:
мамнун қилдим[12]. У энди ёвуз эмас Турк хоқони Ўтукан йишда турса, элда ташвиш йўқ. Шимолга Шантунг чўлигача лашкар тортдим, денгизга[13] бир оз етмадим. Жанубга Тўқуз арсангача[14] лашкар тортдим, Тупутга[15] бир оз етмадим. Ғарбга Инжу ўгуз (Сирдарё)ни

(4) кәчә Тәмир қапығқа тәги сүләдим, йырғару Йәр Байырқу йәриңгә тәги сүләдим, бунча йәркә тәги йорытдым. Өтукән йышда йиг иди йоқ әрмиш, әл тутсық йәр Өтүкән йыш әрмиш, бу йәрдә олуруп, Табғач бодун бирла
Яъни:
Кечиб Темир қапиққача лашкар тортдим, Шимолга Ер Байирқу еригача лашкар тортдим, шунча жойгача юриш қилдим. Ўтукан йишда яхши ҳоким йўқ экан. Давлатни тутиб турадиган ер (худди шу) Ўтукан йиш экан. Бу ерда ўрнашиб, Табғач халқи билан

(5) түзүлтүм[16] алтун, күмүш, исигти[17], қутай буңгсиз анча бәрү Табғач бодун сабы сүчиг ағысы йымшақ әрмис, сүчиг сабын йымшақ ағын арып, ырақ бодунуғ анча йағутыр әрмис. Йағру[18] қонтуқда кисрә аңйығ билиг әйүр әрмиш:

Яъни:
Муросага келдим. Олтин, кумуш, ичкилик, ипакни шунча ҳисобсиз бераётган Табғач халқи сўзи ширин, дебоси (ипак кийимлик ва кийим) нафис экан. Ширин сўзи, дебоси билан алдаб йироқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

халқни шу хилда яқинлаштирар экан. Яқин қўшни бўлгандан сўнг ёвуз илмни у ерда ўрганар экан.

(6) әдгv билгә кисиг, әдгv алп кисиг, йорытмаз әрмис, бир киси йаңгылсар, оғушы бодуны әби әсvкиңгә[10] тәги қыдмыз[20] әрмиш, сvчиг сабынга йымшақ ағысынга артуруп öкvш тvрvк бодун öлтvг. Тvрvк бодун vләсикинг[21], бирйә Чуғай йыш Тог әлтән[22]

Яъни:

Яхши ва доно кишини, яхши баҳодир кишини йўлатмас экан[23]. Бирор киши адашса, уруғи, халқи, уйи ёпинчиғигача қўймас экан[24]. Ширин сўзига, нафис дебосига алданиб, кўп, [эй] турк халқи, ўлдинг. [Эй] турк халқи, айримнинг жанубга Чуғай йишга, Тўг, Элтан

[7] йазы қонайын, тәсәр, тvрvк бодун vләсикиг[25] анта анйыг киси анча бошғурур әрмис: „ырақ әрсәр, йаблақ ағы бәрур, йағуқ әрсәр, әдгу ағы бәрур", тәп, анча бошғурур әрмис. билиг билмәз киси, ол сабыг алып, йағру барып, öкуш киши öлтvг.

Яъни:

чўлига манзил қилай деса, Турк халқининг айримини у ерда ёвуз киши шундай пишиқлар экан: йироқ бўлса, ёмон дебо[26] беради, яқин бўлса, яхши дебо беради, деб шу хилда пишиқлар экан. Илм билмас киши, у сўзни олиб (ишониб) яқин бориб, кўп киши ўлдинг.

[8] ол йәргәру барсар, тvрvк бодун; öлтәчи-сән. Öтvкән йәр олуруп, арқыш тиркиш ысар, нәнг буңгуғ йоқ. Öтvкән йыш олурсар, бәңгv әл гута олуртачы-сән, тvрvк бодун тоқ, арықақ[27] сән, ачсақ,[28], тосақ[29] öмәз-сән; бир тодасар[30] ачсақ[31] öмәз-сән, антағыңгын

Яъни:

У ерга борсанг, [эй] турк халқи, ўлажаксан. Ўтукан ерни манзил қилиб, карвон юбориб тур [ил] са, ҳеч қандай ташвиш йўқ. Ўтукан йишни манзил қил [ин] са, мангу давлатни сақлаб туражаксан, [эй] турк халқи, тўкис[32] ишонувчансан. Самимий, носамимийни ажратмайсан, бир қаттиқ гапирилса, самимийни [ҳам] танимайсан[33]. Ўшандайлигинг

(9) vчvн әгидмиш қағаныңгын сабын алматын, йәр сайу бардыг, қоп анта алқынтыг, арылатыг[34]. Анта қалмышы йәр сайу қоп туру öлv йорыйур әртиг. Тәңгри йарлықадуқын vчvн öзvм қутум бар vчvн, қаған олуртум. Қаған олуруп,

Яъни:

учун тарбият қилган[35] хоқонингнинг сўзини олмайин ҳар қаерга кетдинг, у ер[лар] да хўп ғойиб бўлдинг, бадар кетдинг. Ўшандан қолгани[нг] ҳар ерда зўрға ўлиб-тирилиб юрган эдинг. Тангри ёрлиқагани учун, истеъдодим[36], бахтим бор учун хоқон бўлдим. Хоқон бўлиб,

(10) йоқ чығанй бодунуғ қоп қобуртдым[37], чығанй бодунуғ бай қылтым, аз бодунуғ öкvш қылтым. Азу сабымда игид барғу? Тvрvк бәгләр бодун, буны әсидиңг! Тvрvк [бодунуғ тә[38] рип әл тутсықыңгын бунта уртум, йаңгылып vләсикиңгин[39] йәмә

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яъни:
Йўқ, қашшоқ халқни яхшилаб оёққа турғизиб қўйдим. Қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим. Ё бу сўзимда қалбакилик борми? Турк беклари, халқи, буни эшитинг! Турк халқини тўплаб давлат тутишинг[из]ни бу ерда [тошга ўйиб] ёздим. Адашиб айрилганингни ҳам

(11) бунта уртум, нәнг, нәнг, сабым әрсәр, бәнггу ташқа уртум, ангар кӧрv билинг, тvрvк амты[40] бодун бәгләр, әб ӧдкә[41] кӧрvгмә бәгләр, гу йангылтачы-сиз. Мән б[әнггу таш ... Табғач] қаганта бәдизчи кәлvртим, бәдзә (т) тим[42]. Мәнинг сабымын сымады.
Яъни:
бу ерда ёздим. Қандай нима сўзим бўлса мангу тошга ўйдим. Унга қараб билинг, Туркнинг эндиги халқи, беклари. Уй, дунёга [гина] қарайдиган (кўзига фақат мол-мулки кўринадиган) беклар, сизлар гумроҳсизлар. Мен мангу тош... Табғач хоқонидан наққош келтирдим, нақшла(т)дим. Менинг нутқимни бузмади.

(12) Табғач қағанынг ичраки бәдизчиг ыт(т)ы, ангар адынчығ барақ[43] йаратуртым, ичин ташын, адынчығ бәдиз уртуртум, таш тоқытдым, кӧнгvлтәки сабымын ол...[44]. [Өн оқ оғлынг] а татынга тәги буны кӧрv, билинг! Бәнггv таш
Яъни:
Табғач хоқоннинг ички (яъни ўз саройидаги) наққошини юборди. Унга махсус зиёратгоҳ яраттирдим. Ичи тошига махсус нақш солдирдим, тош ўрнаттирдим, кўнгулдаги сўзларимни ул... [Ўн ўқ авлоди]га, тотгача буни кўриб, билинг! Мангу тош

(13) тоқытдым, б[у әриг] әрсәр мат, қа[45] әриг йәртә әрсәр! анча әриг йәртә бангту таш тоқытдым, битидим, аны кӧрvп анча билинг ол таш... дым. Бу битиг битигмә атысы Йол(л)уғ т[әгин].
Яъни:
ўрнаттирдим. Бу сайргоҳ бўлгач, мақбара сайргоҳ ерда бўлса! Шундай сайргоҳ ерда мангутош ўрнатдим, [битиг] битидим. Уни кўриб шундай деб билинг: бу битиг битилгучининг биродари[46] Йўллуғ тегин.

ИЗОҲЛАР

1. Бу сўзни *йәгун* деб ҳам ўқийдилар. Клосоннинг фикрига кўра бу жамлик қўшимчаси -гун бўлиб, уни *ини* га қўшиб ўқиш керак.
2. Текинда: *шадпыт.*
3. *бирйә* ва *йырйа* сўзларига р дан сўнг а ёки и унлисини қўшиб ҳам ўқийдилар.
4. Ўзгалар *тангридай* сўзини хоқоннинг сифати деб тушунганлар. Бизнингча, бу тангрининг сифати. *Тәнгри-тәг тәнгри* иборасида тажнис санъати берилган бўлиб, буни „фалакдай худо“ деб тушуниш керак.
5. Ўзгалар буни „тахтга ўтирдим“ деб таржима қилишган. Бироқ *ӧд* сўзи „замон“ маъносида бўлиб, вақт билдирувчи сўзларнинг „дунё“ маъносида ишлатилиши туркий тиллардан бошқа тилларда ҳам учраб туради.
6. С. Е. Малов ва Г. Айдаровда: *шад и апа. Шадапыт* юқсак унвон деб изоҳланади.
7. *Буйруқ*ни Маҳмуд Кошғарий „Подшоҳ ҳузурида уруғларни мартабасига қараб жойлаштирувчи кишининг номи“ деб изоҳлайди (А. Рифъат нашри, I жилд, 316-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бет). Шарқшунослар буни „бош қўмондон“ ва „вазир“ деб ҳам изоҳлайдилар. Урхун битигларидаги маъноси „вазир“га кўпроқ мос келади.

8. Бу сўзни *биригэру* деб ҳам ўқийдилар.

9. Буни *йырыгару* деб ҳам ўқийдилар.

10. Буни *ынча* деб ҳам ўқийдилар.

11. Текинда: *эрсинкэ*.

12. Ўзгалар *қоп* ни ҳамма деб таржима қилганлар. Биз Маҳмуд Кошғарийга асосландик. *У ол мэни кӧрүп қоп қылды* гапини „у мени“ кўрганда шодланиб хотиржам бўлди“ деб таржима қилган (А. Рифъат нашри, III жилд, 85- бет).

13. Сариғ денгиз назарда тутилмоқда.

14. *Тўқуз арсан* — қабила номи. Г. Айдаров *Тўқузни* „ўн“ деб таржима қилган.

15. *Тупут* — Тибет.

16. Дастлаб шундай ўқилган (В. В. Радлов ва П. М. Мелиоранский нашри, 38-бет). Кейин эса *тузэлтим*, яна *эт оз илтим* деб ўқиш таклиф қилинган (С. Е. Малов нашри, 28-бет). Маҳмуд Кошғарийда *тузул* — феъли бор учун биз шу вариантини маъқул кўрдик.

17. Текинда: *исгити* (ипак).

18. Буни *йагуру* деб ҳам ўқийдилар.

19. Ўзгалар буни *бисукингэ* деб ўқиганлар ва *бисукни* хотин ёки эрнинг қариндоши деб тушунганлар. Бу ердаги „$б^2ьс^2к^0$ ьнгь ни *бэсукингэ* деб ўқиш ҳам мумкин, лекин буни луғавий маънода „бешик“, кўчма маънода эса „бола-чақа“, „авлод“ деб тушуниш керак. Аммо биз буни *эби эсукинэ* (уйи, ёпинчигига) деб ўқидик. Бунга қуйидагилар сабаб бўлди: 1) Маҳмуд Кошғарийда *бэшик* сўзидаги иккинчи унли у эмас, и дир; 2) Маҳмуд Кошғарийда „ёпинчиқ“ ва „йиртиш“ (мозор устида бериладиган) маъносида *эшук* сўзи бор. Битигда ш ўрнида доим с келади; 3) ҳозир ҳам „кафанигача қўймади“ деган ибора бор; 4) „уруғ- халқ- бешик“ ка нисбатан „уруғ-халқ“ ва „уй-анжом“ услуб жиҳатдан ҳам маъқулроқдир.

20. Текинда: *ықыдмаз* (паноҳ бермас).

21. Буни *элэсикинг* ва *олсиккинг* деб ҳам ўқийдилар.

22. Ўзгаларда: *Тӧгултун, тугултун, тугул Тун.*

23. С. Е. Маловда: не (могли) сдвинуть (с истинного пути); Г. Айдаровда: не сдвинул.

24. С. Е. Маловда: Но если (отдельные лица) из тюрков (и соблазнялись), то целые роды (даже) до свойственников (до брачного родства) не отклонялись. Г. Айдаровда: А если один человек ошибался, то целые роды вплоть до свойственников, не отклонялись. Бу ердаги қыд-феъли ҳозирги *қий-* феълининг („кўзи қиймади“ иборасидаги) қадимги кўринишидир.

25. Текинда: *ӧлсикиг.*

26. Ўзгаларда: жавоҳир, совға ёки хирож. Бу тарихий алоқаларга асосланиб қилинган таржимадир. Маҳмуд Кошғарийда *ағы* арабчадаги *ди: ба: ж* деб таржима қилинган (А. Рифъат нашри, I жилд, 83-бет). *Ди: ба: ж* қадимги форс тилидаги *дебоч (а)* нинг арабчалашганидир. Ҳозир бу сўз форс, тожик тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам *дебо* шаклида бўлиб, нақшдор ипак кийимни билдиради.

27. Урқунда: *тоқ рақыка* (тўқ ўлажак); Текинда: *тоқурқақ* (уан ҳу рега: уз химселфас фулл). Ўзгаларда *тоқ* ажратилган, кейинги сўз „орик“ деган маънода тушунилган ва *арық-оқ* деб транскрипция қилинган. Лекин олдинги *тоқ* сўзи мазкур сўзни бундай ўқишга йўл қўймайди. Агар *тоқ* сўзи, улар тушунгандай, *оч* нинг зиди бўлса, тўқ билан орик ўртасида маънавий зиддият бор: агар... „тўлик“... маъносида бўлса **-оқ** юкламаси ўринсиздир. Ундан ташқари, **-оқ** юкламаси кўпроқ ўқ харфи билан ифодаланади. Бу ерда эса **ақ** ҳарфи ёзилган. Бизнингча, мазкур сўзни *арықақ* (алданувчан) деб ўқиш тўғри бўлади: *ар-* (шу текстнинг 5- сатрида учраган алдамоқ, лақиллатмоқ маъносидаги феъл) +-ық (мажҳул нисбат аффикси) +**-ақ** (сифат ясовчи аффикс); қиёсланг: *қор- — қорық- — қорқақ.* Кейинчалик **-қақ** алоҳида аффиксга айланган: *қочқоқ, ёпишқоқ* сингари.

28. Ўзгаларда: *ачсар* (В. В. Радлов ва П. М. Мелиоранский) ва *ачсық*. Биринчиси текстнинг аслига тўғри келмайди. Охирги ҳарф **ар** эмас, **ақ** дир. Иккинчиси ҳам морфологик, ҳам имло жиҳатдан тўғри эмас. Ҳар икки ҳолатда ҳам феъл очиқмоқ маъносида тушунилган. Биз *ачсақ* деб ўқидик: *ачса-* Маҳмуд Кошғарийда бор; *(Эр қапуғ ачсады* — эр эшикни очмоқчи бўлди. А. Рифъат нашри, I- жилд, 231- бет); -қ сифат ясовчи аффикс. Демак, *ачсақ* очликни истовчи, очиб ташлашга ҳаракат қилувчи, яъни самимий кишидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

29. Ўзгалар *то (с) сық* деб ўқиганлар ва *оч* нинг зидди деб тушунганлар. Бу ҳамма жиҳатдан нотўғри, албатта. Бу сўз *ачсақ* нинг зидди бўлиб, уни *тосақ* деб ўқиш керак: *то-* (беркит-) + *-са* (истак феъли ҳосил қилувчи қўшимча) + - қ (сифат ясовчи қўшимча). *То- (ту-* деб транскрипция қиладилар) феъли Маҳмуд Кошғарийда ҳам бор. Демак, *тосақ* беркитишни истовчи, беркитишга ҳаракат қилувчи, яъни носамимий кишидир.

30. Ўзгалар *тодсар* деб ўқиган ва „тўйса" деб тушунган. Бизнингча, *тода-* (Древнетюркский словарь, 570- бет) феълининг шарт формаси бўлиб „қаттиқ гапирмоқ," „жеркимоқ" маъносидадир. Ҳозирги *тутақ* феъли шундан бўлиши керак. Лекин буни *тута-* дан деб ҳам тушуниш мумкин, бироқ *тутамоқ* ингичка ўзакли феълдир.

31. Ўзгаларда: *ачсық.*

32. *Тоқ* нинг тўлиқ, тўкис маъноси ҳам бор.

33. В. В. Радлов ва П. М. Мелиоранскийда: Ты, о турецкий народ, то сыт, то голоден и (по пословице) будучи голодным не понимаешь сытости, а раз насытившись не понимаешь (состояния) голода; С. Е. Маловда: ты тюркский народ, сыт, когда же ты тощ и голоден (но тем не менее) ты непонимаешь (состояния) сытости (т. е. истинных причин сытности) и, раз насытившись, ты не понимаешь (состояния) голода; Г. Айдаровда: Тюркский народ, сыт ты или голоден, ты не думаешь о том, будешь ты голоден или сыт. А раз насытившись, не думаешь, что можешь быть голоден.

34. Ўзгалар буни *арылтыг* деб берганлар ва уни *ар- (ҳор-*, яъни *чарча-*) феълининг мажҳул формаси деб тушунганлар. *ар-* феъли ўтимсиз бўлгани учун унга -ыл қўшилмайди. Шунинг учун бу феълни *арала-* (оралы-) ёки арыла- (нариги томонга кетмоқ; *ары бер*нинг зидди) деб ўқиш мумкин. Бу гап мазмунига иккинчиси мос.

35. *эгид-* (ўзгаларда *игид-*) феълининг маъноси ҳам тарбияламоқ, ҳам тарбият қилмоқ (мартабага эриштирмоқ). „Бола-чақангнинг эгилигини кўр! „иборасидаги *эгилик эгид-* билан ўзакдош.

36. Ўзгалар бу ердаги *өзүмни* „ўзимнинг" деб тушунганлар. *Өз* сўзининг маҳорат маъноси ҳам бор. Маҳмуд Кошғарий оз киши иборасини ўз ҳунарига моҳир киши деб изоҳлайди.

37. Ўзгаларда: *қабартдым, қубратдым.*

38. Текстнинг бу ери ва бунга ўхшаган ўчиб кетган ерлари Билга хоқон битигига қараб тикланган. Чунки бу текстнинг I—11-сатрлари Билга хоқон битигининг I—7-сатрларида айнан такрорлангандир.

39. *олсикингин.*

40. Текинда: *маты* (содиқ)

41. Ўзгалар буни бодкэ деб ўқиганлар ва „тахт" маъносида тушунганлар. Улар бу ердаги б²ә д² к ъ ни биринчи сатрдаги б¹ у v д² к ъ дан фарқ қилмаганлар.

42. Ўзгаларда: *бәдизтим.* Бу тил нуқтаи назаридан тўғри эмас, чунки *бәдиз* (нақш) отдир. -тим отга қўшилмайди. Уни феълга айлантириш учун аввал феъл ясовчи ә қўшиш керак. Шунда з дан олдинги и тушиб қолади ва *бәдзә-* (ҳозирги *беза-*) феъли ҳосил бўлади.

43. Ўзгалар буни *барқ* деб ўқиганлар ва гап мазмунига қараб „имorat" деб таржима қилганлар. Бизнингча, *бар- (бор-)* феълига макон қўшимчаси- ақ қўшилган. Қиёсланг: *ёт-—ётоқ.* Демак *барақ*нинг маъноси борадиган жой, яъни зиёратгоҳдир.

44. у [ртуртум]

45. Текинда *әрсәрдан* олдин [т²у.] *эл. мат. қа* ўрнида *анча тақы.* Ўзгалар *амтықа* деб ўқиганлар ва уни *амты* (энди)нинг жўналиш формаси деб тушунганлар. Бу тил нуқтаи назаридан тўғри эмас. Чунки *амтыға* жўналиш қўшимчаси қўшилмайди. Буни икки хил ўқиш мумкин: 1) *Амытақа. Амыта* бурхон номларидан бири (ДТС, 41- бет); 2) *мат* (таъкид юкламаси) ва *қа* (ичига бирор нарса жойлаштирилган нарса). Иккинчи варианти маъқулроқ. Бу ҳолда *қа* Кул тигиннинг сағанасини ифодалайди.

46. *Аты* ни дастлаб невара, қариндош деб тахмин қилишган. Ҳозир амакига нисбатан жиян (биродарзода) деб изоҳ берилмоқда. *Йиғун* эса тоғага нисбатан жиянdir.

www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi



Транскрипцияси ва мазмуни:

(1) vзә кӧк тәңгри асра йағыз йәр қылынтуқда әкин ара киси оғлы қылынмыс, киси оғлынта vзә әчvм апам Бумын қаған, Истами қаған олурмыш, олурупан тvрvк бодуның әлин тӧрvсин тута бәрмис, әти[1] бәрмис.
Яъни:
юқорида кўк осмон, пастда қўнғир ер яратилганда иккисининг ўртасида инсон боласи яратилган. Инсон бола [лар] и устидан ота-бобом Бумин хоқон, Истами хоқон [тахтга] ўрнашган [лар]. [Улар тахтга] ўрнашиб, турк халқининг давлатини, расм-русумини тутиб турган [лар], риоя қилиб турган [лар][2].

(2) тӧрт булуңг қоп йағы әрмис, сv сvләпән, торт булуңгдақы бодунуғ қоп алмыс, қоп баз қылмыс, башлығығ йvкvнтvрмис, тизлигиг сӧкvрмис. Илгәрv Қадырқан йышқа тәги, кәрv Тәмир қапығқа тәги қонтурмыс. Экин ара
Яъни:
Тўрт тараф бутунлай[3] душман экан. Лашкар тортиб, тўрт жиҳатдаги халқни бутунлай олган [лар], бутунлай тобе қилган [лар]. Боши борни юкунтирган (бошини эгиб таъзим қилдирган) [лар], тиззаси борни чўккалатган [лар]. Олдинга (шарққа) Қадирқан йишга, орқага (ғарбга) Темир қапиққача манзил қилдирган [лар]. Иккаласининг (Қадырқан билан Темир қапиғнинг) орасида

(3) иди оқсыз кӧк тvрvк[4] анча олурур әрмис, бил (г) ә қаған әрмис, алп қаған әрмис, Буйруқы[5] йәма билгә армис аринч, алп әрмис

www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

аринч, баглари йәмә, бодуны йәмә тvз әрмис, аны vчvн әлиг анча тутмыс аринч, әлиг тутуп төрvг әтмис, ози анча[6]
Яъни:
хўжайинсиз (ҳеч кимга тобе бўлмай), танобсиз (чекланмаган ерга эга бўлиб), асл турк шу тарзда яшар экан[7]. [Улар] доно хоқон экан, баҳодир хоқон экан, вазир [лари] ҳам доно ва ботир бўлган бўлиши керак, беклари ҳам, халқи ҳам тўғри экан. Шунинг учун давлатни шу хилда тутган экан, давлатни тутиб, расм-русумни адо этган, ўзи шу тарзда [амал қилиб]

(4) кәргәк болмыс, йоғчы сығытчы оңгрә, кун тоғсықда Бөкли чөл, (л) vг* әл, Табғач, Тупут, Апар, Пурум, Қырқыз[8], уч қурықан, Отуз татар, Қытаий, Татабы — бунча бодун кәлипән сығтамыс йоғламыс, антағ кvлvг қаған армис. Анта кисрә иниси қаған
Яъни:
вафот қилган[9]. Азачи, йиғичи [лар] шарқдан—кун чиқардан Бўкли[10] чўлилик ал, Табғач, Тубут, Апар[11], Пурум[12], Қирқиз, Уч қурықан[13], Ўтуз татар[14], Қитан, Татаби — шунча халқ келиб, йиғлаган, аза тутган[15]. Шундай машҳур хоқон экан. Шундан кейин иниси хоқон

(5) болмыс әринч, оғлы та[16] қаған болмыс әринч, анта кисрә иниси әчисин-тәг қылынмадуқ әринч, оғлы қаныи-тәг қылынмадуқ әринч, билигсиз қаған олурмыс әринч, йаблақ қаған олурмыс әринч, буйруқы йәмә билигсиз әринч, йаблақ әрмис әринч.
Яъни:
бўлган экан, ўғли ҳам хоқон бўлган экан. Ундан сўнг иниси оғасидай иш тутмаган экан, ўғли отасидай иш тутмаган экан, жоҳил хоқон ўрнашган экан, бадфеъл хоқон ўрнашган экан. Вазири ҳам жоҳил экан, қўрқоқ экан.

(6) бәгләри бодуны тvзсиз vчvн, Табғач бодун таблиғин[17] кvрлvг vчvн, армақчысын vчvн, инили ачили киксvртvкvн[18] vчvн бәгли бодунлығ[19] йоңғашуртуқун[20] vчvн, тvрvк бодун әлләдvк әлин ычғыну ыдмыс.
Яъни:
беклари, халқи инсофсиз[21] [бўлгани] учун, Табғач халқи ҳийлакор бўлгани, томас[22] бўлганлиги учун, фиребгари[23] [бор] учун, оға ва инини [бир-бирига] қайрагани учун, беги ва халқини бир-бирига чаққани учун турк халқи ушлаб турган давлатини[24] қўлдан чиқариб[25] юборган.

(7) қағанладуқ қағанын йитvрv ыдмыс Табғач бодунқа бәглик[26] уры оғлын қул болты, силик қыз оғлын кvнг болты, тvрvк бәгләр тvрvк атын ыты Табғачғы бәгләр Табғач Атын тутыпан, Табғач қағанқа
Яъни:
хоқонлик қилиб турган хоқонини йўқотиб юборди. Табғач халқига бек бўладиган[27] ўғил боласи[28] билан қул бўлди, силик[29] қиз боласи билан чўри бўлди. Турк беклари туркча отини ташлаб, табғачли бекларнинг табғачча отини қабул қилиб, Табғач хоқонга

* Малов нашрининг урхун текстида әл билан әг ҳарфлари ўрин алмашган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(8) кӧрмис, әлиг йыл исиг кvчvг бәрмис, илгәрv кvн тоғсықда Бӧкли қағанқа тәги сvлайv бәрмис, қурығару Тәмир қапығқа тәги сvлайv бәрмис. Табғач қағанқа әлин тӧрvсин алы бәрмис. Тvрvк қара қамуғ

Яъни:

қарам бўлди. Эллик йил меҳнатини, кучини сарф қилибди, шарққа кун чиқарда Бўкли[30] хоқонигача лашкар тортиб берибди, ғарбга Темир қопиққача[31] лашкар тортиб берибди, Табғач хоқонига [уларнинг] давлатини, ҳукуматини олиб берибди[32]. Турк фуқароси, барча

(9) бодун анча тәмис: „әллиг бодун әртим, әлим амты қаны? Кимкә әлиг қазғанур-ман?", — тәр әрмис, „қағанлығ бодун әртим, қағаным қаны, нә қағанқа исиг кvчvг бәрvр-мән?", — тәр әрмис, анча тәп, Табғач қағанқа йағы болмыс.

Яъни:

халқ шундай дебди: „давлатли халқ эдим, давлатим энди қани? — Кимга давлатни эгаллаб беряпман?" — дер экан. „Хоқонли халқ эдим, хоқоним қани? Қайси хоқонга меҳнатимни, кучимни сарф қиляпман?" — дер экан. Шундай деб, Табғач хоқонига қарши бўлибди.

(10) йағы болуп, әтинv йаратvнv умадуқ[33], йана ичикмис, бунча исиг кvчvг бәртvкгәрv сақынматы, „тvрvк бодун ӧлvрәйин уруғсыратайын", — тәр әрмис, йоқаду барыр әрмис. vза тvрvк тәҥриси тvрvк ыдуқ йәри

Яъни:

Қарши бўлиб, ўзини эплаб ва тиклаб ололмай[34], яна таслим бўлибди. Шунча меҳнатини, кучини сарф этганини андиша қилмай[35] [Табғач хоқони] „турк халқи[ни] ўлдирайин, уруғини қолдирмайин" — дер экан ва [уни] йўқотиб бораётган экан[36]. [Аммо] юқорида турк тангриси, туркнинг муқаддас ери,

(11) субы анча тәмис[37]: „тvрvк бодун йоқ болмазун" тәйин, „бодун болчун" тәйин, қаҥгым[38] Элтәрис қағанығ, ӧгvм Элбилга қатунуғ, тәҥри тӧпvсинтә тvтуп йӧгәрv[39] кӧтvрмис әринч. Қаҥгым қаған йәти йәгирми әрин ташықмыс, ташра

Яъни:

суви шундай дебди: „турк халқи йўқ бўлмасин" деб, „халқ бўлсин" деб, отам Элтарис хоқонни, онам Элбилга хотунни тангри [ўз] мартабасида тутиб юқори кўтарган экан. Отам хоқон ўн етти эр билан [четга] чиқиб кетган. Четда

(12) йорыйур, тәйин, кv әсидип, балықдақы тағықмыс, тағдақы инмис тәрилип йатмис, әр болмыс. Тәҥри кvч бәртvк vчvн қаҥгым қаған сvси бӧри-тәг әрмис, йағысы қоній-тәг әрмис, илгәрv қурығару сvләп тәрмиш, қобуртмыш қамуғы

Яъни:

юрибди деган овозани[40] эшитиб, шаҳардаги тоққа чиқибди, тоғдаги пастга тушибди, йиғилиб етмиш эр бўлибди. Тангри куч бергани учун отам хоқоннинг лашкари бўридай экан, душмани қўйдай экан. Шарққа, ғарбга лашкар тортиб, [одам] йиғибди, [оёққа] турғизибди. Ҳаммаси

(13) йәти йvз әр болмыс. Йәти йvз әр болуп әлсирәмис, қағансыра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мыс бодунуғ, кунгадмис, қуладмыс бодунуғ, түрүк төрүсүн ычғынмыс бодунуғ ачум апам төрүсинчә йаратмыс, бошғурмыс. Төлис, тардуш. . .
Яъни:
етти юз эр бўлибди. Етти юз эр бўлиб, давлатини йўқотган, хоқонини йўқотган халқни, чўрига айланган, қулга айланган халқни, турк ҳукмронлигини бой берган халқни ота-боболарим қонун-қоидалари бўйича ташкил қилибди, бошқарибди. Тулис, Тардуш...[41]

(14) йабғуғ шадығ анта бәрмис, бирийә Табғач бодун йағы әрмис, йырайа Баз қаған, тоқуз оғуз бодун йағы әрмис, қырқыз, қурықан. отуз татар, қытаий, татабы қоп йағы әрмис, қангым қаған бунча...
Яъни:
Ябғуни, шадни ўшанда тайинлабди. Жанубда Табғач халқи душман экан, шимолда Баз хоқон, Тўққиз ўғуз халқи душман экан, Қирғиз, Қуриқан, Ўттиз татар, Қитан, Татаби бутунлай душман экан. Отам хоқон мунча . . .

(15) қырқ артуқы йәти йолы сүләмис, йәгирми сүнгүс сүнгүсмис, тәнгри йарлықадуқ үчүн әллигиг әлсирәтмис, қағанлығығ қағансыратмыс, йағығ баз қылмыс, тизлигиг сөкүрмис, башлығығ йүкүнтүр...
Яъни:
қирқ етти марта[42] лашкар тортган, йигирма марта жанг қилган. Тангри ёрлиқагани учун давлатини давлатсизлантирган, хоқонлини хоқонсизлантирган, душманни эл[43] қилган, тиззаси борни чўккалатган, боши борни таъзим қилдир...[44]

(16) төрүг қазғанып, уча бармыс, қангым қағанқа башлайу Баз қағанығ балбал тикмис, ол төрүдә үзә әчим қаған олурты, әчим қаған олурупан, түрүк бодунуғ йичә этди, игитти, чығанйығ...
Яъни:
ҳукмронликни эгаллаб, вафот этган[45]. Отам хоқонга [гўрхонасига] бошлаб (яъни биринчи қилиб) Баз хоқоннинг балбали тик [ил] ди. Ўша ҳукумат бошига амаким хоқон бўлиб ўтирди. Амаким хоқон халқни яхшилаб[46] тузатди, тарбият қилди[47]. Камбағални...[48]

(17) әчим қаған олуртуқда, өзүм Тардуш бодун үзә шад әртим, әчим қаған бирлә илгәрү Йашыл өгүз Шантунг йазықа тәги сүләдмиз, қурығару Тәмир қапығқа тәги сүләдмиз, Көгмән аша қы ...
Яъни:
амаким хоқон бўлиб турганда ўзим Тардуш халқи устидан шад эдим. Амаким хоқон билан Шарққа Яшил ўгуз (Хуанхе дарёси), Шантунг текислигигача лашкар тортдик, ғарбга Темир қопиққача лашкар тортдик, Кўгман (Саян) оша қи . . .[49]

(18) Қамуғи бәш отуз сүләдмиз, үч йәгирми сүнгүшдимиз, әллигиг әлсирәтдимиз, қағанлығығ қағансыратдымыз, тизлигиг сөкүртимиз, башлығығ йүкүнтүртимиз. Түргәс[50] қаған түркимиз . . .
Яъни:
Ҳаммаси бўлиб йигирма беш [марта] лашкар тортдик, ўн уч марта жанг қилдик. Давлатлини давлатсизлантирдик, хоқонлини

www.ziyouz.com kutubxonasi

хоқонсизлантирдик, тиззаси борни чўккалатдик, боши борни таъзим эттирдик. Тургаш хоқон туркимиз . . .[51]

(19) үчүн, бизиңгә йаңглуқын[52] үчүн қағаны олти, буйуруқы, бәгләри йәмә ӧлти. Он оқ бодун әмгәк кӧрти, әчүмиз апамыз тутмыс йәр суб идисиз болмазун тәйин, аз бодунуғ әтип йар . . .
Яъни:
учун бизга [нисбатан] янглишгани учун хоқони ўлди вазири, беклари ҳам ўлди. Ўн ўқ халқи қийинчилик кўрди. Бобомиз, аждодимиз бошқарган ер-сув эгасиз бўлмасин деб оз халқни (ёки Аз халқини) тузатиб, [тик] лаб . . .

(20) Барс бәг әрти, қаған ат бунта биз бәртимиз, сиңлим қунчуйуғ бәртимиз, ози йаңғылты, қағаны олти, бодуны күң қул болты. Кӧгмән йәр суб идисиз қалмазун тәйин, аз Қырқыз бодунуғ йарат...
Яъни:
Барс бек эди. Хоқон [деб] бунда биз унвон бердик. Синглим хоқонзодани бердик. Ўзи адашди, хоқони ўлди, халқи чўри, қул бўлди. Кўгман ер-суви эгасиз қолмасин деб, оз қирқиз халқини тикл [аб] ...[53]

(21) йана бәртимиз, илгәрү Қадырқан йышығ аша, бодунуғ анча қонтуртымыз, анча әтдимиз, қурығару Кәңү Тарманқа тәги түруғ бодунуғ анча қонтуртымыз, анча әтдимиз. Ол ӧдкә қул қуллуғ болмыс әрти...
Яъни:
қайтиб бердик. Шарққа Қадирқан (Хинган) йишни ошиб, халқни шу хилда қўндирдик, шундай қилиб тузатдик. Ғарбга Кангу Тармангача турк халқини шу ҳолда қўндирдик, шу хилда тузатдик. У замонда қул қулга эга бўлган эди...[54]

(22) анча қазғанмыс, әтмис әлимиз тӧрүмиз әрти. Түрүк оғуз бәгләри бодун, әсидиң! үзә тәңгри басмасар, асра йәр тәлинмәсәр, түрүк бодун, әлиңгин тӧрүңгин ким[55] артаты? ...
Яъни:
Шу хилда қозонилган, [барпо] этилган элимиз — тартиб, қонда-қонунларимиз [бор] эди. Турк ўғуз беклари, [эй] халқ, эшитинг! Тепадан осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрилмаган бўлса, [эй] турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди? ...[56]

(23) ӧкүн коргүңгин үчүн, игидмис билгә қағаныңга әрмис бармыс, әдгү әлиңгә кәнтү йаңгылтығ, йаблақ кигүртиг. Йарақлығ[57] қантан кәлип йанйа әлтди?[58] сүңүглүг қантан кәлипән сүрә әлтди? ыдуқ Өтүкән йыш
Яъни:
Ўкун (пушаймон бўл!), кўргулигинг (тақдиринг) учун, тарбият қилмиш доно хоқонингга, емирилган, [қўлдан] кетган эзгу давлатингга[59]. Ўзинг адашдинг, [орага] ёмонни киргиздинг. Қуролли қайдан келиб тарқатиб юборди, найзали қайдан келиб суриб кетди. Муқаддас Ўтукан йиш ...[60]

(24) бардығ, қурығару барығма бардығ, бардуқ йәрдә әдгүг ол әринч:

www.ziyouz.com kutubxonasi

қанынг субча йvгvрти, сöнгvкvнг тағча йатды, бәглик уры оғлунг
қул болты, силик қыз оғлунг кvнг болты, билмәдvк vчvн . . .
Яъни:
бординг, ғарбга боролгунча бординг. Борган ерда яхшилик шу бўлса керак: қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдай [уюлиб] ётди, бек бўладиган ўғил боланг қул бўлди, етук қиз боланг чўри бўлди. Билмаган учун ...[61]

(25) башлайу қырқыз қағанығ балбал тикдим. Тvрvк бодунуғ аты кvси йоқ болмазун тәйин, қангым қағанығ, öгvм катунуғ кöтvрмиш тәнгри, әл бәригмә тәнгри Тvрvк бодун аты кvси йоқ бол...
Яъни:
Бошлаб Қирғиз хоқонининг балбалини тикдим. Турк халқининг номи, донги йўқ бўлмасин деб отам хоқонни, онам хотун (малика) ни [юқори] кўтарган тангри, давлат берадиган тангри турк халқининг номи, донги йўқ бўл ...[62]

(26) қаған олуртды әринч. Нәнг йылсығ[63] бодунқа олурмадым, ичрә ашсыз, ташра тонсыз йабыз йаблақ бодунта vзә олуртум. Иним Кvл тигин бирлә сöзләшдимиз: қангымыз әчимиз қаз...
Яъни:
Хоқон қилиб ўрнатди, шекилли. Мол, йилқилик халққа [хоқон бўлиб] ўрнашмадим. Ичи ошсиз, тоши кийимсиз (оч-яланғоч) ёвуз, ёмон халқ уза ўрнашдим. Иним Кул тигин билан сўзлашдик: отамиз, амакимиз қоз ...[64]

(27) тәйин, тvрvк бодун vчvн тvн удымадым, кvнтvз олурмадым, иним Кvл тигин бирлә, әки шад бирлә öлv йитv қазғантым, анча қазғанып, бирики бодунуғ от суб қылмадым, мән...
Яъни:
деб, турк халқи учун тун ухламадим, кундуз ўтирмадим. Иним Кул тигин билан, икки шад билан ўла-йита (ҳалок бўла) [муваффақият] қозондим. Шу хилда қозониб бирлашган халқни ўт-сув (бир-бирига душман) қилмадим. Мен...[65]

(28) бармыш бодун öлv йиту йадағын йалангын йана кәлти. Бодунуғ игидәйин тәйин, йырғару Оғуз бодун тапа, илгәрv Қытаңй, Татабы бодун тапа, биргәрv Табғач тапа улуғ сv әки йәгир [ми]...
Яъни:
кетган халқ ўла-йита (ҳалок бўла) яёв, яланғоч қайтиб келди. Халқни тарбият қилайин деб, шимолга Ўғуз халқи томонга, шарққа Китан, Татаби халқи томонга, жанубга Табғач томонга катта лашкар [билан] ўн икки...[66]

(29) кисрә тәнгри йарлықазу, қутум бар vчvн vлvгvм бар vчvн öлтәчи бодунуғ тиргvрv[67] игит (т) им, йаланг бодунуғ тонлуғ, чығанй бодунуғ бай қылтым, аз бодунуғ öкуш қылтым, ығар әллигдә...
Яъни:
кейин, тангри ёрлиқасин, бахтим бор учун, насибам[68] бор учун ўлаётган халқни тирилтириб[69] тарбият қилдим, яланғоч халқни кийимлик қилдим, камбағал халқни бой қилдим, оз халқни кўп қилдим. Паноҳталаб[70] давлатлида...[71]

(30) бодунуғ қол баз қылтым, йағысыз қылтым, қоп манга кöрти. Исиг

www.ziyouz.com kutubxonasi

кvчvг бәрvр бунча тӧрvг қазғанып иним Кvл тигин ӧзи анча кәргәк болты, қангым қаған учдуқда, иним Кvл тигин йә...
Яъни:
халқни бутунлай эл қилдим, нодушман қилдим, бутунлай менга қаради. Меҳнатни, кучни берувчи[72] шундай ҳокимиятни қозониб иним Кул тигин ўзига керак бўлди (вафот этди). Отам хоқон учганда (ўлганда) иним Кул тигин йе...[73]

(31) умай тәг ӧгvм қатун қутынга иним Кvл тигин әр ат бўлты[74]. Алты йәгирми йашынга әчим қаған элин тӧрvсин анча қазғанты, алты чуб Соғдақ тапа сvләдимиз, буздымыз. Табғач Онг тутуқ бәс т...
Яъни:
Умайдай[75] онам хотун бахтига иним Кул тигин эр [деган] ном топди. Ўн олти ёшида амаким хоқон давлатини, ҳокимиятини шу *хилда қозонди. Олти* чуб (*вилоят*) суғдлари[76] томонга лашкар тортдик. Тор-мор қилдик. Табғач Ўнг Тутуқ беш т...[77]

(32) Кvл тигин йадағын оплайу тәгди. Онг тутуқ йорчын йарақлыг әлигин тутды, йарақлығды қағанқа *анчулады*[78], ол сvг анта йоққыпдымыз. Бир отуз йашынга Чача Сәнгvнкә сvнгvшдимиз, әнг әлки Тадқан[79] Чорынг боз...
Яъни:
Кул тигин яёв отилиб[80] ҳужум қилди. Ўнг Тутуқ йўлбошчисини[81] яроқли қўли билан тутди, яроқланган ҳолда хоқонга армуғон қилди. *У лашкарни* ўшанда йўқ қилдик. Йигирма бир ёшида Чача Сангунга уруш қилдик. Энг аввал Тадқан[82] Чўрнинг бўз...[83]

(33) ӧлти, әкинти Ышбара Йамтар[84] боз атығ бинип тәгди, ол ат анта ӧлти, vчvнч Йәгән Силиг бәгинг кәдимлиг торығ ат бинип тәгди, ол ат анта олти. Йарақынта йалмасынта йvз артуқ оқун урты йиининга[85] башынга бир т...
Яъни:
ўлди. Иккинчи [бор] Ишбара Ямтар [нинг] бўз отини миниб ҳужум қилди, у от ўшанда ўлди. Учинчи [бор] Еган Силиг бекнинг кийимли (зирҳли?)[86] тўриқ от [ини] миниб, ҳужум қилди, у от ўшанда ўлди. Яроғига, ёпинчиғига юздан ортиқ ўқ билан урди. Баданга[87] бошига битта т...[88]

(34) тәгдvкин, тvрvк бәгләр, қоп билирсиз. Ол сvг анта йоққышдымыз. Анта кисрә Йәр Байырқу Улуғ Эркин йағы болты. Аны йанйып Тvрги Йарғун кӧлтә буздымыз. Улуғ Эркин азқынйа әрин тәзип барды. Кvл тигин . . .
Яъни:
Ҳужум қилганини, турк беклари, тўлиқ биласиз. У лашкарни йўқ қилдик. Ундан кейин Ер Байырқу [ли] Улуғ Эркин душман бўлди. *Уни ёйиб, Турги яргун кўлда* тор-мор қилдик, *Улуғ* Эркин озгина йигити билан қочиб кетди. Кул тигин...[89]

(35) йашынга Қырқыз тапа сvләдимиз, сvнгvг батымы қарығ сӧкvпән Кӧгмән йышығ тоға йорып, қырқыз бодунуғ уда басдымыз, қағанын бирла Сунга йышда сvнгvшдимиз. Кvл тигин Байырқун...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яъни:

ёшида Қирқиз томонга лашкар тортдик. Найза ботими қорни ёриб, Кўгман йишга кўтарилиб юриб, Қирғиз халқини уйқуда босдик. Хоқони билан Сунга йишда жанг қилдик. Кул тигин Байирқун...[90]

(36) Бинип оплайу тәгди, бир әриг оқун урты, әки әриг удушуру[91] санчды, ол тәгдүкдә Байырқуның ақ адғырығ удлуқын сыйу урты. Қырқыз қағанын олүртимиз, әлин алтымыз, ол йылқа тү...

Яъни:

миниб отилиб ҳужум қилди. Бир эрни ўқ билан урди, икки эрни уюштириб (кетма-кет қилиб) санчди. Ўша ҳужумда Байирқуниг оқ айғирини курагини синдириб урди. Қирғиз хоқонини ўлдирдик, давлатини олдик. Ўша йили ту...[92]

(37) тоға Эртис ӧгүзүг кәчә йорыдымыз. Түргәс бодунуғ уда басдымыз. Тургәс қаған сүси Болучуда отча борча кәлти. сүңүшдимиз. Күл тигиң Башғу боз ат бинип тәгди. Башғу боз...

Яъни:

кўтарилиб, Артиш (Иртиш) дарёсини кечиб юрдик. Тургаш халқини уйқуда босдик. Тургаш хоқон лашкари Бўлучуда ўтдай, бўрондай[93] келди. Жанг қилдик. Кул тигин Башғу [номли] бўз отни миниб ҳужум қилди. Башғу бўз к...

(38) тутузты . . . әкисин ози алтызды. Анта йаңа кирип Түргәс қаған буйруқы, Аз тутуқуғ әлигиң тутды. Қағанын анта олүртимиз, әлин алтымыз, қара Түргәс бодун қоп ичикди, ол бодунуғ Табарда қо...

Яъни:

топширди... иккисини ўзи олдирди. Ўшанда яна [жангга] кириб Тургаш хоқон [нинг] вазирини, Аз тутуғини[94] [ўз] қўли билан ушлади. Хоқонини ўшанда ўлдирдик, элини олдик. Қора (оддий) Тургаш халқи бутунлай таслим бўлди. У халқни Табарда қў...[95]

(39) *Соғдақ бодун әтәйин тәйин, Йинчү ӧгүзүг кәчә Тәмир қапығқа* тәги сүләдимиз. Анта кисрә қара Түргәс бодун йағы болмыш Кәнәрәс тапа барды. Бизиң сү аты туруқ, азуқы йоқ әрти, йаблақ кисн әр...

Яъни:

Сўғдақ халқини тузатайин деб, Йинчу (сир) дарёни кечиб Темир қапиққача лашкар тортдик. Ундан кейин қора Тургаш халқи душман бўлган Кенгарас[96] томонга борди. Бизнинг лашкар [имизнинг] оти ориқ, озиғи йўқ эди. Ёмон киши эр...

(40) *алп әр бизиңә тәгмиш әрти, антағ ӧдкә ӧкүнүп Күл тигиниг аз* әрин иртүрү ыттымыз, улуғ сүңүш сүңүшмиш, алп Шалчы ақ атын бинип тәгмиш, қара Түргәс бодунуғ анта ӧлүрмиш, алмыш, *йана йорып...*

Яъни:

алп эр бизга ҳужум қилган эди. Ўшандай замонда ўкиниб, Кул тигинни озгина эр билан излатиб юбордик. Катта жанг қилибди. Алп Шалчининг оқ отини миниб, ҳужум қилибди. Қора Тургаш халқини ўшанда ўлдирибди, қўлга олибди. Қайтиб юриб...

www.ziyouz.com kutubxonasi

(41) (1) ... бирлә Қушу тутуқ бирлә сvнгvшмиш, әрин қоп ôлvрмис, әбин барымын [қалы] сиз[97] қоп кәлvрти. Кvл тигин йәти отуз йашына Қарлуқ бодун әрvр барур әркәли[98] йағы болты. Тамғыдуқ[99] башда сvнгvсдимиз.
Яъни:
... билан Қушу тутуқ билан жанг қилибди. Эрини (жангчиларини) бутунлай ўлдирибди. Уйни, бор нарсасини қолдирмасдан тўлиқ келтирди. Кул тигин йигирма етти ёшида Қарлуқ халқи бегоналашиб кетгач[100] душман бўлди. Тамғидуқ башда жанг қилдик.

(42) (2) [Кул] тигин ол сvнгvшдә отуз йашайур әрти, алп Шалчы [ақ] (ат) ын бинип оплайу тәгди, әки әриг удушуру санчды. Қарлуқуғ олvртимиз, алтымыз. Аз бодун йағы болты. Қара кôлтә сvнгvшдимиз. Кvл тигин бир қырқ йашайур әрти, алп Шалчы ақын
Яъни:
Кул тигин ўша жангда ўттиз яшар эди. Алп Шалчы [нинг] оқ отини миниб отилиб ҳужум қилди. Икки эрни бирин-кетин қилиб санчди. Қарлуқни ўлдирдик, қўлга олдик. Аз халқи душман бўлди. Қора кўлда жанг қилдик, Кул тигин ўттиз бир яшар эди. Алп Шалчи [нинг] оқини

(43) (3) бинип оплайу тәгди. Аз Элтәбәриг тутды, аз бодун анта йоқ болты, әчим қаған әли қамшағ[101] болтуқынта, бодун ôлvг иклиг[102] болтуқынта Изгил бодун бирлә сvнгvшдимиз. Кvл тигин алп Шалчы ақын бинип
Яъни:
миниб, отилиб ҳужум қилди. Аз Элтабарни тутди (қўлга туширди). Аз халқи ўшанда йўқ бўлди. Амаким хоқон [нинг] давлати заиф[103] бўлганда, халқ ўлиб, касал бўлиб турганда Изгил халқи билан жанг қилдик. Кул тигин алп Шалчининг оқини миниб,

(44) (4) (опла) [йу тәг] (д) и, ол атынта[104] тvс (ди. И) згил бодун ôлти. Тоқуз оғуз бодун кәнтv бодуным әрти, тәнгри йәр булғақын vчvн йағы болты, бир йылқа бәш йолы сvнгvшдимиз, әнг илик Тоғу балықда сvнгvшдимиз.
Яъни:
отилиб ҳужум қилди. У отидан тушди[105]. Изгил халқи ўлди. Тўққиз ўғуз халқи ўз халқим эди, кўк, ер фитналик бўлгани (яъни фитнага тўлгани) учун душман бўлди. Бир йилда беш марта жанг қилдик. Энг аввал Тўғу шаҳрида жанг қилдик.

(45) (5) Кvл тигин Азман ақығ бинип оплайу тәгди, алты әриг санчды, сv тәгисинтә[106] йәтинч әриг қылычлады, әкинти Қушлағақда әдиз[107] бирлә сvнгvшдимиз. Кvл тигин Аз йағызын бинип оплайу тәгип, бир әриг санчды,
Яъни:
Кул тигин Азман оқини миниб, отилиб ҳужум қилди. Олти эрни санчди. Лашкар ҳужумида еттинчи эрни қиличлади. Иккинчи марта Қушлағақда Адиз билан жанг қилдик. Кул тигин Аз йағиз (ашҳаб) (кул ранг от) ини миниб, отилиб ҳужум қилиб, бир эрни санчди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

(46) (6) тоқуз әриг әгирә тоқыды. Эдиз бодун анта олти, үчүнч Бол ... нда оғуз бирлә сүңүшдимиз. Күл тигин Азман ақығ бинип, тәгди, санчды, сүсин санчдымыз, әлин алтымыз, төртүнч Чуш башынта сүңүшдимиз, түрүк

Яъни:
тўққиз эрни қуршаб (атрофида айланиб чопиб) урди. Адиз халқи ўшанда ўлди. Учинчи [марта] Бул . . . нда Ўғуз билан жанг қилдик. Кул тигин Азман оқни миниб, ҳужум қилди, санчди. Лашкарини санчдик, давлатини қўлга киритдик. Тўртинчи [марта] Чуш башида жанг қилдик. Турк

(47) (7) бодун адақ қамшатды[108], йаблақ болт (ач) ы әрти, оза кәлмис сүсин Күл ти (гин) ағытып, ат оңгара[109] бир оғуш алпағу он әриг, Тоңга тәгин йоғынта, әгирип олүртимиз. Бәсинч Эзгәнти Қадазда оғуз бирлә сүңүсдимиз. Күл тигин

Яъни:
халқи оёқдан қолди, ёмон бўладиган эди. Илгари келиб олган лашкарини Кул тигин турғизиб отлантириб, бир қавм қаҳрамон ўн эрни Тўнга тегин азасида қуршаб олиб ўлдирдик[110]. Бешинчи (марта) Азганти Қадазда Ўғуз билан жанг қилдик. Кул тигин

(48) (8) Аз йағызын бинип тәгди, әки әриг санчды, балық (қ) а бармады. Ол сү анта өл [ти]. Мағы Қорған (қ) ышлап йазыңга оғузғару сү ташықдымыз. Күл тигин әбиг[111] башлайу ақы (т) тымыз[112], оғуз йағы ордуғ басды. Күл тигин*[113]

Яъни:
Аз яғиз (ашҳаб) ини[114] миниб ҳужум қилди, икки эрни санчди. Шаҳарга кетмади. У лашкар ўшанда ўлди. Мағи қўрғонда қишлаб баҳорда[115] Ўғуз томонга лашкар [билан] чиқдик. Кул тигинни уйни (оила аъзоларини) бошлатиб жўнатдик[116]. Ўғуз душман ўрдуни босди. Кул тигин

(49) (9) өгсиз ақын бинип тоқуз әрән[117] санчды, ордуғ бәрмәди. өгүм қатун улайу өгләрим, әкәләрим, кәлиңүнүм, қунчуйларым бунча йәмә тириги күң болтачы әрти, өлүги йуртда йолта йату қалтачы әртигиз!

Яъни:
Ўгсиз оқини миниб, тўққиз эрни санчди, ўрдуни бермади. Онам хотун, кейинги оналарим, опаларим, келинларим, хонзодаларим, шунча [нгиз] ҳам тириги [нгиз] чўри бўлар эди, ўлиги [нгиз] вайронада[118], йўлда ётиб қолар эдингиз!

(10) Күл тигин йоқ әрсәр, қоп өлтәчи әртигиз. Иним Күл тигин кәргәк болты, өзим сақынтым: көрүр көзүм көрмәз-тәг, билир билигим билмәз-тәг болты, өзим сақынтым, өд тәңгри йасар, киси оғлы қоп өлүгли[119] төрүмис.

Яъни:
Кул тигин бўлмаса, бутунлай ўлар эдингиз. Иним Кул тигин вафот этди. Ўзим алам чекдим. Кўрар кўзим кўрмаётгандай, билар ақлим билмаётгандай бўлди (эс-ҳушимдан ажралдим маъносида), ўзим алам чекдим. Дунёни тангри ясайди, инсон боласи, ҳаммаси ўладиган қилиб яратилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(51) (11) анча сақынтым, кӧздә йаш кәлсәр, этидә[120] кӧнгүлтә сығыт кәлсәр йантуру сақынтым, қатығды сақынтым, эки шад улайу ини йигүним оғланым бәгләрим бодунум кӧзи қашы йаблақ болтачы тәп, сақынтым, йоғчы сығытчы қытаний, татабы бодун башлайу

Яъни:

Шунчалик алам тортдимки, кўзга ёш келганда, азоб бериб кўнгилдан йиғи келганда қайта қайғурдим, қаттиғ қайғурдим. Икки *шад кейинги ини жияним, болам, бегларим, халқим* [нинг] кўзи қоши ёмон бўлади деб, ўйладим. Азачи, йиғичи Қитан, Татаби халқини бошлаб

(52) (12) Удар сәнгүн кәлти, табғач қағанта Исйи[121] Ликәнг кәлти, бир туман ағы, алтун, күмүш кәргәхсиз кәлүрти. Түпүт қағанта болун кәлти. Қурыйа кун батсықдақы Соғд бәрчәкәр, Буқарақ улус бодунта Нәнг[122] сәнгүн Оғул тарқан кәлти.

Яъни:

Удар сангун[123] келди. Табғач хоқондан Исйи Ликанг келди. Бир туман ипак, олтин, кумушни ортиқча[124] келтирди[125]. Тубут (Тибет) хоқондан бўлун[126] келди. Жанубда кунботардаги Суғд[127], барчакар[128], Буқарақ улус[129] [ва] халқидан Нанг[130] сангун, Ўғул тархон келди.

(53) (13) *Он оқ оғлүм Түргәс қағанта Мақарач тамғачы*, Оғуз *Билгә* тамғачы кәлти, қырқыз қағанта Тардуш ынанчу чор кәлти, барқ этгүчи, бәдиз йаратығма битигташ этгүчи Табғач қаған чықаны Чан Сәнгүн кәлти.

Яъни:

Ўн ўқ ўғлим [дан] Тургаш хоқонидан Мақарач[131] тамғачи, Ўғуз Билга тамғачи келди. Қирғиз хоқондан Тардуш Инанчу чўр келди. Бино ясовчи, нақш солинган битигтош ясовчи Табғач хоқонининг чиқани[132] Чанг Сангун келди.

Күл[133] тигин қой йылқа йәти йәгирмикә учды, тоқузынч ай йәти отузқа йоғ әртүртимиз. Барқын бәдизин битигташ [ын] бичин йылқа йәтинч ай йәти отузқа қоп алқды (м) ыз[134]. Күл тигин қырқ артуқ [ы й] йәти, йашынг, булыт, таш... бунча бәдизиг Туйғун Элтәбәр кәлү (р) ти.

Яъни:

Кул *тигин қўй йилида, ўн еттинчи* [кун] *да учди* (ўлди). Тўққизинчи ой [нинг] йигирма еттисида азасини ўтказдик. Биносини, нақшини, битигтошини Маймун йилида, еттинчи ой [нинг] йигирма еттисида бутунлай тугатдик. Кул тигин у... қирқ етти ёш... (?) таш... мунча нақшни Туйғун Элтабар келтирди.

Битигтошнинг орқа томонидаги ҳамда қирраларидаги биринчи ва иккинчи битигларни С. Е. Малов ўз нашрида тушириб қолдиргани учун улар Мелиоранский нашридан олиб берилди [В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский. Древнетюркские памятники в Кошо-Цайдаме, Санктпетербург, 1897 (*эски рус имлосида*), *транскрипция ва таржимаси* 43—44-бетларда; асли II таблица (лавҳа) да.]

www.ziyouz.com kutubxonasi

К I

Асли:



Транслитерацияси:

кvл^{2}т^{2}ьгн^{2}н л^{1}т^{1}ун^{1}ьн^1 кvмшьн^2 ғьшьн^1 б^{1}р^{1}мьн^{1}т^{2}vр^2 ... қрсьн й^{1}ғмъ т^{1}vй^{1}ғь б^{1}у ... б^{2}гм т^{2}гьн^2 й^{2}vкр^{2}v т^{2}н ... т^{1}ш б^{2}ьт^{2}д^{2}м й^{1}ул^{1}л^{1}ғ т^{2}ьгн^2

Транскрипцияси:

Кул тигиниң алтунын кvмvшин ағышын барымын тур ... қарасын йығма тойғы бо ... бәгим тәгин йөгәрv тәнг... таш битидим Йоллуғ тәгин

Мазмуни:

Кул тигиннинг олтинини, кумушини, ипагини, бор нарсасини Тур [к халқи] фуқаросини йиққан тўйги[135] бу ... бегим тегин юқори танг [ри] ... тош битидим Йўллуғ тегин.

К II

Асли:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Транслитерацияси:

б^{1}ҮНЧЪ б^{2}ЬТ^{2}Г б^{2}ЬТ^{2}ГМЪ КҮЛ^{2}Т^{2}ЬГН^2 Т^{1}ЬС^{2}Ъ Й^{1}ҮЛ^{1}ҒТ^{2}ЬГН^2 б^{2}ЬТ^{2}ЬД^{2}М Й^{2}ЬГР^{2}МЬ КҮН^2 ҮЛ^{2}Р^{1}П б^{1}ҮТ^{1}ШҚЪ б^{1}Ү Т^{1}ЪМҚЪ Қ^{0}ҮП Й^{2}ҮЛ^{1}ҒТ^{2}ЬГН^2 б^{2}ЬТ^{2}ЬД^{2}М ЬҒР^1 УҒЛ^{1}Н^{1}НГЗД^{1}Ъ Т^{1}Й^{1}ҒҮН^{1}НГЗДЪ КГД^{2}Ъ ЬГД^{2}ҮР^2 Р^{2}Т^{2}ГЗ ҮЧЪб^{1}Р^{1}ДҒЗ Т^{2}НГР^{2}Ь Т^{2}ЬР^{2}ГД^{2}КЬЧЬ

Транскрипцияси:

бунча битиг битигмә Күл тигин атысы Йоллуғ тәгин битидим, йигирми күн олуруп бу ташқа бу тамқа қоп Йоллуғ тәгин битидим, ығар оғланыңгызда тайағуныңгызда[136] кәгдә[137] әгидүр әртигиз, уча бардыгыз, тәңгри тиригдәкичи[138]

Мазмуни:

Шунча битигни битилувчи Кул тигин [нинг] жияни Йўллуғ тегин битидим. Йигирма кун ўтириб, бу тошга, бу деворга[139] тўлиқ Йўллуғ тегин битидим. Паноҳталаб ўғлонингизга, таянувчингизга қийинчиликда тарбият қилар эдингиз. Учиб кетдингиз (ўлдингиз). Тангри яшатувчидир.

Кс

Асли:



Транслитерацияси:

(1)ЬН^{2}НЧҮ ПЪ Й^{1}Р^{1}ҒН^{1}Т^{1}Р^{1}ҚН^1 ЪТ^{1}Ғ . . . (2)Қ^{0}ҮР^{1}Д^{1}Н^{1}ҮҒ ҮР^{2}Т^{2}Ь ЬН^{2}МК^{0}ҮЛ^{2}Т^{2}Ь ГН^2 . . . ЬС^{2}Г К^{0}ҮЧГ б^{2}ЬР^{2}Т^{2}К^{0}ҮЧҮН^2 Т^{2}ҮР^{2}К^0 б^{2}ЬЛ^{2}ГЪҚҒН^1 ЙЬР^{2}Т^{2}Ъ ЬН^{2}МК^{0}ҮЛ^2 ТЬГН^2 ГК^{0}ҮЗД^{2}Ү ОЛ^{1}Р^{1}Т^1 . . .

Транскрипцияси:

(1) ынанчу апа йарған тарқан атығ . . .
(2) қурдануғ өрти, иним Күл тигин . . . исиг күчүг бәртүк үчүн Түрук Билгә қаған йәртә иним Кул тигиниг көзәдү олурт . . .

Мазмуни:

(1) Инанчу бобо йарған тарқон отни . . .
(2) . . . ? урди. Иним Кул тигин . . . хизматни, кучни берган учун Турк Билга хоқон ерда иним Кул тигинни кузатиб ўлтирд [им].

ИЗОҲЛАР

1. *әти — әт-* феълидан, равишдош.
2. *Тута бәрмис* (тутиб турган)нинг тўлдирувчиси *әлин* (давлатини) ва *әти бәрмис* (риоя қилиб турган, адо қилиб турган)нинг тўлдирувчиси *тәрусин* (расмини, қонун-қоидасини). Гап бўлакларини бу хилда ишлатиш бадиий мақсадда амалга оширилади.
3. Биз „бутунлай" деб таржима қилган *қоп* сўзини ҳозирги туркшунослар „ҳамма" ва „кўп" деб ҳам тушунадилар *Бутунлай, ҳамма* ва *кўп* сўзлари бир-бирига ҳозирги тилларда контекстуал синоним бўлиб келгани учун бундай таржима текстнинг умумий мазмунига зарар етказмайди. Аммо *қоп* сўзи *кўп*нинг эмас, ҳозирги *хўп*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(*хўп гапирди! хўп яхши!* каби) сўзининг қадимий кўринишидир. Маҳмуд Кошғарий *қоп* сўзини кучайтирув ва таъкид юкламаси деб *оғул қоп бәдуди* (ўғил бутунлай катта бўлди) гапида „ғоятан" (охиригача) ва *қоп әзгү нәнг* (жуда яхши нарса) иборасида „жиддан" (жуда) маъносида беради (А. Рифъат нашри, I жилд, 268- бет). Шеърда келтирилган *нәнг қоп булуп* гапида ҳам Маҳмуд Кошғарий *қопни* „кўп" деб таржима қилмай, феълни т а м й и з (кучайтирув воситаси) билан беради ва „важадта ма: лан важдан" (молни ортиқча топиб) деб таржима қилади (419- бет). Шундай қилиб, *қопнинг* ўрнида ҳозир ўзбек тилида *хўп, жуда* (арабча *жиддандан*), *бутунлай* ва *роса* (тожикча *расодан*) сўзлари ишлатилади.

4. С. Е. Маловда бу сўздан кейин қавс ичида *(ити)* сўзи берилган. Бу ортиқча.

5. Баъзилар буни *буйуруқы* тарзида, яъни й дан кейин у ҳам ёзадилар. Маҳмуд Кошғарийда *буйруқ*. Бундай ҳолларда негиздаги унлининг тушиб қолиши қадимда ҳам бўлган.

6. Буни *өзинчә* деб ҳам ўқиганлар. С. Е. Малов *Өзи анчани әв ынча* тарзида қавс ичида бериб, ҳар иккисига савол аломати қўйган *Өзинчә* бу ўринда сўз маъноси нуқтаи назаридан мос келса ҳам, грамматик жиҳатдан унча тўғри келмайди. Шунинг учун биз *өзи анча* вариантини маъқул кўрдик.

7. С. Е Маловда: обитали (восседали), устраивая „голубых" тюрков, которые были (тогда) без господина и без родовых представителей; Г. Айдаровда: над [народом] кёк тюрк, бывшим без властителя и родовых представителей, они вот так сели [на царство]; С. Г. Кляшторнийда: так они царствовали... устанавливая порядок среди голубых тюрков, не имевших до того ни господина, ни организации по „стрелам".

Бу таржималарнинг ҳар хил чиқишига ва аслидан узоқлаб кетишига қуйидагилар сабаб бўлган: 1) *оқ* сўзи „уруғ" ёки „ёй ўқи" деб тушунилган; 2) *олур* феъли „тахтга минмақ" маъносида деб тасаввур этилган ва натижада гапдаги мазмун Бумин билан Истами хоқон тўғрисида бўлмасдан, олдинги даврга тегишли деб ўйланган. С. Е. Маловнинг *турк* сўзидан сўнг *(ити)*ни қўшишига (4- изоҳ) ҳам сабаб шу.

Аммо ҳақиқат қуйидагича: гапдаги воқеа мазкур хоқонларнинг ўлимидан олдинги хоқонликнинг ривожланган даврига оид. „Ўқ" ва „уруғ" маъносидаги *оқ* сўзларидан бошқа яна бир *оқ* сўзи бор бўлиб, Маҳмуд Кошғарий уни „ал-қуръату-л-лати: йуқсаму биҳа: -л-ара: дий ва-л-ан—сиба:" (ер ва улушлар тақсимланадиган ўлчагич ва ўлчов) деб (А. Рифъат нашри, I жилд, 40- бет; Қиёсланг: С. Муталлибов таржимаси, 73- бет), яна бир ерда (49- бет) шу сўзни „меросдан улуш" деб изоҳлайди. Ёдномадаги *оқ* ана шу Маҳмуд Кошғарий айтган ўлчагич — ўлчов маъносида бўлиб, мазкур гапда ўша хоқонларнинг даврида туркларнинг ери ўлчовсиз, яъни улушларга бўлинмаган эди, кенгчилик эди, дейилган. Бундай ўлчагич ва ўлчов маъносида *оқ* сўзининг ишлатилишига сабаб, ер ўқ отими билан ҳисобланган бўлиши керак. Кейинги даврда эса, ўлчагич арқондан бўлгани учун унинг ўрнини ўзбек тилида *таноб* сўзи эгаллаган.

Олур- феъли ҳақида шуни айтиш мумкинки, унинг маъноси тахт билан боғлиқ эмас. Биринчи маъноси „ўрнашмоқ" бўлиб, кейинги маънолари „ўтирмоқ", „маскан қилмоқ", „турмоқ" (яшамоқ)дир. *Олур*нинг ўзини „восседать", „сесть [на царство]", „воцариться", „царствовать" деб таржима қилиб бўлмайди. Биринчи ҳолда үзә *олур-* (юқори ўрнашмоқ, яъни олий ўринни эгалламоқ), қолган ҳолларда *қаған* (ёки *қан*) *олур-* бўлиши лозим.

Яна *көк түрк* бирикмасидаги *көк*ни „ҳаво ранг" деб тушуниш кенг тарқалган, лекин „эркин" деб тушуниш ҳам бор (ДТС, 312- бет). Ҳақиқатда эса бу ердаги *көк* „томир", „асл" маъносидаги сўз бўлиб, *көк түрк*дан мурод туркий халқларнинг ўзагини ташкил қилувчи ўзгармаган турклардир.

8. Г. Айдаров ҳамма ерда *қырқаз* деб берган.

9. *Кәргәк — керак* сўзининг қадимги кўринишидир.

10. *Бөкли* асли этник ном.

11. *Апар* — „Авар" деб тахмин қилинади.

12. *Пурум* — Рум. Хитойча *Фулин* шу *Пурум*дан, бунинг ўзи эса сўғдча *Фром*дан деган фикр бор.

13. *Қурықан* ҳозирги ёқутларнинг аждоди бўлган деган фикр бор (С. Е. Малов, 415- бет). *Уч қурықан (қорықан)* нинг ҳозирги „уч кўрғон" топонимига ва *қорыған* (ўрду, яъни ҳарбий лагерь) сўзига (ДТС, 458- бет) алоқаси бўлиши мумкин.

14. *Уруғ* номлар олдидаги сонлар унинг миқдорини билдиради. *Отуз татар* — 30 та татар уруғининг бирлашмаси.

15. Ҳозирги *йиғи* ва *йиғичи* ҳақида қаранг: М. Алавия, Ўзбек халқ маросим қўшиқлари, „Фан" нашриёти, Тошкент, 1974, 140- бет.

16. *Оглы та* сўзини илгари *оглыты* ва *оглы аты* деб ҳам ўқишган. Лекин охирги ҳарф а бўлганлиги учун булар тўғри эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

17. Бу сўзни Маҳмуд Кошғарий *тәвлүг* шаклида беради ва „алмухта: ду ва-л-халда: ъу" (ҳийлакор ва товламачи) деб тушунтиради (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 396- бет).

18. Ўзгаларда: *кинғшүртүкин*. Бу сўзнинг учинчи ҳарфи битигтошда аниқ ўқиб бўлмайдиган ҳолга келгани учун *инги* ҳарфи тикланган. *Инги* ҳарфи *әк* ҳарфига шаклан яқиндир (китобнинг „Графика" бўлимига қаранг). Тикланган ҳарф *әк* бўлган бўлиши мумкин. Биз шунга ва Маҳмуд Кошғарийда *кикчүр-* феълининг борлигига асосланиб, мазкур сўзни *киксүртүкүн* деб ўқидик. *Кикчүр*ни Маҳмуд Кошғарий қуйидагича изоҳлайди: *әр бичәк кикчүрди,* яъни „киши иккита пичоқнинг бирини бирига қайради" ва *ол икки әр кикчүрди,* яъни „у икки кишини бир-бирига тезлади" (қайради), дейилади (Аҳмад Рифъат нашри, II жилд, 155- бет). Агар Маҳмуд Кошғарийда *чөк-* феълининг *сөк-* шаклига ҳам эгалигини назарга олсак, *кикчүр-* билан *киксүр-* бир феълнинг икки кўриниши эканлигига шубҳа қолмайди.

19. *Бәгли бодунлығ* бирикмасидаги -ғ тушум қўшимчаси, -ли... -лы эса бириктирув қўшимчасидир.

20. Ўзгаларда: *йонғшуртуқун*. Лекин феъл ўзаги *йона-* (ДТС, 272- бет). Маҳмуд Кошғарий „Девон"нинг ўзбекча нашрида бу феълдаги о унлиси у деб берилган (III жилд, 405- бет).

21. *Туз* сўзининг биринчи маъноси „тўғри" ва „тўғрилик"дир. Шу билан бирга у *адл, инсоф, ҳалол* сўзлари ўрнида ҳам ишлатилган. *Адл* шу *түз*нинг арабча эквиваленти (муодили) бўлгани учун, бу ўриндаги *түзсиз*ни „адолатсизлик", „инсофсизлик" деб тушуниш керак.

22. Маҳмуд Кошғарий *кур әр* иборасига „ар-ражулу-р-ра: биту-л-жа, ши-л-қавийю-л-қалби-ш — ша: миху би-л-аиф" (салобатли, дов юрак, димоғдор киши) деб изоҳ берган (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 81- бет). Аммо Кул тегин битигида бу сўз ёвуз ишлардан ҳам қайтмайдиган, тоймайдиган деган маънода қўлланган. Кейинги даврларда худди шу маънода *бебок* (қўрқмас) сўзи ҳам қўлланган.

23. Бу сўз *ар-* феълидан ясалган бўлиб, Маҳмуд Кошғарий уни шундай изоҳлайди: *ол аны ардьі*, „ай иннаху қад ғарраху" (яъни у уни лақиллатди) (Аҳмад Рифъат нашри, I- жилд, 150- бет). Бу феълнинг арабчага *ғарра* деб таржима қилинишидан маълумки, унинг аниқ маъноси „бировнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ"дир.

24. *Эллэдүк* сўзи *эл* (давлат) +-*лә* (-ла) +- *дүк* (-ган)дан иборат бўлиб, аниқ маъноси „давлат қилинган"дир. *элиндаги* -н тушум қўшимчаси, -и эса эгалик қўшимчасидир. *Эллэдүк элин* иборасида иштиқоқ санъати бор.

25. *ычғыну — ычғын-* феълининг равишдошидир. Бу феъл ушлаб, сақлаб турилган нарсанинг қўлдан чиқиб кетишини билдиради.

26. Баъзилар буни *бәгилик* деб ўқиб, „маҳкам" маъносида қўллаганлар. Лекин у ҳолда г ўрнида к бўлиши керак эди.

27. С. Е. Малов ва Г. Айдаровда: бақувват (крепкий).

28. Қадимги туркий тилда ўғилнинг биринчи маъноси „бола" бўлиб, ҳам ўғил болага, ҳам қиз болага нисбатан қўлланган. Маҳмуд Кошғарий бу сўзга тубандагича изоҳ беради: „*оғул* — ал-ибн ва йуқа: лу ли-ғайри-л-ибн мина — с — сибйа: и айдан оғул" (ўғил болаларнинг ўғил бўлмаганига ҳам ўғил дейилади) (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 70- бет). *Уры* сўзи эса ҳозирги „ўғил" маъносида бўлиб, буни Маҳмуд Кошғарий „аз-закару мина-л-авла: д" (болаларнинг эркаги) деб изоҳлаган (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 82- бет).

29. Текин *силикни эсилик* деб ўқиган ва „лейди" (хоним) деб таржима қилган. Маҳмуд Кошғарий *силикка* „зийрак, покиза, гўзал ва юмшоқ сўзли" деб изоҳ берган (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 326- бет).

30. *Бўкли* — ҳозирги қурияликларнинг аждодлари ва давлати.

31. *Темир қапиғ* — ҳозирги Бўзғола гузари.

32. С. Е. Малов ва Г. Айдаров ўз таржималарида *алы* (олиб) сўзини эътибордан четда қолдирганлар, натижада *эл* билан *төрү* туркларга тегишли бўлиб қолган: отдали кагану народа табгач свой племенной союз и власть (над собою) (С. Е Малов); Табгачскому кагану они отдали своё государство и [его] установление (Г. Айдаров). Ҳақиқатда эса ёдномада туркларнинг Табғачга қарам бўлгандан сўнг бошқа халқлар билан урушиб, ўшаларнинг давлат ва ҳукмронлигини Табғач хоқонига олиб берганликлари таъкидланмоқда. Бу кейинги сатрда яна ҳам равшанлашади.

33. Ўрқунда: *умдуқ*.

34. Бу ўринда контекст талаби билан „ўзини эплаб ва тиклаб ололмай" деб таржима қилинган *этину йаратуну умадуқ* бирикмасидаги сўзларнинг луғавий маъноси қуйидагича: *этину етин-* феълининг равишдош формаси, *этин-* эса *эт-* феълининг ўзлик формаси. Маҳмуд Кошғарий бу феълнинг мажҳул формаси „этилди"ни

www.ziyouz.com kutubxonasi

„салаха", яъни „тузалди" деб таржима қилган (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 54- бет). Демак *этинмәк* „ўзини тузатиб, эплаб олмоқ"дир. *Йаратуну йаратун-* феълининг равишдош формаси, *йаратун-* (ўзини яроқли қилмоқ) эса *йарат-* (яроқлик қилмоқ)нинг ўзлик формасидир. *Умадуқ — у-* (қўлдан келмак) феълининг бўлишсиз формасидан ясалган сифатдошдир.

35. *Сақынматы* бу ерда аслида „андиша қилмай", „мулоҳаза қилмай" маъносидадир.

36. Бу гапни С. Е. Малов қуйидагича таржима қилган: При этих обстоятельствах, не думая отдавать государству Табгач свои труды и силы, тюркский народ говорил: лучше погубим (сами себя) и искореним. И они начали идти к гибели. Г. Айдаров тубандагича таржима қилган: Вот тогда свои труды и силу не желая отдавать [табгачам] тюркский народ сказал: „Лучше погибнуть!", Искореним [сами себя]! — [и] начал идти к гибели.

37. Буни *әтмис* деб ҳам ўқиганлар.

38. Ўркун ҳамма ерда *қан* сўзининг олдига *а* қўшиб ўқиган.

39. Г. Айдаровда *йоғару*. Баъзиларда *ӥүг(г) әрү*.

40. Қуни Маҳмуд Кошғарий „ас-сийту байна -н- на: с" (кишилар ўртасида [тарқалган] овоза) деб, *күлгүни* „зу сийтин" (овозалик, яъни донгдор) деб изоҳлаган (Аҳмад Рифъат нашри, III жилд, 160- бет).

41. *Тулис, Тардуш* — туркий халқларнинг номлари. Олдинги ноширлар битиктошда ўчиб кетган сўзлар ўрнига *бодунуғ анта әтмиш* (халқини ўшанда тузатган) деб тиклаганлар. Қул тигин ва Билга хоқон битигида айнан қайтарилган сатрлар бор. Шундай ўринларда ноширлар бу икки битигнинг бирида ўчиб кетган ерини иккинчисидан тиклаганлар: лекин ўзларича тиклаган ўринлари ҳам бор.

42. Қадимги туркийда урушга нисбатан *йолы* нумеративи кейинги даврларда эса *масоф* (а) сўзи ҳам ишлатилган.

43. Маҳмуд Кошғарий *баз* сўзини *йат* (бегона) сўзи билан жуфтлашиб келганига *йат баз йазылды* мисолини келтириб, уни „бегоналарнинг ажралиб кетишига айтилади" деб изоҳлайди (Аҳмад Рифъат нашри, III жилд, 119- бет). Ўрхун ёдномаларидаги қўлланишига қараганда *баз* „душман" ва „бегона"нинг зиди, яъни „эл", „ошно"дир. Шунинг учун *йат баз йазылды* ни „бегоналар бир тараф, ошнолар бир тараф бўлди" деб тушуниш керак.

44. Битиг ноширлари текстнинг давомини „*(-мис қаным қаған) инчә элиг* (-ган отам хоқон) шунча давлатни" деб тиклаганлар.

45. Қадимги туркийда *учмақ* феъли „вафот этмак" маъносида, яъни *ўлмак*нинг эвфемизми сифатида қўлланади.

46. *Йичә* сўзининг маъноси „янгидан" деб ҳам тахмин қилинган.

47. С. Е. Маловда: поднял... (т. е. поднял его благосостояние, значение); Г. Айдаровда: поднял. Маҳмуд Кошғарий — *игиттинниг* аслини *игизти* деб, маъносини „рабба" (тарбиялади, тарбият қилди) феъли билан беради (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 183- бет).

48. Олдинги ноширлар кейинги сўзларни *бай қылты, азығ өкүс қылты* (бой қилди, озни кўпайтирди) деб тиклаганлар.

49. Олдинги ноширлар буни *-қыз йәрингә тәги сүләдимиз* (қирқиз еригача лашкар тортдик) деб тиклаганлар.

50. Буни кўпроқ *Тургис* деб ўқийдилар.

51. Олдинги ноширлар текстнинг бу ерини *бодуным әрти, билмәдүкин* (халқим эди, билмагани учун) деб тиклаганлар.

52. Бу сўзда *ал* ҳарфидан кейинги *ад* ҳарфи битиктошда тушиб қолган бўлса керак. Шуни назарда тутиб, буни *йаңғылтуқин, йаңғылдуқын* деб ҳам ўқиганлар. Аслида шундай бўлиши керак.

53. Олдинги ноширлар текстнинг бу ерини *-ып кәлтимиз, сүңүсдимиз, элин.* (-иб келдик, жанг қилдик, давлатини) деб тиклаганлар.

54. Текстнинг бу ери олдинги нашрларда *күң күңлик болмыс әрти, иниси эчисин билмәз әрти, оғлы қаңғын билмәз әрти* (чўри чўрилик бўлган эди, иниси огасини билмас эди, ўғли отасини билмас эди) деб тикланган.

55. Буни *кәм* деб ҳам ўқиганлар.

56. Олдинги ноширлар текстнинг бу ерини *удачы әрти түрк бодун* (қобил эди турк халқи) деб тиклаганлар.

57. С. Е. Малов ва Г. Айдаровда: *йарықлығ*.

58. Бу сўзнинг қадимги вариантида *л* дан сўнг *ә* товуши ифодаланган бўлиши мумкинлигини назарда тутиб, *әләтди* деб ҳам ўқиш мумкин. Маҳмуд Кошғарий *әләтти, әләтур, әләт*... (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 184- бет).

www.ziyouz.com kutubxonasi

59. С. Е. Маловда: покайся! Ты сам провинился и сделал низость (по отношению) к твоему кагану, возвысившему тебя ради твоей же преданности, и (по отношению) к твоему племенному союзу, хорошему по своим качествам и делам. Г. Айдаровда: покайся! Перед своим мудрым каганом, возвысевшим [тебя], чтобы ты был верен, перед твоим хорошим... государством ты сам провинился и допустил низость.

60. Текстнинг бу ерини олдинги ноширлар *бодун бардыг илгәрү барыгма* (эй халқ, бординг шарққа боролгунча) деб тиклаганлар.

61. Текстнинг бу ери *йаблақынгын үчүн әчим қаған уча барды* (ёмонлигинг учун амакин хоқон учиб (ўлиб) кетди) деб тикланган.

62. Текстнинг бу ери *-мазун тәйин, озумин ол тәнгри* (-масин деб, ўзимни у тангри) деб тикланган.

63. Бу сўз тахминан *йылсыг* деб ўқилиб, унга „йилқидор", „бой" деган маъно берилган. Лекин бундай ўқиш тил нуқтаи назаридан ҳам, ёднома услуби нуқтаи назаридан ҳам тўғри эмас. Бу ерда феъл ёки от + феъл бўлиши керак. Иккинчи ҳолда феъл *алсыг* (оладиган), от *әйи* ёки *йи* (16- сатрдаги *йичә* билан қиёсланг) бўлади.

64. Текстнинг бу ери *-ғанмыш бодун аты, күси йоқ болмазун* (-онган халқнинг оти, донги йўқ бўлмасин) деб тикланган.

65. Текстнинг бу ери *бәзүм қаған олуртуқума йәр сайу* (ўзим хоқон бўлиб ўрнашганимга ҳар ерга) деб тикланган.

66. *Сүңүштүм анта* (урушдим. Ундан) деб тикланган.

67. П. М. Мелиоранскийда: *тиргәрү (тириг (г) әрү?)*; Ўркун, Малов ва Айдаровда: *тиригрү*.

68. *үлүг* сўзи *улуш*нинг фонетик вариантидир. *Насиба* сўзининг ҳам асл маъноси „улуш"дир.

69. Ҳозирги *тирил-* феълининг ўзаги *тир- (тирик* сўзининг борлиги бунга далилдир), *-гүр* орттирма даража, -у равишдош қўшимчасидир.

70. *Ығар* сўзи. туркшуносяар тахминича, „содиқ халқ", „бахтсиз халқ", „кучли" (суглча) маъноларини ифодалайди. Ҳақиқатда эса бу сўз *ығ-* феълининг сифатдош формаси бўлиб, „паноҳталаб" маъносидадир. *Ығ-* феъли ҳозирги қирғиз тилида сақланган бўлиб, „ўзини панага олмоқ" маъносида ишлатилади (Қаранг: К. К. Ю д а х и н. Киргизско-русский словарь, М., 1965, стр. 926, *ық-)*.

71. Текст давоми *ығар қағанлықда йәгқылтым. Тӧрт булуңғтақы* (паноҳталаб хоқонликда яхшилик қилдим. Тўрт жиҳатдаги) деб тикланган.

72. С. Е. Малов ва Г. Айдаровнинг таржимасида меҳнат ва куч Кул тигинники бўлиб қолган

73. *-ти йашда қалты. Он йашда (*-ти ёшда қолди. Ўн ёшда) деб тикланган.

74. Буни *болты* деб ўқиганлар. Лекин *бўлты* (топди) ўқилиши тўғрироқ.

75. Умай ҳақида „Тўнюқуқ битиги"да берилган 90- изоҳга қаранг.

76. *Чуб* сўзи хитойча *чжоу* (вилоят) сўзининг туркча кўриниши дейилади. *Олти чуб суғдақ* суғдлар ўрнашган олти вилоят бўлиб, булар Шимолий Шэньсида бўлган. Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: С. Г. К л я ш т о р н ы й, Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии, М., 1964, стр. 78—98.

77. *-үмән сү кәлти, сүңүсдимиз* (-уманлик лашкар келди. Жанг қилдик.) деб тикланган.

78. Ўркунда: *әнч улады*.

79. Баъзи нашрларда охирги ҳарф — *әнг*. Шунинг учун *Тадықын* деб ҳам ўқилган.

80. Биз „отилмоқ" деб тушунган *опла-* феълини баъзилар „уп (хирмон янчаётган ҳўкизларнинг ўртадагиси) сингари „ҳаракат қилмоқ" деб ҳам тушунишган. Бизнингча, бу ўриндаги *опла-* ҳозирги қирғиз тилида *обдул-* (олдинга ташланмоқ; ғазаб билан ташланмоқ; қаранг: К. К. Ю д а х и н. Киргизско-русский словарь, М., 1965, стр. 559) формасида сақланган. Охирги л кейин орттирилган мажҳул даража аффиксидир, -ла -да шаклида ишлатилади. Бундаги а қирғиз тилида кучли бўлган·лаб уйғунлиги натижасида у га айланган. П эса б тарзида ишлатилади.

81. *Йорчы*ни Хитой саркардасининг номи деб ҳам тахмин қиладилар (қаранг: С. Г. К л я ш т о р н ы й, мазкур асар, 78, 90- бетлар). Маҳмуд Кошғарий *йорчы*ни „моҳир йўл бошловчи" деб изоҳлайди (Аҳмад Рифъат нашри, III жилд, 22- бет).

82. Буни *Тадықан деб ўқиганлар. Лекин бундай ҳолларда ы ёзувда ифодаланиши* керак эди. А ҳарфидан кейин ақ ҳарфи келгани учун буни *Тадқан* деб ўқиш тўғрироқдир.

83. *атыг бинип тәгди. Ол ат анта* (отни миниб, ҳужум қилди. У от ўшанда) деб тикланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

84. Буни *йаматар* деб ҳам ўқиганлар.
85. Буни *йузинга, йузка* деб ҳам ўқиганлар.
86. *Кәдим* кийим, *кәдимлиг* эса кийимлидир. Буни баъзилар „эгарланган“ ва баъзилар отнинг номи деб тушунганлар.

87. *Биз йинкә* (баданга) деб ўқиган сўз битигнинг босма текстида *йизкә*  деб берилган. Буни туркологлар *йизәк* (авангард) деб тахмин қилганлар. Бизнингча, битигтошда *йининге*  бўлган бўлиши керак. *йин*ни Маҳмуд Кошғарий „бадан, тан“ деб изоҳлаган.

88. *Тәгмәди (тегмади)* деб тикланган.
89. *Алты отуз (йигирма олти)* деб тикланган.
90. *-ын ақ адғырыг(-инг оқ айғирини)* деб тикланган.
91. *Удушуру*даги *удуш-* ҳозирги *уюш-*нинг қадимги шакли. **У** — равишдош, **-ур** — орттирма даража қўшимчаси. Ўзгаларда бу сўз *удышру* ва *удушру* шаклида берилиб „олишувда“, „бирин-кетин“ ва „таъқиб этиб“ тарзида таржима қилинган. Текинда: *уд ашру.*
92. *-ргис тапа Алтун йышыг* (-ргис томонга Олтун йишни) деб тикланган.
93. *Отча барча*нинг турлича ўқилиши ва тушунилиши ҳақида қаранг: А. М. Щербак. О сочетании  в рунических надписях. Советская тюркология, 1975, № 6, стр. 88—90.
94. *Тутуқ* — вилоятнинг ҳарбий ҳокими. Хитойча *дуду* ёки *то-тог* сўзидан олинган дейилади. Лекин аксинча бўлиши ҳам мумкин.
95. *Табарда қонтуртымыз, йана йоруп* (Табарда қўндирдик. Қайтиб бориб) деб тикланган.
96. *Кенгарас* ҳақида қаранг: С. Г. Кляшторный, мазкур асар, 161—179.
97. *қалысыз*нинг *қалы* қисми урхун текстининг С. Е. Малов нашрида йўқ, лекин транскрипцияда бор. П. М. Мелиоранский нашрида текстда ҳам (2- лавҳа), транскрипцияда ҳам *қалысыз* ўрнида *тәгинән* берилган ва олдинги *барымын* сўзининг фақат *бар* қисми берилган.
98. Буни баъзилар сифатдош ва баъзилар сифат деб тахмин қилиб, *әрикли* деб берганлар. Бизнингча, *-кәли* қўшимчаси билан ясалган равишдошдир.
99. Баъзиларда: *Тамаг ыдуқ.*
100. С. Е. Малов ва Г. Айдаровда: вследствие свободы и независимости; ДТС, 177: являющийся своенравным. Бу таржималар *әркәли* билан *әрүр*ни бошқача тушуниш натижасидир. *Әр + кәлини әрк + ли* ва *әр + икли* деб тушунганлар, *әрүр* негизининг маъносини Маҳмуд Кошғарий аниқ берган: *әр әрди* — эр ёввойилашди. Бу иноқликнинг камлигидандир (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 151- бет).
101. Буни *қамашыг* деб ҳам ўқиганлар.

102. Бу С. Е. Малов ва Г. Айдаровда:  *илиги кәги;* П. М. Мелиоранскийда:  *бл̃г-ик (ли)г (и — ?).* Бизнингча, охирги и ортиқчадир.

103. *Қамшаг* (ёки *қамашыг*) ни исёнчи деб ҳам тушунишган.
104. Ўзгаларда: *ат анта.*
105. Ўзгаларда: у от ўшанда ўлди.
106. Буни *кишисиндә* деб ҳам ўқиганлар.
107. Буни *Огуз* деб ҳам ўқиганлар.
108. Ўзгаларда: *қамаштды.* Лекин бу туркий тилларнинг фонетик структурасига мос эмас.

109. Ўзгаларда: *Тонгра.*
110. С. Е. Маловда: После того как Кюль-Тегин отогнал их (т. е. вражеское войско, пришедшее раньше нас на позицию?), мы убили, преследуя (или окружив?), на похоронах Тонга-Тегина, героев из племени Тонгра, десять человек; Г. Айдаровда ҳам шу мазмун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

111. П. М. Мелиоранский ва Г. Айдаровда: *бәг.*

112. С. Е. Малов ва Г. Айдаровда: *қытымыз.* Маҳмуд Кошғарийда: *бәг ақынчы ақытты* — бек душманга бир гуруҳ аскар юборди (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 182- бет).

113. Шу сатр Ўрқун ва Текинларники билан чоғиштирилсин. *Балыққа бармады*ни Радлов тиклаган, лекин бу ерда шу жумла ўринсизроқ.

114. Навоий даврларида *йағыз* (кул ранг тусдаги от) ўрнида кўпроқ *ашҳаб* қўлланa бошлаган.

115. Қадимги туркийда ва эски ўзбек тилида ҳам *йаз* — баҳор, *йай* эса ёздир.

116. С. Е. Маловда: (Потом) мы отпустили (?) Кюль-Тегина, чтобы, он начальствовал (распоряжался) дома; П. М. Мелиоранскийда: Мы отослали Кюль-Тегина во главе беков. Г. Айдаровда ҳам шундай.

117. Буни *әрин* деб ҳам ўқийдилар.

118. П. М. Мелиоранскийда: в кочевке; С. Е. Маловда: на земле; Г. Айдаровда: в домах. Буларга *йуртнинг* „вайрона" маъносида ишлатилиши маълум бўлмаган: *йурт* — атталалу ва-р-рабъу ва-д-димани (яъни вайрона, ҳовли-жой, ҳовли қолдиқлари) (Аҳмад Рифъат нашри, III жилд, 5- бет).

119. *Ӧлгәли* деб ҳам ўқийдилар, лекин гап мазмуни *ӧлүгли* (ўлиши керак бўлган, ўлиши муқаррар) ўқишни талаб қилади.

120. Бу сўзни *әттә, әтидә* деб ҳам ўқиганлар. Аммо бундай ўқиш ҳам ёзув, ҳам тил нуқтаи назаридан тўғри эмас. Бу сўз *әтидә* деб ўқилади ва *әтид* (қийноққа солмоқ) феълининг равишдош формасидир. Бу феълни Маҳмуд Кошғарий қуйидагича изоҳлайди: *ол аны әтәтти* „ай анңаҳу авқаъаҳу фи муқа:са:ти-л-миҳна (яъни у уни меҳнат қийноғига солди) (Аҳмад Рифъат нашри, I жилд, 179- бет). *әтид-* мана шу *әтәт-* феълининг қадимийроқ ёки лаҳжа варианти бўлиши керак. Ҳозир ёш болаларга нисбатан қўлланадиган *әтәтә* ҳам шу феълдан бўлиши керак.

121. Буни *исийи* деб ҳам ўқиганлар.

122. Текинда: *әник.*

123. *Сангун* ҳозирги генералга тўғри келади.

124. Бу ердаги *кәргәксизни* „керак бўлмайдиган даражада", яъни „ортиғи билан" деб тушуниш керак.

125. Бу ҳақда қўшимча маълумот олиш учун қаранг: С. Г. Кляшторный, мазкур асар, 56—59- бетлар.

126. Буни дастлаб *бӧлән,* кейинчалик *болун* деб ўқиганлар. Қадимги ва ҳозирги кўпгина туркий тилларда о фақат биринчи бўғинда келишини ҳисобга олиб, биз уни *бӧлүн* деб ўқидик. Бу сўз тибетча *блон* (олий мартабали шахс, аъён) дейилади: С. Г. Кляшторный, мазкур асар, 126- бет, 234- изоҳ.

127. Ҳозирда *Соғд* мамлакат (жой номи), „*соғдақ*" суғд халқи тушунчасини англатади, деган фикр бор.

128. *Бәрчәкәр* дастлаб *бәрчәләр* деб ҳам ўқилган. С. Г. Кляшторний *бәрчәләр* вариантини маъқул кўради ва *Соғд бәрчәләрни* „Суғд муҳожирлари" деган маънода изоҳлайди. Унингча, *-ләр* кўплик қўшимчаси, *бәрчә* эса суғдча *парача* (ташлаб кетган) дандир (С. Г. Кляшторный, мазкур асар, 129- бет). В. Томсен буни форсларнинг туркий номи бўлса керак деб, тахмин қилади ва битигда халқ номларида -лар қўлланмаслигини ҳисобга олиб, уни *бәрчәкәр* деб ўқиган. И Маркварт бунинг асли *парсак әр* бўлиб, у суғд оташпарастларини билдирса керак деган. Бу ҳақда яна бошқа фикрлар ҳам бор. Маълумот учун қаранг: С. Г. Кляшторный, мазкур асар, 127—128- бетлар.

129. Олдин *Буқарақ улусни* Бухоро халқи ёки ўлкаси деб тушунилар эди. Ҳозир эса *Буқарақ Бухоро эмас, бухороликлар (соғдақ сингари) ва битигдаги Буқарақ улус* бухороликлар шаҳри деган маънода бўлиб, у Таласга нисбатан айтилган, чунки VI асрдаёқ у ерга бухороликлар бориб ўрнашган эди, деган фикр майдонга келди: С. Г. Кляшторный, мазкур асар, 129—131- бетлар.

130. Бу ердаги *Нәнг* оти форсча *нәк* (луғавий маъноси „яхши") нинг туркчалашган кўриниши дейилади.

131. Бу *Мақрач* деб ҳам ўқилади. *Мақарача* ҳиндча *маҳаражадан* деб тахмин қилинади: С. Г. Кляшторный, мазкур асар, 126- бет.

132. *Чықанни* „сангтарош" (Мелиоранский), „унвон" (Томсен) ва „хотин томондан жиян" (ДТС) деб изоҳлайдилар. Маъқулроғи Томсенникидир. Қиёсланг: Хоразмда *чықан* — дугона.

133. Бу битигтошнинг 3- қиррасидаги битиг (КIII).

134. Текинда шундай, ўзгаларда: *алқадымыз.*

135. *Тойнинг* „йиғин" маъноси ҳам бор. Ундан ташқари „аскаргоҳ" маъносидаги *той* сўзи ҳам бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

136. Мелиоранскийда: *тойғунгыз-да*
137. Мелиоранскийда: *экиг-дэ.*
138. Мелиоранскийда: *тиригдэкич (э).*
139. Мақбара девори назарда тутилган бўлса керак.

БИЛГА ХОҚОН БИТИГТОШИ

Бу мармар битигтош Элтариш хоқоннинг ўғли, Кул тигиннинг оғаси Билга хоқон (асл оти Хитой йилномаларида Мўғилон деб берилган) шарафига 735 йилда қўйилган. Билга хоқонни 734 йилда эллик ёшида ўз уруғларидан бири заҳарлаб ўлдиради.

Бу битигтош Кул тигинникидан 1 км жануби ғарбга ўрнатилган бўлиб, иккови бир вақтда топилган ва битигининг нашри ва таржималари Кул тигинники билан бирга амалга оширилган. Фақат С. Е. Малов алоҳида, лекин бошқа битиглар билан бирга нашр қилган. Билга хоқон битигтошининг шакли ҳам Кул тигинники сингари бўлиб, ҳажмда фарқ бор. Бўйи — 3 м 45 см, эни — 1 м 74 см, *қалинлиги* 72 см. Битигтош ағдарилиб уч бўлак бўлган ва Кул тигин битигтошига нисбатан кўпроқ нураб, битиги ҳам кўпроқ зарарланган.

Битиг 80 сатрдан иборат бўлиб, 41 сатри тошнинг юз томонига, 30 сатр (Ха, Хb) икки ён томонига (15 сатрдан), 7 сатри орқа—хитойча ёзув бор томонига, икки сатр (XI, XII) тошнинг тарошланган икки қиррасига битилган. Қолган икки қиррасидаги битиг ўчиб кетган. Аммо битигтошнинг ўнг ёнига ёзилган. Кул тигинникида чап ёнида. Қуйида юқоридаги тартибда битигтошнинг расмини ва асл текстини берамиз. Билга хоқон кичик битигининг (Ха) 1—7 сатрлари Кул тигин кичик битигининг 1—11 сатрларининг, Билга хоқон улуғ битигининг 3 — 23 сатрлари эса Кул тигин улуғ битигининг 1 — 30 сатрларининг айнан такроридир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

[illegible]

Xa

[illegible]

www.ziyouz.com kutubxonasi

[illegible]

Xb

[illegible]

www.ziyouz.com kutubxonasi



XI



XII



Xc

Транскрипция ва маэмуни:

(1) Тәнгри-тәг тәнгри[1] йаратмыш Түрүк Билга қаған[2] сабым: қаңгым түрүк билгә...нтъ амты ал... ты сир[3] тоқуз оғуз йидиник әр[4] күлүг бәгләри бодуны[5]... Түрүк тәнгри[6]...
Яъни:
Тангридай тангри яратмиш турк Билга хоқон нутқим: Отам турк доно ...нта энди ол... сир Тўқуз ўғуз ... (?) машҳур беглари халқи... турк тангри...[7].

(2) үзә қаған[8] олуртум, олуртуқума өлтәчичә сақыныҕма түрүк бәгләр бодун әгирип[9], сәбинип, тоқтамыш[10] көзи йүгүрүү[11] көрти бөдкә[12] өзүм олуруп бунча ағыр төрүг төрт булунгдақы (бодунуғ[13] әт) дим, үзә (көк тәнгри ас) [ра]
Яъни:
Узра хоқон бўлиб ўтиришимга орзуманд турк беклари, халқи атрофимга йиғилиб, севиниб, тўхтамиш (яъни ҳаракатсиз) кўзлари югуриб (яъни ўйнаб) боқди. Тахтга ўзим ўтириб, бунча оғир ҳукуматни, тўрт жиҳатдан халқни эпга келтирдим. Устда (кўк тангри, остда ...)

www.ziyouz.com kutubxonasi

(24)[14] йэти йигирми йашыма Тангут топа сvлэдим. Тангут бодунуғ буздум, оғлын, йу(туз)ын[15], йылқысын, барымын анта алтым, сэкиз йэгирми йашыма Алты чуб суғдақ...[16].
Яъни:
Ўн етти ёшимда Тангутга лашкар тортдим. Тангут халқини енгдим. Ўғлини, хонумонини, йилқисини, молини ўшанда олдим. Ўн саккиз ёшимда Алти чуб (олти вилоят) суғдақ и ...

(25) тапа сvлэдим. Бодунуғ анта буздум. Таб(ғач) онг тутуқ бэс тvмэн сv кэлти. Идэр[17] башда сvнгvшдvм, ол сvг анта йоққышдым, йэгирми йашыма, Басмыл ыдуқут[18] оғушум бодун эрти, арқыш ыдмаз тэйин сvлэдим, қ...т ичгэртим қал...[19] эбрv[20] кэлvртvм, эки отуз йашыма Табғач
Яъни:
Томонга қўшин тортдим. [У] халқни ўшанда тор-мор қилдим. Табғач Ўнг тутуқ беш туман (50 минг)лик қўшин [билан] келди. Идар бошда[21] жанг қилдим. У қўшинни ўшанда йўқ қилдим. Йигирма ёшимда, Басмил идуқут[22] қариндошим халқни айнитди[23], карвон юбормас деб лашкар тортдим. Қ...т таслим эттирдим. Қал... уйга келтирдим. Йигирма икки ёшимда Табғач

(26) тапа сvлэдим. Чача сэнгvн сэкиз тvмэн (сv бир)лэ сvнгvшдvм. Сvсин анта ӧлvртvм. Алты отуз йашыма Чик бодун Қырқыз бирлэ йағы болты. Кэм кэчэ чик тапа сvлэдим. Өрпэнтэ сvнгvшдvм. Сvсин санчдым, аз бодунуғ...м[24]... ичгартим[25]. Йэти отуз йашыма Қырқиз тапа сvлэдим. Сvнгvг батымы
Яъни:
томонга лашкар тортдим. Чача сангун, саккиз туман (80 минг) лик лашкар билан урушдим. Лашкарини ўшанда қирдим. Йигирма олти ёшимда Чик халқи Қирқиз билан душман бўлди. [Кам] дарёсини кечиб, Қирқиз томонга лашкар тортдим. Ўрпанда жанг қилдим. Лашкарини санчдим. Аз халқини...м... таслим эттирдим. Йигирма етти ёшимда Қирқиз томонга лашкар тортдим. Найза ботими

(27) қарығ сӧкvпэн[26] Кӧгмэн йышығ тоғ (а йоры)п Қырқыз бодунуғ уда бäсдым, қағанын бирлэ Сунга йышда сvнгvшдvм. Қағанығ ӧлvртvм. Элин анта алтым. Ол йылқа Тvргэс тапа Алтун йышығ аша Эртис ӧгvзvг кэчэ йорыдым. (Тvргэс бодунуғ) уда басдым. Тvргэс қаған сvси отча борча кэлти.
Яъни:
Қорни ёриб Кўгман (Саян) йишига кўтарилиб юриб, Қирқиз халқини уйқуда босдим. Хоқони билан Сунга йишдэ жанг қилдим. Хоқонини ўлдирдим. Давлатини ўшанда олдим. Ўша йилда Тургаш томонга Олтун (Олтой) йишни ошиб Эртиш дарёсини кечиб, юриш қилдим. Тургаш халқини уйқуда босдим. Тургаш хоқонининг қўшини ўтдай келди.

(28) Болучуда сvнгvшдvмиз. Қағанын, йабғусын, шадын анта ӧлvртvм. Элин анта алтым. Отуз йашыма Бас балық тапа сvлэдим. Алты йолы сvнгvшдvм... сvсин қоп ӧлvртvм. (Бэс бал)ық ичрэки нэ

www.ziyouz.com kutubxonasi

киши этин... vк йоқ vчvн киси балық (да ма) нга уқғалы кәлти[27]
Бәс балық аны vчvн озды, отуз артуқы:
Яъни:
Бўлучуда жанг қилдик. Хоқонини, Ябғусини, шодини ўшанда (ўша ерда) ўлдирдим. Давлатини ўшанда олдим. Ўттиз ёшимда Бешбалиқ[28] томонга лашкар тортдим. Олти марта жанг қилдим... Лашкарини бутунлай қирдим. Бешбалиқ ичидаги нэ киши этин ...ук(?)[29] йўқ учун киши шаҳардан менга, тушунгач[30], келди. Бешбалиқ шунинг учун омон қолди. Ўттиз

(29) бир йашыма карлуқ бодун бунгсыз әрvр барур әркәли[31] йағы болды. Тамғыдуқ[32] башда сvнгvшдvм. Қарлуқ бодунуғ öлvртvм, анта алтым... ...(?) Қарлуқ бодун ...(?) ... санчтым, о (луртум)[33]. Т(оқуз оғу)з мәнинг бодунум әрти, тәнгри йәр булғақын vчvн öдинг...
Яъни:
Бир ёшимда Қарлуқ халқи бениҳоя даражада бегоналашиб кетгач[34], душман бўлди. Тамғидуқ бошда жанг қилдим. Қарлуқ халқини ўлдирдим, ўшанда қўлга олдим... Қарлуқ халқи... санчдим, ўлдирдим... Тўққиз ўғуз менинг халқим эди. Фалак ва ер фитналик учун, замоннинг...

(30) куни тәгдvк vчvн йағы болты, бир йилқа тöрт йолы[35] сvнгvшдvм, әнг илки Тоғу балықда сvнгvшдvм. Тоғла öгvзvг йvзти[36] кәчип сvси... öкинти Антарғуда[37] сvнгvшдvм. Сvсин санчдым (әлин алтым), vчvнч (Чуш башынта) сvнгvшдvм. Тvрvк бодун адақ қамашты[38], йаблақ
Яъни:
куни етгани учун душман бўлди. Бир йилда тўрт марта жанг қилдим. Энг аввал Тўғу балиқда жанг қилдим. Тўғла[39] дарёсини суздн (?) кечиб лашкари... Иккинчи марта Антарғуда жанг қилдим. Лашкарини янчдим, давлатини олдим. Учинчи [марта] Чуш бошида жанг қилдим. Турк халқи оёқдан қолди. Ёмон

(31) болтачы әрти, оза йанйа[40] кәлигмә сvсин ағыт (т)ым, öкvш öлтәчи анта тирилти, анта Тонгра йи[41] алпағуты бир оғушуғ Тонга тәгин йоғ(ынта) әгирә тоқыдым, тöртvнч Эзгәнти Қадазда сvнгvшдvм. Сvсин анта санчдым, йабрытдым... барм... қырқ йашыма Мағы[42] қорған қышладуқда йут болды, йазынга
Яъни:
бўладиган эди, илгарилаб [бизникини], пароканда қилиб[43] келадиган лашкарини қайтардим. Кўп ўладиган ўшанда тирик қолди[44]. Ўшанда Тўнгра [нинг] жангчиси (?), паҳлавони, бир тоифани Тўнга тегин азасида қуршаб урдим. Тўртинчи [марта] Азганти Қадазда жанг қилдим. Лашкарини ўшанда (ўша ерда) санчдим, тинкасини куритдим[45]... барм (?)... Қирқ ёшимда Маги Қўрған [да] қишлаган [имиз] да ют бўлди. Баҳорда

(32) Оғуз тапа сvләдим, илки сv ташықмыш әрти, экин сv әбдә әрти. Vч оғуз сvси баса кәлти. Адақ йабиз болты[46] тәп алғалы кәлти,

www.ziyouz.com kutubxonasi

сынгар сvси әбиг барқығ йулғалы барды, сынгар сvси сvнгvшгәли кәлти, биз аз әртимиз, йабыз әртимиз. Оғ(уз)...т йағ...кvч[48] бәртvк vчvн анта санчдым,

Яъни:

Ўғуз томонга лашкар тортдим. Биринчи лашкар йўлга чиққан эди, иккинчи лашкар уйда эди, уч оғуз лашкари босиб келди. Яёв ночор бўлди деб, олгали келди. [Бир] ён лашкари уйни, ҳовли[лар]ни бўшатгани[49] кетди, [бир] ён лашкари жанг қилгали келди. Биз оз эдик, ночор эдик. Ўғуз ...т йағ... куч бергани учун ўшанда санчдим,

(33) йанйдым, тәнгри йарлықадуқ vчvн, мән қазғандуқ vчvн Тvрvк бодун қазғанмыш әринч, мәнинг әл-гv[50] бунча бошлаййу қазғанмасар, тvрvк бодун ӧлтәчи әрти, йоқ болтачы әрти. (тvрvк). бәгләр... сақынынг, анча билинг[51] ... оғуз бо(дун)...д... ыдмайын тәйин сvләдим.

Яъни:

пароканда қилдим. Тангри ёрлиқагани учун, мен муваффақият қозонганим учун Турк халқи қозонди, шекилли. Мен билан (мен томондан) давлат-ку бундай бошқарилмаса[52], Турк халқи ўлажак эди, йўқ бўлажак эди. Турк беклари... ўйланг, шундай билинг... Ўғуз халқи... У . . . юбормай деб, лашкар тортдим.

(34) әбин барқын буздум. Оғуз бодун, Тоқуз татар бирлә тәрилип кәлти. Ағуда эки улуғ сvнгvш сvнгvшдvм, сvсин буздум, әлин анта алтым, анча қазғанып... тәнгри йарлықадуқ vчvн ӧ(зvм) отуз артуқы уч... оқ әрти...?[53]

Яъни:

уй-жойини буздим. Ўғуз халқи Тўққиз татар билан йиғилиб келди. Ағуда иккита катта жанг қилдим. Лашкарини буздим, давлатини ўшанда қўлга киритдим. Шунча [муваффақият] қозониб тангри ёрлиқагани учун ўзим ўттиз уч . . . оқ эди. ...?

(35) иғидмиш қа [ғаны йа] нгылты[54],vзә тәнгри, ыдуқ йәр суб... қаған қуты тапламады әринч, тоқуз оғуз бодун йәрин субын ыдып Табғачғару барды. Табғач... бодун . . . йәрдә кәлти, игидәйин тәйин . . . бодун ... .

Яъни:

тарбият қилган хоқони адашди. Юқорида тангри, муқаддас ер-сув (ватан) ... хоқон қути (руҳи) рози бўлмади, шекилли[55], Тўққиз ўғуз халқи ерини, сувини ташлаб, Табғачга кетди. Табғач . . . халқ... ердан келди. Тарбият қилайин деб, . . . халқ ...

(36) йазуқлат... бирийә Табғачда аты куси йоқ болты. Бу йәрдә манга кур[56] болты. Мән ӧзvм қаған[57] олуртуқум vчvн Тvрvк бодунуғ[58] ... о(ёки v) ...(ә)ри қылмадым. Элиг тӧрvг йәгәди[59] қазғантым ыд . . . тәрилип[60] (ә)й...

Яъни:

гуноҳкор қил... Жанубда Табғачда оти, донги йўқ бўлди. Бу ерда менга [олий] мартабага [насиб] бўлди. Мен ўзим хоқон бўлиб ўрнашганим учун Турк халқини . . . у (ў)...ри қилмадим. Давлатни, ҳукуматни яхшилаб эгалладим ид... йиғилиб, й...

www.ziyouz.com kutubxonasi

(37) (анта сvнг) vшдvм. Сvсин санчды, ичикигмә ичикди, бодун болты. Өлvгмә өлти. Сәләнгә қоды йорыпан қарғун[61] қыслата[62] әбин[63] барқын анта буздум. Йышқа ағды. Уйғур Элтәбәр йvзчә әрин илгәрv т...[65]..
Яъни:
Ўша ерда жанг қилдим. Лашкарини санчдим. Таслим бўладиган таслим бўлди, [менга] халқ (фуқаро) бўлди. Ўладиган ўлди. Саланга [дарёсига] қуйи тушиб, постни бостириб, уй-жойини буздим. Йишга кўтарилди. Уйғур Элтабар юзтача эр билан шарққа т...

(38) ... тvрvк бодун ач әрти, ул йылқығ[66] алып[67] әгит(т)им. отуз артуқы тöрт йашыма Оғуз тәзип Табғачқа кирти. Öкvнvп сvләдим. Суқын...(оғ)лын, йутузын анта алтым, әки Элтәбәрлиг бодун...
Яъни:
Турк халқи оч эди. Миниладиган чорвани[68] олиб, боқдим. Ўттиз тўрт ёшимда Ўғуз қочиб Табғачга қўшилди. Ўкиниб лашкар тортдим...? ... боласини, бекасини ўшанда олдим. Икки Элтабарлиг халқ...

(39) Татабы бодун Табғач қағанқа кәрти. Йалабачы[69] әдгv Сабы öтvги кәлмәз тәйин йайын сvладим. Бодунуғ анта буздум, йылқ... сvси тәрилип кәлти. Қадырқан йышда[70] қон...
Яъни:
Татаби халқи Табғач хоқонига қарам бўлди. Элчиси, яхши сўзи, арзи доди келмаётир деб ёзда лашкар тортдим. Халқини мағлуб қилдим. Чорва ... Лашкари йиғилиб келди. Қадирқан йишда қўн...

(40) ...ғақынга, йәрингәрv, субынгару қонты, бирийә Қарлуқ бодун тапа сvлә тәп тудун Йамтарығ ыт(т)ым барды... йоқ болмыш иниси бир...
Яъни:
... — ғақига (?), ер-суви томонга қўнди. Жанубга қарлуқ халқи томонга лашкар торт деб тудун Йамтарни жўнатдим. Кетди... йўқ бўлибди. Иниси бир...

(41) ... арқыш кәлмәди[71], аны анйытайын тәп сvләдим. Қурғу[72] әки vч кисилигин[73] тәзип барды. Қара бодун қағаным кәлти тәп, öг...қа ат бәртим. Кичиг атлығ...
Яъни:
Карвон келмади. Уни ҳушёр қилиб қўяй деб, лашкар тортдим. Енгилтак икки-уч кишиси[74] билан қочди. Қора (оддий) халқ Хоқоним келди деб мадҳ қил... га от бердим. Кичик отлиқ...

Ха

(1) Табғач атлығ сvси бир тумән артуқы йәти бинг сvг илки кvн öлvртvм, йадағ сvсин әкинти кvн қоп ... лип бард[ы]...
Яъни:
Табғачнинг отлиғ лашкари[ни] ўн етти минг[лик] лашкарни биринчи кун ўлдирдим. Яёв лашкарини иккинчи кун бутунлай... либ кетди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

(2) йолы сvлəдим, отуз артуқы сəкиз йашыма қышын Қытаӣ тапа сvлəдим...[75]. [йа] шыма йазын Татабы тапа сvлəдим...
Яъни:
марта лашкар тортдим. Ўттиз саккиз ёшимда қишда Қитан томонга лашкар тортдим... ёшимда Татаби томонга лашкар тортдим...
(3) мəн . . . олvртvм, оғлын, йутузын, [йы] лқысын, барымын...
Яъни:
Мен . . . ўлдирдим. Боласини, бекасини, чорвасини, молини...
(4) бодун . . . йутузын йоқ қылтым...
Яъни:
Халқ . . . бекасини йўқ қилдим.
(5) йөр...
Яъни:
юр...
(6) сvнгvшдvм. . . . vчvн...
Яъни:
жанг қилдим. . . . учун...
(7) бəртим, алп əрин өлvрvп балбал қылv бартым, əлиг йашыма Татабы бодун Қытанӣда одақығ . . . қ . . . [Тv]нгкəр тағқа
Яъни:
бердим. Баҳодир жангчи[лар]ини ўлдириб, балбал қилиб бердим. Эллик ёшимда Татаби халқи Қитандан оёғини . . . қ . . . Тункар тоғда.
(8) Қуғ сəнгvн башаду төрт тvмəн[76] сv кəлти. Тунгкəр[77] тағда тəгин тоқыдым. Уч тvмəн сvг [өлур] тvм, би[р тvмəн] . . . əрсəр . . . өктvм. Татабы:
Яъни:
Қуғ Сангун бошлаб тўрт туман [40000] [лик] лашкар келди. Тункар тоғда ҳужум қилиб зарба бердим. Уч туман лашкарни ўлдирдим. Бир тумани эса... тушундим. Татаби...
(9) өлvрти, улуғ оғлум ағрып йоқ болуча[78] Қуғ сəнгvнvг балбал тикə бəртим. Мəн тоқуз йəгирми йыл шад олуртум, тоқуз йəгирми йыл қаған олуртум, əл тутдум. Отуз артуқы бир...
Яъни:
ўлдирди. Беш болам касал бўлиб, нобуд бўлишига Қуғ сангунни балбал қилиб тикиб қўйдим. Мен ўн тўққиз йил шод бўлиб турдим. Ўн тўққиз йил хоқон бўлиб турдим, давлатни тутиб турди. Ўттиз бир...
(10) Тvркvмə бодунума йəгин анча қазғану бəртим[79], бунча қазғанып қангым қаған ыт йыл онунч ай алты отузқа уча барды. Лағзын йыл бəсинч ай йəти отузқа йоғ əртvртvм. Буқағ тутуқ...
Яъни:
Туркимга, халқимга яхшиликни ўшанча қозониб бердим. Шунча қозониб, отам хоқон ит йили ўнинчи ойда[80] йигирма олтида вафот этди. Тўнғиз йили бешинчи ой[81] йигирма еттида йўғ (дафн маросимини) қилдир...

www.ziyouz.com kutubxonasi

(11) манга Лисунг Тай сәнгvнг башаду бәс йvз әрин кәлти. Қоқулуқ о... алтун, кvмvс... кәргәксиз кәлvрти. Йоғ йыпарығ кәлvрvп тикә бәрти. Чынтан ығач кәлvрvп өз йараш...
Яъни:
Менга Лисун Тай сангун бошлаб беш юз эр билан келди. Тутатқи ў... олтин, кумуш ортиғи билан келтирди. Йўғ ифорини (ифори шамларини ёки тутатқиларни) келтириб ўрнатиб берди. Сандал ёғочи келтириб ...?...?...

(12) *бунча бодун сачын*, қулқақын, йа [нгақын] [б]ычды. Эдгv өзлvк[82] атын, қара кисин, көк тәйингин сансыз кәлvрип қоп қот(т)ы
Яъни:
шунча халқ сочини, қулоғини, янгоғини кесди. Яхши боқимдаги шахсий отларини, қора киш[лар]ни, кўк тейин[лар] (олмахон)ни сонсиз келтириб, барини қўйиб кетди.

(13) тәнгри-тәг тәнгри йаратмыш Тvрvк Билгә қаған сабым: қангым Тvрvк Билгә қаған олуртуқунта Тvрvк амты[83] бәгләр ... кисрә Тардуш бәгләр Кvл чор башлайу улайу шадапыт[84] бәгләр өнгрә Төлөс бәгләр апа тарқан ...
Яъни:
Фалакдай тангри яратмиш Турк доно хоқон сўзим: *Отам турк* Билга хоқон бўлиб ўтирганда Турк, энди, беклар... сўнгра Тардуш беклари Кул чўр бошлиқ кейинги шадапит беклар, ол..инда Тўлас беклари, апа тархон ...

(14) башлайу улайу шадапыт бәгләр ... *Туман тарқан, Тонйуқуқ,* Бойла баға тарқан улайу буйруқ ... ич буйруқы, Бәг Кvл, Ырқан башлайу буйруқ[85] бунча амты бәгләр қангым қағанқа әртингv
Яъни:
бошлаб кейин шадапит беклар ... Туман тархон, Тўнюқуқ, Бўйла баға тархон, кейин буйруқ ... ич буйруқи Бег Кул, Иркин бошлиқ буйруқ, бунча, энди, беклар отам хоқонга бениҳоя

(15) әртингv әти мағ... *Тvрvк бәгләрин бодунун* әртингv әти, мағ әтди, өрди... (қангым) қаған ... (ағыр ташығ) йоғанмыш[86] Тvрvк бәгләр бодун ... өзvмә бунча...
Яъни:
бениҳоя этиб, мақтов ... Турк бекларин, халқин бениҳоя этиб мақтов қилди, сано айтди... (Отам) хоқон... (қийматли тошни) йўғ қилган Турк беклари, халқи... ўзимга бунча...

Хв

(9)[87] Қаған ачым қаған олуртуқунта торт булунгдақы бодунуғ бунча... тәнгри йарлықадуқ vчvн өзvм олуртуқума төрт булунгдақы бодунуғ этдим, йаратдым... и(ы)... қылтым, мән Тvргәс қағанқа қызымын... әртәнгv улуғ төрvн алы бәртим. Тур[88] [гәс қағанынг]
Яъни:
хоқон, амаким хоқон бўлиб турганда тўрт жиҳатдаги халқни бунча... тангри ёрлиқагани учун ўзим [хоқон бўлиб] турганимда тўрт жиҳатдаги халқни тузатдим, тикладим... қилдим. Мен Тургаш хоқонга қизимни бениҳоя улуғ маросим билан олиб бердим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(10) қызын әртәңгү улуғ төрүн оғлыма алып бәртим, й... әртүртүм ту...баз...[89] башлығығ йүкүнтүртүм, тизлигиг сөкүртүм, үзә тәңгри, асра йәр йарлықадуқ үчүн...

Яъни:

Қизини бениҳоя улуғ маросим билан ўғлимга олиб бердим. Й... бажо келтирдим, ту...эл қилдим, боши борни таъзим эттирдим, тиззаси борни чўккалатдим. Тепада фалак, пастда ер ёрлиқагани учун...

(11) көзүн көрмәдүк, қулқақын әсидмәдүк бодунум илгәрү күн то[ғсықыңга] ...., биргәрү [Табғач]қа, қурығару . . . үрүңг күмүшин, қырғағлығ қутайын, экинлиг исигтисин, өзлүк атын, адғырын, қара к(исин)

Яъни:

Кўз билан кўрмаган, қулоқ билан эшитмаган халқим шарққа кунчиқарга ... жанубга — Табғачга, ғарбга . . . оқ кумушини, қирғоғли ипагини, экиндан қилинган ичкилигини, боқимдаги отини, айғирини, қора кишини...

(12) көк тәйиңгин Түркүмә, бодунума қазғану бәртим, әти бәртим... буңгсуз қылтым... әрклиг... анча түмән оғлы... йалыман... өн... әриг бо...

Яъни:

Кўк тейинини Туркимга, халқимга эгаллаб бердим, [ҳаммасини] қилиб бердим... ташвишсиз қилдим... эркли... ғорат... ...? ...? ...?

(13) йәмә игидиңг, әмгәтмәңг[90], толғатмаңг! Өлүртүм Түрүк бәгләр, Түрүк бодунум...т бәртим... амты қа ташығ... қазғанмыс[91] ағымын Туруқ бодун. ...ы (и) бу қағаныңгда бу бәгләриг (дә субыңгда адрылмасар Түрүк бодун)

Яъни:

Ҳамда тарбият қилинг, қийнаманг, ҳаяжонлантирманг! Мен яшадим[92] Турк беклар, Турк халқим... т бердим... Энди соғона[93] тошни... Орттирган дебомни Турк халқи ...и. Бу хоқонингдан, бу бекларингдан, ерингдан, сувингдан айрилмасанг, Турк халқи,

(14) өзүңг әдгү көртәчи-сән, әбиңгә киртәчи-сән, буңгсуз болтачысан... кисрә Табғач қағанта бәдизчи[94] кәлүртүм, мәниңг сабымын сымады . . . ичрәки бәдүзчиг ыты аңгар ташығ[95] барқ [ығ] йаратдым ичин ташын адынчығ бәдиз ур...

Яъни:

Ўзинг эзгулик кўражаксан, уйингга киражаксан, беташвиш бўлажаксан. . . . сўнг Табғач хоқондан наққош келтирдим. Менинг сўзимга шикаст еткизмади... Ички (саройдаги) наққошни юбориб, унга тошни, иморатни ясаттирдим. Ичини, тошини алоҳида нақшла [тдим]...

(15) Оноқ оғлыңга, татыңга тәги буны көрү билиңг: бәңгү таш тоқытдым... тоқытдым, битидим, бу . . и таш барқын . . .

Яъни:

Ўнўқ ўғлига тотига қадар буни кўриб билинг: мангу тош ўйдирдим... ўйдирдим, ёздим. Бу . . . тош иморатни...

www.ziyouz.com kutubxonasi

XI

Билгә қаған б (итигин) Йоллуғ тәгин битидим, бунча барқығ бәдизиг узуғ . . . қаған атысы Йоллуғ тәгин мән ай артуқы тӧрт кvн олуруп битидим, бәдизтим...
Яъни:
Билга хоқон битигини Йўллуғ тегин ёздим. Бундай иморатни, нақшни, санъатни... хоқон биродарзодаси Йўллуғ тегин мен бир ою тўрт кун ўтириб ёздим, нақшладим...

XII

...ӧӊгvг йоғуру[95] су йорып тvнли кунли Йәтә ӧдушкә сvбсыз кәндим. Чорақка тәгип йолаға... Бәс кәчәнкә тәги...
Яъни:
...олдинни мўлжаллаб, лашкар тортиб тун-кун, Етти ўдушга[97] сувсиз кечдим. Чорақка ҳужум қилиб, сўқмоқ[98] билан Беш качанга қадар...

Xc

(1) ...vзә...
(2) Билгә қаған у (ча барды)...
(3) йай болсар, vзә тәӊгри
(4) кӧбvргәси[99] тәрчә д...
(5) тағда сығун тә [з] сәр
(6) сақынур -мән қаӊгым қаған ...
(7) ташын ӧзvм қаған ...
Яъни:
(1) ...юқорида...
(2) Билга хоқон учиб кетди (вафот қилди)
(3) Ёз бўлса, юқорида фалак
(4) тоқи[100]? д ...
(5) тоғда кийик чопса
(6) ўйлайман отам [хоқон] ни
(7) тошини ўзим хоқон...

ИЗОҲЛАР

1. Айдаровда: *тәӊгридә*
2. Малов нашридаги урхун текстида хато равишда ан ҳарфи ўрнида ўқу ҳарфи босилган. Мелноранскийда ан босилган (3- таблица).
3. Мелиоранский ва Маловда: *(а)л.:. тыс^{2}ы әр;* Айдаровда: *л...аты әсир*. Бизнингча, л билан ты орасидаги ўчиб кетган ҳарфлар пн, аг, ўқу бўлса керак. Агар шундай бўлса, бу ерда *алпағуты* (паҳлавонлари) сўзи бўлади. *Сир* сўзи эса Кул тигин битигида ҳам *бодун* сўзи билан бирга учрайди, лекин маъноси қатъий аниқланган эмас.
4. Бу сўзнинг ўқилиши ҳам, маъноси ҳам ноаниқ. Маъноси „содиқ эр“ деб тахмин қилинган. Томсен *ики әдизкәр* деб ўқиган.
5. Малов нашридаги урхун текстида хато равишда ан ўрнида ўқу ҳарфи босилган (Мелиоранскийда ан босилган).
6. Айдаров охирги икки сўзни ўзича 2- сатрга ўтказган. Бошқа ўринларда ҳам шундай қилиб текстни бузган.
7. Маловда: Когда мой отец тюркский мудрый (Бильга) (Каган, воссел на трон), то ... теперь... мужи, приверженные к нему мужи из токуз-огузов, его знаменитые, беги и его народ (выразили ему своё почитание)... (После смерти моего отца, по воле тюркского неба и тюркской священной Родины)... Айдаровда „теперь“дан „токуз“ гачаси „названные пленные“ деб ўзгартирилган.
8. Малов нашридаги урхун текстида хато равишда ақ ўрнида әт, ан ўрнида ўқу ҳарфи босилган. Мелиоранскийда тўғри босилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

9. Радлов-Мелиоранский *йугуруп* деб ўқиган; ўзгаларда *эгирип*. Биз бу сўз бошида ўқу ҳарфи бўлмагани ва Маҳмуд Кошғарийда унинг ўзагининг биринчи товуши э *(эгир-)* деб берилганини ҳисобга олиб *эгирип* деб ўқидик.

10. Радлов-Мелиоранскийда: *тостамыш*. Урхун текстида ҳам ақ ўрнида ас ҳарфи босилган.

11. Текинда *йvг (г) эрv;* Айдаровда: *йоқару;* ўзгаларда: *йўгэрv*.

12. *Бўд* „тахт" деб таржима қилинади. Аслида *бу бд* (бу замон). Яна шу ҳақда қаранг: Клосон луғати. 298.

13. Ўзгаларда: *бодунға*.

14. Бу битигниг 3—23- сатрлари Кул тигин битигининг 1—30- сатрларининг айнан такрори бўлгани учун тушириб қолдирилган. Айдаров ҳатто шу ерда ҳам 2- сатр охиридаги учта сўзни 24- сатр бошига кўчирган.

15. Буни *йотаз* деб ҳам ўқиганлар.

16. Ўзгаларда: *соғдақ*. Бундай ҳолларда у ўрнида о талаффуз қилиш ҳозирги эрон форсларига хос. Қадимги суғд, ҳатто ҳозирги тожик, кобулий, форсий ва туркий тилларда о эмас, у бўлади. *Суғдақ* ни Маҳмуд Кошғарий қуйидагича изоҳлайди: „қавмун назалу: Баласағун ва ҳум мина-с-Суғд аллати: байна Буха:ра: ва Самарқанд илла: иннаҳум тазаййў: би-зиййи-л-атра:к ва тахаллақу: маъаҳум — Баласағунда ўрнашган бир халқ. Улар Бухоро билан Самарқанд оралиғидаги Суғддандирлар. Бироқ улар туркларнинг кийим-кечагини қабул қилганлар ва уларнинг урф-одатини ўзлаштирганлар". *Суғдақнинг* асли суғдча *суғдық* (суғдий — Суғдли) дандир. Ҳозирги тожик тилидаги сифат ясовчи -ий қадимги туркий тилда -иқ, -иғ шаклларида бўлган. *Алты чуб суғдақ* ҳақида қаранг: С. Г. Кляшторный. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии, изд-во „Наука", М., 1964, стр. 78—80, 93—94.

17. Хорижда: *ыдуқ*.

18. Текинда: *ыдуқ (қу) т*.

19. Баъзиларда *қалынынг* деб тикланган.

20. Текинда: *эбирv*.

21. Бу ердаги *бош* сўзи чўққи, баландлик маъноларида бўлиб, жой номлари таркибида кўп учрайди. Ҳозирги „Тулкибош" топонимидаги „бош" ҳам шундай.

22. Бу сўз уйғур ҳукмдорларининг унвони дейилади. *Басмил* қабила номи ва бу ўринда аниқловчи бўлиб келган. Малов буни тенг боғланган бирикма сифатида таржима қилган. Айдаров тўғри таржима қилган.

23. Ўзгалар *эрди* ни эди деб тушунганлар. Маҳмуд Кошғарий „раҳна солмоқ". „бегоналашмоқ" маъносидаги *эр-* феъли борлигини айтиб ўтган (Аҳмад Рифъат нашри, 1- жилд, 151-бет).

24. Текин *алтым* деб тиклаган.

25. Радлов-Мелиоранский нашрида ҳам, Малов нашрида ҳам бу сўзнинг бошида эл ҳарфи босилган. Айдаров транскрипцияда бу сўзни тушириб қолдирган.

26. Маловда *сӧкшэн* деб хато босилган. Айдаров бу матбаа хатосини айнан такрорлаган.

27. Ушбу гап Ўркун ва Текиндаги билан қиёслансин.

28. *Бешбалиқ* таркибидаги *балиқ* қалъа, шаҳар маъносида. Маҳмуд Кошғарий Бешбалиқни уйғурларнинг энг катта шаҳри дейди.

29. Текстнинг бу ерининг ўқилиши ҳам, мазмуни ҳам ҳануз аниқ эмас.

30. Ўзгаларда: *бўйсунгани*.

31. Ўзгаларда: *эркли*.

32. *Тамағ ыдуқ* деб ҳам ўқиганлар.

33. *Алтым* дан бу ёғи Ўркун ва Текиндаги билан қиёслансин.

34. Бу ибора Кул тигин битигининг 41- сатрида ҳам бор. Таржимадаги ихтилофлар ўша сатрга оид изоҳларда берилди.

35. Малов нашрининг урхун текстида и ҳарфи остин-устун ва чаппасига босилган, натижада у ал ҳарфига айланган. Радлов ва Мелиоранский нашрида тўғри босилган.

36. Равишдошдан олдин замон формаси келиши нормал ҳол эмас. Шунинг учун олдинги ноширлар мазкур сўзни *йvэти* деб ўқиб, бу ҳам равишдош бўлса керак деган мақсадда қавс ичида савол аломати билан *йvзэти* вариантини ҳам берганлар. Лекин бу масалa нуқтаи назаридан нотўғри. Буни *йуз эти* деб ўқиш мумкин (28- сатрдаги *этик* билан қиёсланг). Лекин иегизи *эт* ёки *эти* бўлиши ва қандайдир амални билдириши керак, лекин аниқ маъноси бизга маълум эмас.

37. Бу *анта Урғу* деб ҳам ўқилган. Бироқ, бундай ўқиш гап мазмуни ва урхун имлоси нуқтаи назаридан

www.ziyouz.com kutubxonasi

38. Текинда: *қамшатти*.
39. *Туғла* — Урхун дарёсига қуйиладиган сув Ҳозир Тола деб юритилади.
40. Радлов-Мелиоранскийда *инйи*, Малов нашрининг урхун текстида эса бу ҳарф ўрнида хато равишда ас ҳарфи босилган.
41. Эй ва и ҳарфларидан иборат бу сўзни *йи* ёки *эйи* деб ўқиш мумкин. Лекин *эйи* сўзининг бор-йўқлиги номаълум. Маҳмуд Кошғарийда „қалин" ва „зич" маъноларида *йи* сўзи берилган. *Қалин* сўзи қўшинга, жамоатга нисбатан ишлатилади, шунинг учун бу ерда *йи* сўзи *қалин* ўрнида ишлатилган бўлиши мумкин. Аммо битигтошда аслан эй ўрнида эр ҳарфи бўлган бўлиши мумкин. Унда бу сўз *эри* (эри, яъни жангчиси) деб ўқилади. Ўзгалар буни кейинги сўзга қўшиб *йылпағуты* деб ўқиганлар. Мелиоранский буни турдош от сифатида *йылпағу (тов)* деб таржима қилган; Малов *Тонгра йылпағут*ни бир кишининг оти, Айдаров *йылпағут*ни „титул" (унвон) деган.
42. *Йабрытды*мдан бу ёғи Урқун ва Текинлардики билан қиёслансин.
43. Ўзгалар *йанйаны* „ёнлаб" деб таржима қилганлар. Бу *йані-йаі-* (ёймоқ, пароканда қилмоқ) феълининг қадимги кўринишидир.
44. *Тирил* феълининг яшамоқ, тирик бўлмоқ маъноси бор.
45. Маҳмуд Кошғарийда *йабрыт-* феъли *йаврыт* шаклида берилган: *ол аны йаврытты* — ай аннаху хаввараху ва даъъафаху (яъни у унинг тинкасини қуритди, уни кучсизлантирди) (А. Рифъат нашри. II жилд, 283- бет).
46. *Суси* дан кейинги сўзлар Радлов ва Мелиоранский нашрида *башы болти*, *йадағы баз болты* деб берилган. Шу хато ўқишнинг қолдиғи сифатида кейинги нашрларда *йадағ* сўзига орттирилган ы қолган. Айдаров, бундан ташқари, яна *йабыз* ни *йабсыз* деб берган.

47. Ўрқунда: *олғалы*, *йулғалы* ва *сӱнгӱшгэли* нинг ўрнида *алырлы*, *булуғлы* ва *сӱнгӱшӱгли* деб берилган.

48. Баъзиларда: *тэнгри кӱч*.
49. *Йул-* феълининг „бўшатмоқ маъноси бор. Маҳмуд Кошғарий *йулды* ни „факка" (бўшатди, холи қилди) деб таржима қилади. (А. Рифъат нашри, III жилд, 47- бет.)
50. Ўзгаларда: *мэн энилигу* (Радлов ва Мелиоранский); *мэн инилигу* (Малов); *мэн инилиги* (Айдаров). Шу бирикмага берилган тахминий маъно контекстга тўғри келса ҳам, сўз формаси жиҳатдан ўринсиздир. Шунинг учун биз буни урхун имлосига мос равишда *мэнинг* (*мэн*нинг восита формаси) *эл* (давлат) *гӱ* (юклама. Бу юклама Кул тигин кичик битигининг 11- сатрида ҳам учраган эди) деб ўқидик.
51. Малов нашрининг урхун текстида эл ҳарфи ўрнида хато равишда чи ҳарфи босилган. Мелиоранский нашрида тўғри босилган.
52. Мелиоранскийда: Не из себя любия я приобретал; Маловда: Если бы я не приобретал с большим усердием (желанием); Айдаровда ҳам шундай.
53. Биз транскрипцияда ташлаб кетган ўринни олдинги ноширлар *Ӧдсэг ӧтӱлэг кӱч* деб ўқиб „Временным могуществом" деб таржима қилганлар. Бундай ўқишга на лексик, на грамматик асос йўқлиги учун буни қабул қилиб бўлмайди.
54. Малов нашрининг урхун текстида *игидмиш* дан кейин хато равишда эт ҳарфи ва ундан кейин уч нуқта босилган.
55. Ўзгалар *куты* ни тўлдирувчи деб тушунганлар. Бизнингча, у ҳам гапнинг эгаси.
56. Чет эл нашрларида: *қул*.
57. Малов нашрининг урхун текстида хато равишда ақ ҳарфи ўрнида эт ҳарфи босилган.
58. Малов нашрининг урхун текстида аг ҳарфи тушиб қолган.
59. Текинда: *йэгди*.
60. Малов нашрининг урхун текстида ин ҳарфи ўрнида хато равишда ал ҳарфи босилган.
61. Томсен буни *қарағын* деб ўқиган ва қуйидагича морфемага ажратган: *қараг* (талончилик) + *ы* (эга лик қўшимчаси) + *н* (тушум қўшимчаси); Радлов ва Мелиоранский *қурған* (қўрғон). Малов *қарағын* деб ўқишни маъқул кўрган, лекин Малов *қараг* (зўр) + *ын* (восита қўшимчаси) деб тушунган. *Қарғун қарғу (й)* нинг фонетик вариантидир (Клосон луғ ати, 653- бет). *Қарғу* ва *Қарғуй* ни Маҳмуд Кошғарий тепага ёки бирор баланд жойга минора шаклида қурилган бир нарса бўлиб, душман пайдо бўлганда унга ўт ёқиб, душманга қарши ҳозирлик кўриш учун хабар қилинади, деб изоҳлайди (А. Рифъат нашри, II жилд, 356- бет; III жилд, 183- бет).
62. Буни *қысалама* ва *қысылма* деб ҳам ўқиганлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

63. *Малов нашрининг* урхун текстида **әб** ҳарфи ўрнида хато равишда **ат** ҳарфи босилган.

64. Маловда әт ҳарфи ўрнида хато равишда **аӈ** ҳарфи босилган.
65. Баъзиларда: *т* [әзин барды?]
66. Маловда **ал** ҳарфи тушиб қолган.
67. Маловда **пи** ҳарфи ўрнида **и** ҳарфи босилган.

68. Ўзгалар биз *ул* деб ўқиган сўзни *ол* деб ўқиб „те табуны" деб таржима қилганлар. Лекин бу контекстда кўрсатиш олмоши ўринсиздир. Маҳмуд Кошғарий *ул* ни пойдевор деб, *йылқы* ни „албаҳа: йим, исмун жа:миъун ли-заваːти-л-ъар-баъа ажмаъу" (чорва, тўрт оёқлиларнинг ҳаммасининг умумий номидир) (А. Рифъат нашри, III жилд, 25- бет) деб изоҳлайди. Бундан *ул йылқы* „миниладиган чорва" маъносини англатади деган хулосага келиш мумкин.

69. Малов нашрининг урхун текстида **ал** ҳарфи ўрнида хато равишда **и** ҳарфи босилган.

70. **-да** қўшимчаси рус нашрларида бор.

71. Чет эл нашрларида: **уәлмәди.**

72. Ўзгалар буни *қорғу* ва *қоруғу* тарзида ўқиганлар ва „кўркиб" деб таржима қилганлар. Бу ҳолда *аг ҳарфи ўрнида ақ ҳарфи бўлиши керак эди.* Маҳмуд Кошғарийда *Қурғу әр* (енгилтак киши) бор.

73. Чет эл нашрларида охирги ҳарф **әз** эмас, **ўқ**дир, шунинг учун *кашилгv* деб ўқиганлар.

74. Радлов ва Мелиоранскийда: киш (соболь) билан.
75. Баъзи нашрларда *отуз артуқы тоқуз* деб тикланган.
76. Малов нашрининг урхун текстида **ән** ҳарфи ўрнида **зи** ҳарфи босилган.
77. Чет эл нашрларида: *Тöнкәш.*
78. Буни *болча* деб ҳам ўқиганлар.
79. *Маловда* **ми** *ҳарфи ўрнида* **ад** ҳарфи босилган.
80. 734 йил декабрь — 735 йил январи.
81. 735 йил июль — августи

82. Ўзгаларда *öзләк.* Бу сўз Маҳмуд Кошғарий „Девон"ида бир неча ерда замон маъносида келган. *Öзләк* сўзини эса Маҳмуд Кошғарий „алмуқрабату мина-л-хайл ва каза: — лика куллу шай, ин хассаҳу-р-ражулу ли-нафсиҳи" (отларнинг боқимдагиси, шунингдек, киши шахсан ўзи учун ажратиб қўйган ҳар қандай нарса) деб изоҳлайди (А. Рифъат нашри, III жилд, 323- бет).

83. Текинда: *маты.*
84. Текинда: *шадпыт.*
85. Баъзи нашрларда бу сўздан олдин *улайу* сўзи бор.
86. Ўзгалар буни *йоғынмыш* тарзида ўқиб „эъзозлаган" деб таржима қилганлар.
87. 1 — 8- сатрлар ёдноманинг нураши натижасида йўқ бўлиб кетган.
88. Малов нашрининг урхун текстида **ўқу** ҳарфи ўрнида хато равишда **әт** ҳарфи босилган.

89. Бу ва бундан кейинги сатрлар бошидан Уркун ва Текинники билан қиёслансин.

90. Маловда иккинчи **ми** ўрнида **әр** ҳарфи босилган.
91. Маловда **зи** ҳарфи ўрнида **ән** ҳарфи босилган.
92. Ўзгаларда: Я стал ханом.
93. Ўзгаларда: теперь. Улар *амтықа* деб ўқиганлар.
94. Малов нашрида бу сўздан сўнг (қоп) бор, Радлов-Мелиоранский нашрида йўқ.

95. Малов нашрининг урхун текстида *ташығ* ўрнида *адынчығ* ифодаланган. Транскрипцияда иккиси ҳам бор. Радлов-Мелиоранский нашрида *адынчығ* йўқ.

96. Ўзгалар буни *йоғ (ғ) ару* деб ўқиганлар ва „к похоронам" деб таржима қилганлар. Ундан олдинги *öнг* сўзининг тушум формасида бўлиши мазкур сўзни жўналиш формасидаги от эмас, балки равишдош формасидаги феъл деб қарашни тақозо қилади.

97. Ўзгаларда: в течении семи суток.
98. Ўзгаларда: (потом по) Йолуг.
99. Буни *кv бäргvси* деб ҳам ўқиганлар ва „ноғора" ҳамда „хабарчи" деб таржима қилганлар.
100. „Камалак" бўлса керак деган тахмин ҳам бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унгин (Онгин) битигтоши

Бу битигтошни дастлаб иккинчи турк хоқонлигининг асосчиси Элтариш хоқон ва унинг хотини Элбилга хотун шарафига, сўнгра Қапаған хоқон шарафига қўйилган деб тахмин қилинган эди. Ж. Клосон битигнинг айрим ерларига тузатиш киритиб, юқоридаги фикрларнинг нотўғрилигини исботлади ва битигтош Қапаған билан Билга хоқонларнинг саркардаси Алп Элетмиш шарафига қўйилган деган қарорга келди.

Бу саркарда 731 йилда ўлган деб тахмин қилинади. А. А. Ражабов Унгин битигтошини 692 ёки 689 йилда Элтарас (Элтариш) хоқоннинг яқинларидан Ишбара тамған тарқан отаси Элетмиш Ябғу ва акаси Чур Йўға шарафига ўрнатган деган хулосага келди.

Битигтош Мўғулистондаги Кошо — Цайдам водийсидан 180 км жанубда, Унгин (Онгин) водийсига ўрнатилган ва ҳозир ҳам ўз ўрнида.

Битиг йигирма сатрдан иборат бўлиб, саккиз сатри (0) тошнинг юз томонига, тўрт сатр (0а) ўнг томонига ўнгдан юқоридан пастга қараб ёзилган ва етти сатр (0в) юқорида горизонтал ҳолатда ёзилган. Унинг бир сатри (0с) бошқа бир тошга ёзилган.

В. В. Радлов 1892 йилда битигнинг ретушсиз эстампажини „Атлас древностей Монголии" ёки („Атлас дер алтертхумер дер Монголей) (Мўғулистон обидаларининг атласи) да ва 1896 йилда шу атласнинг 3- китобида (83-лавҳа) ретушланган эстампажи билан бирга иккинчи марта нашр қилди. 1895 йилда ёдноманинг босма асл текстини, транслитерация ва транскрипциясини немисча таржимаси билан „Дие алттуркишен иншрифтен дер Монголей" (Мўғулистоннинг қадимги турк битиглари) номли китобида босиб чиқарди.

Ёдномани 1939 йилда Ҳ. Н. Орқун туркча таржимаси билан нашр қилди. Ундан кейин С. Е. Малов, В. В. Радлов ва Ҳ. Н. Орқуннинг таржималарини ҳисобга олган ҳолда битигнинг русчага таржимасини тексти билан нашр этди.

Унгин битигини инглизча таржимаси, тадқиқоти ва критик тексти билан 1957 йилда Жерард Клосон нашр этди.

Биз битигнинг ретушланган эстампажини ва босма текстини С. Е. Малов нашридан олиб, уни В. В. Радлов ва Ж. Клосон нашрлари билан солиштириб чиқдик. Қуйидаги жадвалда ўзимизнинг транскрипциямизни барча нашрлардаги фарқлар маъқул деб топилган вариантда бердик.

Унгин битиги нашрларидаги фарқлар[1]

Сатр ва сўз сираси	В. В. Радлов нашрида	С. Е. Малов нашрида	Ж. Клосон нашрида	Маъқул топилган вариант
0				Клосонники
1,3		Радловникидай		Радловники
1 охирги сўз				Клосонники
1,17 сўз биринчи ҳарф			Радловникидай	С. Е. Маловда босма хатоси
2,2		—·—		Клосонники

www.ziyouz.com kutubxonasi

1	2	3	4	5
4,8	[illegible]	—•—	[illegible]	—•—
4,20	[illegible]	—•—	[illegible]	—•—
4,21	[illegible]	—•—	[illegible]	—•—
4,22	[illegible]	—•—	[illegible]	—•—
4,23	[illegible]	—•—	[illegible]	Радловники
5,1	[illegible]	—•—	[illegible]	Клосонники
5,3	[illegible]	—•—	[illegible]	—•—
5,12	[illegible]	—•—	[illegible]	—•—
5, сатр охири	•		[illegible]	Клосонники
7,7	[illegible]		[illegible]	—•—
7,9	[illegible]		[illegible]	—•—
7,11	[illegible]		[illegible]	Радловники
7, охирги сўз	[illegible]		[illegible]	—•—
8,6	[illegible]		[illegible]	—•—
8,7	[illegible]		...	—•—
8,8	[illegible]		[illegible]	—•—
8,10	[illegible]		[illegible]	—•—
Оа² 1(9), 1, охирги ҳарф	↓		Нуқта қўйилган (аниқланмаган)	Радловника
1(9), биринчи кўп нуқтадан сўнг	[illegible]			
	[illegible]		[illegible]	
	[illegible]		[illegible]	
	[illegible]			
	[illegible]		[illegible]	—•—

www.ziyouz.com kutubxonasi

1	2	3	4	5
2(10), 13	[illegible]		[illegible]	Клосонники
2(10), кўп нуқтадан кейинги сўз	[illegible]		[illegible]	
3(11), 6	[illegible]		[illegible]	
3 (11), 20	[illegible]		[illegible]	
3(11), охиридан 5 сўз	[illegible]		[illegible]	
4(12), 3—4	[illegible]		[illegible]	
	[illegible]		[illegible]	Радловники
	[illegible]		[illegible]	
4(12), 15—24	[illegible]		[illegible]	
	[illegible]			
4(12), охирги сўз	[illegible]		[illegible]	
Ов 1,1	[illegible]	Радловникидай	[illegible]	Радловники
1,3	[illegible]		[illegible]	
2,1	[illegible]		[illegible]	Клосонники
3	[illegible]		[illegible]	
4	[illegible]		[illegible]	
5	[illegible]		[illegible]	
6	[illegible]		[illegible]	
7	[illegible]		[illegible]	

www.ziyouz.com kutubxonasi

[illegible] 1
[illegible]
[illegible] 2
[illegible]
[illegible] 3
[illegible]
[illegible] 4
[illegible]
[illegible] 5
[illegible]
[illegible] 6
[illegible]
[illegible] 7
[illegible]
[illegible] 8
[illegible]

Oa

[illegible] 1
[illegible]
[illegible] 2
[illegible]
[illegible]
[illegible] 3
[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible] 4
[illegible]
[illegible]

Ob

[illegible] 1
[illegible] 2
[illegible] 3
[illegible] 4
[illegible] 5
[illegible] 6
[illegible] 7

Oc

[illegible]

www.ziyouz.com kutubxonasi

Транскрипция ва мазмуни:[3]

О

(1) әчүмиз апамыз Йамы[4] қаған тöрт булунгуғ[5] қысмыш[6], йығмыш[7], йаймыш, басмыш. Ол қан йоқ болтуқда кәсрә әл йитмыш, ычғынмыш, қа...р[8]... (10 — 14 сўз ўчган)[9]
Яъни:
Ота-бобомиз Йами хоқон тўрт жиҳатни[10] ушлаб турган[11], бирлаштирган[12], тебратиб[13], тинчитиб турган[14]. Ул хон йўқ бўлгандан кейин давлат[15] йўқолган, қўлдан чиққан, тарқаб кетган...

(2) қағанладуқ қағанығ[16] ычғыны идмиш[17] турк[18] бодун öнгрә күн тоғсықынга, кәсрә[19] күн батсықынга тәги, бәрийә Табғачқа, йырайа йыш (қа тәги)[20]... (10 — 14 сўз ўчган).
Яъни:
Хоқонлик қилган хоқонини қўлдан бериб, ўз ҳолига қолган турк халқи шарққа — кунчиқарга, ғарбга — кунботарга, жанубга Табғачгача, шимолга йиш (гача)[21]...

(3) алп әрән[22] балбал қысды. Турк бодун аты йоқ болу бармыш әрти. Түрк бодун йитмәзүн[23] тәйин йолуқ[24] эрмәзүн[25] тәйин үзә тәнгри тәр әрмиш... (10—14 сўз ўчган).
Яъни:
Қаҳрамон йигитлар балбал[26] тикди[27]. Турк халқининг номи [ҳам] йўқ бўлиб кетган эди. [Аммо] турк халқи йўқолмасин деб, қурбон бўлмасин деб устдаги тангри айтган экан...

(4) Қапаған Элтәриш қаған элингә қылынтым[28]. Элəтмиш йабғу[29] оғлы Ышбара[30] Тамған чор[31] йабғу[32] иниси билгә Ышбара Тамған тарқан аймағлығ [... әл] әтмиш[33] [атым[34], т ...] (10—14 сўз ўчган).
Яъни:
Қапаған [ва] Элтариш хоқон давлатида вояга етдим[35]. Элетмиш ябғу ўғли, Ышбара Тамған чор[36] Ябғу иниси билга Ышбара Тамған тархон аймоғлиг Алп Элетмиш отим[37]...

(5) баса[38] Табғачда йырайа (а) т (ә) г[39] оғуз ара йәти әрән йағы болмыш, қангым ант [а][40] тәнгрикән [тә] йин анта йормыш, ишиг күчиг бәрмиш . . . (10 — 14 сўз ўчган).
Яъни:
Сўнгра Табғачдан шимолда . . .? (фалончи ёки фалон қабила), ўғуз орасида етти эр душман бўлган. Отам ўшанда тангрикан[41] деб у ерда юрган, хизматини ва меҳнатини қилган[42].

(6) тәнгрикәнкә ишиг бәртин тәйин йарлықамыш. Шад атығ анта бәрмиш болдуқда тоқуз оғуз (а) т (ә) г[43] йағы әрмиш, бәдүк әрмиш тәнгрикән йор . . . (10—14 сўз ўчган).
Яъни:
тангриканга хизмат қилдинг деб ёрлиқаган[44]. Шад[45] унвонини ўшанда берган. Шундай бўлганда Тўққиз ўғуз . . .? душман экан. Зўр экан. Тангрикан юр [иш қилибди] . . .

(7) йабыз бат биз, азығ öксүг[46] кöртиг әр [сиг]ти[47], сүлә [л] им[48] тәр әрмиш, амты[49] бәгләр-мә[50] тәр әрмиш, биз аз биз тәйин қоруқ[51]. . . (10—14 сўз ўчган).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яъни:
Жуда чаққонмиз[52] озни нуқсон кўрдинг (деб билдинг)[53], баланд келди. Ҳужум қилайлик дебди[54]. Энди беклар ҳам[55] дер эмиш [ки], биз озмиз деб қўриқ...

(8) қаңгым шад анча өтүнмис тәңрикән алмазун тәйин... (4—5 сўз ўчган) [бо] дун анта бәрмәзиңгә[56] таш[57]... (10—14 сўз ўчган).
Яъни:
Отам шад шундай ўтинган [ки], тангрикан [ни асир] олмасин деб... халқ шунда бермасликка ....

ОА

(1) қамуқ балыққа тәгдим қунладым[58], алтым, сүси кәлти, қарасын йығдым, бәги қачды ...г әрти. Табғач бодун,.. (5 тача сўз ўчган) тоқытдым; йығдым, басдым, йайдым... бузқунча
Яъни:
Ҳамма шаҳарга етиб бордим, торож қилдим[59], забт этдим. Лашкари келди, оддий аскарларини таслим эттирдим[60] беги қочди... .г эди. Табғач халқи... зарба бердим, бўйсундирдим, тинчитиб тебратдим ... мағлуб қилганча[61]

(2) кәлир әртимиз, әкин ара (а) т (ә) г йағы болмыш. Тәгимчи-мән[62] тәйин сақынтым тәңри. Билгә қағанқа, тақы[63], ишиг күчүг бәрсәгим бар әрмис әринч, тәгдүкин үчүн[64] ... санчдым[65], әбкә тәгдүкүм уруш қылып.
Яъни:
келаётган эдик, икки орада...? душман бўлди[66]. Алоқадорман[67] деб ўйладим. Олий зот Билга хоқонга ҳам меҳнатни ва кучни беражагим бор экан шекилли, забт этиш учун... бўйсундирдим. Уйга келганимда, уруш қилиб,

(3) тәгип, инимә, оғлыма анча өтәлдим: қан йоруп[68] Элтәриш қағанқа[69] адырылмадуқ, йаңгылмадуқ тәңри Билгә қағанта адырылмалым азмалым тәйин анча өтәлдим, кәрү[70] барығма[71] барды. Билгә қағаның бодуни ... (бир сўз ўчган) барды, өгән[72] атқа ишиг күчүг бәрти.
Яъни:
забт этиб, инимга, ўғлимга шундай насиҳат қилдим:
ота [м] бориб Элтарис хоқонга, [ундан] айрилмаган, айнимаган[73] Тангри Билга хоқондан айрилмайлик деб шундай насиҳат қилдим. Қайтиб борадиган борди. Билга хоқоннинг халқи... борди, шарафли ном учун меҳнатни қилди[74].

(4) үзә тәңри қоңй[75] йылқа йәтинч ай күчлүг али қағанымда адырылу бардыңгыз, билгә[76] атачым[77] йоғун, ал ур[78] ағыңгын қазғантым (сү) б, йәр[79], тәңри, өд[80]... (8—10 сўз ўчган) ч кирүр әрти[81].
Яъни:
Уст [имиз] да — тангри. Қўй йилида, еттинчи ойда қудратли қаҳрамон хоқонимиздан жудо бўлиб қолдингиз. Аллома отагинам, жанозанг, оқ-қизил йиртишингга эришдим[82]. Ер, фалак, олов... ч кириб эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ов

(1) атачымқа битиг ташығ
(2) ... (тоқыт) дым[83] бәңгигү
(3) [ташығ урды] м ...м[84]
(4) ... әдгү атачым
(5) ... кү бит...[85]
(6) ... ләр әдгү ч...[86]
(7) ...?[87]

Яъни:

(1) отагинамга битигтошни
(2) ...тарошлатдим, абадийлаштирувчи.
(3) тошни ўрнатдим.
(4) ... эзгу отагинам
(5) . . . ?
(6) . . . ?
(7) . . .?[88]

Ос

Ышбара қаған балбалы
Яъни:
Ишбара хоқоннинг балбали

ИЗОҲЛАР

1. Унгин битигидаги **м, б, г, т, ш** ҳарфлари Кошо-Цайдам битигларидаги шу ҳарфлардан шаклан фарқ қилади. В. В. Радлов ва С. Е. Маловлар Унгин битигини нашр этишда Кошо-Цайдам битиглари учун тайёрланган босма ҳарфлардан фойдаланганлар. Клосон битигни қўлда кўчириб, унинг фотонусхасини нашр этган. Биз бу ерда ҳамма ўринда ҳарфларнинг босма шаклини эмас, ёзма шаклини берамиз.

2. Ж. Клосон „Оа" (4-сатр) ни ажратмасдан уни „О" (1—8-сатрлар) га қўшиб, „Оа" нинг биринчи сатрини 9-сатр деб кета берган. Шунинг учун бошқа нашрлардаги „Оа" нинг 1, 2, 3, 4-сатрлари Клосонда 9, 10, 11, 12-сатр бўлиб қолган. Биз Клосонникини қавс ичида кўрсатамиз.

3. С. Е. Малов битигни транскрипция қилишда ва русчага ағдаришда ўзигача бўлган илмий ютуқларни ҳисобга олган. Шунинг учун биз битигнинг транскрипцияси билан таржимасини фақат С. Е. Маловники ва Ж. Клосонники билангина қиёслаймиз. Ж. Клосоннинг транскрипциядаги янгиликларидан қуйидагиларни қабул қилмаймиз: 1) ёзувда ифодаланган унлиларга чўзиқлик аломати (:) қўйиш; 2) урхун ёзувидаги айиргични вергул билан ифодалаш (биз буни фақат транслитерацияда вертикал чизиқ билан ифодаладик); 3) **нт** ва **лт** ҳарфларини **нд** ва **лд** тарзида бериш; 4) ҳозирги **й** ўрнидаги **д** ни тишора ундош қилиб бериш; 5) **б** ни баъзи ҳолатларда **в** деб бериш.

4. С. Е. Маловда: *Бумын*. С. Е. Маловнинг **й м ь** га урхун текстида **н** ҳарфини қўшишига ва уни *Бумын* деб транскрипция қилишига қуйидагилар сабаб бўлган бўлиши керак: 1) Кул тигин битигида Бумин хоқон ва Истами хоқон *ачум* ва *апам* деб берилган; 2) И. Марквартнинг *Йамы Бумын* бўлиши керак, *Бумын* эса Хитой манбаларидаги *Туминдир* деган фикри баъзи тарихчилар томонидан қабул қилинган (А. Бернштам. Социально-экономический строй орхоно-енисейских тюрок VI—VIII веков, М.—Л., 1946, стр. 39, 172—174).

Тумин биринчи турк хоқонлигининг асосчиси бўлган. Истами эса (Хитой манбаларида Исиги хан), унинг ўғли бўлиб, отаси ўлгандан сўнг 553 йилда хоқон бўлган (А. Бернштам, мазкур асар, ўша саҳифалар). Бошқа бир фикрга биноан Буминдан сўнг (552 йилда) қисқа муддатга унинг ўғли ёки укаси Коло, ундан кейин Мухан (553—572) хоқон бўлган (С. Г. Кляшторный. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии, М., 1964, стр. 20). Томсен ва Шедерларнинг фикрига кўра, *Бумын* исми *Тумын* билан *Буқан* (Мухан) нинг қўшилишидан келиб чиққан (С. Г. Кляшторный, мазкур асар, 20-бет, 17-изоҳ).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Клосон битигдаги *Йамы* ни *Бумын* эмас, *Истами* дейиш маъқулроқ, чунки урхун ёзувидаги с² т² ҳарфлари й¹ ҳарфига (б¹ v ҳарфларига нисбатан) яқинроқ, деб кўрсатади.

5. Тушум қўшимчаси -ғ, -г олдидаги унлининг лабланган вариантини баъзилар бермайдилар (*Булуңғығ* тарзида кўрсатадилар). Бундай ҳолларда лаб уйғунлигига риоя қилмасликка ҳеч қандай асос бўлмагани учун биз *булуңғуғ* деб кўрсатдик.

6. Клосон буни *өтмиш* деб ўқиган ва „тузди" деб таржима қилган.

7. Клосон **-мыс, -мис** даги **с** ни ҳамма ерда **ш** деб ўқиган.

8. Клосон *қачмыш әрти* деб тахмин қилган. Ўзгалар (Радловдан бошлаб) қачышмыс деб ўқиганлар.

9. Ҳар сатрда тош емирилиши натижасида ўчиб кетган сўзларнинг бундай тахминий миқдорини Клосон айтган.

10. Яъни шарқ, ғарб, жануб, шимол.

11. С. Е. Маловда: притеснил (сиқди, эзди). *Қыс-* феъли ҳозир *сық-* маъносида ишлатилса ҳам, битигда бу маънода эмас. Шунинг учун бўлса керак, Клосон битиктошда т² ҳарфини тасаввур қилган ва бу сўзни, Кул тигин ва Билга хоқон битигларида ҳам учрашини ҳисобга олиб, *өтмиш* деб ўқиган ва „о: ғинайад" (тузган) деб таржима қилган. Лекин *эт-* феъли бу ўринда маъно жиҳатдан унча тўғри келмайди. Шунинг учун биз, *қыс-* феълида „ушлаб турмоқ" маъноси ҳам борлигини ҳисобга олиб, *қысмыс* ни қолдирдик.

12. С. Е. Маловда: повалил (йиқитган). Бу таржима *йығ-* феълини *йық-* дан фарқ қилмаслик натижасидир.

13. С. Е. Маловда: победил (енгган); Ж. Клосонда: дистрибйу: тид (тарқатган). Бу ерда *йай-* феъли *йығ-* нинг зиди эмас. Маҳмуд Кошғарийда „тебратмак", „силкитмак" маъносидаги *йай-* феъли бор. Бу ердаги *йай-* ўша феълнинг кўчма (идора этиш) маъносида. Қиёсланг: *рўзғор тебратмак, оила тебратмак.*

14. С. Е. Маловда: раздавил (босиб ташлаган, эзиб ташлаган); Ж. Клосонда: сабжугейтид (бўйсундирган). *Йаймыс, басмыс* да тазод санъати бор: ҳам тебратган, ҳам босиб турган. „Тебратиш" дан мурод ишларни юргизиб туриш, „босиш" дан мурод исёнга йўл қўймаслик.

15. С. Е. Маловда: народ (халқ). *Эл* ўрнида *бодун* бўлса, бу таржима тўғри бўлар эди. *Эл* сиёсий бирлик тушунчасини ифодалайди.

16. Ж. Клосондан ўзгаларда: *қағаныи.* Бундай ўқилиш гап қурилиши ва мазмунига зарар етказмайди.

17. С. Е. Маловда: *ыдмыс.*

18. Ж. Клосон урхун ёзувидаги **к** ҳарфини **кv** деб ҳам ўқиш мумкинлигини кўрсатиб, битигдаги т² v р² к ни *түркv* деб ўқийди (181—182-бетлар) ва бу ерда *түркv бодун* туркча сўзлашадиган ҳамма халқни эмас, фақат *Түркv қағaн* га қарашли халқни билдиради, дейди (184-бет).

19. Ж. Клосонда: *кисрә.*

20. Ж. Клосондан бошқаларда: *тәгә.*

21. Ж. Клосон *йыш* ни „тоғ ўрмонлари" деб таржима қилиб, қавс ичида „Сибирь тайгаси" деб изоҳлайди (188-бет).

22. Ж. Клосондан бошқаларда: *әрин.*

23. Ж. Клосондан бошқаларда охирги унли **и**.

24. Ж. Клосон бу ердаги *йолуқ* ни Маҳмуд Кошғарийдаги „фидо" маъносидаги *йолуғ* билан маънодош деб кўрсатади (184-бет).

25. Ж. Клосондан бошқаларда охирги унли **и**.

26. *Балбал* — қаҳрамонларнинг мозори олдига у ўлдирган ҳар бир душман учун қўйилган тош устунча. Бу ўринда *балбал қысды* кўчма маънода: бир-бирини қириб ташлади.

27. С. Е. Маловда; Их героев — мужей он поставил балбалами.

28. Ж. Клосон нт ни нд тарзида ўқигани учун бундай формаларда **т** ни **д** (*қылындым* шаклида) деб берган.

29. Ж. Клосон *Йабғу* даги **б** ни **в** деб берган. А. Ражабов *Қапаған* ни турдош от сифатида қараб, „завоеватель" (фотиҳ) деб таржима қилган.

30. В. В. Радлов ва С. Е. Маловда: *Сабра.*

31. В. В. Радлов ва С. Е. Маловда: *чур.*

32. В. В. Радлов ва С. Е. Маловда: *йоға.*

33. Ж. Клосон *Алп Элитмиш* бўлиши керак дейди.

34. В. В. Радлов ва С. Е. Маловда: *йумғылыг бәс йәтмис әчим өтым.* Охирги сўзни *атам* деб ҳам ўқиш мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

35. С. Е. Маловда: Я, Каган был воспитан в преданности государству Эльтерес-кагана.

36. Буни кўпчилик *чур* деб ўқиб, мансаб билдирувчи унвон деб изоҳланади.

